

Мақлодди Наваҳонин



ҲИЗБУТ ТАҲРИРИНИҲ СИЁСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН
1425х – 2004м

Ҳизбут Таҳрирнинг сиёсий тушунчалари
1425 ҳижрий - 2004 милодий йил

Мундарижа

Муқаддима	4
Сиёсат мафкура ва тариқатдир	6
Сиёсий режалар ва услублар	11
Халқаро вазият	17
Халқаро норма ва халқаро қонун	27
Давлатлар ўртасидаги кураш сабаблари	47
Жаҳоннинг энг катта муаммолари	53
1. Европа масаласи.....	78
2. Яқин Шарқ масаласи.....	85
3. Узоқ Шарқ масаласи.....	102
4. Ўрта Осиё масаласи	109
5. Ҳиндистон ярим ороли масаласи	115
6. Африка масаласи.....	116
Олам бахтсизлигининг сабаблари	131
Дунё сиёсатига таъсир ўтказиш йули	143
Сиёсий онг	145

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

МУҚАДДИМА

Сиёсат умматни ички ва ташқи жиҳатдан бошқармоқдир. У давлат ва уммат томонидан амалга оширилади. Бошқарув бевосита давлат қўлида бўлади. Уммат эса ундан ҳисобот олиб туради.

Умматни давлат томонидан ички ва ташқи жиҳатдан бошқариш ичкарида мабдани ижро этиш билан бўлади. Бу ички сиёсат дейилади.

Умматни давлат томонидан ташқи жиҳатдан бошқариш бошқа давлатлар, халқлар ва умматлар билан бўладиган муносабатлар ҳамда мабдани дунёга ёйишдир. Бу ташқи сиёсатдир.

Ташқи сиёсатни англаш давлат ва уммат вужудини асраб қолишнинг мазмун-моҳияти, даъватни дунёга ёйиш имконини топишнинг асоси ҳамда умматнинг бошқалар билан бўладиган муносабатини энг тўғри тарзда тартибга солишнинг заруратидир.

Модомики Ислом уммати исломий даъватни барча одамларга етказиш мажбуриятини ўз бўйнига олган экан, дунё билан муттасил боғланиб, унинг аҳволидан хабардор бўлиб, муаммоларини идрок қилиб, давлатлар ва халқларнинг интилишларини англаб, курраи заминда рўй бераётган сиёсий ишларни кузатиб, давлатларнинг ўз сиёсий режаларини ижро этиш услублари хусусида, ўзаро муносабатлари хусусида, сиёсий музокаралари хусусида мулоҳаза юритиб бориш мусулмонлар зиммасидаги бурчдир. Шунга кўра, улар исломий олам позициясининг моҳиятини халқаро позицияни англаган ҳолда идрок қилмоқлари лозим. Токи ўз давлатларини барпо қилиш ва даъватни дунёга олиб чиқиш учун иш услубини аниқлаб олишга муваффақ бўлсинлар.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, халқаро позиция ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди, халқаро вазиятларга қараб ўзгариб туради.

Ҳар бир давлатнинг позицияси халқаролик жиҳатидан бир хил ҳолатда туравермайди. Кучли ва кучсизлиги, таъсир кучига эгаллиги ва эга эмаслиги, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлари ва бу муносабатларнинг ҳар хиллигига қараб ўзгариб туради. Шунинг учун халқаро позиция тўғрисида батафсил тўхталиш ҳам, маълум бир давлатнинг позицияси тўғрисида аниқ бир фикр айтиш ҳам мумкин эмас. Муайян даврдаги халқаро позиция тўғрисидагина батафсил тўхталиш мумкин. Шунда ҳам унинг ўзгариши мумкинлиги ҳисобга олинади. Муайян шароитлардаги маълум бир давлатнинг позицияси хусусида аниқ бир фикр айтиш мумкин.

Шунда ҳам унинг ўзгариш қобилияти назардан четда қолдирилмайди. Шунга кўра, сиёсатчи дунёда юз бераётган сиёсий ишларни кузатиб бориши, уларни ўзидаги собиқ маълумотлар билан боғлаши шарт. Шундагина у сиёсатни тўғри тушунишга, халқаро позициянинг ўзгариш ёки ўзгармаслигини англашга, ҳар бир давлат позициясини идрок қилишга, унинг шу ҳолича қолиш ёки қолмаслигини билишга муваффақ бўлади.

Халқаро позициянинг ўзгариши айрим давлатлар позициясининг ўзгаришига қараб бўлади. Маълум бир давлат кучли ёки кучсизлиги туфайли, бошқалар билан муносабатининг пухта ёки заифлиги туфайли ўз позициясини ўзгартирса, халқаро мезонда ўзгариш рўй беради. Негаки дунёдаги мавжуд кучлар мезонида ўзгариш бўляпти. Демак, халқаро позицияга таъсир кўрсата оладиган давлат позициясини англаш халқаро позицияни англашнинг асосидир. Шунинг учун асосий эътиборни ҳар бир давлат хусусидаги маълумотларни қўлга киритишга қаратмоқ лозим. Зеро, шундай қилиш сиёсий онгнинг илк ўчоғидир. Ҳар бир давлатнинг позицияси халқаро майдонда тутган ўрнига эмас, балки ўзининг ички ва ташқи сиёсатига алоқадор ишларига боғлиқдир. Шундан кўриниб турибдики, дунёдаги мавжуд давлатлар сиёсатининг асосини, яъни мафкурасини ўрганиш даркор. Ислом уммати ҳам уларга нисбатан ўзининг қандай ёндашишини аниқлаб олмоғи лозим. Шунингдек, улар қўллаётган услуб ва тактикаларни ҳам билиш керак ҳамда уларни доимий кузатув билан, ўзгариш миқдорини аниқлаш билан, ўзгаришга мажбурловчи омиллар ёки сабабларни англаш билан боғламоқ лозим. Айни пайтда бу давлатларга таъсир кўрсатадиган ёки услубларию тактикаларини ўзгартиришга мажбурлайдиган нарсаларни ҳам билиб олиш шарт.

СИЁСАТ МАФКУРА ВА ТАРИҚАТДИР

Давлатнинг бошқа халқлар ва умматлар билан муносабати сиёсатининг асосини ташкил қилувчи мафкура асосига қурилади. Мабдасиз давлатларда фикрлар турлича бўлиб, тез-тез ўзгариб туради. Улар хусусида сиёсий тактика ва услублар жиҳатидан ёндашиб гапириш мумкин, холос. Сиёсий мафкура жиҳатидан эса ёндашиб бўлмайди.

Мабдали давлатларнинг мафкураси барқарордир, яъни услублар ҳар қандай турли хил бўлмасин, улар ўз мабдаини барқарор тариқат орқали оламга ёядилар. Уларга сиёсий мафкура жиҳатидан ҳам ёндашилади.

Шундан келиб чиқиб, дунёдаги мавжуд давлатларга бошқа халқ ва миллатлар билан муносабати асосини ташкил қилувчи мафкурасининг барқарор ёки барарор эмаслигига, шу мафкурани ижро этиш тариқатининг ўзгармас ёки ўзгарувчанлиги, мафкураси ва тариқати асосида тузаётган режа ва услубларига қараб баҳо бермоқ лозим. Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бугунги кундаги дунё давлатлари услублар билангина кифояланиб, тизгинларини қўйиб юборяптилар. Тариқатга зид услубларни қўллашдан ҳам тоймаяптилар. «Ғоя воситани оқлайди» қондаси асосида юряптилар.

Нима бўлганда ҳам ҳамма давлат эҳтиёжга қараб ўзгариб турадиган сиёсий режалар тузади, вазиятга қараб турланиб турадиган услублар қўллайди.

Давлатлар ўз сиёсий фаолиятларида ўз халқлари манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бошқалар билан муносабатларини шу манфаатларга қараб белгилайдилар. Манфаатлар бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Мабдасиз давлатда унинг халқаро муносабатига таъсир кўрсатувчи омил ёлғиз манфаатнинг ўзи бўлади. Мабдали давлатда бундай омил мабданинг ўзидир. Манфаат эса ёрдамчи омил, холос. Шунга кўра, давлатга фикрлари, мабдали ёки мабдасизлигига қараб баҳо бермоқ лозим. Ана шунда унинг халқаро муносабатларидаги таъсир кўрсатувчи омиллар равшанлашади. Модомики давлатга, унинг халқаро муносабатларига, халқаро майдонда тутган ўрнига таъсир кўрсатувчи омил мабда экан, демак бугунги кундаги оламни бошқараётган мабдалар билан танишиб чиқиш ҳамда улардан ҳар бирининг халқаро сиёсатдаги кечаги, бугунги ва эртанги таъсир кучини аниқлаш лозим.

Бугунги кун оламига назар ташлар эканмиз, уни уч мабда бошқараётганини биламиз. Улар Ислом, коммунизм ва капитализмдир. Ҳар бир мабданинг юз миллионлаб одамлари бор. Бироқ, айни кунда Исломнинг ўз давлати йўқ. Шунинг учун уни халқаро муносабатларда ҳам, оламни бошқараётган халқаро майдонда ҳам учратмаяпмиз. Дунё давлатларининг Ислом уммати уйғона бошлаганини кўриб, Ислом давлатини қайта ҳаётга келтирмаслик учун қилаётган уринишлари халқаро майдонга боғлиқ ҳам эмас, халқаро муносабатларга таъсир ҳам кўрсатмайди. Негаки бу иш Исломни мабда сифатида кўтариб чиқадиган, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини унинг асосига қурадиган давлатни талаб қилади.

Аммо халқаро сиёсатнинг, хусусан Америка сиёсатининг Ислом минтақасини 2003 йилдаги «Катта Яқин шарқ лойиҳаси» каби шу минтақа устидан ҳукмронлик ўрнатиш мақсади кўзланган лойиҳалар орқали қайта шакллантиришга уринишига келсак, бу нарса Исломнинг ўша ўз давлати бўлиб турган даврлардаги каби халқаро сиёсатдаги таъсир кучининг эмас, балки Ислом давлати барпо бўлишининг яқинлашиб келаётганлигидан шу давлатлар юраги така-пука бўлаётганлигининг ифодасидир, холос.

Энди кейинги икки мабда хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳар бирининг ўз давлати, тўғрироғи ўз давлатлари бор. Шунинг учун улар халқаро муносабатларда ҳам, халқаро майдонда ҳам, халқаро сиёсатда ҳам ўз таъсир кучларига эгадирлар. Айниқса Совет иттифоқи бор пайтида бу нарса кўзга яққол ташланарди. Улар туфайли дунё икки лагерга - Шарқ ва Ғарб лагерларига ажраганди. Шарқий лагернинг қулаши билан Варшава шартномаси бекор қилиниб, дунёдаги икки қутб сиёсати ниҳоясига етди. Коммунизм Хитой билан Шимолий Кореядан бошқа биронта ҳам давлатда номига бўлса ҳам татбиқ этилмай қолди. Шу билан халқаро кураш барҳам топиб, ўрнини иқлим курашига бўшатиб берди. Негаки Совет иттифоқи қулаши билан унинг мафқураси халқаро сиёсатдаги ўз таъсир кучини йўқотди. Авваллари унинг ташқи сиёсатини ташкил этган мафкура, яъни коммунизмни дунёга ёйиш, эндиликда ҳатто татбиқ ҳам этилмай қўйди. Ҳамон коммунизм мабдасини ушлаган давлатларнинг ташқи сиёсати эса бу мафкура асосига қурилмади. Масалан, Хитой сиёсати коммунизмни дунёга ёйиш мафқурасига асосланган эмас. Хитой халқининг воқеига назар ташлайдиган бўлсак, унинг бутун тарих мобайнида қўшни Осиёга нуфузини ўтказиш билангина кифояланганини, бутун дунёда ўз нуфузига эга

бўлишга интилмаганининг гувоҳи бўламиз. Хитой халқининг шундай воқеи туфайли Хитой давлати ўзини бирон кун ҳам халқаро сиёсатда ўз таъсир кучига эга бўлган мавқе учун тайёрлаган эмас. Унинг барча ҳаракатлари ҳамон иқлимий нуфуз билан чекланишгагина қаратилган.

Капиталистик лагер сиёсатининг асосини ташкил қилувчи мафкура капиталистик мабдани дунёга ёйишдир. Бу мабда динни ҳаётдан ажратишдан иборат. Капиталистик мабдани қабул қилган давлатлар турли хил бўлишларига қарамасдан, ҳаммасининг мақсади капиталистик фикрий етакчиликни дунёга ёйиш, дунёнинг ўз нуқтаи назари билан бошқаришдир.

Капиталистик лагернинг ўз мафкурасини ижро этиш тариқати мустамлакачиликдир, яъни мағлуб халқлар устидан сиёсий, ҳарбий, сақофий ва иқтисодий зўравонликдир. Ҳукумат ва уларнинг қонунлари ҳар қанча турли хил бўлмасин, тариқат, яъни мустамлакачилик барқарордир, ўзгармасдир. Мустамлакачилик, Ленин айтганидек, «Капитализмнинг энг юқори босқичи» эмас. Балки у ундаги нуқтаи назарнинг таркибий қисмидир. Капитализмни бошқа халқлару умматлар орасида тарқатиш унинг тариқатидир. Шунга биноан, капиталистик лагернинг ташқи сиёсати мафкура жиҳатидан ҳам, тариқат жиҳатидан ҳам барқарор-ўзгармасдир. Давлатлар ўртасидаги фарқ ва рақобат уни ўзгартиролмайди. Британия ёки Америка бўладими, Франция ёки Италия бўладими, ҳаммасининг сиёсий асоси ўз мабдаси ва нуқтаи назарини халқлар ва умматларни мустамлака қилиш воситасида дунёга ёйишдир.

Ғарб лагерининг тариқати хусусида фикр юритганда шуни ҳам назардан қочирмаслик лозимки, бу тариқат - гарчи мустамлакачилик жиҳатидан ўзгармас бўлса-да, лекин уни амалга ошириш услублари борасида тариқат сифатидаги мустамлакачиликни мафкура сифатидаги капитализм билан боғлаш ёки боғламаслик ҳамда мустамлакачиликка турлича қарашлар эътибори билан айрим силжишлар бўлди. Аввало услублар ўзгаришига тўхталайлик. Қадимги мустамлакачилик, деб ном олган тариқат ҳарбий зўравонликка асосланарди. Янги мустамлакачилик номли тариқат эса бошқа ишларга таянди. Масалан, Америка иқтисодий жиҳатга суянди. Қарзлар бериш, тараққиёт режалари номи остидаги ишлар, мутахассислар алмашинуви ва ҳоказо. Айни пайтда сиёсий сиқувни ривожлантириш лойиҳалари ва тазйиқларни ҳам бўшаштирмади. Кейинроқ эса бу услублар ёнига ҳарбий зўравонлик услубини ҳам

қўшиб, куч билан бошқа миллат ва халқларга ўз нуфузини ўтказишга уринди. Нуфузини сақлаб қолиш учун мустамлака қилиб олган диёрларда ҳарбий базалар қуришга уринди. Англия эса малайлар тайёрлашга, инглиз разведкасига ёлланган шахсларга, малай ҳокимларга ва шубҳали савдо битимларига таянди. Молиявий аҳволи заифлашгани туфайли унинг қарзларга таяниши сусайди. Гарчи Кипр каби мустамлакаларида ёки уларга яқин жойларда ҳамон ҳимоячи ҳарбий базалар қуришга зеб бераётган бўлса-да, халқаро нуфузи заифлашгани сабабли ҳарбий базаларга таяниши ҳам заифлашди. Шулардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, услубларнинг ўзгариб туриши мустамлакачиликнинг бир белгисидир.

Энди мустамлакачилик хусусидаги, уни тариқат сифатида мафкура сифатидаги капитализмга боғлаш ёки боғламаслик эътибори билан юз бераётган турлича қарашларга тўхталамиз. Қарашлар шу боғлашнинг кучлилиги ва кучсизлигига қараб турланяпти. Боғлаш кучли бўлса, асосий эътибор капитализмни ёйишга қаратилиб, мустамлакачилик шунга хизмат қилувчи бир тариқат бўлиб қоляпти, холос. Боғлаш кучсиз бўлганда эса асосий эътибор мустамлакачиликка қаратилиб, капитализмни ёйиш иккинчи даражали иш бўлиб қоляпти. Мустамлакачиликнинг ўзи деярли ғояга айланяпти. Боғлашнинг кучли ёки кучсиз бўлиши мустамлака қилиниши кўзланган давлатларнинг ҳазорати бор-йўқлигига қараб бўлади. Ҳазорати бўлса, унга зўрлик қилиш, бойликларини тортиб олиш осон бўлиши учун унга бузуқ капиталистик ҳазоратни олиб кириш керак бўлади. Бордию ҳазорати бўлмаса, бу ишнинг ҳожати йўқ, яъни шундай ҳам мустамлакачиликни амалга ошириш мумкин. Бу ҳолат Фарб давлатларининг Африкани мустамлака қилишдаги курашларида яққол кўзга ташланади. У ерда капитализм мафкурасини ёйиш бировнинг хаёлига ҳам келмади. Негаки Уганда ва Руандадаги ички уруш йиллаб давом этди. Юз минглаб одамлар қурбон бўлди. Шунингдек, Заир (демократик Конго) ҳодисаларида ҳам Европа билан Американинг нуфуз талашишларию очкўзликларидан бошқа нарсани кўрмаймиз. Британия ва унинг Европадаги иттифоқдошлари ҳамда Америка Африкадаги моддий манфаатларга кўз олайтиришдан бошқа нарсани билмадилар. Шу билан у ердаги мустамлакачилик тариқатдан кўра кўпроқ ғояга ўхшаб қолди. Ислом олами, Яқин шарқ, Шимолий Африка, Ўрта Осиё ва унинг жануби-шарқидаги ҳодисалар эса бунинг аксини кўрсатади. Мустамлакачи давлатлар ва уларнинг бошидаги

Америка бу диёрларга сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий зугум ўтказиш ҳамда моддий бойликларини тортиб олиш учун кўп жиҳатдан капитализмни ёйишга ҳаракат қилди. «Аёл эркинлиги», «Аёлга имкон бериш» каби анжуманлар, Американинг Яқин шарқ учун тузган лойиҳаси, «Сақофатларни қайта тиклаш» номи остида сақофий назоратни йўлга қўйиши, динлараро суҳбатлар, ўзаро ҳазорат алмашишлар, муслмонларни исломий ҳазорат ва сақофат билан боғловчи риштани узиш учун таълим тизимини ўзгартиришлар шулар жумласидандир. Шундай қилиб, вақт ўтиши билан капитализм тариқати ривожланиб борди. Лекин барибир мустамлакачилик, тариқат бўлиб қолиши ёки гоёга айланишидан қатъий назар, капитализмнинг асосий рукнидир.



СИЁСИЙ РЕЖАЛАР ВА УСЛУБЛАР

Сиёсий режалар ва уларни амалга оширувчи услублар манфаат тақозоси билан ўзгариб туради. Режаларнинг ўзгариш суръати услубларникидан бироз камроқ бўлади. Халқаро сиёсатни кузатиб борган одам режа билан услубни бир-биридан фарқлайди. Режа умумий сиёсат бўлиб, мабдани ёйиш ёки тариқат тақозо қилувчи бирор ғояни амалга ошириш учун ишлаб чиқилади. Услуб эса ўша режани амалга оширишга ёки мустақамлашга ёрдам берувчи бирон хусусий масалага тегишли хос сиёсатдир.

Масалан, Американинг режаси халқаро қарорнинг бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар Ироқни босиб олиш, кейин эса босқинчиликка БМТ орқали халқаро қонунийлик тусини берувчи ҳукуматни барпо қилиш бўлган. Ироқ сайловлари орқали бошқа бир маҳаллий қонунийликни ҳам кўзлаган. Қарабсизки, бу ҳукумат Ироқ аҳлидан вакил сифатида босқинчилик кучларининг қолишига розилик билдирувчи ҳужжатга имзо чекиб турибди. Шу билан гўё мамлакат аҳолисининг розилиги ва талаби ҳамда халқаро қарор билан босқинчилик қонунийлаштириляпти. Натижада бошқа давлатлар ҳам, Хавфсизлик кенгаши ҳам Ироқнинг ички ишига аралашишдан четлатиляпти. Бир сўз билан айтганда, Ироқ тўлалигича Америка қўлига ўтяпти. Ироқнинг сайланган қонуний ҳукумати қолаверсин, бўлаверсин, деб турганидан кейин босқинчиликнинг қонунийлик тусини олиши табиий ҳол. Ана энди босқинчилик назорати остида Ироқнинг янги конституцияси тузилади. Федерализм баҳонаси билан давлат парчаланadi, фирқачиликка асос солинади, тоифачилик олови аланга олади, мусулмонлар бир-бирлари билан овора бўлиб, босқинчиларни қувиб чиқаришга ошиқмайдилар. Шунинг учун Америка Ироқни босиб олиш режасини амалга ошириш учун имкониятидаги барча восита ва услубларни қўллади. Кейин эса бу босқинчиликка халқаро ва маҳаллий қонунийлик тусини берди.

Бу режага муқобил ўлароқ, Франция режаси йирик давлатлардан Америка режасига қарши турувчи бир меҳвар ташкил қилишни тақозо қиларди. Унга Франция етакчилик қилиши керак эди. Бу режа Хавфсизлик кенгашининг Ироқни босиб олишга алоқадор америкача режаларни хаспўшлашига тўсқинлик қилди. Натижада Америка Хавфсизлик кенгаши картаси билан ўйнашдан батамом маҳрум бўлди, халқаро майдонда ноқонуний иш тутаетган давлат сифатида танилди. Ҳа, бир вақтлар халқаро қонун ҳимоячиси сифатида намоён бўлган Америка эндиликда

қонунбузар, зўравон тусини олганди. Франция Германияни шу даражада гиж-гижладик, ҳатто Америка таҳликага тушиб қолди. Россия ҳам Францияга ён босиб, Американинг Хавфсизлик кенгашидан фойдаланишига қарши чиқди. Шундай қилиб, Франция режаси муваффақият қозонди. Бу билан Америка босқинини тўхтатиб қўйгани йўқ. Бор-йўғи бу босқиндан қўзланган америкача ғаразларнинг шармандасини чиқарди, холос.

Британия режаси - ўта чигал ва ифлос режа. Сиртидан ўлжага шерик бўлиш учун Американи қўллаётгандек бўлиб кўринса-да, Американинг қўли баланд келаётган пайтда унга ён босса-да, имкон туғилиши билан унинг орқасига найза санчади. У халқаро майдонда Америка палласи оғир келаётган пайтда ўша тарафга ўтиб олди. Бошқа жиҳатдан эса Ироққа қарши ҳужум қилиш хусусида Хавфсизлик кенгашидан қарор чиқаришни сўраб, унга мурожаат қилишга мажбурлади. Ҳолбуки, бундай қарор чиқариш имкони йўқлиги унга олдиндан аён эди. Негаки у Франция, Россия ва Германия позицияларини яхши биларди. Шу билан Американинг миси чиқди. Қарорнинг бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар Ироққа ҳужум қилавериши фош бўлди. Буни Британия 2003 йил 20 сентябрда Блэр билан Ширак ва Шрёдер ўртасида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда таъкидлаб ўтган эди. Британияча сиёсий маккорлик! Икки давлат позициясини Америка позициясига қарши гиж-гижлайди, қўллаб-қувватлайди, ўзини эса аралаштирмайди, Американинг олдида оппоқ бўлиб тураверади. Британия Ироқ босиб олинганидан кейин ҳам, Америка босқинчиликни қонунийлаштириш учун БМТга лойиҳалар тақдим қилганидан кейин ҳам шу сиёсатида давом этаверди.

Яна бир мисол: Американинг Европа иттифоқи унга хавф солувчи бир бутун кучга айланмаслиги учун тузган режаси уч меҳварга асосланган. Улар қуйидагилар:

1. Европа иттифоқини Шарқий Европа давлатлари билан кенгайтириш. Бу давлатлар Американинг Иттифоққа таъсир ўтказишига хизмат қиладилар. Негаки уларни Американинг ўзи ясаган. Бу нарса Американинг Ироққа қарши тажовузини қўллаб-қувватлашларида намоён бўлди. Рамсфелд Европага эски, янги, деган номлар тақаб, унинг устидан кулишгача борди. Франция президенти Ширак бу давлатларнинг қилиқларидан қаттиқ газабга минди. Уларнинг Америка билан бир сафда туришлари Иттифоққа қабул қилиниш йўллари батамом тўсиб қўйишини уқтирмоқчи ҳам бўлди. Лекин барибир Европа иттифоқининг янги аъзолар қабул қилишига эътироз билдирилмади.

2. Варшава шартномаси бекор қилинганига қарамасдан НАТО ҳамон мавжуд бўлиб турибди. Бунинг устига аслида бўлганидек Европани мудофаа қилиш ўрнига ундаги хавфсизликка оид муаммоларга аралашуш учун иттифоқ стратегиясини кенгайтирди. Европа Америка бошчилигидаги бу иттифоқнинг ўзига нисбатан хатарлигини сезгач, Франция, Германия, Белгия ва Люксембург махсус европача кучларни ташкил қилишга келишиб олдилар. Қўшма штатлар бунга эътироз билдирди. То бу куч куртак очгунига қадар Европага қарши муаммолар туғдираверди.

3. Американинг Британия позициясидан фойдаланиши. Британия одатдаги айёрлиги туфайли Европа иттифоқининг битта кучга айланиб, ўзи эса унинг ичига сингиб кетиб, Люксембург каби бир чеккадаги давлат бўлиб қолишни хоҳламайди. У ҳамон ўз империясининг буюклиги билан гердаяди. Шунинг учун ҳам унинг иттифоқ тузилишига тўсқинлик қилаётганини, дўппи тор келиб бошқа иложи қолмагандан кейингина унга кираётганини кўрамиз. У ҳатто ҳозирга қадар Европа пул бирлигига - еврога шерик бўлгани йўқ. Ундаги империя тушунчаси уни қандай қилиб бўлмасин, халқаро майдонда ўйнайдиган рол излашга мажбур қилади.

Бунга қарши ўлароқ, Франция режаси Европа иттифоқини кучайтириш ва уни америкача бошпанага бас кела оладиган бошпанага айлантириш, Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО)дан мустақил тарздаги Европа қўшинини ташкил қилишдан иборат бўлди. Бу ишда Германияни ҳам ўзига қўшиб олишга кучи етди. Франциянинг Германия билан иттифоқ тузиши шу қадар ақлли иш бўлдики, ҳатто Британия ҳам ўлжадан қуруқ қолмаслик учун уларга қўшилишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, кейинроқ Франция Британия ва Германия билан биргаликда Американинг қаттиқ босим ўтказишига қарамасдан, мазкур қўшиннинг кўчатини экишга муваффақ бўлди. Шунингдек, бу уч давлат режаси Европа иттифоқи учун узоқни кўзловчи сиёсатларни ишлаб чиқиш борасида ҳам муваффақият қозонди. Иттифоқдаги майда давлатларнинг ҳам, Италия ва Испания каби ўз таъсир кучига эга бўлишга талабгор давлатларнинг ҳам аралашувлари четда қолиб кетаверди.

Шундай қилиб, Франция гарчи бошланишида Европа иттифоқини кучайтириш учун бир ўзи ҳаракат қилган бўлса-да, Германия ва Британия билан келишиб, Европанинг мустақил ҳарбий ядросини яратиш сари йўл топишга муваффақ бўлди. Агар бу давлатлар капитализмни қабул қилиб, фақат ўз

манфаатларини кўзловчи давлатларга айланмаганида эди, улар Қўшма штатларга қарши тура олувчи кучли Европа иттифоқини вужудга келтира олишар эди. Шунга қарамай, Франциянинг Германия ва Британия каби кучли давлатларга ўз режасини ўтказа олганлигининг ўзиёқ Америка ҳисобга олишга мажбур бўладиган таъсирли иш ҳисобланади.

Масалан, Россияни ҳатто иқлимий нуфузга ҳам эга бўлмаган кичик ҳажмдаги давлатга айлантириш учун Америка тузган режага келсак, бу режа асосан Россияни Болқон, Шарқий Европа ва Ўрта Осиёдаги нуфуздан маҳрум қилишга, Россия қудратининг муҳим омили бўлмиш ядровий арсеналларининг таъсир кучини йўқотишга ҳамда Американинг Россия устидан «фазовий уруш»да голиб келишини таъминлашга таянади. Бу иш учун у бир неча услубларни қўллади: Косово муаммосидан фойдаланиб, Югославия қўшинини (руслар билан ирқдош Сербия ва Черногорияни) бомбардимон қилди; Шарқий Европа давлатлари билан иқтисодий ва ҳарбий алоқалар ўрнатди; уларнинг кўпчилигини Шимолий Атлантика иттифоқига қўшди; терроризмга қарши курашдан фойдаланиб, Ўрта Осиё давлатларида ҳарбий базалар қурди; бунинг учун ўша давлатларнинг айрим ҳокимларини иқтисодий кўмаклар ёрдамида ўзига қаратиб ҳам олди; Афғонистонни босиб олди; ракеталарга қарши мудофаа тизимини ривожлантиришга таяниб, Россиянинг ядровий қалпоқчали баллистик ракеталари таъсир кучини йўқ қилмоқчи бўлди; Грузиядаги қашшоқликдан фойдаланиб, у ерда ҳокимият тепасига ўз малайларини олиб келди. Бу билан эса Россия ва НАТО аъзоси Туркия ўртасини ажратиб турган бу минтақа Америка чангалига тушди. Россияни «Мир» номли космик станциясидан воз кечиб, «Халқаро фазовий станция» (ХФС) номли халқаро космик станция билан шерикчилик қилишга кўндирди; Бу билан фазони забт этишдаги устунлигини кўрсатди. Хуллас, Америка Совет иттифоқини қулатиб, Россиянинг халқаро нуфузига барҳам берганидан кейин уни иқлимий нуфуздан ҳам маҳрум қилиш учун турли режалар тузишда давом этаверди.

Хитой билан ҳам аҳвол шундай. Америка уни бўйсундириш ва оддий давлатга айлантиришни лозим деб билади. Айниқса унинг буюк давлат бўлиши учун асослари йўқлиги Америкага қўл келади. Бироқ, у 90-йилларнинг ўрталарига келиб қувват касб қилди. Ўз иқлимидаги буюк давлатга айланди. Хавфсизлик кенгашида вето (қарорни бекор қилиш) ҳуқуқига эга бўлди. Унинг ўз иқлимига оид тамаълари, интилишлари бор. Аммо Қўшма

штатлар бунга рози бўлмайди. Чунки Хитой Американинг назарида фойдаланиш керак бўлган улкан тижорат бозоридир, қўлга ўргатиш керак бўлган аҳолиси кўп гигантдир. Токи у Американинг Шарқий Осиё минтақасидаги манфаатларига таҳдид сола олмасин. Шунинг учун ҳам Америка Хитойнинг ҳаётийлигини батамом ўчира олмаса ҳам, ҳеч бўлмаса уни тор майдонга қамаб қўйиш режасини тузди. Шунинг учун Америка Вьетнамни Хитой қаршисидаги бир тўғаноққа айлантириш учун Вьетнам билан бўладиган муносабатларини яхшилашга алоҳида эътибор берапти. Америка-Вьетнам муносабатлари яхшиланган тақдирда Вьетнам шундай тўғаноққа айланади. Шунингдек, Америка Корея ярим оролини Хитойга хавф солувчи олд хатар марказига айлантиришга уринмоқда. Шу мақсадда «ёвузлик ўчоғи» деган баҳона билан Шимолий Кореяга босим ўтказишни янада оширди. Айни пайтда Хитой чегараларига яқин жойлардаги ҳарбий базаларини сақлаб қолишга ҳам ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Ҳиндистонни Хитой билан бас келадиган давлатга айлантиришга ҳамда Осиё маркази ва Яқин шарқда стратегик иттифоқдошларни ва регионал ҳарбий иттифоқларни пайдо қилишга ҳаракат қилмоқда. Осиё марказида, Ҳимолайнинг нариги тарафидаги Хитойнинг ҳарбий чегаралари қаршисида ҳам ҳарбий базаларни қурди.

Шундай қилиб, сиёсий режалар ва услублар бевосита амалга ошириш учун тузилади. Бироқ, улардан кўзланган мақсад амалга ошмайдиган бўлса, ўзгартирилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шунингдек, қайси бир режадан фойда бўлмаса, давлат манфаатларига тўғри келмайдиган қийинчиликлар туғдирса у ўзгартирилади, тўғрироғи бошқа бир режа билан алмаштирилади. Бир услуб ўзгартирилдими, тамом, унинг ўрнига бошқа бир услуб қўйилади. Япония, Италия, Голландия, Белгия, Испания, Португалия каби анчадан бери сиёсий фаоллигини йўқотган, халқаро майдонда тутган мақомидан тушиб кетган, заифлашган давлатларгина режа ва услуб тузишдан тўхтайдилар.

Режалар ўзгаришига Американинг Германия учун тузган режасини мисол келтириш мумкин. Дастлаб Германияни ҳарбийлаштиришни қўзғаб Ғарбий Германия жумҳуриятини барпо қилишни режалаштирган бўлса, кейинчалик уни заифлаштириб, Шарқий Германия билан бирлаштириш ва қуролланишини чеклаш режасини тузди. 1990 йилга келиб эса Германияни Франция ва Британия билан рақобатлашувчи, бу иккиси билан Европа иттифоқи етакчилигини талашувчи кучли Европа давлатига

айлантириш учун иккала Германияни бирлаштириш тўғрисида ўйлаб қолди. Бу билан Америка Европанинг битта куч сифатида бирлашиш имкониятини анча заифлаштирган бўлар эди.

Американинг Хитой учун тузган режаси ҳам шундай бўлди. Аввалига уни қўллаб-қувватламоқчи, халқаро қутбга айлантирмоқчи, у билан муносабатларини яхшиламоқчи ва халқаро низом марказларидан бирига айлантириш, Совет иттифоқининг ўша пайтдаги халқаро мавқеини пастлатиш, икки душман коммунист иттифоқдошлар ўртасидаги жарликни янада улканлаштириш учун Хитой-Япония алоқаларини ўнгламоқчи бўлган бўлса, совуқ уруш тугаганидан кейин Хитойни тизгинлаш, ўзининг буюк девори ортига қайтариб юбориш режасини тузишга ўтди. Токи у Американинг Шарқий Осиёдаги манфаатларига хавф тугдирмасин. Айниқса Хитой бундай имкониятга эга бўлиб турган пайтда шундан бошқа иложи йўқ эди.

Американинг Исломий олам давлатларида қилган ишлари услублар ўзгаришининг мисолдир. Дастлаб у ўз малайларини ҳокимият тепасига олиб келиш учун ҳарбий инқилоблар ҳамда қарз, тараққиёт лойиҳалари, мутахассислар, ташвиқоту зўравонликка таянган бўлса, ҳозирга келиб, ҳарбий йўл билан ҳал қилиш, ҳар хил битимлар ва ҳарбий базаларга таяна бошлади. Бу билан ҳарбий мустамлакачилик ва Фарб империализми замонларини эсга солди.

Британия ҳам ўз услубларини ўзгартирди. Шартномалар ва ҳарбий базалардан воз кечиб, ёлланган ҳокимлар, иқтисодий ва қурулраниш битимларига таянди. Эндиликда эса Америка ортидан бориб, эски услубини янгидан қўллашга, яъни ҳарбий базаларига қайтмоқчига ўхшайди.

Сиёсий режалар ва услублар баёни - мана шу. Мусулмонлар шуни аниқ билиб олсинларки, Фарбий лагер ўзининг сиёсий мафкурасини ҳам, тариқатини ҳам ўзгартирмайди. Лекин ўз мабдаини ёйиш учун эски режаларию услубларидан воз кечиб, янги-янгиларини ишлаб чиқади. Унинг услуб ва режаларига барҳам берилса, улар ортидаги лойиҳалар ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Шунга кўра, сиёсий мафкура ва тариқатга қарши кураш сари юзланилаётган бир пайтда сиёсий курашни режа ва услубларга қаратиб, уларни фош этиш лозим. Бас, шундай экан, мусулмонлар ҳар бир давлат сиёсатининг режа ва услубларидан бохабар бўлмоқлари даркор.



ХАЛҚАРО ВАЗИЯТ

Халқаро вазиятни тушуниш ҳар бир давлат сиёсатини тушунишдан фарқ қилади. Айтиб ўтганимиздек, таъсир кучига эга бўлган давлатларнинг сиёсатини тушуниш унинг асосини ташкил қилувчи мафкура ва тариқатни тушунишга боғлиқдир. Халқаро таъсир кўрсатувчи муносабатларнинг структурасини, бошқачароқ қилиб айтганда, биринчи давлат ва унга рақобатчи давлатлар ҳолатини ташкил қилувчи халқаро вазият эса мафкура ва тариқатга эмас, халқаро муносабатларга ва давлатлар орасида бўлаётган биринчиликни эгаллаш, таъсир кучига эга бўлиш пойгасига боғлиқдир. Шунга кўра, халқаро вазиятни англаш лозим.

Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, халқаро вазият доим бир ҳолда туравермайди. Дунёдаги вазиятлар, ҳолатлар ва ҳодисаларга қараб ўзгариб туради. Шундай бўлса-да, унинг аниқ бир шаклини ифода этиш, у ҳақда батафсил гапириш мумкин. Лекин бу ифода ва гап маълум бир воқенинг тавсифи бўлиб, халқаро вазият ўзгарганидан кейин нотўғрига айланиб қолмайди, балки аввал бор бўлиб, кейин йўқолган, тарихга айланган нарсанинг тавсифи бўлиб қолаверади. Шу сабабли бўлаётган воқеликка, яъни янги халқаро вазиятга тавсиф бериш керак бўлади. Шунга биноан, бизнинг халқаро вазият шаклини ифода этишимиз, у ҳақда батафсил сўзлашимиз бўлиб ўтган ё бўлаётган ёки бўлиши кутилаётган воқенинг тавсифидир. Лекин шу билан бирга у ўзгармас иш, деб ҳисобланмайди. Шунинг учун сиёсатчи халқаро вазиятдан ҳам, халқаро сиёсатдан ҳам бохабар бўлиб, уларни ўз фикри билан солиштириши лозим. Ўшандагина бўлаётган ишлар унга ойдинлашади, улар устидан ҳукм чиқара олади.

Мусулмонлар халқаро вазиятни англашлари учун дунёдаги биринчи давлат позициясини ҳам, бошқа давлатларнинг унга ва дунё сиёсатига нисбатан тутган позициясини ҳам, тобе давлатларни ҳам, кимнингдир таъсири остидаги давлатларни ҳам, мустақил давлатларни ҳам билишлари керак.

Тобе давлат ўзининг ташқи сиёсати ва айрим ички масалаларида бошқа давлатга қарам бўлади. Масалан, Миср Америкага, Қозоғистон Россияга тобе бўлгани каби. Кимнингдир таъсири остидаги давлатнинг ташқи сиёсатини эса бошқа бир давлат билан қарамлик эмас, манфаат боғлаб туради. Масалан, Япониянинг Америкага, Австралиянинг Америка ва Британияга, Канаданинг Америка, Британия ва Францияга, ҳозирги

Туркиянинг Британия ва Америкага боғлиқлиги каби. Мустақил давлат эса ўзининг ташқи ва ички сиёсатини манфаатига қараб хоҳлаганича юритади. Масалан, Хитой, Франция ва Россия каби.

Халқаро сиёсат остига кирмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Улар мустамлакачиларнинг давлатлардан чиқиб кетиши оқибатида содир бўладиган ҳодисалардир. Бундай ҳолатлар халқаро сиёсат бобида ўрганилмайди. Улар ҳақида умумий гаплар айтиб бўлмайди. Ҳар бири алоҳида ўрганилиб, ҳар бирининг устидан алоҳида ҳукм чиқарилади. Масалан, 1958 йилги 14 июн инқилобидан кейин барча шартномалар бекор қилиниб, инглизлар Ироқдан чиқиб кетишгач, у худди Франция ва Англия каби мустақил давлатга айланди. Лекин унинг ўша пайтдаги ҳокими Америка томонидан ёлланган эди. Шунга кўра, Ироқ халқаро миқёсида мустақил бўлиб кўринса-да, аслида Америкага қарам эди. 1968 йилги 17 июн инқилобидан кейин эса ҳокимият тепасига инглиз малайлари келиб, Ироқ Англияга қарам бўлиб қолди.

Шундай қилиб, мустақил давлатнинг ҳокими кимга малай бўлса, ўшанга қарам давлатга айланади.

Мустамлака қилинган давлатларнинг барчаси бу ҳолатларни бошларидан кечирганлар. Ҳокимлар ўзгариши билан қўлдан қўлга ўтаверганлар. Улар сиртдан, халқаролик жиҳатидан мустақил бўлиб кўринсалар-да, аслида қарам бўлганлар. Лекин бу ҳолатлар жузъий ҳисобланиб, мустамлакаларни озод этиш, мустамлакачи давлатларнинг яна мустамлака қилишга уринишлари ёки бошқа давлатларнинг мустамлакалардан чиқиб кетаётган давлат ўрнини эгаллашга ҳаракат қилишларидан келиб чиқадиган айрим ҳолатлардир.

Дунёдаги биринчи давлатнинг позициясини англаб олиш жуда ҳам зарур. Негаки дунё сиёсатини тушунишда ҳам, халқаро вазиятни тушунишда ҳам унинг аҳамияти катта. Тинчлик пайтида халқаро майдонда биринчи мақомни эгаллаб турган давлат халқаро миқёсда ҳал қилувчи сўзни айтувни давлат ҳисобланади. Ундан кейин эса иккинчи мақомда турувчи давлат, яъни дунё сиёсатига таъсир кўрсата олувчи давлат туради.

Биринчи давлатга таъсир ўтказа олувчи давлатларгина бошқа давлатларга таъсир ўтказа олади. Таъсир кўрсатиш даражаси давлатнинг ички ва халқаро миқёсдаги қувватига қараб турлича бўлади. Масалан, давлат қанча қувватга ва қанчалик обрўга эга бўлса, биринчи давлатга, бинобарин халқаро сиёсатга шунчалик таъсир ўтказа олади.

Бугунги кунда биринчи давлатга, бинобарин дунё сиёсатига таъсир кўрсатишга уринишнинг ёрқин мисоли шу бугун (2004 йил)ги Британиядир. У дунёдаги биринчи давлат бўлмиш Америкага бироз таъсир кўрсата олиши, собиқ мустамлакаларига тинимсиз нуфузининг ўтиши билан дунё сиёсатига ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, Ироққа қарши Америка-Британия урушидан кейин Франция, Россия ва Германия бирлашиб, биринчи давлатга, бинобарин дунё сиёсатига таъсир кўрсатишнинг янги навини яратдилар.

Биринчи давлатга ҳам, дунё сиёсатига ҳам таъсир кўрсата олмайдиган давлатлар тобе ва кимнингдир таъсири остидаги давлатлардир. Тобе давлатнинг таъсири ҳожасига қанча хизмат қилишига қараб бўлади. Кимнингдир таъсири остидаги давлат эса, қайси давлатнинг таъсири остида бўлса, унинг таъсир кўрсатиши ўша давлатнинг кўмагига боғлиқдир.

Швейцария, Швеция, Испания, Голландия, Италия каби тобе ҳам бўлмаган, кимнингдир таъсири остида ҳам бўлмаган мустақил давлатлар биринчи давлат манфаатлари хавфсизлигини таъминласалар ёки унга таҳдид туғдирсалар, дунё сиёсатига таъсир кўрсата оладилар. Масалан, Италия билан Испания 2003 йилда Американинг Ироқни босиб олишига ёрдам бериш орқали унинг муҳим манфаатини ҳимоя қилдилар.

Шунга кўра, дунё сиёсатига таъсир кўрсатмоқчи ва уни ўз манфаатига қараб бурмоқчи бўлган давлат икки йўлнинг биридан бормоғи лозим. Ё биринчи давлатнинг халқаро вазиятдаги ҳақиқий манфаатларига сезиларли таҳдид солади ёки ўз манфаатидан келиб чиқиб унинг манфаатларини таъминлаши керак.

Сезиларли таҳдид йўли аниқ натижали йўл бўлади. Ўз таъсирини ва халқаро майдонда овози эшитилишини кафолатламоқчи бўлган ҳақиқий давлатга лойиқ йўл - мана шудир. Бировнинг манфаатини ҳимоя қилиш йўли эса қоронғу йўлдир, унга ишонч йўқ, мақсадга олиб бориши ҳам, ҳалокатга олиб бориши ҳам мумкин. Негаки у бир умматнинг вужуди, бир давлатнинг тақдири устидаги ақлсизларча ўйналаётган қимордир. Чунки буюк давлат манфаатлари ҳар қандай давлат томонидан таъминланиши, бу буюк давлатнинг обрў ва имконият жиҳатидан ўзидан пастроқ турган ҳар қандай давлат билан шу манфаатлар устида савдолашишига монелик қилмайди.

Масалан, Америка 2003 йилда доимий иттифоқдошлари бўлмиш Фарбий Европа давлатларини «Қари Европа», деб

тавсифлади-да, Ироқ масаласида уларнинг ўрнини босадиган давлатларни Шарқий Европадан қидира бошлади. Шунингдек, БМТга мурожаат қилиб, халқаро қонунийликни қўлга киритмай туриб, Ироқни босиб олишни нотўғри деб ҳисоблаб ўзини тарозига солаётган Британияга қарши ишора ҳам қилиб қўйди. Америка мудофаа вазири Рамсфелд: «Америка Британиясиз ҳам Ироққа кириб бора олади», деди.

Манфаатларга таҳдид солиш ва сезиларли таъсир кўрсата олиш учун давлатнинг мудофаа имкониятлари ва ички ҳукмронлигининг саришталиги етарли бўлмоғи даркор. Бунинг учун у тараққиёт, юксалиш йўлидан бориши, бошқачароқ қилиб айтганда, қўшнисидан бошлаб дунё бўйлаб тарқата оладиган мабдага эга бўлиши лозим. Токи ўзининг ички ишларига бировларнинг аралашшидан ўзини ҳимоя қила олсин. Токи у ҳудудини ҳимоя қилиш билангина чекланмай, ўз мабдаси ва нуфузини кенгайтириб, халқаро майдонда биринчи давлат билан рақобатлаша олсин.

Қайси бир давлат биринчи давлатни жойидан силжитмоқчи бўлса, сиёсий муҳитни ўз томонига оғдириши, бошқа давлатларни ўз сиёсати ва мафқурасига жалб қилиши лозим. Иккинчи жаҳон урушидан олдин Германия шундай қилган эди. Шундай қилинса, халқаро вазият қалқий бошлайди ва биринчилик унинг қўлига ўтади. Кўпинча бундай иш учун жаҳон уруши ёки маҳаллий уруш бўлиши, ҳеч бўлмаганда биринчи давлатга қарши аниқ уруш хавфи туғилиши ва унинг бу урушда рақобатдош давлатга муҳтож бўлиши керак бўлади.

Дунёдаги биринчи давлат мақоми, деган гап янгилик эмас. У қадимдан бор нарса. Масалан, қадимги дунё тарихида Миср биринчи давлат бўлган. Ироқдаги Ассурийлар бу тўғрида у билан рақобатлашган. Қадимги Рим биринчи давлат бўлган. Форс давлати у билан рақобатлашган. Ислом давлати Хулафои рошидинлар давридан бошлаб салибчилик юришига қадар биринчи давлат бўлган. Ҳеч ким у билан рақобатлаша олмаган. Франция биринчи давлат бўлган. У билан Англия рақобатлашган. Усманий давлат исломий халифалик давлати сифатида уч асрга яқин биринчи давлат бўлиб турган. XVII аср ўрталарига қадар у билан ҳеч ким рақобатлаша олмаган. Биринчи жаҳон урушидан олдин Германия биринчи давлат бўлган. Англия ва Франциялар у билан рақобатлашишган. Биринчи жаҳон урушидан кейин Англия биринчи давлат бўлган. У билан Франция рақобатлашган. Иккинчи жаҳон урушидан олдинроқ Британия биринчи давлат

бўлган. У билан Германия рақобатлашиб, Иккинчи жаҳон урушига қадар биринчиликни олиб қўйишига оз қолган. Урушда Америка ҳам иштирок этиб, у Американинг халқаро сиёсат ва халқаро майдонда биринчи давлатга айланиши билан якун топган. Негаки у халқаро сиёсатни ўз томонига оғдиролган. Халқаро вазиятни назорат қилиб турган. Сиёсий ишлар унинг истагига қараб ижро этилган. Шунга қарамай, ўша пайтдаги Совет иттифоқи, Британия ва Франция у билан рақобатлашишга уриниб кўрганлар. Дунё сиёсатига қайсидир даражада таъсир ҳам кўрсатганлар. Совет иттифоқи кучли таъсир кўрсатган бўлса, Британиянинг таъсири заиф бўлган.

Совет иттифоқининг Америка тарафига ўтиб, у билан шерик ва иттифоқдош бўлиши муваффақиятли чиқди. Англия орта чекинди, тубанлашгандан-тубанлашиб бораверди ва ниҳоят ҳозирги аҳволига келиб қолди. Тафсилотга киришадиган бўлсак, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Англия уруш зарбасидан ўзини ўнглай бошлади. Сўнг Американи жойидан силжитишга киришди. Америкага таъсир ўтказиш учун ҳар хил сиёсий ишлар қилди. Корея урушида номигагина қатнашди. Американинг урушга оид хабарларини Хитойга етказиб турди. Корея урушининг ҳақиқий иштирокчиси Хитой эди. Англия ўзининг ифлосона махфий йўллари билан Корея урушида Американинг халқаро майдондаги позициясига таъсир кўрсата олди, ўрнидан қўзғатди. Ҳинди-Хитой масаласи бўйича ўтказилган Женева анжуманида Шарқий лагер томонида туриб, унинг фойдасига қарорлар чиқартирди. Бунинг устига Американинг разведкага оид ва ҳарбий хабарларини Россияга етказиб турди. «U-2» самолёти ҳақида Россияга хабар берди. Натижада у уриб туширилди. Париж анжуманида Британия бош вазири Макмиллан Эйзенхауэрга қарши Хрущёв тарафига ўтиб олди. Қўшма штатлар президенти сифатидаги Эйзенхауэрни таҳқирлашга уринди. Оқибатда анжуман барбод бўлиб, Америка позицияси заифлашди. Шундай қилиб, Америкага зарба бериш учун кўп ишлар қилди. Унинг эгаллаган позициясига таъсир кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ, Америка буларнинг ҳаммасини сезиб турарди. Кейин Хрущёв Венада Кеннеди билан учрашди. Ўшандан бошлаб Англия ўзининг Америкага нисбатан ҳужумкор позициясини ўзини-ўзи мудофаалаш позициясига алмаштирди. Негаки Россия (Совет иттифоқи) Америка билан биргаликда Англияни дунёдан суриб чиқара бошлаган эди.

Совет иттифоқи Фарб лагерига қарши совуқ уруш оловини ёқарди. Фарбий лагердан ташаббус тизгинини тортиб олишга,

Американи жойидан қўзғатишга, биринчиликни эгаллашга уринарди. Бир неча ишлари муваффақиятли чиқди. Масалан, халқаро муаммоларни ҳал қилишда Американи ишончли қўрғонидан, яъни БМТдан кўчира олди. Муаммолар БМТдан айри ҳолдаги анжуманларда ҳал қилинадиган бўлди. Англияни ҳам Американинг тутган ўрнини кучсизлантириш, келишмовчиликларни кучайтириш учун у билан рақобатлашишга гиж-гижлади. Франция билан Америка ўртасидаги келишмовчилик жарини кенгайтди, кўпгина халқаро ишларга таъсир кўрсатди. Бундан ташқари фазо соҳасида ҳам, ядровий қуроллару қитъалараро баллистик ракеталар борасида ҳам Америкадан ўзиб кетди. Унга таҳдид солиш учун Кубада ҳарбий база қурди. Конго, Миср, Жазоир ва бошқа жойлардаги америкача услубларни шарманда қилди. Бироқ, бу ишлар Америкага таъсир қилган бўлса-да, уни ўрnidан қўзғатолмади. Улар бор-йўғи айрим халқаро сиёсий масалалардаги жузъий ютуқлар бўлди, холос. Лекин Совет иттифоқи совуқ уруш услублари билан Америкага ҳужум қилишдан то 1961 йилги Хрушчёв билан Кеннедининг учрашувига қадар умид узмади. Учрашув ўша йилнинг июн ойида Австрия пойтахти Венада бўлиб ўтиб, унда тарафлар дунёни бўлиб олишга келишиб олишди. Ўшандан бошлаб Британия ҳам, Франция ҳам дунё сиёсатидан тушиб кетди. Уни Совет иттифоқи билан Американинг ўзларигина бошқаришди. Британия дунё сиёсатида ўз фикрига эга бўлишга ҳар қанча уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади. Франция ҳатто де Голл даврида ҳам дунё сиёсати сари бир қадам ҳам ташлай олмади. 1989 йилга келиб Берлин девори ағдарулгунига қадар аҳвол шундай давом этди. Ундан икки йил ўтиб эса, Совет иттифоқи расмий тарзда тарқалиб кетди. Шу билан совуқ уруш барҳам топди. Россия Совет иттифоқининг расмий меросхўри бўлди. Лекин дунё сиёсатидаги иккинчилик мақомидан тушиб кетди. Янги халқаро вазият юзага келиб, Америка Қўшма штатлари биринчи марта шериксиз, ёлғиз ўзи қолди. Дунё аввал ҳеч бўлмаган халқаро босқичга кирди. Америка катта Буш даврининг охирига келиб якка ҳокимлик давлат сиёсатини тузмоқчи бўлди ва «Янги дунё низоми» терминини эълон қилди. Лекин бу низом муваффақият қозонмади. Термин ҳам, халқаро вазият ҳам ноаниқлигича қолаверди. 1992 йилда ҳокимият тепасига Клинтон келиб, янги халқаро низомни ўрнатди. У якка ҳокимликка эмас, устунликка таянарди. Клинтон бошқарувни шу янги низом устунларини мустаҳкамлашдан бошлади. Унинг энг эътиборли рукнларидан бири бошқа катта

кучлар билан шерикчилик қилиш сиёсатини қўллаш эди. Бу нарса Босния, Герцеговина ва Косоводаги Болқон муаммоларини ҳал этишда, Украина ва Белоруссиядаги ядровий қурооларни Россия билан ўзаро тил топишиб йўқ қилишларда ўз аксини топган. Шунингдек, Америка билан ўтмишда шарқий системанинг бир қисми ҳисобланган давлатлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш меморандуми имзоланди. Уларнинг айримларини имзолашда Британия билан Германия ҳам иштирок этди. Америка бу даврда шерикчилик сиёсатлари шарофати билан Фарбий Европа давлатлари билан ҳамкорликда Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО)ни кенгайтириб олди. Айни пайтда улар Европа иттифоқини кенгайтиришга ҳам муваффақ бўлдилар. Бу кенгайтиришлар Россия ва унинг нуфузи ҳисобига бўлди.

Бу давр Германия кучининг ошиши билан ажралиб туради. Совет иттифоқи заифлашди, Берлин девори қулади, Шарқий Германиядан тиргак олиб ташланди ва у Фарбий Германия билан энг юқори тезликда бирлашди ҳамда Европадаги энг катта иқтисодий кучга, Америка ва Европага яқин фаол таъсир кўрсатувчи сиёсий қувватга айланди, ҳатто у ҳақда Америкада ҳам, Европада ҳам, дунёда ҳам Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлармиш, деган овозалар тарқалди.

Бу янгича сиёсий вазиятга янгича иқтисодий вазият ҳам келиб қўшилди. Бозор сиёсати кенг кўламда йўлга қўйилди ва дунёга ҳукмини ўтказаяётган глобаллаштириш сиёсатида ўз ифодасини топди. Ширкатлар бирлашди, улканлашди ва ўз сиёсатларини ҳукуматларга ўтказувчи асосий иқтисодий ўйинчи сифатида майдонга тушди. Трансмиллий ширкатлар иқтисодчиларнинг тилидан тушмай қолди. 1995 йилда ГАТТ (Божлар ва савдо бўйича умумий битим) иттифоқи глобаллаштириш сиёсатларини қонун ниқоби остида ҳимоя қилувчи Жаҳон савдо ташкилотига айлантирилди. Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг роли кучайтирилди. Шу даражада кучайтирилдики, оқибатда бу учлик, яъни Жаҳон савдо ташкилоти, Валюта жамғармаси ва Жаҳон банки буюк давлатлар бошқа давлатларнинг иқтисодий сиёсатига аралашиш ва босим ўтказиш учун ишга соладиган қуроолга айланди. Американинг собиқ ташқи ишлар вазири Лоуренс Иглбергер ҳам, Халқаро валюта жамғармаси президенти Мишель Камдессю ҳам Сухарто (Индонезия) режимини ағдариб ташлашда валюта жамғармасини ишга солишганини тан олишган эди. Буни Сухартодан пулни девальвация қилиш (қийматини тушириш) сиёсатини юргизишни

талаб қилиш, бу сиёсатни қабул қилмаса қарз бермаслик билан таҳдид қилиш орқали амалга оширишди. Оқибатда Сухарто бу талабга бўйсуниб, пулни девальвация қилди ва шу сабабли ҳокимиятдан ағдариб ташланди.

Шунингдек, G-7 (яъни саноати ривожланган етти давлат) роли ҳам кучайтирилди. Бу иш Россияни ҳам уларга қўшиб, G-7 G-8 айланиши орқали амалга оширилди. Шундай қилиб, бу саккиз давлат, яъни Америка, Япония, Германия, Британия, Франция, Италия, Канада ва Россиялар дунёнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини бошқаришди. Агар уларга улкан иқтисодий салмоғи, ядровий қуролга эгаллиги, аҳоли сони, Хавфсизлик кенгашидаги доимий ўрни каби имкониятларга эга бўлган Хитойни ҳам қўшсак, гапимизни бироз ошириброқ айтишимиз, яъни дунёдаги буюк давлатлар тўққизта, дейишимиз мумкин. Бироқ, уларнинг кучи ҳар хиллигини эътиборга олиб, иккитасини - Италия ва Канадани олиб ташлашга мажбур бўламиз. Негаки улар дунё миқёсидаги ролни ўйнаш учун ҳеч қандай сиёсий ёки геосиёсий кучга эга эмаслар. Шу билан дунё сиёсатига таъсир кўрсатувчи давлатлар еттита бўлиб қолади. Улар: Америка, Британия, Франция, Германия, Россия, Хитой ва Япониядир. Уларнинг таъсир кучи турлича. Аввалги бештаси дунёнинг турли минтақаларида таъсир ўтказишга интилади. Американинг қолган тўрттасига нисбатан анча устунлиги ҳам бор. Олтинчиси, яъни Хитой ўзининг иқлимидагина таъсир кўрсатишга интилади. Еттинчиси, яъни Япония дунёнинг турли минтақаларида таъсир кўрсатишга интиладию, бироқ бу ишни иқтисодий асосда қилади.

Франциянинг собиқ ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин ўзининг «Франциянинг глобаллаштириш давридаги гаровлари» номли китобида шундай дейди: «Иқтисодий, технологик, ҳарбий, молиявий, тилга оид ва сақофий - барча жабҳаларни назорат қилувчи мана бу ягона куч (Америка) тарихда юз бермаган бир ҳолатдир». Сўнгра Ведрин давлатларни куч ва нуфуз жиҳатидан алоҳида синфларга бўлиб, шундай дейди: «Қўшма штатлар, шакшубҳасиз, дунёда биринчи ўринда туради. Иккинчи ўринни халқаро нуфузга эга бўлган етти давлат эгаллаган. Улар: Франция, Британия, Германия, Россия, Хитой, Япония ва Ҳиндистондир. Бунинг учун улар ҳамон иқлимий бўлиб келаётган қарашларини кенгайтириш хусусида бош қотирмоқлари лозим». У яна шундай деди: «Бундай синфда бўлиш меъёрлари кўп: Миллий даромад, технологик савия, ядровий қурол, қуролларнинг сифат ва миқдор даражаси, Хавфсизлик кенгаши, Саккизлик уюшмаси,

Европа иттифоқи каби халқаро ташкилотлар билан боғланиш, тилни ривожлантириш, мозийдан мерос бўлиб қолган сақофат таъсири ана шулар жумласидандир».

Лекин Ведриннинг бу фикридан кўра аниқроқ бўлган нарса шуки, XXI аср бошларида ҳеч қайси давлат бас келолмаётган гигант давлат бўлиши Америкадан кейин учта ҳақиқий йирик давлат турибди. Улар: Россия, Британия ва Франциядир. Уларнинг ортиданоқ Германия келяпти. Бу тўрт давлатнинг дунёнинг кўп жойларида халқаро миқёсдаги интилишлари бор. Улардан кейин Хитой турибди. У ўз иқлимида буюк давлатдир. Агар унинг халқаро интилишлари тор бўлмаганида, шу тўрт давлатнинг ҳаммаси билан ёки айримлари билан рақобатлашган бўларди. Япония эса иқтисодий жиҳатдан Америкадан кейинги иккинчи давлатдир. Шу билан давлатлар кучи қуйидагича тартибга солинса бўлади: Америка, Россия, Британия, Франция, Германия, Хитой ва Япония. Шу еттиликни буюк давлатлар дейиш мумкин. Ҳиндистон, Канада ва Италиялар эса шу еттиликдан кейинги ўринда турганларига ва улар билан қўшилиб, дунёдаги илғор ўнликни ташкил қилган бўлишларига қарамасдан, буюк давлатлар сирасига кирмайдилар.

XX аср ниҳояланиб, учинчи минг йиллик бошланиши билан кичик Жорж Буш идораси ўйин қоидаларини ўзгартирмоқчи бўлди. Клинтон тутган шерикчилик сиёсатини бекор қилиб, катта кучларга ўз сиёсатини мажбурлаб ўтказа бошлади. Киото шартномаси, Халқаро жиноятлар маҳкамаси, баллистик қуроллар тарқатишни қисқартириш учун тузилган SALT (Стратегик қуролларни чеклаш музокаралари) битими каби бир неча халқаро шартномалардан чиқиб кетди. 2001 йил 11 сентябр ҳодисалари юз бериб, Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази ва Вашингтондаги Пентагон биноси портлатилиши билан Америка ва буюк давлатлар ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашиб кетди. Бу портлатишлар Американинг якка ҳокимликка интилиши учун янги туртки бўлиб, у «терроризмга қарши кураш» деган баҳона билан Афғонистон ва Ироқни босиб олди. Сиёсий такаббурилик ҳукмрон бўлган Америка идораси «ё биз билан ёки бизга қарши» деган сиёсатни қабул қилди. Бу янги сиёсатга Европа ва бошқа давлатлар томонидан ғазабнок раддиялар билдирилди. Уни соддалик ва лақмаликда айбладилар. Америкаликлардан маслаҳатлашиб, шериклик билан иш тутишни талаб қилдилар. Улар эса Клинтон асосланган ўша қоидаларга қайтишдан бош тортишди. Вице-президент Дик Чейни, мудофаа вазири Рамсфелд,

унинг ўринбосари Волфовиц, мудофаа сиёсатлари кенгаши бошлиғи Ричард Перл, Дуглас Фейт, Жон Болтон, Кондолиза Райс кабилар бошчилигидаги «неоконсерваторлар» Буш қарорларига таъсир ўтказа олишди. Улар бутун кучлари ва нуфузларини ҳамда ўзларини қўллаб-қувватловчи ширкатларни ана шу сиёсатлар хизматига сафарбар қилишди.

Бу сиёсатларнинг энг кўзга кўринган белгиларидан бири БМТга, у чиқарган қарорларнинг қонунийлигига ҳам парво қилмаслик, Америка манфаатини биринчи ўринга қўйиш, халқаро қонунийлик шу манфаатга тўғри келса олиш, тўғри келмаса ташлаб кетавериш бўлди. Хавфсизлик кенгаши билан ҳам шундай муомала қилинди. Унинг чиқарган қарори ўзи учун фойдали бўлса олди, бўлмаса ташлаб кетаверди.

Европа Британия қиёфасида Америка идорасини ўз қобиғига ўралиб олишдан халқаро қонунчилик сари буришга уриниб кўрди. Бу ишда Америка ташқи ишлар вазири Колин Пауэллни ўзига жалб қилди. Президент Буш ҳам шунга мойил бўлди. Бироқ, неоконсерваторлар тўдаси бу уринишни барбод қилди. Шунинг учун Америка илгари бўлганидек, шерикчилик сиёсатлари борасида ҳам, халқаро ташкилот (БМТ)га фаол рол ўйнаш имконини бериш борасида ҳам ўзини билмаганга олиб тураверди.

Нима бўлганда ҳам, кичик Буш идораси Британия, Россия, Франция ва Германия каби буюк давлатларни халқаро сиёсатда ўйнайдиган ролидан четлата олмади. Аксинча, кичик Буш қўллаган бу сиёсатлар мазкур давлатларнинг позицияларини кучайтириб юборди. Негаки улар Американинг ёвуз ҳужумидан мудофааланиш учун жипслашишга мажбур бўлдилар. Натижада Франция, Германия ва Россия меҳвари ташкил топди. Бу меҳвар Британия билан махфий суратда ҳамкорлик қилиб, бу давлатларнинг халқаро сиёсатда таъсир кўрсатувчи улкан давлатлар сифатидаги мавқеларини қайсидир даражада мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.



ХАЛҚАРО НОРМА ВА ХАЛҚАРО ҚОНУН

Олдинги асрларда биринчи давлат бўлиш учун рақобатлашишда халқаро қонун билан боғлиқ бўлган сиёсий ишлар намоён бўлмасди. Негаки халқаро қонуннинг ўзи йўқ эди. Аксинча, у асрларда ҳарбий ишлар, урушлар, босқинлар кўзга ташланарди. XVIII асрнинг ўрталарига қадар ҳолат шундай давом этди. Шу вақтдан бошлаб, халқаро қонун кенгайиб борди, тўғрироғи, қонун тарзида шаклланди. Халқаро муносабатларда, халқаро муаммоларни ҳал этишда сиёсий ишлар муҳим жиҳатни эгаллай бошлади. Муаммолар ҳал этилишида, биринчи давлат зўравонлигини тўхтатишда, у эгаллаган мавқе учун рақобатлашишда ҳарбий ишлар ўрнини сиёсий ишлар босди. Ана шу кундан бошлаб халқаро муносабатларда халқаро қонунни ҳакам қилиш кўпайди. Халқаро муаммоларни ҳал этиш учун ё сиёсий ишларнинг ёлғиз ўзи ёки уруш ва босқинлар билан биргаликда қурол сифатида қўлланиладиган бўлди. Бу нарса 1919 йилдан кейин, яъни Миллатлар лигаси ташкил бўлгач, ошкоралик касб этиб, халқаро қонун ва халқаро нормалардан ҳукм сўраш ортди. Умуман барча давлатлар, хусусан биринчилик учун рақобатлашувчи давлатлар ва биринчи давлатнинг ўзи шуғулланадиган сиёсий ишларда халқаро норма ва халқаро қонун деб аталмиш нарсага суянишади. Демак, сиёсий ишларнинг воқелигини ва улар билан халқаро жиҳатдан шуғулланиш тарзини идрок қилиш учун халқаро норма ва халқаро қонунга бироз назар ташлаб чиқиш лозим.

Халқаро нормага келсак, у амирликлару давлатлар бор бўлганидан бошлаб мавжуд. У уруш ва тинчлик ҳолатида башарий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар жараёнидан келиб чиқувчи қоидалар тўпламидир. Гуруҳлар унга узоқ давр бўйсунганлиги натижасида у халқаро нормаларга айланди. Сўнг давлатлар учун ҳам улар қоидаларга айланиб қолди, давлатлар ҳам унга риоя қила бошладилар. Шу билан у қонунга ўхшаб қолди. Уларга риоя қилиш моддий эмас, маънавий бўлган. Негаки уларга раъйи оммдан хавфсираб итоат этилган. Уларга итоат қилмаган одам айбланиб, раъйи оммнинг жазосига йўлиққан. Исломдан аввалги арабларнинг шаҳри ҳаромда урушни ман қилишлари мана шу қабилдандир. Шунинг учун ҳам Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг сарияси (отряди) Амр ибн Ҳазрабийни ўлдириб, икки қурайшлик кишини асир қилиб, тижорат карвонини олиб қўйганида Қурайш ҳамма жойда «Муҳаммад ва унинг асҳоби шаҳри ҳаромни поймол этди, ноҳақ қон тўқди, мол-мулкни талади, одамларни асир олди, бу

билан у халқаро урфга зид иш содир этди», дея жар солиб, раъйи оммни пайғамбаримизга қарши гиж-гижлади.

Шундай қилиб, барча башарий гуруҳлар ўртасида урфлашган қоидалар бўлиб, урушда ҳам, тинчликда ҳам унга бўйсунардилар. Элчилар, элчихоналар, уруш ўлжалари кабилар ана шулар жумласидандир. Бироқ, бу урфлар элчилар каби барча бўйсунадиган умумий ва муайян гуруҳларгина бўйсунадиган хусусий урфларга бўлинган. Бу урф давлатлар ва амирликларнинг эҳтиёжларига қараб, бошқачароқ қилиб айтганда, башарий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар эҳтиёжларига қараб ривожланиб борган. Одамлар раъйи омм сифатида бу урфларни ўзларига ҳакам деб билганлар. Уларга амал қилмаган одам айбланган. Фақат маънавий таъсирнинг ўзи билан уларга хоҳлабми, хоҳламайми эргашилган. Уларни татбиқ қиладиган ҳеч қандай моддий куч бўлмаган. Башарий гуруҳлар мана шу урфларга таяниб, сиёсий ишларни амалга оширганлар.

Халқаро қонун эса Усманий давлатда гавдаланган Ислом давлатига қарши куч сифатида вужудга келган. Чунки Усманий давлат Исломий давлат сифатида насороларга қарши жиҳод эълон қилиб, Европага юриш бошлаган. Уларнинг диёрларини бирма-бир фатҳ этган. Юнонистон, Руминия, Югославия, Албания, Венгрия, Австрияларни маҳв этиб, Вена деворларигача борган, Европа насороларининг юрагига гулгула солган. Натижада насороларда Ислом қўшини енгилмасдир, мусулмонлар жангда ўлимга парво қилмайдилар, чунки улар, ўлсам, жаннатга кираман, деб эътиқод қиладилар, қадар ва ажалга ишонадилар, деган умумий урф пайдо бўлган. Мусулмонлар шижоати ва матонатини кўриб, улар билан юзма-юз бўлишдан қочганлар. Натижада уларнинг диёрлари Ислом салтанатига осонгина бўйсундирилган. Европа насронийлари у пайтларда князликлар ва феодаллар мулкларидан иборат бўлиб, алоҳида-алоҳида давлатчаларга бўлинган эдилар. Ҳар бир феодал ўз ерида ҳукмрон бўлган. Шунинг учун қирол бу княз ва феодалларни жангга мажбурлай олмаган. Бу нарса мусулмонларнинг уларни фатҳ этишида қўл келган. Ўрта асрларга, яъни XVI асрнинг охирига қадар Европа мана шу аҳволда давом этди. Кейин эса Ислом давлатига қарши тура оладиган битта оила бўлиб бирлаша бошлади. Черковнинг ўзи бу ишга бош бўлди. Бирлаштирувчи асос насроний дини бўлди. Шунга кўра, бир неча давлатлар мажмуидан иборат насроний оилани ҳосил қилиш учун уринишлар бошланди. Ўзаро муносабатларни тартибга солишга киришилди. Шундан тартиб-қоидалар юзага келиб, кейинчалик улар халқаро қонун деб аталди.

Демак, халқаро қонуннинг пайдо бўлишига насроний Европа давлатларининг исломий давлатга қарши туриши учун насронийлик робитаси асосида бирлашувлари замин бўлган. Бу нарса халқаро насроний оила номли уюшманинг пайдо бўлишига олиб келган. Улар ўзаро маълум қоидаларга келишиб олганлар. Бу давлатлар вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари тенглиги, мабда ва фикрларининг муштараклиги, маънавлари ҳар хил бўлишига қарамасдан олий руҳий салтанатни католик папага топширишлари ана шулар жумласидандир. Бу қоидалар халқаро қонун «униб чиққан уруғ» эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу насроний давлатларнинг бирлашуви дастлаб ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмади. Чунки келишилган қонун-қоидалар бу давлатларни бир иттифоққа келтиролмади. Феодализм низоми давлат кучини кесиб турарди. Унинг ташқи алоқалар билан бевосита шуғулланишига йўл бермасди. Черков ҳукмронлиги давлатни бошқарув ва мустақиллигидан маҳрум қилиб, ўз тобесига айлантирганди. Шунинг учун ер эгаларига қарши жанг бўлиб, давлатнинг галабаси билан яқунланди. Бу билан феодализм низоми завоқ топди. Айни пайтда давлат билан черков ўртасида уруш чиқди. Ва ниҳоят, черков салтанати давлатнинг ички ва ташқи ишларидан четлатилди. Бироқ, давлат насронийлигича қолди. Бор-йўғи давлат билан черков ўртасидаги муносабат давлатнинг мустақиллигини таъкидлайдиган тарзда тартибга солинди. Бу нарса Европада кучли давлатларнинг вужудга келишига олиб келди. Шунга қарамасдан, улар Ислон давлатига қарши тура олмадилар. XVII асрнинг ўртасига, яъни 1648 йилга қадар ҳолат шундай давом этди. Шу йилда насроний Европа давлатлари бир анжуман ўтказдилар. У **Вестфалия** анжумани деб аталди. Унда насроний Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг мустаҳкам устунлари ўрнатилди. Ислоний давлат муқобилида насроний давлатлар оиласи қад кўтарди. Анжуман халқаро қонуннинг тақлидий қоидаларини белгилади. Бироқ, у умумий халқаро қонун бўлгани йўқ. Фақатгина насроний Европа давлатларининг халқаро қонуни бўлди. Ислоний давлатнинг халқаро оилага кириши ёки унга халқаро қонуннинг татбиқ этилиши ман қилинди. Ана шу санадан бошлаб халқаро ҳамжамият дунёга келди. У монархия давлатлари бўладими, жумҳурият давлатлари бўладими, католик давлатлари бўладими, протестант давлатлари бўладими, ҳеч фарқсиз, барча насроний Европа давлатларидан тузилди. Ишнинг бошида Фарбий Европа давлатлари билангина чекланилган бўлса, кейинчалик бошқа насроний Европа давлатлари ҳам унга жалб қилинди. Кейинроқ

эса Европадан ташқаридаги насроний давлатларни ҳам ўз ичига олди. Ислом давлатининг бу оилага кириши ман этилди. Бу ҳол XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар давом этди. Аянчли аҳволга тушиб, «касал одам» номини олганидан кейин Усманий давлат халқаро оилага киришни илтимос қилди. Илтимоси рад этилди. Қаттиқ туриб талаб қилавергач, унга жуда оғир шартлар қўйилди. Халқаро муносабатларда Исломни ҳакам қилиб олмаслик ва айрим Европа қонунларини киритиш ана шулар жумласидандир. Усманий давлат бу шартларни қабул қилди ва уларга бўйсунди. Шу билан халқаро муносабатларда исломийлигини йўқотиб, 1856 йилда халқаро оилага киритилди. Кейинчалик халқаро оилага Япония каби насроний бўлмаган давлатлар ҳам кирди. Шунинг учун ҳам 1648 йилда ўтказилган Вестфалия анжумани халқаро қонуннинг тақлидий қоидаларини тартибга солган, деб ҳисобланади. Мана шу қоидалар асосида сиёсий ишлар ва халқаро ҳамжамият фаолиятлари мумтоз тарзда намоён бўлди.

Бу қоидаларнинг энг кўзга кўринган икки эътиборли мафкураси мавжуд: **1. Халқаро сиёсий мувозанат мафкураси;** **2. Халқаро анжуманлар мафкураси.** Халқаро сиёсий мувозанат мафкураси шуни тақозо қиладики, бирон бир давлат бошқа бир давлат ҳисобига кенгаймоқчи бўлса, барча давлатлар бирлашиб, уни бу ишдан қайтардилар ва шу билан урушлар олдини олувчи, тинчликни ёювчи халқаро сиёсий мувозанатни сақлаб қоладилар. Халқаро анжуман эса турли Европа давлатларидан тузилади ва Европа манфаатларидан келиб чиқиб, муаммоларга ечим излайди. Кейинчалик бу мафкура ривожланиб, дунё ишларини буюк давлатлар манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилувчи анжуманларга айланди. Мустамлакачи ва буюк давлатлар салтанатини юксалтиришга уриниш оқибатида дунё дуч келаётган барча қийинчиликларнинг асоси мана шу икки мафкурадир.

Бу икки мафкуранинг илк қўлланилиши XIX аср бошига - Наполеон даврига тўғри келади. Париж коммунаси рўй бериб, озодлик, тенглик, шахслар ва халқлар ҳуқуқини эътироф этиш асосидаги фикрлар кенг тарқалгач, Европанинг сиёсий харитасини ўзгартириш, қадимги давлатларни йўқ қилиб, янги давлатлар тузиш имконини топди. Ана шу пайтда Европа давлатлари мувозанат баҳонаси билан бирлашиб, Францияга қарши отланди. Наполеон мағлуб этилгач, 1815 йилда бу давлатлар Вена анжуманида йиғилдилар. Мувозанат ва халқаро насроний оила ишларини тартибга солиш масаласи қайта кўриб чиқилди. Пруссия ва Австрияга подшоҳлик тузуми қайтарилди. Швеция билан Норвегия ўртасида федерал иттифоқ тузилди. Белгия Голландияга

қўшиб юборилиб, Франциянинг кенгайишига йўл қўймайдиган битта давлатга айлантирилди. Швейцария доимий бетарафликда қолди. Анжуман қарорларини ижро этиш учун иштирокчи давлатлар ўзаро иттифоқ туздилар. У Пруссия, Россия ва Австрия подшоҳлари ўртасида Англия қироли розилиги билан бўлиб ўтган битим эди. Кейин унга Франция қўшилди. Яъни, буюк давлатлар ўртасида бошқа давлатларни босиб олиш учун иттифоқ тузилди. Кейинчалик 1818 йилда Россия, Англия, Пруссия, Австрия ва Франция ўрталарида **Икс-ла-Шапел** шартномаси тузилиб, унда Вена анжуманининг муваффақиятларига таҳдид солувчи ҳар қандай қўзғолонни бостириш учун қуролли аралашига келишилди. Шундай қилиб, бу беш буюк давлат ўз-ўзидан халқаро ҳамжамиятдаги, яъни халқаро насроний оиладаги низом ва хавфсизликни ҳимоя қилувчи ташкилотга айланди. Кейинчалик салтанатини кенгайтира бориб, Усманий давлат заифлашганидан сўнг айрим исломий ўлкаларни ҳам ўзига қўшиб олди. Бу давлатлар тинчликни сақлаш баҳонаси билан кўп жойларга, 1821 йилда Неаполга, 1827 йилда Испанияга, 1826 йилда Португалияга, 1840 йилда Мисрга дахл қилдилар. Америкага ҳам дахл қилмоқчи бўлишиб, Испаниянинг Америкадаги мустамлакаларини қайтариб олишига ёрдам беришга уринишди. Лекин Қўшма штатлар ҳисоблашмаса бўлмайдиган кучли давлатга айланиб бўлганди. Қўшма штатлар президенти Жеймс Монро 1823 йилда «Монро доктринаси» номи билан маълум ва машҳур бўлган ушбу баёнотини берди: **«АҚШ ҳеч бир Европа давлатининг Америка қитъасидаги ишларга дахл қилишига, унинг бир парчасини ҳам босиб олишига йўл қўймайди»**. Шундан кейин анави давлатлар аралашига ботинолмадилар.

Халқаро қонуннинг асли - мана шу. У бировларнинг ишларига аралашшни оқловчи асос, буюк давлатларнинг бошқа давлатлар устидан ҳукм юритишига имконият яратиб берувчи асос, давлатлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ёки биринчи давлат билан рақобатлашиш учун олиб борадиган сиёсий ишларнинг таянчидир. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, халқаро қондалар гоҳида ўзгариб ҳам туради. Бироқ, бу ўзгариш ҳар доим буюк давлатлар фойдасига, уларнинг манфаатларини кўзлаб, бошқачароқ қилиб айтганда, дунё бойликларини ўзаро урушларсиз, қуролли тўқнашувларсиз бўлиб олиш мақсадида юз беради. Негаки XIX аср мустамлакачилик асри бўлди. Йирик давлатлар кичик давлатларни мустамлака қилишга итдек ташланди. Бу мустамлакачилик жараёнида катта уруш даражасигача бормаган низолар келиб чиқди. Лекин Англия,

Франция ва Россия Германиянинг кучини кўрсатиб, уларга таҳдид солаётганини, Ироқдаги Ислом диёрининг нефтларини олиб қўйиши, Эрон ва Араб жазирасидаги нефт борасида Англияга ҳам хавф туғдираётганини кўришгач, ўзаро иттифоқ тузиб, унга қарши уруш эълон қилдилар. Усманий давлат урушда бу иттифоқдошларга қарши Германия тарафига ўтди. Уруш иттифоқдошлар галабаси билан якунланди. Кейин Россия иттифоқдан чиқиб, унда Франция, Англия ва Америка қолди. Америка ҳам бир чеккага чиқиб олди. Майдонда Англия билан Франция қолди. Бу икки давлат ўзаро мустамлакачиликни тартибга солиш, қуролли тўқнашувнинг олдини олиш учун Миллатлар лигасини ташкил қилишди. Бироқ, бу лига ўта зиддиятли ҳолатда дунёга келганидан ташқари оқсоқланарди ҳам. Негаки йирик давлатлар сиёсати ўзгармаганди. Сулҳ анжуманида ҳаммасининг ташвиши турли кучлар ўртасидаги мувозанатни юзага келтириш, ўз манфаатларини ҳимоялаш, Германия ва Усманий давлат мулкларини тақсимлаб олиш эди. Мустамлакачи давлатлар ўз суверенитетига тил тегизтирмасди, мустамлакаларини сақлаб қолган эди. Унга «мандат (ваколат) остидаги давлатлар», деган алдоқчи ном билан янги хилдаги мустамлакаларни қўшишди. Оқибатда Миллатлар лигаси халқаро тотувлик ва тинчлик ўрнатишга уринишида каловланиб қолди. Тинчликни, яъни мустамлакалар устида низо чиқмасликни кафолатлаш учун халқаро битимлар тузишга ҳаракат қилди. Масалан, бу лига ҳомийлигида 1924 йилда Женева протоколи имзоланди. Ундан мақсад низоларни тинч йўл билан бартараф этиш ва ҳукм сўраб Миллатлар лигасига мурожаат қилишга мажбурлаш эди. 1925 йилда эса **Локарно** шартномалари тузилиб, икки тарафлама кафолат ва муштарак ҳамкорлик йўлга қўйилди. 1928 йилда **Келлог-Брайнд** шартномаси тузилиб, урушни қўллаш тақиқланди. 1928 йилда **Женева шартномаси** тузилди. У, хусусан, мажбурий ҳакамликка доир бўлди. Лекин бу битимларнинг барчаси Миллатлар лигасининг муваффақиятсизлигини тўхтатиб қололмади. Унинг кўз ўнгида бир неча урушлар олови ёнди. 1933 йилдаги Хитой-Япония уруши, 1936 йилдаги Италия-Эфиопия уруши, Германиянинг 1939 йилда Австрияни, худди шу йили Чехословакияни, 1939 йилда Полшани босиб олиши, худди шу йили Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқиши ана шулар жумласидандир.

Халқаро муносабатлардаги айрим ўзгаришлар - мана шулар бўлиб, анжуманлар халқаро хавфсизликни сақловчи халқаро ташкилотга айланди. Лекин бу ривожланиш ҳеч нарсани ўзгартирмади. Йирик давлатлар Иккинчи жаҳон урушига қадар

ўлжа талашишда давом этаверди. Урушдан кейин бу давлатлар халқаро муносабатларни тартибга солишнинг энг қулай воситаси бир халқаро ташкилот барпо этишдир, деган фикрга келдилар. Дастлаб урушга кирган давлатлар ташкилоти тузилган бўлса, кейинчалик у кенгайиб, халқаро ташкилотга айланди. Дунёнинг барча давлатлари унга кириши мумкин бўлди. Халқаро алоқалар шу ташкилот хартияси (низоми) билан тартибга солинди. Бу билан эса халқаро алоқалар дунёга ҳукмронлик қилиш, ўлжаларни ўзаро бўлиб олиш, бошқа йирик давлатнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун тузиладиган йирик давлатлар анжумани шаклидан халқаро муносабатларни тартибга соладиган, йирик давлатлар ҳукмронлигини кафолатлайдиган халқаро ташкилотга, ундан кейин эса олам давлати сифатида дунё давлатларини бошқарадиган, уларга ўз ҳукмини ўтказадиган халқаро ташкилотга айланди.

1815 йилги Вена анжуманидан кейинги халқаро вазият тўрт йирик давлатда гавдаланарди. Улар - Пруссия, Россия, Австрия ва Англия эди. Франция уларни ўрндан қўзғатмоқчи бўлиб, олам харитасини, халқаро вазиятни ҳам ўзгартириб, биринчи давлатга айланган эди ҳамки, йирик давлатлар унга ташланиб, умидларини пучга чиқаришди. Кейин эса дунёга ҳукмронлик қилишда уни ўзларига шерик қилиб олишди. Шу билан халқаро вазият шу беш давлатда ўз ифодасини топди. Англия аста-секин ўзини кўрсатиб, биринчи давлатга айланди. Германия у билан рақобатлашиб, исломий диёрлар нефтини қўлга киритмоқчи эди, Англия, Франция ва Россия унга қарши иттифоқ тузиб, жанг қилишди ва унинг умидларини пучга чиқаришди. Англия дунёнинг аксар қисмини мустамлака қилиш билан ажралиб турарди. Унинг улуши бамисоли арслон уруши эди. Францияни «дастурхондаги нон ушоқлар» билан, яъни унга айрим мустамлакаларни бериш билан рози қилди. Сўнг халқаро вазият Англия, Франция ва Италияда гавдаланди. Бироқ, Англия ҳамон биринчи давлат эди. Кейин Миллатлар лигаси дунёга келди. Гарчи у дунё хавфсизлигини сақлаш деган ниқоб остида тузилган бўлса-да, уни пайдо қилишдан асл мақсад биринчи давлат мақомини сақлаб қолиш, бошқа давлатларнинг у билан рақобатлашишини тақиқлаш, биронта ҳам давлатнинг йирик давлатга айланишига йўл қўймаслик эди. Германия яна бир бор биринчи давлат бўлишга даъвогар бўлиб, йирик давлатга айланган эди, аввалига Англия билан Франция, кейинроқ эса Англия, Франция, Россия ва Америка иттифоқ тузишиб, унга қарши Иккинчи жаҳон урушини очдилар-да, уни маҳв этдилар.

Бироқ, бу сафар уруш Англиянинг зиёнига якун топди. Чунки у урушдан «қовургаси синиб» чиқди. Ундан голиб бўлиб чиққан давлат Америка бўлди. Шунинг учун халқаро куч Англиядан Америка қўлига ўтди ва Америка биринчи давлатга айланди. Халқаро вазият Америкада - биринчи давлатда гавдаланди. Унинг рақобатчиси Совет иттифоқи эди. Англия ва Франция эса халқаро майдонда иккинчи даражага тушиб қолишди.

Иккинчи жаҳон уруши якунлангач, халқаро вазиятда янги бир омил пайдо бўлди. У дунёнинг икки халқаро лагерга ажралиши эди. Бу нарса халқаро низони кескинлаштириб, халқаро вазиятни чигаллаштириб юборди. Бундай ҳолат мана шу тарзда аввал ҳеч рўй бермаганди. Тўғри, Биринчи жаҳон урушидан ҳам аввал халқаро вазият блоклардан тузилган эди. Лекин улар лагер эмасдилар. Урушдан аввал у демократия ҳамда нацизм ва фашизм диктатураси жабҳаларига бўлинарди. Бироқ, бу бўлиниш мабдали лагерлар шаклида эмасди. Негаки нацизм ҳам, фашизм ҳам мабда эмас ва мабда бўлолмайди ҳам. Шунинг учун Иккинчи жаҳон урушидан олдин мабдаий маънодаги лагерлар бўлмаган эди. Урушдан кейин эса олам икки халқаро лагерга ажралди. Улар ғарбий ва шарқий лагерлардир. Америка ғарбий лагердаги биринчи давлат деб, Россия (Совет иттифоқи) эса шарқий лагердаги биринчи давлат, деб ҳисобланар эди. Ғарчи бу икки лагер мабда асосида курашсалар-да, ўзаро манфаатлар устида тортишсалар-да, бу ишларни халқаро асосда қилардилар. Негаки мабданинг бир ўзи икки лагерга ажралиш маркази эмасди. Унинг ёнида халқаро манфаатлар ҳам турарди. Бу халқаро манфаатлар шарқий лагерда коммунизм мабдаси ва уни ёйиш тақозосига қараб бўлса, ғарбий лагерда миллий манфаатларга мувофиқ ва ҳаётдаги ҳамма ишларни манфаатдорлик билан ўлчовчи капиталистик мабда асосида бўларди. Шунинг учун ғарбий лагерда мабдаси тўғри келмаса ҳам, манфаатлар тўғри келадиган давлатлар бор эди. Шарқий лагерда эса бу нарса кўзга ташланмасди. Шунга кўра, шарқий лагер давлатларининг ҳаммаси коммунистик бўлиб, бошқа мабдали биронта ҳам давлат бўлмаган. Негаки унинг маркази мабда эди. Ғарбий лагер эса парчаланиб ётарди. Шунинг учун уни заифлатиш, ундаги айрим давлатларни шарқий лагерга оғдириш имкони бор эди. Айни пайтда ундан уруш ҳолатида ҳам, тинчлик ҳолатида ҳам халқаро вазиятга таъсир кўрсата олувчи учинчи бир лагер пайдо бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди.

Ғарбий лагерга чуқур назар ташлаган одам, Американинг биринчи давлатлик мақомини эгаллашидан келиб чиққан ички бўлинишни ҳам топарди. Бу мақом аввал Британияники эди.

Америка эса ўзини халқаро вазиятдан четга олганди. Бу бўлиниш махфий эмасди, ошкора кўриниб турарди. Жаҳон урушини кечга сурувчи омил ҳам мана шу эди. Биринчи давлат халқаро сиёсатда аввалги Британияга ўхшаб лагернинг етакчиси сифатида иш юритмади, аксинча, қўшинни ўз ҳукми остида тутадиган қўмондондек иш юритди. Бамисоли қўмондон қўшинни бошқарарди. Шунинг учун ҳам заиф давлатлардан кўра Британия каби кучлироқ давлатлар биринчи давлатга нисбатан кўпроқ гина ва адоват сақлади. Бу ишнинг таги Америка сиёсатига бориб тақалади. Чунки у Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабасидан кейин хўжайинликни ҳамма давлатлардан тортиб олишни, бутун дунёга ўзи хўжайин бўлишни лойиҳалаштирди. Кучи ва бойлиги билан ғурурланди, ўзидан кетди. Бутун дунёга мен бошчи бўлишим керак, барча халқлару давлатлар менинг кўмагим билан, менинг кўнглимга қараб иш қилишлари лозим, деб қолди. Шунга кўра Европага, хусусан Англияга қарши аввалига сиёсий ишлар ва молиявий режалар билан, кейинроқ эса мустамлакаларда ҳарбий тўнтаришлар қилиш билан ҳужум бошлади. Илгари дунёдаги биринчи ва энг кўп мустамлакага эга бўлган давлат Англия эди. Ундан кейин Франция, кейин эса Голландия турарди. Америка Маршалл лойиҳасида, кўмак ва қарз беришда мустамлакаларнинг ўрнига мустамлакачи давлатларнинг ўзига ҳужум қилди. Бунинг уддасидан чиққач, мустамлакаларга юзланиб, аста-секин уларни ўз салтанатига қўшиб ола бошлади, биттасини ҳам қолдирмасди. Бироқ, унинг иш услуби Европа давлатлариникидан тубдан фарқ қиларди.

Шу билан Ғарб лагери давлатлари ўртасида ихтилоф кучайди. Бу янгилик эмас эди. Иккинчи жаҳон урушидан аввал ҳам бор эди. Фақат у пайтда бир лагердаги эмас, икки давлат ўртасидаги иқтисодий ихтилоф эди. Бора-бора бир лагердаги сиёсий ихтилофга айланди. Бу ихтилофнинг таги иқтисодий муаммоларга, хусусан, нефт муаммосига бориб тақалади. Негаки унга алоқадор битимлар Британия билан Америка ўртасида бўлиб ўтганди. Британия Американинг қўллашига муҳтож эди. Худди шунинг учун ҳам бу икки давлат ўртасида, бинобарин, Ғарбий лагер давлатлари ўртасида ихтилоф чиқди. Британия Биринчи жаҳон урушидан кейин ўз мавқеини эгаллагач, у билан Франция рақобатлашарди. Рақобат очиқчасига бўларди. У бир томондан Германияни кучайтириш билан, иккинчи томондан мустамлакаларда миллий ва маҳаллий ҳаракатларни қўзғаш билан Францияга муаммолар тугдириб, уни Германия хавфидан сақланиш билан банд қиларди, бир сўз билан айтганда, уни заифлаштиришга ҳаракат қиларди.

Бироқ, халқаро вазиятда Италия иши ва Германия иши пайдо бўлиб, Британия ва Франциянинг мавқеига таҳдид солувчи куч сифатида майдонга келди. Рим-Берлин меҳвари вужудга келди. Британиянинг Американи узлатидан чиқариши шарт бўлиб қолди, уни Шарқ нефтига қизиқтирди, нефт битимлари тузилди. Бироқ, Америка нефт қидириш ишларини бошлар экан, унинг ширкатлари Шарқ нефтининг нималигини билиб қолишди. У фақат иқтисодий фойдага нисбатангина эмас, Америка борлигининг ўзи учун ҳам анча қийматга эга эди. Шунинг учун нефт конлари ва имтиёзларини инглиз ширкатларидан тортиб олишга киришди. Улардан устун бўла бошлади. Натижада Англия ва Америка ширкатлари ўртасида рақобат юзага келди. Америка ширкатларининг Шарққа чиқиши билан Америка узлатидан чиқди. Кейин Иккинчи жаҳон уруши бўлди ва Америка мустамлакачиликда биринчи давлат мақомига кўтарилди. Англия, Франция ва Голландия эса тушиб кетишди. Голландия ожизлиги туфайли тамом бўлди. Англия ҳам Шарқдаги айрим нуфузини, Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги айрим нуфузини, майда давлатлардаги айрим нуфузини бой бериб, халқаро миқёсдаги мавқеи тубанлашгандан-тубанлашиб кетди. Америка уни бутун дунёдаги нуфузидан маҳрум этиш учун таъқиб қилишда давом этди. Франция бўлса Узоқ Шарқ ва Африкадаги мустамлакаларидан жудо бўлгач, заифлашиб қолди. Де Голл уни тиклашга, халқаро нуфузини қайтаришга уриниб кўрди, бироқ уни худди аввал бўлганидек, халқаро майдонга олиб чиқолмади, у бор-йўғи йирик давлат деган номини сақлаб қолди, холос.

Мана шулардан кўриниб турибдики, Фарбий лагернинг Иккинчи жаҳон урушидан кейин ва совуқ уруш асносида ажралиб, бўлиниб кетиши ундаги Америкадан бошқа барча давлатларни заифлаштириб юборди. Зеро, Америка уларнинг мустамлакалари, куч ва нуфузларини олиб қўйиш билан биринчи давлатга айланди, тутган мавқеи кучайди. Британия ўз иттифоқчиси Америкага таъсир кўрсатиш, уни биринчи давлат мақомидан тушириш учун маълум муддат сиёсий манёврлар олиб борди, қисман ҳарбий ҳаракатлар ҳам уюштирди. Бора-бора Америкага таъсир ўтказиш фикридан қайтиб, ўз манфаатларини ҳимоялаш билан чекланди. Негаки у айниқса Америкадек иқтисодий ва ҳарбий қудратга эга бўлган гигант давлат қаршисида ўзининг ожизлигини, қуввати синиб бўлганини англаб етганди. Хуллас, Фарб лагери парчаланган, бўлинган бирлик бўлгани учун ҳам барча давлатлари келишмовчилигу ихтилоф ботқоғига ботиб, манфаатлар устида ёқа йиртишар ва бир-бирларига тузоқ қўйишарди.

Шарқий лагер эса ёлғиз мабдага асосланган бўлиб, ўтган асрнинг 60-йилларига қадар ўзини йўқотмади. Уни мафкуравий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам Россия (Совет иттифоқи) бошқарди. Совет иттифоқи бир томондан раҳнамо мақомида бўлса, иккинчи томондан ҳимоячи ва қўмондон мақомида турарди. Шунинг учун ҳам унинг давлатлари орасида фикрий ва сиёсий етакчилик борасида Россия (Совет иттифоқи) билан беллашадигани йўқ эди. Ҳатто иттифоқ сиёсатига эътироз билдиришга биронта давлатнинг ҳадди сиғмасди. Мабодо шундай бўлиб қолса, ҳарбий куч билан бўлса ҳам унинг оғзи ёпилиши аниқ эди. Шарқ лагерининг ички сиёсати Сталин давридан бошлаб давлат аппарати кучайтириш, ҳам мудофаа ва ҳам ҳужум учун ҳарбий қўшин кучларини тайёрлаш асосига қурилганди. Ташқи сиёсати эса капитализм билан социализмнинг тинч яшаши мумкин эмаслигига асосланганди. Шунга кўра, у капитализмни мудом ўзининг сиёсий душмани деб биларди. Аслида ҳам у мафкуравий душман эди. Иккинчи жаҳон уруши бўлганда Совет иттифоқи Англия, Франция ва Америка билан ҳамкорлик қилди. Маълум муддат ёнма-ён яшадилар. Лекин ночорликдан юз бераётган бу истисноий ҳолат уруш тугаши биланоқ барҳам топиб, Совет иттифоқи билан Фарб давлатлари ўртасида сиёсий алоқалар давом этиб турган бўлса-да, совуқ уруш рўй бера бошлаганди. Сиёсий муносабат БМТда, халқаро анжуманларда, дипломатик муомалаларда, вакилликларда ўз ифодасини топарди. У коммунизмнинг асосий сиёсатидаги ўзгаришни эмас, бор-йўғи турли сиёсий услубларнинг бирини ифодаларди, холос. Фарбий лагерга нисбатан коммунистик сиёсат Совет иттифоқининг асоси бўлган мафкурадан келиб чиқарди. Гап шундаки, коммунистик мабда капитализм билан коммунизм ёнма-ён, тинчгина яшаши мумкин эмас, улардан бири иккинчиси устидан голиб бўлиши шарт, деган мазмунни ҳам ўз ичига оларди. Коммунизмга оид барча китоблар бу икки мабда ўртасидаги низонинг барҳам топиши мумкин эмаслигини уқтирарди. Ленин ҳам, Сталин ҳам - ҳамма коммунистлар ҳам худди шу фикрда бўлишган, бу борада ихтилоф бўлмаган. Қайси бир коммунист - сиёсатчи ҳоким ёки бошқа бўлишидан қатъий назар, капитализм билан коммунизмнинг ўзаро тотув яшашлари сиёсатини маъқуллагудек бўлса, коммунист мафкураининг ташқи сиёсатига қарши чиққан ҳисобланарди.

Икки лагернинг мабда жиҳатидан, сиёсий жиҳатдан ва халқаролик жиҳатдан тутган ўрни - мана шу. Бироқ, 1961 йилдан бошлаб ҳар икки лагерда халқаролик жиҳатдан ўзгариш юз бердики, бу нарса уларнинг асл вазиятларини ҳам, халқаро

вазиятни ҳам ўзгартириб юборди. Гап шундаки, бу икки лагер 1956 йилдан бошлаб безовта бўла бошлади. Ривожланишга киришиб, лагерларни батамом парчалаб ташлади. Оқибатда икки лагер икки давлатга айланди, қолди: Қўшма штатлар ва Совет иттифоқи. Бу икки давлат ўз лагерларидаги бошқа давлатлар билан мутлақо ҳисоблашмай қўйди.

Коммунистик лагер ҳақида тўхталадиган бўлсак, коммунистик давлат миллий асосга эмас, мабдаий асосга қурилган. Бунинг маъноси, бутун ер юзи коммунистик давлат бўлиши керак, деганидир. Бу асос икки ишни тақозо қилади: 1. Доимий ички сафарбарлик ҳолатида бўлиш ҳамда социализмни ёйиш учун иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан жиддий тайёргарлик кўришдир. Бунинг учун халққа сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мудом қаттиқ босим ўтказиб туриш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам коммунистик давлат рус халқининг босинқирашига, даҳшатли тушига айланди. Рус халқи ўзининг камолий эҳтиёжлари у ёқда турсин, ҳатто айрим зарурий эҳтиёжларини ҳам қондира олмасди. Ҳамма бойлик социализмни дунёга ёйиш йўлида сарфланарди. 2. Барча Ғарб давлатларига нисбатан - уларни капиталистик, империалистик давлатлар деган эътибор билан - қаттиқ душманлик ҳолатида туриш, ҳар доим совуқ уруш оловини ёқиш ва ҳар онда қизгин урушга тайёр туришдир. Худди мана шу нарса дунёни бир-бирига очиқ-ошкор душманлик қилувчи икки лагерга ажратиб юборди. Вазият шу қадар қалтис эдики, ҳар онда ҳақиқий уруш бўлиб кетиш эҳтимоли бор эди. Бироқ, коммунизмнинг чидаб бўлмас даражадаги бузғунчиликлари назариясининг охиригача боришига имкон бермади. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирига келиб, ҳокимиятнинг янги мактаби очилди ва коммунизмни Россия манфаатларига тўғри келадиган янгича тарзда талқин қила бошлади. Бу талқин коммунизмдан кўра миллатчиликка яқинроқ эди. Ички сиёсатда одамларга бироз кенглик берилди. Иқтисодий жиҳатдан эса босим камайтирилди. Одамлар аста-аста истеъмол молларига эга бўла бошладилар. Ташқи сиёсатда эса Америка билан яқин бўлишга, алоқаларни мустаҳкамлашга уриниш бошланди. Совет иттифоқи билан Америка ўртасида ўзаро урушни тақиқлашга иттифоқ тузиш учун шошилиш мулоқотлар бўлиб ўтди. Бора-бора мулоқотлар майдони кенгайиб, барча ихтилофли халқаро масалаларни ўз ичига оладиган бўлди. Мулоқотлар пишиб етилгач, 1961 йилнинг июнида Хуршчёв билан Кеннеди ўртасида ўта муҳим учрашув бўлиб ўтди. Унда барча халқаро масалалар устида умумий битим тузилди. Шу билан Совет иттифоқи коммунизм билан капитализм ўртасидаги доимий душманлик

мафкурасидан воз кечиб, капиталистик маънодаги ўзаро тотувлик мафкурасини қабул қилди.

Энди капиталистик лагерга тўхталадиган бўлсак, Америка Англиянинг ўзига қарши ҳаракат қилаётганини, ўлжалар устида рақобатлашмоқчи бўлаётганини, айти пайтда шарқий лагер билан ғарбий лагер ўртасида турган совуқ уруш ҳолати тинчасини қуритаётганини англади. Бу ҳолат на бир уруш ҳолати эдики, иқтисодий тараққиётни қўйиб, ҳарбий тайёргарлик сари кетилса ва на тинчлик ҳолати эдики, ҳарбий тайёргарликни қўйиб, иқтисодий тараққиёт сари борилса. Тинчлик билан уруш ўртасидаги бу ҳолат бўлиш-бўлмаслиги ноаниқ уруш учун ҳарбий тайёргарлик йўлида давлатнинг даҳшатли даражадаги бойликларини совурарди. Бунинг устига Англиянинг ўзи совуқ уруш оловини ёқарди. Бундан мақсади Америка бойлиги ва имкониятини совуртириб, аста-секин уни заифлаштириш ва шу билан халқаро мувозанатни ишдан чиқариш эди. Америка капиталистик Британияга қарши коммунистик Россия билан яқинлашиш ўзи учун манфаатлироқ эканини англади. Зеро, капитализмнинг бузғунчиликлари ҳад билмайди. Унинг учун энг олий қиймат манфаатдорлиқдир. Унинг учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Моддий манфаатлар кетидан итдек югуриш бор, холос. Шунинг учун Америка ҳам ўзи билан Совет иттифоқи ўртасидаги ихтилоф ораллигини торайтиришга уриниб, музокараларга кириша бошлади. Ўтган аср олтинчи ўн йиллигининг иккинчи ярмидан, яъни Кеннеди келишидан олдин Эйзенхауэр замонидан бошлаб, шу ишга бел боғлади. Кеннеди келиши билан Америка билан Россия ўртасидаги ўзаро яқинлашув ишини охирига етказиб қўйишга шошилди. Ҳокимиятни қўлга киритганига бир йил ҳам ўтмасдан, 1961 йилнинг июнида у билан Хрушчёв ўртасида Вена учрашуви бўлиб ўтди. Унда барча халқаро ихтилоф чиқиши мумкин бўлган масалалар борасида атрофлича битим тузилди. Шу билан Америка ҳам ярим асрдан буён амал қилиб келаётган коммунизмни тугатиш, олам харитасидан ўчириб ташлаш мафкурасидан воз кечиб, Совет иттифоқи билан тотувликда яшаш йўлини тутди. Бу ҳолат икки ўн йилликдан кўпроқ вақт давом этди. 80-йилларда Америка президентлигига Рейган сайланиб, Совет иттифоқини йўқ қилиш ишини қайтадан жонлантирди.

Шундай қилиб, икки лагер етакчиларининг манфаатлари халқаро миқёсда ўзларигина нуфузли бўлиб қолишлари, бошқаларнинг қад кўтаришига йўл қўймасликлари учун бир-бирига мос келди. Шунингдек, улар Хитойни ҳам исканжага олиш, Британияни мустамлакаларидан чиқариб юбориш, унинг

Ўрта ва Узоқ Шарқдаги нуфузига барҳам бериш, Германиянинг ядровий давлатга айланишига йўл қўймаслик сиёсатига ҳам келишиб олганга ўхшардилар. Ўзаро тотувликда яшаш, муаммоларни ҳал этишда ҳарбий куч ишлатмаслик, дунёни ўзаро бўлиб олиш, нуфузлар минтақасини белгилаш, ўз нуфузи минтақасида бири иккинчисига қай даражада ёрдам беришини аниқлаб олиш иттифоқи тузилди. Лўнда қилиб айтганда, бу икки лагер ягона халқаро кучни ташкил қилувчи икки иттифоқдошга айланди. Шу билан дунё аҳволи ҳам, халқаро вазият ҳам ўзгарди.

Халқаро вазият ҳақида гапирадиган бўлсак, дунё 1961 йилдан аввалги ҳолатидек, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан талашадиган, ўзаро муносабатларидан турли муаммолар келиб чиқадиган икки лагер бўлмай қолди. У бор-йўғи мафкуравий икки лагерга айланди, холос. Чунки коммунистик давлатларда коммунизм мафкураси, капиталистик давлатларда капитализм мафкураси сақланиб қолган бўлиб, бу икки мафкурани ҳеч қачон келиштириб бўлмасди. Бу жиҳатдан дунё шак-шубҳасиз икки лагер эди. Халқаролик жиҳатидан эса икки лагерлик заволи топиб, бутун дунё Америка ва Россияда ўз ифодасини топган битта кучга айланиб бўлганди. Жаҳонга шу икки гигантгина ҳукмронлик қила бошлади. Биринчи давлатликка Америка номзодининг устунлиги бор эди.

Шунга биноан, шарқий ва ғарбий лагерлар заволи топиб, жаҳонда халқаро лагер деган гапнинг номи ўчди. Халқаро вазият тубдан ўзгариб, Биринчи жаҳон урушидан олдинги ҳолатга қайтди. Яъни ҳар бир давлат ўлжа учун ёлғиз ўзи ҳаракат қила бошлади. Лагер билан лагер ўртасида эмас, давлат билан давлат ўртасида тўқнашувлар бошланди. Вена учрашувидан кейинги келишув давридаги ҳолат билан Биринчи жаҳон урушидан олдинги ҳолат ўртасида фарқ шуки, келишув давридаги халқаро вазиятга икки шерик давлат ҳукмронлик қиларди. Қолган давлатлар эса уларнинг ёмонлигидан эҳтиёт бўлиш ва уларга қарши тура олувчи иттифоқ тузиш учун ҳаракат қилардилар. Биринчи жаҳон урушидан олдинги ҳолат эса бундай эмасди. Чунки у пайтда - гарчи биринчи давлатнинг кучи кўпроқ бўлса-да, йирик давлатларнинг кучлари бир-бирига яқин эди. Бу яқинлик кучлар мезонини бузиб, ўлжалар устида кескин низо пайдо қилиб, оқибатда Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқишига олиб келди.

Келишув даврида эса икки давлатнинг қуввати бирлашганда ҳар қандай давлатнинг кучидан бир неча баробар кўп бўларди. Ҳатто бутун жаҳон давлатлариникидан ҳам ортиб кетарди. Шунга кўра ўтмишдагидек буюк жаҳон уруши келиб чиқмади. Бошқа давлатлар уюшмасининг жаҳон урушига олиб борадиган даражада

тўқнашувга ботинишлари эҳтимолдан узоқ эди. Шунингдек, келишув давридаги халқаро вазият ҳолати Иккинчи жаҳон урушидан аввалги ҳолатдан кескин фарқ қиларди. Урушдан олдин тарқоқ давлатлар бўлган ҳар хил фронтлар шаклида бўлишса-да, ҳар қалай дастлаб кучлари бир-бирига яқин бўлган, кейин мувозанат издан чиққан. Германия, Италия ва Япония кучга кириб, Англия билан Франция кучга киролмаган. Америка эса ҳамон узлатида бўлган. Мувозанатнинг издан чиқиши туфайли Италия, Германия ва Японияларнинг ҳар бири алоҳида уруш йўли билан давлатларни босиб олиш йўлига ўтишди. Бу нарса кучлар тўқнашувига олиб келди. Натижада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Келишув давридаги ҳолат эса бундай эмасди. Ундаги халқаро вазият икки гигант давлатда ва улар ўртасидаги иттифоқда гавдаланарди. Бу вазият жаҳон урушига олиб борувчи халқаро низо чиқишига йўл қўймасди. Айрим давлатлар ўртасида низо чиқиши мумкин эди. Бу нарса маҳаллий урушни келтириб чиқарса-да, икки гигант давлатнинг қуввати хоҳлаган пайтида бу уруш оловини ўчиришга қодир эди.

Бироқ 1961 йилда Қўшма штатлар билан Совет иттифоқи ўртасидаги тузилган иттифоқ билан бошланган келишув сиёсати коммунизм билан капитализм ўртасидаги кураш тугади, деган маънони англатмасди. Унинг ўз асослари, сабаблари бор эди. Ҳар икки тарафнинг тинкасини совуқ уруш, бўлиши-бўлмаслиги ноаниқ бўлган нарсага тайёргарлик кўриш қуритганди. Шунинг учун ҳам ўзаро келишув ва дунёни бўлиб олиш йўлига ўтдилар. Ҳар иккиси ҳам ўзининг ички ишларини тартибга солиш учун вақтга муҳтож эди. Вьетнам уруши тугагани билан келишув ҳам ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Франция ўз мустамлакаларидан чиқариб юборилгач, куч топиш учун Европага қайтди. Британия ҳам заифлигини сезиб, мумкин қадар ниманидир асраб қолиш учун Европа билан қувватланишга уринди. Совет иттифоқи стратегик гигант кучга айланди, фазони забт этишда устунликка эришиб, ўз вужудини жонли майдонидан ҳам узоқроқ минтақаларгача чўзди. Шу билан амалдаги оламий кучга айланди.

Ўнглр ва либераллардан иборат кўпгина сиёсий гуруҳлар томонидан келишув сиёсатига қарши ҳужум бошланди. Қўшма штатлар келишувдан ажралиб чиқа бошлади. Негаки Совет иттифоқи унинг соясида АҚШнинг капалагини учираиб юборадиган даҳшатли қувват касб қилганди. Қўшма штатларнинг мутлақ хавфсизлик замони ниҳоясига етиб, сиздан угина, биздан бугина қойдаси ҳукм сура бошлади. Яъни, тақдирлар бир-бирига боғланди. Натижада Европа давлатлари Қўшма штатлардан

ажралиб чиқиб, Совет иттифоқи билан бўладиган муносабатларда мустақил сиёсат қўллай бошладилар. Генри Киссинжер 1973 йилни Европа йили деб атаганди. Негаки шу йилда умумий ечимлар рўй берганди. Вьетнамдаги вазият атрофида Париж битими имзоланди. АҚШ билан Совет иттифоқи Францияни ўзининг кўпгина мустамлакаларидан чиқариб юбориб, Британияни ўзининг дунёдаги кўпгина ҳарбий базаларини бузишга мажбур қилишганди. Хитой ҳам исканжага олинганди. Шу билан келишув ўз асосларидан жудо бўлди. Қўшма штатларнинг келишувдан аввалгидан ҳам улканроқ ҳарбий қувват сифатида ажралиб чиққани шубҳасиздир. Шунинг учун Британия, Франция ва Голландияларни ўз мустамлакаларидан чиқариб юбориб, уларнинг ўрнини эгаллаш орқали етук сиёсий нуфузга ҳам эга бўлиб олганди. Хуллас, келишув АҚШ учун сермаҳсул бўлди. Салбий томонлари мутлақо бўлмади деб айтиб бўлмайди. Бироқ улар ижобий жиҳатлар билан беллаша олмас эди. 1973 йилда асосларини йўқотгач, Америка келишув сиёсатидан келиб чиққан салбий жиҳатларни бартараф этишга киришди. Ишини Совет иттифоқи нуфузининг мавжуд майдонидан нарига ўтишни чеклаб қўйиш, уни иқтисодий жиҳатидан ҳолдан тойдириш ва Европани Американинг паноҳига қайтаришдан бошлади.

Совет иттифоқи нуфузининг ўз майдонидан нарига ёйилиши уни баттар заифлаштирар эди. Негаки иттифоқ иқтисоди мўрт эди. Уни хоҳлаган пайтда уқалаб ташлаш мумкин эди. Лекин у Совет иттифоқига халқаро масалаларда қатнашиш ҳуқуқини берарди. Бу нарсани эса АҚШ назаридан қочирмаган эди. Чунки у келишув сиёсати орқали Совет иттифоқини ўзига шерик қилиб эмас, исканжага олишни кўзлаган эди. Шунинг учун ҳам унинг нуфузи ўз майдонидан нарига ўтиб кетишининг олдини олишни лозим топди.

Совет иттифоқини иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойдиришга тўхталадиган бўлсак, АҚШнинг фикрича, қуролланиш пойгаси иттифоқ иқтисодини мажақлаб, инқирозга учратарди. Бу иш 70-йиллар охирига келиб, Картер даврида бошланди. Кейинроқ кучайиб, Рейган сиёсатининг алоҳида кўзга ташланувчи белгисига айланди. Рейган қуролланиш пойгасини авж олдирди. Ўтмишдоши Картер тузган программа бўйича иш юритди. Уларнинг энг эътиборлиси ҳаракатланувчи «Эм Икс Першинг» ракеталари эди. Бу ишга стратегик мудофаа (юлдузлар жанги) ташаббуси ҳам қўшилди. Бу стратегия технологияни душман ракеталаридан сақловчи қалқонни яратиш учун сафарбар этишни тақозо қиларди. Совет иттифоқи ўзининг ядровий қурол-яроғ омбори ядровий уруш бошлангудек

бўлса ҳеч нарса қилолмаслигидан довриаб қолди. Бу иш кучлар мувозанатининг издан чиқиши ва Американи ядровий урушга руҳлантириш дегани эди. Бу эса Совет иттифоқини ўзининг мудофаа низомларини ривожлантириш учун ҳаракат қилишга мажбур қилди. Негаки ундаги мавжуд имкониятлар ҳужумкор қуроллар соҳасида рақобатлашиш имконини бермасди. Шунинг учун рақобат ҳужум воситаларини ривожлантиришдан мудофаа воситаларини ривожлантиришга ўтди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Рейганнинг мудофаа ёки юлдузлар жангига оид стратегияси дастлаб қайсидир даражада тараққийлашган бўлса-да, ракетавий қалқонни қуришга қодир технологияга эришилди деган гапга ҳали анча бор эди. Негаки баллистик ракеталарни қайтадан атмосферага қайтмасиданоқ, фазодалигидаёқ бобмбардимон қила олиш учун лазер нурларини керакли қуюқликда йўналтира олувчи тўпларга эришиш деярли мумкин эмаслиги илмий жиҳатдан ўз исботини топганди. Бироқ, Рейган тараққиётнинг юқори босқичларига эришмай туриб, мана шу мудофаа ташаббусини қабул қилганини эълон қилиб юборди ва бу билан Совет иттифоқини саросимага солишга ҳамда чириган иқтисоди кўтара олмайдиган янги қуролланиш пойгасига жалб қилишга қодир бўлди. Ҳолбуки, юлдузлар жанги стратегияси 1972 йилда АҚШ билан Совет иттифоқи имзолаган «Ракеталарга қарши мудофаа»га алоқадор шартномага тўғри келмасди. Лекин Рейган ўз ташаббусини бу битимга зид эмас, деб туриб олди. Бу билан Совет иттифоқи билан бўлаётган вазиятни чигаллаштирди. Келишув сиёсатининг охирги белгиларини-да йўқ қилди, дейиш ҳам мумкин.

Рейганнинг бу ишлари Совет иттифоқини янги қуролланиш пойгасига судради. Гарчи бу сафар эътибор ҳужумкор эмас, мудофаа низомларини ривожлантиришга қаратилган бўлса-да. Бундан мақсад Совет иттифоқини иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойдириш, уни 1961 йилги Вена шартномасида келишилган жонли ҳудудига қайтишга мажбурлаш, яна ҳам тўғрироғи, уни жарликка итариб юбориш эди.

Европа келишув давридан Қўшма штатлар назоратидан қутулиш учун фойдаланди. Америка сиёсатдонлари уни АҚШ соясига қайтариш билан бевосита шуғулланишди. Британия унинг соясидан 1973 йилдан бошлаб деярли чиқиб кетган эди. Киссенжер бу йилни «Европа йили», деб атаганди. Негаки Европа давлатлари ўз манфаатларининг АҚШ манфаатларидан айрича эканини таъкидлаб, Қўшма штатлар манфаатларини ҳимоя қилиб урушга киришдан ўзларини четга ола бошлагандилар. Америка 1982 йилда ўзининг «Першинг-2» ва «Круз» (қанотли) русумли

ўрта масофали ракеталарини Европа бўйлаб жойлаштирди. Бу ишига Совет иттифоқи ўзининг ўрта масофали ракеталарини Европада жойлаштираётганини баҳона қилди. Шу билан АҚШ Европа давлатларининг хавфсизлигини ўз хавфсизлиги билан боғлади. Шундай қилиб, Европа давлатларининг тақдири Қўшма штатлар тақдири билан чамбарчас боғланди.

Рейган иккинчи президентлик муддатига сайлангач, 1985 йилда Совет иттифоқига Горбачёв раҳбар бўлди. У ҳокимиятга келиши билан Совет иттифоқи АҚШга кетма-кет ён бера бошлади. Шу билан у жарлик ёқасига келиб қолди. Шунга кўра, Рейган Оқ уйни тарк этаётиб: «Президент сифатида энг эътиборли ютуғингиз қайси деб биласиз?», деган саволга жавобан: «Айтишларича, мен совуқ урушда ютиб чиқибман», деганида ҳақ эди.

Шундай қилиб, Рейган Оқ уйни тарк этиши билан халқаро вазият тубдан ўзгарди. Келишув сиёсати батамом барҳам топди. Совет иттифоқи иқтисодий босим ва қуролланиш пойгаси туфайли тебрана бошлади. Бунинг устига кучлар советлар ва мухолафатга бўлиниб кетганди. Совет идеологиясига қарши халқаро оммавий ахборот ҳужуми бошланди. Хуллас, АҚШда келишув деган нарсанинг номи ҳам қолмади. Совет иттифоқига қарши ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам идеологик ҳужумлар уюштирарди. Натижада унинг нуфузи ёки ўз майдонидан ташқарига нуфузини ўтказишга уриниши барбод бўлиб, ички иқтисодий инқирозга учради. Устига-устак иттифоқнинг ичида, умуман шарқ лагериди, кейин эса бутун оламда мухолиф кучлар намоён бўлди ва ниҳоят Совет иттифоқи ўтган асрнинг 90-йиллар бошида қулаб, Қўшма штатлар худди аввалгидек, ҳеч ким рақобатлаша олмайдиган биринчи давлатга айланди.

Хуллас, дунёдаги давлатлар вазиятга қараб ўзгариб туради. Қадимда дунёга Усманий давлат, Пруссия, Россия, Австрия, Англия ва Франция ҳукмронлик қилган. Дунёни бошқарган ҳам, тинчликка раҳна солган ҳам, уруш чиқарган ҳам ўшалар бўлган. Кейинчалик Қўшма штатлар пайдо бўлиб, бу давлатларнинг попугини пасайтириб, уларни Қадимги олам (Европа) билан чеклаб қўйди. Кейин Австрия йирик давлатлик мақомидан тушиб, дунё давлатлари бештага айланди. Улар - Россия, Германия, Англия, Франция ва Усманий давлат. Сўнг Усманий давлат ҳам қулаб, дунёдаги ҳукмрон йирик давлатлар тўртта бўлиб қолди. Улар - Россия, Германия, Франция ва Англия. Биринчи жаҳон урушидан кейин коммунизм барпо бўлиб, коммунистик партия ҳокимият тепасига келиб, Россия четга чиқди. Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Германия ҳам қулади. Натижада

йирик давлатлар Англия билан Франция бўлиб қолди. Англия дунёнинг Америкадан бошқа ҳамма жойини бошқарарди. Франция эса унинг ортидан югурарди. Тўртинчи ўн йиллик бошларида, аниқроғи, 1933 йили нацизм партияси ҳокимиятни эгаллаб, Германия шаънини улуглашга ҳаракат қила бошлади ва у буюк давлатга айланди. Ундан сал аввалроқ Италиядаги ҳокимиятни Муссолини эгаллаб, Италия шаънини кўтаришга ҳаракат қила бошлаган эди ва у ҳам йирик давлатлар қаторига кирди. Бу томонда Япония юлдузи чарақлаб қолди. Саноати ривожланган давлатга айланганидан кейин нуфузи ортиб, йирик давлатлар қаторидан жой олди. Совет иттифоқи давлати ҳам кучга тўлиб, ўз халқаро вужудига эга бўлди ва йирик давлатга айланди. Шу билан йирик давлатлар олтита бўлди. Улар - Совет иттифоқи, Германия, Англия, Франция, Италия ва Япония. Америка ҳамон узлатда эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия, Италия ва Япония мағлубиятга учраб, ҳолдан тойди. Худди шу пайтда Қўшма штатлар узлатни тарк этиб, дунё ишларига аралаша бошлади. Англия билан Франция йирик давлатлик мақомини сақлаб қолди. Шу билан йирик давлатлар тўртта бўлди. Улар - Совет иттифоқи, Англия, Франция ва АҚШ. 1961 йилдаги Совет иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги иттифоқдан сўнг Англия ҳам, Франция ҳам йирик давлатлик мақомларидан тушиб кетишди. Шу билан йирик давлатлар иккита бўлиб қолди - Совет иттифоқи ва Қўшма штатлар. Улар иттифоқ тузиб, битта кучга айландилар. Шу билан олам икки давлатдан тузилган битта йирик кучга айланди. Совет иттифоқи қулашидан сал олдинроққа қадар шу икки давлатдан бошқа дунёга ҳукмини ўтказувчи йирик давлат бўлмади.

1985 йили Совет иттифоқига Горбачёв раҳбар бўлди. Бу Рейганнинг иккинчи президентлик даврига тўғри келарди. Шу вақтдан бошлаб Совет иттифоқи Қўшма штатларга кетма-кет ён бера бошлади. Натижада жар ёқасига келиб қолди. Шунга кўра, Рейган Оқ уйни тарк этаётиб: «Президент сифатида энг эътиборли ютуғингиз қайси деб биласиз?», деган саволга жавобан: «Айтишларича, мен совуқ урушда енгиб чиқибман», деган гапида ҳақ эди. Бу нарса ягона биринчи давлатнинг халқаро вазият устидан ҳукмронлигини қайта тиклаб, Совет иттифоқини йирик давлатлик мақомидан тушириб юборди. Кейин Совет иттифоқи парчаланиб кетди. Унинг кучлари ва ҳарбий қувватига Россия меросхўр бўлди. Бироқ, у сиёсий инқироз ва мафкуравий бўшлиқ машаққатига йўлиққанди. Боз устига коммунизмдан қолган иллатлар туфайли ички иқтисодий ва сиёсий муаммоларни

бошидан ўтказарди. Бу нарса унинг дунё сиёсатига кўрсатадиган таъсирини барбод қилди.

Шу билан АҚШ дунёдаги ягона йирик кучга, яъни дунё сиёсатининг гилдирагини ҳеч бир рақобатчисиз айлантира олувчи биринчи давлатга айланди. Европа учлигини ташкил қилувчи Франция, Британия ва Германия рақобат майдонига киришга уриняпти, бироқ киролмаяпти. 2003 йилдаги Ироқни босиб олиш асносида рўй берган ҳодисалар, худди шу йили Атлантика иттифоқидан айри ҳолдаги Европа кучини ташкил қилиш атрафидаги йиғилишлар, 2004 йилнинг июнида саккизта саноати ривожланган давлатлар ҳукмига ҳавола қилинган Американинг Яқин шарқ лойиҳаси хусусидаги мунозаралар ана шу уринишнинг кўринишларидир. Ҳа, бу ишлар фақат уринишларгина бўлиб қоляпти. Биринчи давлат мақомини олиш учун ҳақиқий давлат даражасига кўтарилолмаяпти. Улар Американинг халқаро сиёсатдаги таъсирига бирозгина шерик бўлиш учун қилинаётган уринишлар бўлиб қоляпти.

Вазиятнинг ҳозиргача етиб келган аҳволи - мана шу. Шунинг билмоқ лозимки, бутун тарих мобайнида дунёга йирик давлатлар, хусусан биринчи давлат ҳукмрон бўлиб келган. Йирик давлатлар заифлашиб, уларнинг ўрнини бошқа давлатлар эгаллагач, халқаро вазият ўзгарган. Натижада йирик давлатлар ўртасидаги муносабатлар тарзи ҳам ўзгача тус олган ва биринчи давлат вазияти билан унга рақобатдош давлатлар вазияти ўртасида тафовут келиб чиққан. Биринчи давлат заифлашган ҳолатлари бўлган. Масалан, Англиянинг ҳолати Германия у билан рақобатлашганда заифлашиб кетган. Кучайиб кетган ҳолатлари ҳам бўлган. Масалан, Америка Англия билан Франциянинг нуфузига зарба бериб, ўзини кучайтирган. Вена учрашувидан кейин халқаро таъсир ўтказиш кучини ўзида ва Россияда олиб қолган. Биринчи давлатнинг рақобатчисиз қолган пайтлари ҳам бўлган. Масалан, Совет иттифоқи қулаганидан кейин шундай ҳол юз берган. Шунга кўра, халқаро сиёсатни тушунишга эришиш учун шуларнинг ҳаммасини нозик тарзда ва зинама-зина идрок қилиш лозим.



ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ КУРАШ САБАБЛАРИ

Тарих тонги отгандан бошлаб қиёмат кунига қадар давлатлар ўртасида фақат икки сабабга кўра кураш чиқади. Бири - ҳукмронлик ва манманлик муҳаббати, иккинчиси - моддий манфаатлар ортидан чопиш. Муҳаббат миллат ва элат ҳукмронлиги ҳамда мабда ҳукмронлиги ва уни ёйиш муҳаббатларига бўлинади. Масалан, Германия нацизми билан Италия фашизмида миллат ҳукмронлиги муҳаббати бўлса, Ислом давлатида 1300 йилга яқин, коммунизм давлатида эса 30 йиллар атрофида мабда ҳукмронлиги муҳаббати бўлган. Энди бошқа бир давлат кучининг ўсишини чеклаб қўйиш сабабига тўхталамиз. Масалан, Наполеонга, Ислом давлатига, Германия нацизмига қарши шундай қилинганди. Бу сабаб ҳукмронлик муҳаббати сабабининг бир кўринишидир. Негаки у бошқалар ҳукмронлигига қарши туришдир.

Ислом давлати ва Совет иттифоқи завоқ топиши билан бутун оламни бошқарувчи сабаб моддий манфаатлар кетидан чопишнинг ёлғиз ўзи бўлиб қолди. Ислом халқаро курашга таъсир кўрсатувчи буюк давлат сифатида қайта тикланиб, ўзи билан бирга мабда ҳукмронлиги ва уни ёйиш муҳаббати сабабини олиб келгунига қадар шундай бўлиб қолаверади.

Давлатлар ўртасидаги кураш сабабларининг энг хатарлиси турли шакллардаги мустамлакачилик сабабидир. Кичик урушларнинг ҳам, ҳар икки жаҳон урушининг ҳам, Кўрфаз урушларининг ҳам, Африка урушларининг ҳам, Афғонистону Ироқ урушларининг ҳам боиси ўша. У ҳамон дунёдаги тангликларга, беқарорликларга сабаб бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда Америка, Британия, Франция, Россия ўртасидаги Ироқ, Афғонистон, Яқин шарқ муаммолари атрофида кечаётган яширин ва ошқора талашиб-тортишувлар мустамлакачилик ва манфаатдорлик мақсадида қилинаётган ишлардир. Демак, ресурслар устида низолашиш, нуфуз талашиш, ҳукмрон бўлишнинг барча шакллари ва турлари бўйича рақобатлашишдан иборат мустамлакачилик ҳозирги халқаро курашда ўз ҳукмини ўтказмоқда.

Аслини олганда йирик давлатлар ўртасида сиёсий курашни моддий манфаатлар кетидан қувиш ва айниқса мустамлакачилик очқўзлиги келтириб чиқарган. Бу кураш ўз навбатида маҳаллий ва жаҳон урушларига олиб борган. Урушларни хаспўшлаш мақсадида тинчлик, барқарорлик деган шиорлар ўйлаб топилган. Шундай қилиб, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш баҳонаси дунёга келган.

Хавфсизликни сақлаш баҳонаси энди рўй бераётган янгилик эмас. У қадимдан бор, XIX аср бошларидаёқ дунёга келган. Зеро, 1818 йил йирик беш давлат ўртасида тузилган **Икс-ла-Шапел** номли шартнома худди шу баҳона билан тузилган эди. Шу шартнома, тўғрироғи, шу иттифоқ воситасида мазкур давлатлар ўзларини тинчлик ва халқаро ҳамжамиятдаги низом ҳимоячиси қилиб кўрсатишиб, тинчлик ёки низомга таҳдид бор, деган ўзларича топиб олган даъво билан бошқа давлатлар ишларига бурунларини тика бошлаганлар. Кейинчалик бу баҳона йирик давлатларнинг аралashiши ва уруш очишига тайёр баҳона, халқаро шиорга айланди, мустамлакачилик ва нуфузни сақлаб қолиш учун бир қурол сифатида қўлланилди.

Улар ўзларича хавфсизликни йирик давлатлар ўртасидаги иттифоқ ёки халқаро анжуманлар орқали сақлардилар. Биринчи жаҳон урушидан кейин халқаро ташкилотлар орқали сақланадиган бўлди. 1919 йилги сулҳ шартномаларига тинчликни сақлаш учун халқаро ташкилот барпо қилиш ҳақидаги банд ҳам киритилди. Бу ташкилот Миллатлар лигаси бўлди. Аслида у тинчликни сақлаши лозим эди. Бироқ, уни барпо қилган давлатлар ундан кўзланган ғояга қарши бориб, аҳдларини буздилар. Аслида бу давлатлар ўз мустамлакаларидан воз кечиб, тинчликни муҳофаза қилиш ва урушлар олдини олишни ташкилотга қўйиб беришлари керак эди. Бироқ, улар бундай қилмадилар. Мустамлакаларидан кечмадилар, вазиятларини ўзгартирмадилар. Аксинча, бор эътиборларини турли кучлар ўртасидаги мувозанатни юзага чиқаришга, ўз манфаатларини ҳимоялашга қаратдилар. Бунинг устига Германия ва Усманий давлат мулкларини ўзаро тақсимладилар. Англия ундан арслон улушини олди. Натижада ташкилотдан кўзланган мақсад бўлмиш тинчликка раҳна солинди, бир неча урушлар келиб чиқди ва улар Иккинчи жаҳон уруши билан якун топди. Урушдан кейин халқаро тинчлик ва хавфсизликни муҳофаза қилиш учун жаҳон ташкилотини тиклашга яна қайта уриндилар. Англия, Америка, Совет иттифоқи каби йирик давлатлар ўзаро муҳокама қилдилар. Кейинчалик уларга Франция ҳам қўшилиб, урушдан кейинги оламни тинчлик ва урушга йўл қўймасликни кафолатлайдиган янги бир тарзда қуриш зарурлиги хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Бунга турли низомлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни қулайлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳам қўшдилар. Ана шундан бошлаб, БМТ тинчлик ҳомийсига, тинчлик, дунё осойишталиги, деган сўзлар ҳаммининг оғзидаги халқаро шиорга айланиб, йирик давлатлар уни тинчликни сақлаш, бошқа

давлатларнинг мустамлакачилик сиртмоғидан чиқиб, озодликка эришишларига йўл қўймаслик учун баҳона сифатида қўлладилар. Шундай қилиб, тинчликни сақлаш мафқураси ривожлана бориб, ҳозирги ҳолатигача етиб келди.

Халқаро ташкилотдаги тинчликни муҳофаза қилиш масаласи қуролсизланиш деган чўпчакни келтириб чиқарди. Миллатлар лигаси ҳам шу мавзуда иш олиб боришга уринган эди. Англия уни Францияни заифлаштириш учун восита сифатида қўллаб, Германияни Европада Германия билан Франция ўртасидаги мувозанатни юзага келтириш мақсадида қуролланишга ундади. Натижада қуролсизланиш мавзуси муваффақиятсизликка учраб, Иккинчи жаҳон уруши юзага келди.

БМТ ҳам қуролсизланиш мавзусида иш олиб борди. Бироқ, ҳозирга қадар ҳеч бир йирик давлат бошқа бир йирик давлатга Англиянинг Миллатлар лигаси орқали Францияга берган пандидек панд беролмади. БМТ ҳам бу борада таъсирли иш қилолмади. Шунинг учун қуролсизланиш, деган нарса ҳамон номи бору, ўзи йўқ бўлиб келяпти. Одамлар унинг борлигини умуман ҳис қилмаяптилар.

Йирик давлатлар ўртасидаги кураш халқаро анжуман, иттифоқ деган нарсаларни келтириб чиқарди. Биринчи анжуман 1815 йилда ўтказилган Вена анжумани бўлди. Биринчи жаҳон урушидан олдин бир неча анжуманлар ўтказилди. Ислом давлатини йўқ қилиб, мулкни тақсимлаб олишга келишиш учун ўтказилган Берлин анжумани ана шулар жумласидандир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам бир неча анжуманлар ўтказилди. Берлин, Женева ва Париж анжуманлари ана шулар жумласидандир. Америка билан Совет иттифоқи иттифоқ тузиб, ягона кучни ташкил қилганларидан кейин биронта ҳам анжуман ўтказилмади. Фақатгина 1969 йилда Франция, Англия, Совет иттифоқи ва Америка каби йирик давлатлар вакиллари БМТ ишлари доирасида анжуман ўтказиб, Яқин шарқ муаммосини кўриб чиқдилар. Аммо бунини анжуман деб бўлмасди. Негаки у БМТ ташкилоти доирасида чекланганди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин анжуманлар Шарқий ва Ғарбий лагерлар ўртасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш учун ўтказила бошлади. Чунки Шарқий лагернинг БМТдаги ўрни заиф эди. Шунинг учун Совет иттифоқи ташаббус тизгинини Ғарбий лагердан тортиб олишга уриниб, Американи ўрнидан қўзғатишга ҳаракат қилди. Муаммоларни БМТдан кўчиришга тиришди. Берлин анжуманида муваффақият қозонди, яъни Британия, Франция ва Америка ўртасидаги келишмовчилик оралигини кенгайтирди ҳамда

Женева анжумани ўтказилиши ҳақидаги қарорга эришди. Женева анжуманида ҳам зафар кучди. Хуллас, анжуманлар Американи заифлаштириб, Совет иттифоқини кучайтириб борди. Англия ўз муаммоларини ҳал этиш учун Америка билан алоҳида, БМТдан ташқарида анжуман ўтказишга уринди ва Бермуд оролида анжуман ўтказди, лекин у муваффақиятли чиқмади. Шундан кейин Ғарбий лагер давлатлари ўртасида ҳеч қандай анжуман ўтказилмади. Америка билан Англия ўртасидаги анъанавий учрашувлар билан чекланилди. Америка БМТдан ташқарида анжуман ўтказиш, унинг мавқеини ва халқаро майдонда эгаллаб турган ўрнини заифлаштириб юборишини англаб, айниқса 1961 йилги Вена учрашувидан кейин Совет иттифоқи билан иттифоқ тузгач, БМТдан ташқарида анжуман ўтказилишига рози бўлмади қўйди.

Давлатлар ўртасидаги иттифоқлар жуда қадимийдир. Ундан кўзланган мақсад ҳар бир давлатнинг бошқаларга нисбатан ўз кучини ошириши ёки давлатларнинг бир-бирларини ўзаро мувозанатни бузишига йўл қўймасликларидир. 1818 йилда ўтказилган Икс-ла-Шапел шартномаси иттифоқдан иборат эди. Англия билан Франция ва Австрия ҳамда Германия билан ўтказилган иттифоқлар кучайиш ва мувозанатни сақлаш мақсадида бўлган, Биринчи жаҳон урушидаги Франция билан Англиянинг Германияга қарши тузган иттифоқи ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Америка, Англия, Франция ва Совет иттифоқининг Германияга қарши тузган иттифоқлари йирик давлатга қарши тузилган иттифоқ ҳисобланарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Совет иттифоқига қарши тузилган Атлантика иттифоқи ҳамда худди шу урушдан кейинги ғарбий лагерга қарши тузилган Варшава шартномаси бошқа кучга қарши тузилган иттифоқлардир. Демак, иттифоқлар ҳам халқаро анжуманлар каби бошқа кучларга қарши куч тўплаш ёки мувозанатни сақлаш воситаларидан биридир. Халқаро кураш қуроллари билан бири ҳисобланувчи иттифоқлар - мана шулар.

Йирик давлатлар майда давлатлар ўртасида ёки ўзлари билан майда давлатлар ўртасида тузадиган иттифоқ ёки шартномалари ҳам бор. Бундай иттифоқлар халқаро курашнинг бевосита қуроли эмас, балки мустамлакачилик ёки уни юзага келтираётган йирик давлатнинг кучайиши воситалари деб эътибор қилинади. Масалан, Ироқ билан Туркия ўртасида тузилган иттифоққа ва Иккинчи жаҳон урушидан олдинги Саъдобод иттифоқи номли иттифоққа Англия бош-қош бўлганди. Бундан мақсади ўша давлатлардаги нуфузини мустаҳкамлаш, Франция ва Совет иттифоқи каби бошқа

Йирик давлатлар олдидаги халқаро вазнини ошириш эди. Англиянинг Ироқ ва Миср билан Иккинчи жаҳон урушидан олдин тузган шартномалари уруш туфайли қилинган ишлар эмас, балки ўз мустамлакачилигини мустаҳкамлаш воситалари эди. Урушдан кейинги Англия тузган Бағдод иттифоқи ёки Америка тузган Жануби-Шарқий Осиё иттифоқи каби иттифоқлар ёки Американинг Қувайт, Покистон, Миср, Марокаш, Аргентина, Жанубий Корея, Бахрайн, Австралия, Янги Зеландия, Филиппин, Таиланд, шунингдек, (Исроил)ни Атлантика иттифоқидан ташқаридаги стратегик иттифоқдошларга айлантириши ҳам уруш учун тузилган иттифоқлар эмас, балки мустамлакачилик ва нуфузини мустаҳкамлаш воситаларидир. Бундай иттифоқлар халқаро курашнинг бевосита қуроли ҳисобланмайди. Балки йирик давлатлар бир-бирлари билан тузган иттифоқлар қурол ҳисобланади.

Аслида Совет иттифоқи ва шарқий лагер қулаши билан Атлантика иттифоқининг роли яқун топмоғи лозим эди. Бироқ Америка иттифоқни сақлаб қолди. Сақлаб қолдигина эмас, уни кенгайтиришга ҳаракат ҳам қилди, кенгайтирди ҳам. Шарқий Европанинг кўпгина давлатларини унга қўшди, бошқа давлатларни ҳам қўшмоқчи бўлди. Бунинг илдизи иттифоқдан кўзланган ғоянинг ўзгарганига бориб тақалади. Энди у шарқ лагерига қарши эмас, ғарб лагерига аъзо давлатларга қарши қаратилганди. Гап шундаки, Америка европаликларнинг ўз чангалидан сирғалиб чиқишга уринаётганларини сезиб қолди-да, бу ишнинг олдини олиш учун иттифоқни сақлаб қолди. Айниқса Атлантика иттифоқига ўзи хўжайин бўлганлиги сабабли европаликларни ўз қўли остида сақлаб туриш, уларнинг хавфзислиги ва мудофааси ўзига боғлиқ ҳолда қолиб кетиши учун бу иттифоқни сақлаб қолди.

Шу кунлардаги Иккинчи кўрфаз уруши ва Ироқни босиб олишда Америкага шерикчилик қилаётган давлатлар ва иттифоқчи номини олган давлатлар минтақада Америка нуфузини ошириш, Америка бошқаруви идорасидаги яқка ҳокимлик йўналишига кучайтириш мақсадида тузилган иттифоқлар намунасидир. Бу нарча Американинг янгича мустамлакачилик воситаларидан биридир.

Умуман олганда, халқаро сиёсат асослари мана шулар. Халқаро сиёсатга таъсир кўрсатувчи ҳар бир давлатнинг сиёсати ҳам шуларга асосланади. Улар орқали дунёда рўй бераётган сиёсий ишларни тушуниш ҳамда ҳақиқатга ва воқега тўғри келадиган тарзда ёки шунга яқинроқ талқин қилиш мумкин. Демак, йирик ёки майда бўлишидан қатъий назар, қайси бир давлат олиб бораётган сиёсий ишларни тушуниш шу асослар ё уларнинг бўлимлари ёки

уларга алоқадор ишлар воситасидагина бўлади. Хуллас, аввало бу ишнинг нималиги, қаерда содир бўлгани, шарт-шароитлари ўрганилиб, сўнг мазкур асослардан бири билан боғланилади. Ана шунда унинг нималиги, сабаблари аён бўлиб, натижаларини идрок қилиш имкони ҳам туғилади.



ЖАҲОННИНГ ЭНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Оламда рўй берадиган сиёсий ишлар жуда кўп. Улар бир неча муаммоларга тааллуқлидир. Уларнинг энг аҳамиятлиларини олти йирик муаммолар билан чеклаш мумкин. Улар қуйидагилар: Европа муаммоси; Яқин шарқ муаммоси; Ўрта Осиё муаммоси; Ҳиндистон ярим ороли муаммоси; Узоқ Шарқ муаммоси; Африка муаммоси.

Баҳсимизни шу олти муаммо билан чеклашимизнинг сабаблари қуйидагилар:

1. Йирик давлатлар ўртасида кечаётган кураш ёки рақобат айнан мана шу минтақалар борасида рўй берапти. Шунга кўра, уларнинг муаммолари энг аҳамиятли муаммо экани табиий;

2. Бу минтақалардаги халқлар алғов-далғов ҳаёт кечиряптилар. Уларнинг аҳволини ўрганиш лозим. Айниқса, уларнинг аксарияти исломий халқлар бўлиб, Ислом давлатини барпо қилиш учун ўз ҳокимларидан қутулиш ишқида ўртаняптилар;

3. Оламда амалда рўй бераётган сиёсий ҳодисаларнинг аксарияти шу минтақаларда содир бўляпти. Бинобарин улар бошқа сиёсий муаммоларни тушунишнинг яхшигина намунасини ташкил қиляптилар;

4. Бу минтақалар конлари бойликларга тўла. Шунга кўра, мустамлакачи давлатлар ва монополистик ширкатлар унга итдек ташланяптилар. Унга ҳукмини ўтказиш, конларию бойликларини эгаллаб олиш учун бор имкониятларини ишга соляптилар;

5. Америка қитъасидаги минтақалар 1823 йилги Монро доктринасидан бошлаб кураш майдонидан ажратиб қўйилди. Бу доктрина тақозоси билан йирик Европа давлатлари Америка қитъасига дахл қилишдан, Қўшма штатларнинг у ердаги ҳаётга оид манфаатларига таҳдид солишдан ман қилинган. Шунга биноан бу қитъа борасида халқаро кураш мавжуд эмас. Демак, у ердаги Америка манфаатлари амалдаги таҳдиддан холи. Тўғри, АҚШ ўтган аср 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларидаги Совет иттифоқининг Куба билан бўлган муносабатларига эътироз билдирмади. Бундан мақсади Совет иттифоқини ўз мажбуриятларини Иттифоқ ва Шарқий Европа минтақаларидан ташқарига ҳам кенгайтиришига қўйиб бериб, авраш эди. Бунинг натижасида иқтисодий ва ҳарбий юклар унинг елкасига оғир юк бўлиб тушарди. Негаки у Кубани АҚШ хавфидан ҳимоя қилишга мажбур бўларди. АҚШ худди шу мақсадда бу ишга эътироз билдирмади. Шунинг учун ҳам ишлар катталашиб, ядровий база

чегарасигача бориб қолгач, Кубадан ўша базани чиқариб ташлашга куч сарфлади.

Хуллас, Америка қитъаси халқаро курашдан ташқарида, у ерда бор-йўғи ички қалқишлар рўй бериши мумкин, холос.

Шунга кўра мазкур олти муаммо жаҳоннинг энг катта муаммоларидир. Улар ҳақида сўз очишимиздан олдин халқаро сиёсатга таяъсир кўрсатувчи йирик давлатларни таниб олишимиз мақсадга мувофиқдир. Негаки қайси бир муаммони жаҳоннинг улкан муаммоси деб таснифлаш энг аввало унинг таъсир кўрсатувчи сиёсий ишлар учун бир майдон бўлишини тақозо этади. Модомики, йирик давлатлар томонидан содир этилган ишларгина эътиборга молик сиёсий ишлар ҳисобланар экан, демак, ҳар бир асрдаги йирик давлатларни таниб олиш зарурдир.

Давлат аҳолисининг сони, бойлиги ёки шунга ўхшаш бир белгиси билан эмас, балки халқаро сиёсатга ва бошқа давлатларга таъсир кўрсата олиши билан йирик давлатга айланади. Шунга биноан ҳозирги вақтдаги, яъни ҳижрий XV аср (1425х), милодий XXI (2004м) асрдаги биринчи мақомда турган янги йирик давлат Америка қўшма штатларидир. Негаки у халқаро сиёсатга энг кучли таъсир ўтказа олади. Халқаро вазиятга деярли ёлғиз ўзи ҳукмронлик қилади. Қолган давлатлар у эгаллаган мақом борасида ҳам, халқаро вазиятга ҳукмронлик қилиш борасида ҳам у билан рақобатлашиш даражасига етолмаяпти. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Совет иттифоқининг меросхўри Россия, Англия ва Франция Иккинчи жаҳон урушидан олдин йирик давлатлар ҳисобланишарди. Улар ҳамон халқаро сиёсатда қолишга ёпишиб олиб, ҳар бири алоҳида ёки Европа орқали халқаро сиёсатга ҳам, Америкага ҳам таъсир кўрсатувчи ишларни қиляптилар. Гарчи бу таъсир ўтказиш Америка билан рақобатлашиш даражасида бўлмаса-да, ҳарқалай бу учликни йирик давлатлар, деб сифатлаш мумкин. Бу иш ном беришдаги саховат қабиландир. Унда Англиянинг халқаро сиёсатдан жой олиш учун олиб бораётган сиёсий ишлари, Франция ва Россиянинг халқаро сиёсатда мавжуд эканликларини исботлаш учун қилаётган уринишлари, масалан, Ироқ уруши муаммосидаги ҳаракатлари эътиборга олинган.

Германия ҳақида тўхталадиган бўлсак, немис халқи ва Германия давлати тарихда йирик давлат ҳисобланган. Бироқ бу мақомдан Биринчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан кейин қандай қулаган бўлса, Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан кейин ҳам ўшандай тушиб кетди. Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳеч қанча ўтмасдан яна йирик давлатлигига қайтганди. Шунга кўра,

вақт ўтиши билан яна қайта шу мақомга эришиши мумкин. Айрим халқаро муаммолар хусусидаги Франция билан қилаётган ҳаракатлари шуни кўрсатиб турибди.

Хитойни - аҳолиси сони 1,2 миллиард бўлишига, Россиянинг у билан ҳисоблашишига, Американинг ҳам уни халқаро ҳисоботларга киритишига қарамасдан халқаро сиёсатга - жаҳон ёки унинг кўп минтақаларига таъсир кўрсатувчи йирик давлатлар қаторига киритиш қийин. Бунинг икки сабаби бор: биринчидан, у бирон кун ҳам буюк давлат бўлмаган, бирон даврда ҳам халқаро сиёсатга таъсир ўтказмаган. Бундан ташқари, коммунистик давлатга айланганидан то ҳозирга қадар коммунизмни дунёга ёйиш, жаҳоннинг турли минтақаларига таъсир ўтказиш хусусида бош қотирмаган. Унинг ҳамма ташвишлари ўз иқлими билан чекланган. Айниқса Африкада, айрим Осиё давлатларида олиб борган сиёсий уринишлари муваффақиятсиз, натижасиз чиққанидан кейин бундай ишларни давом эттиришга ботинолмасдан, асл муҳитига қайтиб қўя қолган.

Ҳиндистоннинг аҳолиси сони 935 миллиондан юқори бўлса ҳам, ядровий қуролларга эга бўлса ҳам, халқаро сиёсатга деярли ҳеч қандай таъсири йўқ. Шунга биноан уни йирик давлат, деган хаёлга боришнинг ўзи хато. Япония Иккинчи жаҳон урушидан олдин меҳварлик даврида халқаро сиёсатга таъсир кўрсатар эди. Лекин у Италияники каби муваққат таъсир эди. Шунинг учун у ҳам, Италия ҳам йирик давлатлар сирасига кирмайдилар.

Ислом уммати салиб юришига қадар йирик давлат бўлган. Салиб урушини бир ёқли қилишга муваффақ бўлганидан кейин яна қайта ўша мақомини эгаллаган. То XIX асрга қадар халқаро сиёсатга ўз таъсирини ўтказиб келган. Кейин таъсири сусайиб, XX аср бошларида, Биринчи жаҳон урушидан сўнг давлати қулаган.

Бироқ, йирик давлат асослари бу умматнинг ичида ҳамон яшириниб ётибди. Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб қайта гуллаб-яшнашининг нишонлари кўрина бошлади. Ҳозир тонги отиш арафасида турибди. Оллоҳнинг изни ила яқин кунда йирик давлатга, йўқ-йўқ, биринчи давлатга айланажак!

Шунга кўра, бу халқлар ва давлатлар билан танишмоқ лозим. Чунки улар дунёнинг улкан муаммоларига таъсир ўтказадилар:

Биринчидан, энг йирик тўрт давлат: Америка, Британия, Франция ва Россия.

Иккинчидан, ўтмишда йирик бўлиб, ҳозирда яна қайта тикланишга шай турган давлатларнинг халқлари. Улар: Ислом уммати ва немислар.

Учинчидан, бу халқлар ва давлатларга япон халқи ҳам қўшилади. Негаки у гарчи таниш маънодаги йирик давлат ҳисобланмаса-да, иқтисодий кучга эга бўлгани туфайли дунёнинг улкан муаммоларига халқаро иқтисодий таъсир кўрсата олади.

Хитой ўзининг иқлимий муҳитидаги йирик давлатдир. Уни иқлимий йирик давлат, деб тавсифлаш мумкин. Жаҳоннинг турли минтақаларидаги халқаро муаммоларга кўрсатадиган таъсири жуда заиф. Ўзининг иқлимий муҳити бундан мустасно. Шунинг учун жаҳонга таъсир кўрсатувчи давлатлар ва халқлар хусусидаги бу баҳсимизда у ҳақда гапиришдан тийилиб турамиз-да, Хитойнинг иқлимий муҳити муаммоларига тўхталганимизда сўзимизни давом эттирамиз.

Энди мана шу давлатлар ва халқлар хусусида гапиришга ўтайлик.

1. Исломий уммат

Бу уммат Оллоҳ Субҳонаҳу пайғамбари Муҳаммад ﷺни одамларни динсизлик зулматидан халос этиб, Ислом нурига олиб чиқиши учун юборган пайтда дунёга келди. Оритдан, яъни Пайғамбар ﷺ Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин унинг давлати - Ислом давлати барпо бўлди.

Бу давлат Пайғамбар ﷺдан кейин хулафои рошидинлар даврида ва улардан кейинги халифалар даврида кўп давлатларни фатҳ қилиб, то ўтган аср бошларида қулагунига қадар ер юзига эзгуликни ёйди. Оллоҳнинг изни ила унинг қайта тикланиши кутилмоқда.

Дастлаб даъватни араблар олиб бордилар. Кейинчалик Ислом дунёнинг ҳар тарафига ёйилиб, кўп миллатлар унга кириб келиб аралашиб кетишди. Араб билан ажам ўртасини фақат тақвогина ажратиб турадиган бўлди.

Биринчи бўлиб Исломни ёйган халқ араблар бўлгани учун, хусусан, араб халқи билан, умуман эса Ислом уммати билан танишмоқ лозим.

Араб халқи ғазотлар ичида кун кечириб, урушларга ўрганиб кетганди. Ҳарбий табиат, ўзгалар учун жавобгарлик ҳиси мана шунинг натижасида пайдо бўлганди. Шунинг учун ҳам исломий рисолатни Оллоҳ нозил қилган тариқат, яъни даъват ва жиҳод орқали кўтариб чиқишга энг муносиб халқ эди. Жиҳод қул қилиш эмас, эзгуликни ёйиш йўлидаги моддий жангдир. Исломни

эътиборни жалб қиладиган тарзда етказганидан кейин халқларни мустамлака ва қул қилиш учун эмас, ўзи олиб чиққан исломий мафкурани ёйиш учун жангга кирди. Унда ўзгаларга ёруғлик инъом этиш учун ўзини ёндириш мафкураси бор эди. Унинг энг кўзга кўринган белгиларидан бири ҳаммани ўзи билан тенг кўриш ва ўзгалар учун жавобгарликни бўйнига олишдир.

Ислом уммати битта халққа айланди. Унда ҳарбий-жиҳодий табиат пайдо бўлди. Зеро, жиҳод бу диннинг чўққисидир. Унда одамларга ҳидоятни тарқатиш фикри вужудга келди. Унда инсониятга ёрдам бериш тушунчаси томир отди. Шунинг учун у ҳар қанча тубанлашмасин, Исломни қабул қилиб, уни даъвату жиҳод орқали кўтариб чиққан ажодларидан ҳар қанча йироқлашмасин, ҳамон ундаги ҳарбий-жиҳодий табиат, ўзгалар учун жавобгарлик, одамларга ҳидоятни тарқатиш фикри яшаб келмоқда. Бу Уммат Исломга кириб, Исломда пишиб етилган турли миллатдаги халқлар қоришмасидан иборат бўлса ҳам, унинг шаъни худди Исломни илк марта кўтариб чиққан арабларга ўхшайди.

2. Немис халқи

Бу халқнинг илдизи чуқур. У - матонатли, ғайратли, тиниб-тинчимас, қўрқмас халқ. Бироқ, ўзига ошиқча ишониб юборади. Бошқаларга ҳукмини ўтказиш ҳуқуқини даъво қилиб, ўзидан кетади. Урушқоқликни, ҳарбийликни ўзининг табиий хулқи, туғма қобилияти, деб ҳисоблайди. Мана шу хислати билан атрофидагиларга, айниқса Франция, Британия, Россия каби йирик давлатларга хавф туғдиради. Немис халқи узоқ йиллар ички урушларни бошидан ўтказди. Франция каби қўшнилари билан бўлган жангларда бир неча авлодлар яшаб ўтди. Тирикчилиги саноатга, хусусан, ривожланган ҳарбий саноатга асосланади. Ҳатто у ядровий қуролдан тақиқланган бўлса-да, қўшниларига хавф солади. Шунга кўра, кўпинча унга қарши кучлар бирикиб, йирик давлатлар сафига қўшилишига тўсқинлик қиладилар. Шунга қарамай у тирик, жонли халқ. Унда йирик давлатлик мақомини қайта тиклаш имконияти мавжуд. Зеро, жонли вужуд одатда тўсиқларни енгиб ўтади. Немислар ҳам Фарб халқларидандир. Капитализмни қабул қилган пайтида манфаатдорлик ҳаётининг бир қисмига айланди. Немис халқининг ватани бўлмиш Германия мустамлакачи давлат ҳисобланади. Биринчи жаҳон урушидан олдин унинг ўз мустамлакалари бўлган. Иккинчи жаҳон урушига ўша мустамлакаларини қайтариб олиш ва бошқа давлатлар мустамлакаларини ҳам тортиб олиш, ўзининг

янги мустамлакаларини барпо қилиш мақсадида кирган. Бинобарин, Германия сиёсати айримлар ўйлаганидек, ёлғиз Гитлер сиёсатигина эмас, мустамлакачиликдир. Бугунги Германия мустамлакачиликдан кўп ҳам узоқлашиб кетгани йўқ. У, гарчи бевосита мустамлакачиликдан маҳрум этилган бўлса-да, иқтисодий мустамлакачиликнинг илк қалдирғочидир. Ҳа, у иқтисодий жиҳатдан кенгайиб бормоқда. Хусусан, Шарқий Европа давлатлари минтақаларида мумтоз иқтисодий назоратни ўрнатмоқда.

Энди ҳокимият низомига келадиган бўлсак, ундаги истибод жиҳати демократияни даъво қилишига қарамасдан кундек кўриниб турибди. Қадимги ва ҳозирги Германия ҳокимларининг барчаси тутаётган ишларда истибод кўзга ташланади.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Германия оғир шароитларга тушиб қолган бўлса-да, уларни енгиб ўтиб, қайтадан йирик давлатга айлана олди. Бунда унга икки омил кўмак берди. Биринчиси - фарзандларидаги фикрий сезгирлик. Шу сезим уларни қайтадан йирик давлат бўлиш учун ҳаракат қилишга ундади. Иккинчиси - Англиянинг Германия билан Франция ўртасидаги халқаро мувозанатни издан чиқармоқчи бўлиб, Германияни яширин тарзда қайтадан Франция билан рақобатлашишга ундаши бўлди. Бу нарса Германиянинг қайтадан йирик давлат бўлишига имконият яратиб берди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса унга кўмак берувчи ҳеч қандай омил юзага келмади. Чунки иттифоқдошларнинг беистисно барчаси унинг қайта тикланмаслиги учун ҳамма кишанларни ишга солишди. Унинг қайта тикланишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар қуйидагилар: Биринчи омил шуки, унинг фарзандлари ҳарбий саноатни қўйиб, иқтисод билан шуғулланишди. Бинобарин, бор эътиборларини халқаро сиёсатга таъсир ўтказишга эмас, иқтисодий жиҳатга қаратишди. Бу нарса уларнинг ҳис-туйғулари ва фаолиятларини йирик давлат бўлишга замин ҳозирловчи ва самарали сиёсий мавқени эгаллашга имкон берувчи ҳарбий саноатдан буриб юборди. Иккинчи омил шуки, Совет иттифоқи Германиянинг ўзи учун хавfli эканидан доим сергак турди. Бу хавф уни бирон лаҳза ҳам тарк этмади. Шунинг учун Германияга қарши шафқатсиз, мурасасиз, кескин сиёсат олиб борди. Мақсади Германияни батамом мажақлаб ташлаш эди. Шунга кўра, Германиянинг барча уринишларини чиппакка чиқарди. Американинг 1955 йилдан кейин Германия ҳарбий соҳасини жонлантиришни қабул қилгани муваффақиятсиз чиққани ҳам мана

шунда. Англия ҳам Германияни қайтадан бирлаштиролмади. Де Голл Европани бирлаштириб, шу орқали Германиянинг қуролланиши ва бирлигини тиклашга ёрдам бермоқчи бўлди. Бироқ, у ҳам муваффақият қозона олмади. Хуллас, Совет иттифоқининг унга қарши жуда қаттиқ тургани боис, ҳеч қайси ҳаракат иш бермади.

Тўғри, Германия бирлашди. Бироқ, бу иш немис сиёсатининг самараси сифатида эмас, балки Совет иттифоқининг қулаши даврида Америкага ён босишлари оқибатида рўй берди. АҚШ Германия бирлиги орқали Европа бирлигига зарба бермоқчи бўлди. Иқтисоди ночор Шарқий Германияни Европа бирлигининг асосий таъминловчиси бўлган Ғарбий Германияга қўшиш орқали иқтисодий муаммолар келтириб чиқариш ва бу билан Европа бирлигига тўсқинлик қилиш, ҳеч бўлмаса кечиктиришни кўзлади. Бироқ, Германия бу тангликни енгиб ўтиб, Америка сиқувидан халос бўлишга интилиб, Европага, хусусан Францияга юзлана бошлади. Кейинчалик Европа иттифоқига айланган Европа умумий бозорида унинг салмоқли роли бор эди. Лекин Германия иқтисодий воситалар орқали шунга интилишда давом этаверди. Бунинг маъноси, яқин кунда у иқтисодий қўллаб-қувватлаши туфайли Европада, хусусан Шарқий Европада ўз нуфузига эга бўлади, дегани эди. Аммо ҳали бу халқаро сиёсатда ўз ролига эга бўлди, деган маънони англатмасди. Зеро, халқаро сиёсатга таъсир ўтказиш ҳарбий куч ҳамда сиёсий режаларни ижро этиш ва амалга оширишга олиб борувчи сиёсий ишларга асосланади. Германия эса ҳамон бундай асосга муҳтож эди. Гарчи у Франция билан координация орқали шу ишга уринаётган бўлса-да, бу уринишлари реакция (акс муносабат)дан бошқа нарса ҳисобланмасди. Бироқ, бу реакция Америкага қарши таъсир кўрсатиш даражасига кўтарилди. Буни Американинг Ироққа қарши ҳужуми ҳодисаларида кўриш мумкин. Шунингдек, Германиянинг Франция билан ҳамкорликда иш олиб бориши, кейин эса Британиянинг Атлантика иттифоқидан айри ҳолда муштарак Европа мудофаа кучини ташкил қилишга қўшилиши - гарчи бу ҳали хом гап бўлса-да, Американинг тинчини бузди.

Шулардан кўриниб турибдики, Германия халқаро сиёсатда ўз ролига эга бўлиш учун интила бошлади. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Германиянинг яна қайта йирик давлатлар сафига қўшилиши кутилаётган ишдир. Зеро, ясама кучлар жонли халқлар ривожланишига тўсқинлик қилишга ҳар қанча эришгандек кўринмасин, бу муваффақият вақтинчадир.

Пировардида эса жонли вужуднинг тараққиёт йўлидаги ҳар қандай ғовларни енгиб ўтиши муқаррар.

Германиянинг ҳозирги сиёсати ҳақида лўнда қилиб қўйидагиларни айтиш мумкин:

Европа Германиясининг сиёсати европача прагматик асосларга қурилган. У бир томондан Франция-Германия меҳварини ташкил қилиб, Европа иттифоқининг келажакдаги сиёсатига замин ҳозирлаётган бўлса, иккинчи томондан Американинг Европадаги манфаатларини, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия хавфсизлигини америкача стратегия ҳимоя қилганини ҳисобга оляпти. Америка манфаатларини хавф остида қолдирмаяпти, аксинча, уларни биринчи ўринга қўйяпти. Учинчи томондан, Германия сиёсатларида асосий эътибор иқтисодий хусусиятга қаратилган. Бу сиёсат Шарқий Европа давлатлари иқтисодига якка хўжайинлик қилиш ва уни иттифоқдошларни шерик қилмасдан, якка ўзи ютиб юбориш учун қилаётган ҳаракатларида ўз ифодасини топяпти.

Ва ниҳоят, Германия сиёсатидаги шу нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, у ҳарбий жиҳатларга, дунё миқёсидаги сиёсатга жуда катта эътибор бера бошлади. Шимолий Атлантика иттифоқининг Афғонистон, Босния, Косоводаги фаолиятларида тобора кўпроқ иштирок этиши, ташқи ишлар вазирининг Франция ва Британиядаги ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилиши бунинг мисолидир. Эронга уч вазир уч маротаба ташриф буюриб, унинг ядровий ишлаб чиқаришларини кутилмаганда тафтиш қилиш учун тузилган қўшимча протоколни имзолашига босим ўтказдилар. Яҳудийлар билан Ҳизбуллоҳ ўртасидаги асирларни айирбошлаш масаласида ҳам Германия ўз ролини ўйнади.

Шундай қилиб, биз Германия сиёсатида узлатдан чиқиб олиш, иқтисодий жиҳат билангина кифояланмасликда ифодаланаётган ривожни кўряпмиз. Кузатувчилар Германиянинг тобора кучайиб бораётган сиёсий роли Франция ва Британиянинг роли билан деярли тенглаша бошлаганини сезмоқдалар.

Агар Германия йирик давлатлигига тезроқ қайтмоқчи бўлса, ҳарбий саноатга ошиқмоғи, уни ўзининг тақдирий масаласи деб билмоғи лозим. Шунингдек, Франция ва Британия билан бўлаётган мулоқотларида сиёсий огоҳ бўлиб туриши керак. Зеро, улар ўз нуфузларидан фойдаланиб, Европа иттифоқини бўйсундиришга ҳаракат қиляптилар. Франция Европада ўзини кўрсатиш учун Германиядан куч оляпти. Британия эса Франция ва Германия билан муносабатларида ўз манфаатларини рўёбга

чиқариш учун сиёсий айёрлигини ишга солмоқда. Демак, Германия гарчи Франция билан, умуман иттифоқдаги давлатлар билан ишларни мувофиқлаштиришда давом этаётган бўлса-да, айнан ўзининг иттифоқ ичида сиёсий вазнга эга бўлган ҳарбий кучга айланишига эътибор қаратмоғи даркор. Токи бошқалар манфаатлари учунгина бўйсуниб қолмасин, халқаро вазиятни Европа эмас, Германия туйнугидан кузатсин, Европа тарихидан сабоқ олсин.

3. Япон халқи

Бу халқ савдо-сотиқ ва денгизчилик билан кун кўради. Тор диёрда яшайди. Шижоат - унинг энг кўзга кўринган хулқи. Ишларга моҳирона ёндашиш унинг энг эътиборли фазилатларидан. Шунга кўра, саноат инқилобига эришиши билан саноатга ошиқди ва юртининг ҳажми кичкина бўлишига қарамасдан, йирик давлатлар қаторига кирди. Хитой билан жанг қилишдан чўчимайди, Америкага ҳеч иккиланмай ҳужум қилди. Чунки Американи ўзи учун хатар, деб биларди. Шунинг учун ҳам Американинг унга ҳукмини ўтказишдаги энг эътиборли режаси унинг саноатини ҳарбий асосга эмас, тижорат ва иқтисодни ривожлантириш асосига қуришига қаратиш бўлди. Бундан мақсад унинг халқаро майдондаги парвозига тўсқинлик қилиш эди. У ҳозирда ҳисоблашмаса бўлмайдиган иқтисодий кучдир.

4. Америка халқи

Бу бой халқ, бойлиги кўп диёрда дунёга келган. Кейин ўзини мустамлака қилиб олган Европа давлатларига, хусусан Англияга қарши қақшатқич жангга кирган. Онгли тарзда қурол кучи билан мустақилликка эришган. Бу нарса америкаликларда бир қанча хусусиятларни вужудга келтирди-ки, бу хусусиятларнинг энг муҳими «прагматизм», яъни фойда келтирувчи нарсаларнигина ҳақиқат, деб билувчи фалсафадир. Унда Европа мустамлакачилигига қарши курашиш натижасида юксак кадриятларга мойиллик ва уларни эъзозлаш ҳисси пайдо бўлган. Бироқ, насроний оламдаги бошқалар каби Америка халқи ҳам капитализмни қабул қилган. Шу билан уни икки омил ўзига тортади. Биринчиси - қаноат ва яхши фазилат омили бўлса, иккинчиси - манфаатдорлик ва мустамлакачилик омили. Британия ундаги биринчи омилдан фойдаланиб, уни ўзининг уруш ва иқтисоддаги бир қувватига айлантириш учун ўзига бўйсундирар эди. У пайтларда унга ўша биринчи омил ҳукмронлик қилар эди. Иккинчи жаҳон уруши юз бериб, Америка халқи Кўрфаз нефти хусусидаги мустамлакачилик таъмини тотиб кўргач, ундаги қаноат

ва яхши фазилат ўрнини манфаатдорлик ва мустамлакачилик омили эгаллади. Капитализм мабдаси уни мустамлакачилик сари етаклади. Узлатидан чиқиб, халқларни мустамлака қилишга, дунёни ўз ҳукмронлиги ва нуфузига бўйсундиришга киришди. Энди уни яна узлатига фақат куч билан қайтариш мумкин. Зеро, капиталистик мабда уни батамом эгаллади. Ҳаётининг бошқарувчисига айланди. Ўзи манфаатдорликдан бошқа нарсани ўйламайдиган бўлиб қолди. Устига-устак гурур ва ман-манлик ботқоғига ботди.

Америка Европа давлатларининг, хусусан Англиянинг мустамлакаси эди. Бир неча давлатларга бўлинарди. Дастлаб, инглиз мустамлакачилигини бироз юмшатишга ҳаракат қилди. Кейин эса озодлик урушига кириб, инглизларни диёридан ҳайдаб чиқарди. Шундан сўнг бу давлатлар иттифоқ тузиб, битта давлат ташкил қилишга келишдилар. Бу нарса амалга ошди ҳам. Сўнгра, қолган давлатларни ҳам гоҳида ўз ихтиёри билан, гоҳида ҳарбий куч билан ўзига қўшиб олиб, штатларга айлантирди. Ва ниҳоят ҳозирги ҳолатига келди. Ҳозирда у 51та штат (50 штат ва Колумбия округи)дан иборат. Халқаро майдонда энг кучли давлатга айланиб, Американинг ҳар иккала қитъасини Европа давлатларининг ҳужумидан ҳимоя қила олди. Ва Янги олам деб аталувчи бошқа оламга айланди. У бойлиги кўп диёрда вояга етган ғайратли халқ қўли билан барпо этилди. АҚШ ўзининг ҳокимият низомини тузди. Гарчи у демократик низомлар сирасига кирса-да, чуқур тафаккур, ҳокимият маъносини амалда англаш билан тузилиб, бутун инсоният учун мўлжалланган эди. Идеал-намунали ҳокимиятни мантиқий тасаввур қилмади, аксинча уни амалий тарзда идрок этди. Бу нарса жумҳурият президентини сайлаш, унга берилган кенг ваколатлар, давлатдаги роли, давлат аппаратидаги мансабдорлар ваколатларини белгилаш, иттифоқ низоми бўлишига қарамасдан давлатнинг кучли яқдиллик асосига қурилиши, президент ва давлат аппаратини сайлашда халққа улкан имкониятлар берилиши каби ишларда ўз аксини топди. Бу ишлар давлатнинг кучайиши ва тез суръатда ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги узлатидан чиқиб, дунёни бошқаришда қатнашишга, яна ҳам тўғрироғи, уни ёлғиз ўзи бошқаришга ҳаракат қила бошлади. 1961-1979 йилга қадар бошқарувни душмани Совет иттифоқи билан баҳам кўрди. Бошқа йирик давлатлар четга сурилди. Келишувдан, Совет иттифоқи билан шерикчилик қилишдан кўзланган мақсадлар амалга ошиб, унинг айрим салбий жиҳатлари

кўрина бошлагач, Европа давлатлари Америкадан ўзларини тортиб, Совет иттифоқи билан муносабатларини тиклашга ҳаракат қила бошладилар. Ўз навбатида Совет иттифоқи ҳам, гарчи муваффақиятли чиқмаган бўлса-да, халқаро сиёсат денгизига шўнғиш ва бу билан ўзининг Америка сиёсатидан айри ҳолдаги халқаро қутб эканини кўрсатиш учун дадил қадамлар ташлади. Бунинг кўрган АҚШ Совет иттифоқи билан муносабатларини кескинлаштириб, қайтадан қуролланиш пойгасига шўнғиди. Натижада совуқ уруш юзага келди. Айни пайтда Совет иттифоқи ва Шарқий лагер билан маданий, фикрий ва иқтисодий урушга кириб, шартномалар билан уни кишанлаб ташлади. Оқибатда Совет иттифоқи қулаб, Қўшма штатлар биринчи давлатлигича, халқаро сиёсатда энг кўп таъсир ўтказувчи қутблигича қолди.

Америкада асосан иккита партия бор: демократлар партияси ва республикачилар партияси. Уларнинг программалари, ҳатто сиёсатлари ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди. Ҳар икки партия битта программада иш олиб боради. Ҳокимият бирдан иккинчисига ўтганда ички сиёсатда бўлсин, ташқи сиёсатда бўлсин, ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Юз берган тақдирда ҳам унинг сабаби партиялар программалари ўртасидаги ихтилоф эмас, шароит тақозоси билан бўлади, холос.

Демократик партия - кўҳна партия, халқ партияси. Халқ ўртасида кўпчилик овозга эга. Шунинг учун кўпинча конгресснинг аксарияти у томонда бўлади. Республикачилар партияси эса демократлар партиядан ёшроқ партия. Бойларнинг, сармоядорларнинг партияси. Кўпчилик аъзолари пулдорлардан, монополияга оид ширкат эгаларидан иборат. Унда кўп сонли зиёлилар ҳам бор. У авомни ўзига жалб қилишга уринмайди. Агар унга президентлик сайловлари низоми ёрдам бермаганида, бирон марта ҳам президентликни ололмаган бўларди. Негаки у кўпчиликнинг эмас, озчиликнинг партиясидир.

Бошқа капиталистик давлатлар каби Қўшма штатларга ҳам монополистик ширкат эгалари ва ишбилармонлар ҳукм ўтказишади. Давлат сиёсатида уларнинг ўз таъсири бор. Бироқ, ҳар бир шахснинг фуқаролик ҳуқуқидан амалда фойдаланаётганига, сайловларда бўлсин, назоратда бўлсин, ҳокимиятга таъсир ўтказа олишига назар ташланадиган бўлса, унинг ҳокимияти бошқа капиталистик давлатлардан кўра кўпроқ халқ ҳокимияти экани кўринади. Унинг туганмас бойлигига, билимдон, мутафаккир, маданиятли шахсларининг кўплигига, ундаги эркинликка, фаолликка эътибор қаратиладиган бўлса,

унинг кучи номига эмас, ҳақиқий экани аён бўлади. Америка халқи кўҳна халқ бўлмаса-да, турли ўлкалардан келган шахслар ва жамоалардан иборат бўлса-да, уларни фуқаролик риштаси маҳкам боғлаб туради. Ҳатто бир неча йил яшаб, кейин фуқароликни олган ажнабий ҳам ўша давлат, халқ ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга асл фуқародан ҳам кўра кўпроқ ҳарис бўлиб қолади. Бу одамлар ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топган мамлакат куч-қудратининг мевасидир.

Энди бу диёрнинг ташқи сиёсатига тўхталадиган бўлсак, у бойларнинг, монополистик ширкат эгаларининг сиёсатидир. Лўнда қилиб айтганда, гирт мустамлакачилик сиёсатидир. Унда олий қадриятлар учун ҳеч қандай жой йўқ. Сиёсатчилари ҳар қанча содда, гўл кўринмасинлар, дунёдаги кўпчилик сиёсатчилардан кўра чуқур фикрлайдилар. Тез ўзгартириш, хилма-хил услублар қўллаш ва муаммоларни тез ҳал қилишда етук иқтидорга эгадирлар. Олий сақофат ёнидаги мустамлакачилик ишқи уларнинг сиёсий фаолиятларига таъсир кўрсатса керакки, бошқа диёрларга ўзларининг бир экинзори сифатида қарайдилар, қачонлардир йирик ҳисобланган давлатларни Америкадек нуфузли бўлишга нолойиқ, деб топадилар. Улар бу йирик давлатларнинг «истеъфога чиқиб, дам олишлари» ва кучлилар салтанатига дунёнинг қолган қисми бўйсунганлигига рози бўлишлари учун аллақачон вақт келди, деб ҳисоблашади.

Бугунги Америка улкан ядровий қурул-яроғ арсеналига эга. Америка бу қуруллар бўйича барча ядровий давлатлар тўпланганида ҳам улардан бир неча баробар устунлик қилади. Американинг ҳарбий сарф-харажатлари бошқа йирик давлатларники билан солиштирилганда қанчалар устун эканлиги намоён бўлади. Масалан, 2002 йилда йирик Фарб давлатларининг ҳарбий харажатлари қуйидагича бўлган:

Британия	35 миллиард доллар
Франция	32 миллиард доллар
<u>Германия</u>	<u>23 миллиард доллар</u>
Жами	90 миллиард доллар

Американинг ўзи эса 350 миллиард доллар сарфлаган. Сифатдаги фарқи айтмаса ҳам бўлаверади. Айрим хабардор кишиларнинг фикрича, Америка Европадан технологик тараққиёт жиҳатидан бир неча ўн йилликларга ўзиб кетган. У БМТга ҳам, ундан келиб чиқувчи ташкилотларга ҳам ўз ҳукмини ўтказди. Жаҳон банкида ҳам, Халқаро валюта жамғармасида ҳам энг катта молиявий улушга эга. Банк ҳам, жамғарма ҳам унинг улкан

сиёсий нуфузини дунё давлатларига ўтказиш билан овора. Шунингдек, у глобаллаштириш сиёсати орқали тижоратини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Бу сиёсатга Жаҳон савдо ташкилоти сафарбар этилди ва у божхоналар бирлиги номли баҳона остида маҳаллий бозорларга дахл қилиш учун уни бир восита қилиб олди. Шу билан тижорат эркинлиги юзага келди. Улкан иқтисодий кучга, трансмиллий ёки океанлардан ўта олувчи энг кўп ширкатларга эга бўлгани боис Жаҳон савдо ташкилоти таъминлаб турган қонунийлик соясида ярим ёпиқ ёки Америка бошқарувидаги очиқ дунё иқтисодига қўшилишдан бош тортаётган бозорларни очишга муваффақ бўлди.

Америка шундай улкан ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий қудратга эга бўлганлиги туфайли дунёдаги барча давлатларнинг ишига аралашадиган, ҳар бир давлат маҳаллий сиёсатининг бир қисмини эгаллайдиган давлатга айланди. У ривожланган ёки қолоқ бўлишдан қатъий назар, беистисно барча давлатларга назорат сиёсатини ўтказишга уриняпти. Айрим пайтлардаги муваффақиятсизликларига қарамасдан, бу ишини тарк этмаяпти.

Дунёдаги мавжуд муаммоларнинг барчасида Американинг қўли бор. У нотинч минтақаларда кескинлик ўчоғига ўт қаламоқда. Давлатларни янги синфларга ажратмоқда. «Ёвузлик меҳвари давлатлари», «терроризмга ҳомий давлатлар» атамалари ана шулар жумласидандир. Бу атамаларнинг зараридан иттифоқдош давлатлар ҳам, қарам давлатлар ҳам бебаҳра қолмаяпти. Бутун жаҳонга ё мен билан бўласан, ё терроризм билан, деган кескин талаб қўйяпти. Бетарафликни тан олмаяпти.

Ўзи тангликлар, кескинликлар, муаммолар келтириб чиқариб, уларга ечим излашда яна ўзи бош бўляпти. Бу ишларни дунёни назорат қилиш стратегиясининг бир бўлаги сифатида амалга оширяпти.

Америка ўзининг ҳарбий ва иқтисодий қувватини сиёсий ишларида суиистеъмол қилди. У нуфузини анъанавий мустамлакачилик давлатлари каби иқтисод ва савдо жиҳатига ўтказиш билан чекланмасдан, ҳаётнинг барча жабҳаларига ёймоқчи бўлди. Шу билан таълиму матбуот соҳасида ҳам, ижтимоий ҳаёту тафаккур соҳасида ҳам, сақофату хавфсизлик соҳасида ҳам ўз нуфузига эга бўлди.

Масалан, таълим соҳасида очиқдан-очиқ программаларни ўз идеологиясига мослаштирди. Саудия, Қувайт, Йордания, Миср каби араб давлатлари тараққиёт ва замонавийлаштириш баҳонасида программаларни қайта кўриб чиқишга муккасидан

кетдилар. Саудия энг эътиборли диний предметни - дўстлик ва душманлик предметини ўқув қўлланмаларидан олиб ташлади. Йордания, Миср, Қувайт каби давлатлар яҳудий ва насоролар каби тажовузкор кофирлар билан жиҳод қилишга тааллуқли предметларни, шунга ўхшаш Америкага ёқмайдиган исломий фикрларни ўзгартирдилар.

Матбуот соҳасида Америка араб ва мусулмонлар оmmasига таъсир ўтказиш учун юзлаб миллион долларларни ажратди. Ҳар бир хонадонга заҳарини киритиш учун «Сава радиоси»ни ва «Ал-Ҳурр» телеканалини ташкил қилди.

Ижтимоий соҳада асосий эътиборни аёл жинсига қаратди. Уни исломий қадриятлардан бездиришга ҳаракат қилди. Маблаг ажратиб, ҳукуматларни аёллар конференцияларини уюштиришга мажбур қилди. Ҳокимият ва парламентга аёлларни ҳам киритасан, деб босим ўтказди. Аёл эркинлиги фикрини янгича қолипларда, янгича шаклларда кенг тарқатди.

Тафаккур ва сақофат майдонида Америка фикр, демократия, кўп партиялилик марказларини очди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларни барпо қилди. Бу марказ ва ташкилотлар эркинлик ҳақидаги қарашларни ғарбона тушунчалару америкача йўллар орқали ривожлантира борди. Уларга Голливуд кинофилмлари ва арабу ажам телевидениесининг аксар каналларини эгаллаб олган илғор технология асосидаги санъат маҳсулотлари ёрдамга келди. Хавфсизлик соҳасида араб ва исломий олам давлатларидаги разведка аппаратини ўзининг разведка аппарати билан, хусусан МРБ ва ФТБ билан боғлади. Америка разведкачилари исломий мамлакатларнинг шаҳарларида тўла эркинлик билан қонун ҳимояси остида изғиб юра бошлади. Бу ҳолни Судан, Яман, Кения, Танзания, Ливия, Покистон ва бошқа давлатларда кузатиш мумкин. Ўзаро разведка алоқалари доирасига қидирилаётган кишиларни Америкага топширишни ўз ичига олди. Шу билан Американинг махсус кучларига Америка террорист деб номловчи кимсаларга қарши муайян ҳарбий ишларни амалга ошириш имкони туғилди.

Шундай қилиб, Американинг қўллари исломий ва ғайриисломий юртлар жамиятларидаги кундалик турмушнинг барча жабҳаларигача кириб бориб, иштаҳаси кўтарганча фисқу фасод қўзғади. Яқин шарқ, Африка, Жанубий Осиё, ҳатто Лотин Америкасида юз бераётган ишлар бунинг гувоҳидир. Гаитининг сайланган президенти Аристидни қулатиб, хорижга сургун қилиб юборди. Ҳозирда эса Венесуэланинг президенти Уго Чавесни

ҳокимиятдан туширмоқчи бўлиб турибди. Шу билан Америка кучсиз давлатлар ҳокимларининг лаганбардорлиги ва хиёнати туфайли уларни босиб олиш имкониятига эга бўлай деб турибди.

Бироқ, бундай америкача назорат узоққа бормайди. У заволга юзланган. Ер куррасининг ҳар бурчагида Америка ўзини кўрсатаётган бўлса-да, ҳокимлару ҳукуматлар у билан ҳамкорлик қилишаётган бўлса-да, халқларнинг, хусусан Ислом умматининг унга қарши ғазаби чексиз. Авом халқ америкаликларнинг гердайишлари, кеккайишлари, яҳудийларга ён босишлари, мустамлакачиликлари, эксплуататорликлари туфайли улардан қаттиқ нафратландилар. Бу ғазаб ва нафрат яқин кунда ҳамма жойда, Америка қитъаси ичида ҳам, сиртида ҳам Америкага қарши курашни юзага келтиради. Американинг такаббурлиги, фойдаларни ўзиники қилиб олавериши, доимий назоратга интилавериши, халқро ишларни бошқаришда америкача монополияга ҳаракат қилаётгани боис, йирик давлатларнинг тангликка учраётганлари ва манфаатларидан маҳрум бўлаётганларини ҳам қўшадиган бўлсак, бу ишнинг юз бериши яна ҳам аниқлашади.

Мустамлакачилик ва ўзгалар қонини сўришга асосланган капиталистик мабдани тутган давлатнинг ёлғиз ўзи, ҳеч бир рақобатчисиз дунёни бошқариши бутун жаҳонни бахтсизликка, муаммоларга, тангликларга, бузуқликларга тўлдириб юборди. Ниманики кўриб турган бўлсангиз, ҳаммаси АҚШ бузуқлигининг, бузғунчилигининг нишонасидир.

Жаҳоннинг капиталистик давлатлар, хусусан АҚШ дастидан тортаётган азоб-қубатлари Оллоҳ пайғамбарига бутун оламга раҳмат қилиб нозил қилган улуг Исломни - ҳақ мабдани татбиқ этувчи халифалик давлатини барпо қилиш билангина барҳам топади. Ана шундагина Ислом адолати капитализм ёвузлигини очиб ташлайди. Бу ёвузлик унинг моддий мафкураси ва мустамлакачилик тариқатида мужассамдир. Шунингдек, Исломнинг эзгулик қуввати Американинг зўравонлиги ва такаббурлигига яқун ясаб, уни узлатига, Янги оламига қайтишга мажбур қилади. Агар ўша Янги олами қолган бўлса, албатта. Кейин эса бутун жаҳонни эзгулик эгаллаб, бахтсизлигу фалокат гирдобиди узоқ қолиб кетган олам эркин нафас ола бошлайди.

5. Инглиз халқи

Бу халқ дунёга келганидан бошлаб, асосан балиқчилик ва кемачилик билан шуғулланди. Кейин денгизчилик ва тижорат ҳам унга қўшилди. Натижада унда фойда кетидан қувиш,

эксплуататорлик ва савдогарлик табиати пайдо бўлди. Юртининг ҳажми кичик бўлгани туфайли, денгиз овчилари каби бошқалардан ёрдам сўрамай иложи йўқ эди. Денгиз овчилари камдан-кам якка ҳолда овга чиқадилар. Кейинчалик капиталистик мабдани қабул қилиб, манфаатдорлик унда томир отди. Шунинг учун ҳам кўрасизки, Англиянинг сиёсий ҳаёти юзага келгандан ҳозирга қадар ўзгалардан ёрдам сўраш ва ов учун хўрак тайёрлашга асосланиб келмоқда. Ўзи мустамлака қилган диёр бўладими, ундан ёрдам сўраётган давлат бўладими, фарқи йўқ. Хуллас, унинг барча сиёсати мустамлакачилик хусусидаги битимлар, уюшмалар, шерикчиликлар асосига қурилган. XIX асрда мустамлакачилик борасида бошқа давлатлар билан шерикчилик қиларди. Англиянинг ёнида туриб, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун айрим диёрларни мустамлака қилишга қаттиқ бел боғлади. Худди шу мақсадда, яъни минтақага хавф туғилгудек бўлса, ўзининг олдида туриб, хатарларга кўндаланг қилиш учун Биринчи жаҳон урушидан кейин Яқин шарққа Францияни киритишга ҳаракат қилди. Ўшанда «Англия охирги француз аскарлари қолгунига қадар жанг қилади», деган гаплар бўлганди.

Шундай қилиб, балиқ овчиларининг табиати уларда ўз манфаатларини рўёбга чиқариш йўлида ўзгалардан ёрдам сўраш хулқини ҳам пайдо қилганди.

Британия яна бир хулқи билан машҳур. Тўғрироғи, бу унинг энг эътиборли хулқи. У консерватизм (эскиликка берилиш), ўзгаришга, ривожланишга шонилмаслик, иложсиз қолгандагина бу ишга ружу қилиш. Инглиз халқи, лўнда қилиб айтганда, консерватив кайфиятдаги халқдир. Унга қадимдан ҳозирга қадар оқ суяк оилалар, бойлар, йирик сармоядорлар ўз ҳукмини ўтказиб келади. Гарчи у ўзини демократик халқ, деб даъво қилса-да, синчиклаб қаралганда бундай эмаслиги аён бўлади. Ҳоким тайинлашда халқнинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Уни оқ суяк оилалар, монополия эгалари тайинлайди. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам шундай. Ҳозирга қадар унинг тақдирини оқ суяк зодагон оилалару капиталистлар ҳал қилиб келишмоқда. Қадимдан Англиядаги ҳар бир халқ ҳаракати жирканч суратдаги қаршиликка учраган ва худди шу суратда бостирилган. Инглизлар фахрланадиган Кромвел қўзғолони халқ қўзғолони эмас, аксинча, оқ суяк оилаларнинг халқ қўзғолонига қарши қўзғолони бўлган. Ўшанда оқ суяк оилалар ва капиталистлар салтанатини қулатиш мақсадида халқ қўзғолони кўтарилиб, зафар қучишга бир баҳя қолганди. Шунда оқ суяк оилалар ҳийла ишлатди ва айрим

ҳуқуқларни талаб қилиб чиқувчи қўзғолон кўтарсин деб, Кромвел юборилди. Унинг атрофига кўпчилик тўпланди. Айрим талаблар қондирилди ҳам. Шу билан халқ қўзғолони бешигидаёқ бўғиб ташланди. Англияга ўнлаб йиллардан буён консерваторлар партияси ҳукмронлик қилиб келяпти. Ишчилар (лейбористлар) партияси эса, керак бўлганда ишлатиладиган қуролдан бошқа нарса эмас. Консерваторлар партияси ҳал қилолмайдиган муаммолар чиқиб қолганда, ишчилар партияси ишга солинади. Ишчилар партияси охириги пайтларда бунини пайқаб қолишган шекилли, уларга мослашишга ҳаракат қилиб қолишди. Бу икки партиянинг ҳокимиятни қўлма-қўл қилиши, ишчилар партиясининг консерваторлар қўлидаги қурол бўлишидан кўра кўпроқ консерваторлар билан ишчилар ўртасидаги ролларнинг алмашилишига яқинроқ бўлиб қолди. Кўрамизки, ишчилар партиясининг ҳозирги раҳбари, Британия бош вазири Тони Блэр партиянинг табиатини ўзгартириб, консерваторлар партиясининг сиёсатига анча яқинлашди. Консерваторлар партияси уddaбуронлигидан фарқ қилмайдиган тарздаги сиёсий кўриниш берди. Ҳатто консерваторлар партиясининг собиқ раҳбари Маргарет Тэтчердан ички ва ташқи сиёсатда ўрнатилди. Хуллас, ишчилар партияси консерваторлар партиясидан кўп ҳам фарқ қилмай қолди. Британиядаги бу икки партия Америкадаги республикачилар ва демократлар партияларининг эгизакларига айланди.

Ишчилар партиясидан Англияда кечаётган оқ суяк оилалар ва капиталистлар ҳукмронлигини идрок қилувчи шахслар пайдо бўлиб қолса, улар шундай куйларга солинадик, оқибатда партиядаги таъсир кучларидан ҳам, бинобарин, сиёсатдаги таъсир кучларидан ҳам маҳрум бўладилар. 1930 ҳатто, 1960-йиллардаги ишчилар партияси аъзоси Пиффен, 1960-йиллардаги Жорж Браун консерваторлар партиясининг ҳатто ишчилар партиясига ҳам ўз ҳукмини ўткази олишининг ёрқин мисолидир. Консерваторлар партиясининг ўзи ҳам раҳбарини сайлов йўли билан сайлаб олмайди, балки уни партиянинг олдинги раҳбари тайинлайди. Масалан, Макмиллан Лорд Хесни, Маргарет Тэтчер эса Жон Мейжорни тайинлаган. Хес ва Мейжор гарчи сайланган бўлишса-да, аввал тайин этилиб, кейин номига сайлов ўтказилган. Мана шулардан кўриниб турибдики, Англиядаги ҳокимият низоми, гарчи демократик деб номланса-да, аслида тайинлашдир. Тайинловчилар оқ суяк оилалар, капиталистлар ва монополия эгаларидир.

Англиянинг денгиз ўртасидаги ороллиги, бу оролнинг аҳоли эҳтиёжларини таъминлай олмаслигига назар ташланганда инглизларнинг ҳаёт учун курашиб четга чиқмасдан бошқа иложлари йўқлиги аён бўлади. Бироқ, улар савдогарлик учун мол айирбошлаш мақсадида эмас, мустамлакачилик, ўзга халқлар қонини сўриш, бойликларини талаш мақсадида четга чиқдилар. Негаки дастлаб уларда айирбошлайдиган молнинг ўзи бўлмаган. Шунга кўра, бойлик истаб йўлга отландилар. Оролдан чиққан пайтларидаги аҳволлари мана шу эди. Манфаатдорлик таркибий қисми бўлмиш капиталистик мабдани қабул қилганларида бу мабда уларнинг табиатига узукка кўз қўйгандек мос тушди. Шу билан уларда мустамлакачилик жиҳати диққат марказига чиқиб, биринчи даражали мустамлакачи давлатга айландилар. Оз сонли бўлганлари ва ўзларидан каттароқ куч қаршисида туролмаганлари туфайли бошқа халқлар ва давлатларни ёрдам беришга мажбурлаш воситасини қўлладилар. Бу ёрдам битимлар, анжуманлар, иттифоқлар каби уюшмалар шаклида намоён бўлди. Шунга биноан уюшмачилик жиҳати Англия сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Улар гарчи заковат бобида бошқалар каби оддий бўлсалар-да, ўз заковатларини охириги қатрасигача ишлатишлари билан ажралиб турадилар. Шу билан бўлаётган ишларни тушуниш, сиёсатни англаш, муаммоларни ҳал этишда етукликка эришдилар. Кенгайишга ўта муҳтожликларини эътиборга олиб, саноатларини ҳарбий саноат асосида барпо қилдилар. Бу нарса уларни том маънодаги давлат бўлишга олиб борди. Улар ҳарбий кучдан ҳам, ҳарбий техникадан ҳам, саноатга оид кучдан ҳам керагича фойдаланадилар. Боз устига сиёсатни ҳам, бошқарувни ҳам теран тушунадилар. Кўпинча ифлослик намоён бўладиган айёрликларни ҳам ишга соладилар.

Англиянинг ташқи сиёсати мустамлакачилик асосига қурилган. Бироқ, унда икки иш кўзга ташланиб туради: Биринчиси - халқаро мувозанатни сақлаб қолиш бўлса, иккинчиси - ҳар қанча қимматга тушмасин, халқаро сиёсатдаги ўз ўрнини сақлаб қолиш. Шунинг учун ҳам у салиб юришида ошкора иштирок этди. Муқаддас иттифоқда йирик давлатларнинг энг олдинги сафида бўлди. Наполеонни синдириш, Францияни ўз ўрнига қайтаришда олдинги сафда турди. Бисмарк давридаги Германия ҳаракатида Берлин анжуманида иштирок этиб, унинг қучини кесишни кўзлади. Германия қувватининг фавқулодда ортиб бораётганини сезиб, унга қарши уруш эълон қилди. Ҳар икки жаҳон урушида унга қарши тарафда турди. Олам харитасини ўзгартириш ва ўша пайтда, яъни

келишув даврида дунёни бошқараётган икки гигант давлатни заифлаштириш мақсадида бутун дунёни жаҳон урушига жалб қилиб кўрди. Икки гигант иттифоқи оқибатида халқаро сиёсатдан четлатилгач, ўзини йўқотиб қўйган одамга ўхшаб қолди. Яна қайта халқаро майдондан жой олиш ва халқаро сиёсатда иштирок этиш учун ўзини хавфга солиб бўлса ҳам асабий тарзда ҳаракат қилди. Бу ишда давлатлар билан битимлар тузиш, шахсларни жалб қилиб, улар орқали таъсир ўтказишга таянарди. Савдолашиш йўлида рақибга каттароқ луқма бериб қўйиши парвосига келмасди. У сиёсатда на дўст ва на душманни тан олади. Манфаатдан бошқа нарсаларнинг борлигига ишонмайди, уларни алдаш қуроли, деб ҳисоблайди. Ишончга кириш учун ёлгонни кўрсатмасликка ҳаракат қилса-да, уни сиёсатидаги энг фаол қурол сифатида қўллайди. Британия бош вазири Черчилл урушнинг тақдири ва Германиянинг келажагини ҳал қилиш учун Рузвелт ва Сталин билан учрашган пайтида очикдан-очик шундай деган эди: «Урушдаги ҳақиқат шу қадар қимматки, уни ёлгонлардан тузилган посбонлар билан қўриқламай иложингиз йўқ». Британия сиёсатида ёлгон қанчалар асл нарса экани мана шундан кўриниб турибди.

Британия ва унинг сиёсатининг воқеи - мана шу. У билан мустамлакачилик ва халқни қул қилиш асосига қурилган давлат сифатида муносабатда бўлмоқ лозим. Йиллар ва ҳодисалар унинг бу йўлини ўзгартиролмади. Бир неча халқ қўзғолонларига дуч келди. Биронтасининг ҳам муваффақият қозонишига йўл қўймади. Унинг мустамлакачилигига қарши туриш учун воситаларини идрок қилиш ҳамда услублари яширин, кўринишда содда, айёрлигига очикдан-очик қарши чиқиш билан бўлади. Унинг кучи шоирнинг: «Мени сен давола касаллик ила», деган сатрида ўз ифодасини топган. Ташқаридаги қуввати бошқаларни, ҳатто қарши турувчиларни ўзига оғдира олишидадир. Уни енгиш учун анъанавий сиёсий қуролларида ажратиш, ҳеч бир ёрдамчисиз, шериксиз, ёлғиз ўзига қарши туришдан бошқа йўл йўқ.

6. Француз халқи

Бу халқ Европанинг юрагида кўҳна давлат барпо қилди. Улар озодлик, адолат, тенглик каби олий фикрларни биз олиб келганмиз, сиёсат, тафаккур бобида буюк шахслар етиштириб чиққанмиз, деб фахрланишади. Франция, нима бўлганда ҳам, мустамлакачи давлатдир. Озодлик фикрларидан ўзининг олий шахсий белги сифатида таъсирланиши билан бошқалардан

ажралиб туради. Бу белги уларнинг хулқига, тўғрироғи табиатига айланган.

Француз халқи озодликни мафкура қилиб олганидан бошлаб, парчаланишга юз тутди. У уммат, халқ ёки жамоадан кўра кўпроқ шахслар гуруҳига ўхшайди. Шунга кўра, унда кучли ҳукуматлар бўлган пайтлар жуда кам учрайди. Шу сабабдан Англия Францияни кетма-кет бир неча марта ишга солишга муваффақ бўлди. Хуллас, Франция Наполеон кетганидан бошлаб де Голл давригача Англия карвонида юрди. Бунинг сабаби унда озодлик мафкурасининг илдиз отганидир. Ҳатто мустамлакачилик мақсадида Америка, Осиё ва Африкага чиқиши ҳам Англиянинг қистови билан бўлди. Англиянинг мақсади эса, гарчи мустамлакачилик тарихида икки давлат ўртасидаги рақобат юзага чиқа бошлаган бўлса-да, у орқали ўзини кучайтириш эди.

Шунга биноан, француз халқига ҳар қанча синчиклаб қараманг, унда озодликдан бошқа хусусиятни топа олмайсиз. Шу фикрий эркинлик файласуфларни, шоирларни, мутафаккирларни етиштириб чиқарган бўлса, сиёсий эркинлик, олижаноблик, азизлик, ўзига ишончни пайдо қилди. Натижада катта миқдорда буюк шахслар дунёга келди. Шахсий эркинлик Парижнинг фишқу фужурхонага, шахвату лаззатга берилувчи фоҳишахонага айлантирди. Ажнабийларнинг, хусусан инглизларнинг босиб келишига туйнук очиб берган нарса ҳам айнан мана шу эркинлик бўлади. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мутлақ маънодаги эркинлик Франция бошига ёғилаётган балоларнинг манбаидир.

Францияда фалонча партия бор, фалон партия фалондақа, пистон партия пистондақа, деб бўлмайди. Зеро, бундай аҳволдаги халқда ҳақиқий маънодаги партия бўлиши қийин, тўғрироғи мумкин эмас. Унда ўзларини партиялар деб номловчи шахслар тўдалари бор, холос. Шунга кўра, бу мамлакатда кучли, барқарор ҳокимиятнинг бўлиши жуда оғир. Чунки ҳар бир француз ўзига-ўзи ҳоким. Ҳар бир француз ҳоким бўлиш илинжида юради. Киши Франциянинг ички сиёсати фалон, ташқи сиёсати пистон дея олмайди. Ички сиёсат ҳокимлар табиатига, эркинликни қандай тушунишларига қараб бўлса, ташқи сиёсат Франциянинг бошқаларни мустамлака қилишга, уларга нуфузини ўтказишга қанчалар қодирлигига қараб бўлади. Франция мустамлакачи давлат ҳисобланади. Негаки у капиталистик мабдани қабул қилган. Манфаатдорлик ҳаётининг тарқибий қисмидир. Шунинг учун ҳам мустамлакачиликка ва мустамлакаларини сақлаб қолишга ҳарис.

Модомики, Франциянинг ташқи сиёсати хусусида тўхталмай иложимиз йўқ экан, шуни айтишимиз мумкинки, унинг бу сиёсати хорижда ўз нуфузига эга бўлиш асосига қурилгандир. Бу иш мустамлакалари билан бўладими, сақофий нуфуз биланми, иқтисодий нуфуз биланми, фарқи йўқ. Йирик давлатларга қарши сиёсий ишларида ўз шахсиясини кўрсатиш, буюклик ва хукмронликда иштирок этиш каби ишлари намоён бўлади. У сиёсий найрангларни қойиллата олмайди. Кўпроқ дангалликни ёқтиради. Шунинг учун ҳам шу кунларда у билан Америка ўртасида тортишув борлиги осонгина фош бўлди. Бошқалар билан, хусусан Британия билан Америка ўртасидаги курашни фош қилиш эса осон эмас. Шунинг учун унинг ишларига қарши туришнинг йўли унинг киборлигига тегиб кетмаслик, ташаббус тизгинини қўлига олишига имкон бермаслик, уни фақат халқаро сиёсатда йирик давлатлар қабул қиладиган даражадагина йирик давлат деб ҳисоблашдир.

7. Рус халқи

Бу халқ ғайратчан, интилувчан, кучли, айна пайтда содда ва оддий халқдир. Аввалига капиталистик мабдани, сўнг коммунизмни, кейин яна капитализмни қабул қилганига қарамасдан, Европадан орқада қолди. Европа халқлари даражасига кўтарила олмади. Русларда европаликлар қаршисида кемтиклик юзага келди. Бу нарса уларнинг йўналишларига салбий таъсир қилди.

Рус халқи ўз юртида довюрак, жангчи халқ. Юридан четга чиқдими тамом, бу хусусиятини йўқотади. Шарқий Европа давлатларига узоқ муддат ўтказиб келаётган ҳукмини йўқотиши кутилаётган эди. Совет иттифоқи қулаши билан уни ҳақиқатда йўқотди ҳам. Тарих ҳақиқатлари таъкидлашча, рус халқи ўз юридан ташқарида ғалаба қозонмаган. Миттигина диёр бўлмиш Чеченистондаги танглиги буни кўрсатиб турибди. Юртининг ичига кириб келган ҳар қандай душманни мағлуб этган. Наполеон ва Гитлер ҳодисалари бунинг энг ёрқин мисолидир.

Россиядаги ҳокимият низоми подшоҳ даврида бошқача, коммунистлар даврида яна бошқача, ҳозирги даврда яна бошқача. Фақат ҳамма ҳолатларда ҳам истибодга оид бўлган. Чор (подшоҳ) ер эгаларига алоҳида таянган. Феодаллар йирик бойлар билан иттифоқ тузиб, мамлакатга хукмронлик қилганлар. Улар чорнинг ички ва ташқи сиёсатини батамом қўллаб-қувватлаганлар. Ҳаммаси бир бўлиб, халқни ёвузларча қул қилишган. Натижада давлат тубанлашган, халқ қолақлашган.

Россия Биринчи жаҳон урушидан олдин Европадан қолоқ эди. Айрим Европа давлатлари томонидан эксплуатация қилинар эди. Ундаги асосий саноатлар Франция, Англия ва Белгиянинг қўлида эди. Металлургия корхоналари французларга, Донецк конидаги кўмир саноати ажнабийларга, нефт конларининг ярмига яқини инглизлар ва французларга қарарди. Россия саноатидан тушадиган фойданинг катта қисми чет эл, хусусан инглиз, француз банкларига кетарди. Мамлакат 1924 йилда ҳокимият низоми борасида ҳам, иқтисод, сақофат, таълим соҳасида ҳам қолоқ эди. Шунга қарамай, у йирик давлат ҳисобланарди. Халқаро сиёсатга ўз таъсирини ўтказарди. Коммунистик партия ҳокимият тепасига келгач, вазият фақат услуб жиҳатдангина ўзгарди. Коммунистлар мамлакатни зўравонлигу қирғин, террор ва таҳдиду қувғин билан бошқардилар. Ўз ҳокимиятларини халқнинг бош суяк косаси устига қурдилар. Биринчи давлатни ўзларига қарши курашиш фикридан қайтара олдилар. Ва унинг иттифоқчисига, тўғрироғи ярим иттифоқчисига айландилар. Шу билан Совет иттифоқи дунёни бошқаришда биринчи давлатнинг шериги бўлди. Бутун жаҳонга Совет иттифоқи ва Америка отлиқ икки гигант ҳукмронлик қилди. Россиянинг коммунистик сиёсати мафкура асосига қурилганди. Ғояси коммунизмни ёйиш бўлса, тариқати бузиш, вайрон қилиш, ҳаробага айлантириш, келишмовчиликларни келтириб чиқариш эди. Имкон топиши билан ҳамма жойга коммунизмни тиқиштирарди. Айни пайтда коммунистик низомни, ҳокимият низомига айлантирган давлатларга ҳукмини ўтказишга ҳаракат қиларди.

Коммунизм қулагач, Россия ва унинг етакчилари ҳам, халқи ҳам ўзининг подшоҳлик давридагидан ҳам, коммунизм давридагидан ҳам бошқа бир янги мафкурага муҳтожлигини англаб, капитализмга топинди. Ва ёмғирдан қочиб дўлга тутилди. Тобора қашшоқлаша бораверди. Ўзига ҳам, дунёдаги тутган ўрнига ҳам путур етди.

Россиядаги ҳокимият низоми капиталистик шаклга ўтди. У кўпроқ подшоҳлик даврига ўхшаса-да, коммунистик давридаги айрим белгиларни ҳам сақлаб қолди. Капиталистлар синфи - йирик бойлар қайтадан пайдо бўлиб, ҳокимиятга подшоҳлик замонидагидек тўла таъсир ўтказа бошлади. Фақат бу сафар собиқ КГБ ҳодимлари ва териларини ўзгартириб олган коммунист сиёсатчилар янги модага кўра, капиталистларга айланиб олиб, Россияга ҳукмронлик қилардилар.

Ташқи сиёсати эса ўз роли ва шаънига эга бўлишга қаратилган. Бу ишга умумжаҳон нуқтаи назаридан ёндашмаган. Шунинг учун халқаро майдондан жой олиш билан чекланган. Қандай бўлишидан қатъий назар, ўзига рол излаган. Халқаро сиёсатдан батамом четга чиқиб кетмасликка уринган. Бу ҳолат рус халқида мафкуравий бўшлиқ юзага келгани туфайли юз берган. Рус халқи бошидан ўтказаетган сиёсий инқироз мусулмонларга Россияга кириш, у билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва ниҳоят у олиб бораётган сиёсатга қарши туриш имкониятини беради. Ана шунда руслар Ислоннинг одамлар ўртасидаги муносабатларда тирик эканини кўрадилар. Рус халқининг бу инқироzi Россиянинг халқаро сиёсатга таъсир ўтказиш борасидаги уринишларига қарши туриш, унга бундай имкониятни бермаслик, у билан фақат савдо соҳасидагина алоқа қилиш, бошқа соҳаларда эса қолган капиталистик давлатларга қарши турилгандек, унга ҳам қарши туриш имконини ҳам беради. У билан ана шундай муомала қилиш лозим. Чунки унинг ташқи сиёсати бошқа халқларни эксплуатация ва мустамлака қилиш асосига қурилган. Гарчи бу нарса унга қўшни бўлган давлатлардагина ўз аксини топаётган бўлса ҳам, унинг ташқи сиёсати ана шунга асослангандир.

Кейинги тўрт халқ, яъни Америка, инглиз, француз ва рус хақлари ХХI асрдаги халқаро сиёсатга ҳукмини ўтказишга интилаётган, ўзаро рақобатлашаётган йирик давлатлар халқларидир. Бу тўрт давлатга қисқача қилиб қуйидагича сиёсий баҳо бериш мумкин:

Совет иттифоқи тасодифан қулагач, **Америка**нинг қуввати тез суръатда ортиб, жаҳондаги таъсири энг кучли гигант давлатга айланди. Айниқса Совет иттифоқи қолдирган бўшлиқни ҳеч қайси давлат тўлдиролмагани унга қўл келди. Ҳанузгача Совет иттифоқининг ўрнини эгаллайдиган иккинчи мақомдаги давлат майдонга чиқолмади. Америка рақобатчисиз қолди. Уни бу қадар кўкларга кўтарувчи халқаро вазиятдаги бу ажиб ҳолат Америка сиёсатдонларини кеккайтириб, мағрурлантириб юборди. Клинтон давридаги Америка ташқи ишлар вазираси Мадлен Олбрайтнинг мана бу гапи фикримизни ифодалаб берса ажабмас: «Америка бу - зарур уммат. Жаҳон масъулиятлари унинг зиммасида. Ҳар бир ишни хоҳлаган пайтида қилишга тайёр. Ҳамма билиб қўйсинки, биз хоҳлаганимизни қиламиз, хоҳлаган нарсамизни ўзгартирамиз! Ҳеч нарса йўлимизга гов бўлолмайди! Зеро, дунё бизники! Дунё - америкаликларники!».

Америка сиёсатидаги бу манманликка ҳатто Европадаги иттифоқдошлари ҳам тоқат қилолмаптилар. Матбуотларида бунга қарши раддиялар билдириптилар. Францияда чоп этиладиган «Ле Монд дипломатик» газетаси Олбрайтнинг баёнотига раддия билдириб, шундай деди: «Америка назорати узил-кесил ҳал қилинган иш бўлиши мумкин эмас. Шу ондан бошлаб Америка қулоғига қуйиб олсинки, у ҳеч қачон ўз қонунларини фақат ўз манфаатларига тўғри келадиган тарзда беш қитъага мажбурлай олмайди. Шунингдек, у курашлар, муаммолар минтақаларида ҳеч қачон «жаҳон жандарми» бўлолмайди!»

«Дунё - меники. Унга фақат мен ҳақлиман!», деган қарашдаги Америка сиёсати кечаю-кундуз ўзининг жаҳоннинг бошқарувчиси эканини эълон қиляпти. Бушнинг 2004 йил август ойидаги сайловолди кампанияларида айтган гаплари, «Янги олам», «Янги Яқин шарқ», «Катта Яқин шарқ» каби лойиҳаларини эълон қилиши бунинг мисолидир. Бироқ, Америка манманлиги унинг бошига етади. Бунинг нишонлари кўрина бошлади. Мана у Афғонистон, Ироқ ботқоқларига ботди. Ҳар икки диёрни телбаларча бомбардимон қилгани, қамоқхоналардаги ваҳшиёна ишларига қарамасдан, Америка солдатларининг жонсиз жасадлари ватанларига экспорт қилина бошлади. Бу билан унинг ҳайбати синди, мажақланди. Минтақа халқлари инсониятни ҳам, ҳайвонотни ҳам, набототни ҳам, таълиму матбуоту тафаккурни ҳам оёқости қилувчи ёвузликлари туфайли унга қарши ғазабга тўлди.

Шунингдек, Европа, Осиё ва Африканинг ҳам Қўшма штатларнинг босқинчилигидан, тинимсиз ҳужумидан, ўз ҳукмини ўтказишидан тоқати тоқ бўлди.

Шундай қилиб, Америка сиёсати бир томондан мутакаббирлиги, гердаиши, ёвузликдаги «маҳорати», жаҳонга ўз экинзори сифатида қараши билан, иккинчи томондан эса дунё халқларининг, дўсту душманларининг унга нисбатан ғзаби, нафрати, адовати билан ажралиб туради. Шулардан кўриниб туридиги, Американи тарихдаги барча зўравонлар дуч келган шармандаларча қулаш ва аламли оқибат кутмоқда.

Британия бир оёғини Европага, яна бир оёғини Америкага қўйяпти. Бир томондан уни Европага оид низолару мўлжаллар ўзига жалб қилаётган бўлса, иккинчи томондан англосакс оҳанграбоси тортмоқда. У эса ҳар икки тараф ўртасида мувозанатни сақлаб турибди.

Америка билан ҳам, Европа билан ҳам бўладиган муносабатларга шу мувозанат асос бўлиб келяпти. У икки томонлама ўйин ўйнайди, ҳар икки тарафдан фойдаланади. Бир пайтнинг ўзида ҳам Европадан ва ҳам Америкадан куч олади. У на Американи тарк қила олади ва на Европадан ажралиб чиқа олади. Манфаатлари кўпроқ Европа томонга мойил. Шунинг учун кундан-кунга унга яқинлашиб келяпти. Европа иттифоқига кириши бунинг далилидир. Кейинроқ Шимолий Атлантика иттифоқидан мустақил тарздаги Европа қўшинининг ядросини яратишда ўз ҳиссасини қўшди. Американинг қаттиқ эътирозига қарамасдан, Франция ва Германия билан ҳамкорликда шу ишни қилди. Европа Британиясининг сиёсати - мана шу. Унинг сиёсий ишлари мана шу бурчақдан таралади.

Франция Британиянинг акси. У сиёсатини соф европача асосга қуради. Америкага умуман эътибор бермайди. Европа иттифоқини кучайтиришга ҳаракат қилади. Уни Америкадан тамоман айри ҳолдаги бирлашган европача сиёсий кучга айлантириш, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, сақофий, ҳуллас ҳар томонлама Америка қувватига бас келувчи рақобатчи қилиш мақсадида назорат қилишга уринади.

Франция Германия билан яқинлашишдан шу сиёсатни амалга ошириш заминини ҳозирлайди. Шундайки, Франция-Германия меҳвари мана шу Европа бирлиги сиёсатининг асоси ҳисобланадиган бўлди.

Франциянинг европача сиёсати - мана шу. У ўзига хос, мустақил, бирлаштирувчи, очиқ сиёсатки, Франция билан Германиядан Европа қувватининг юрагини - ҳаракатга келтирувчи машинасини яратади.

Россиянинг Европа қаршисидаги ҳозирги сиёсатлари қуйидаги икки ишда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, Европа давлатлари клубига кириб, Европа ишларини муҳокама қилишда улар билан баб-баробар иштирок этиш. Бунга қисман эришди ҳам. Европарламентга аъзо бўлди, саноати ривожланган етти давлат қаторига қўшилди. Бироқ, Европа иттифоқига киришда муваффақият қозонолмади. Ҳатто унга кириш учун номзод ҳам бўлолмади.

Иккинчидан, ўтмишда Совет иттифоқининг бир қисми бўлган ва унинг таъсири остида бўлган давлатлар билан айрича, яъни доимий васийлик муносабатини сақлаб қолишга уриниш. Бу ишда даҳшатли даражада муваффақиятсизликка учради. Болгария, Руминия, Чехия, Словакия, Полша, Венгрия, Югославия каби

Шарқий Европа давлатларининг барчасидаги ҳукмронлигини йўқотди. Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Украина, Белоруссия, Молдавия ва мусулмон Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги ҳукмронлигининг ҳам бир қисмидан ажралди. Қозоғистондан бошқа жойга хожалик қилолмай қолди. Болтиқ бўйи давлатларидаги, яъни Латвия, Литва ва Эстониядаги ҳукмронлигидан эса аллақачон маҳрум бўлиб улгурди.

Хуллас, Россиянинг Европага нисбатан тутган сиёсати Россиянинг ўзи режалаштирган ва ҳаракат қилган даражада европалашишига йўл қўймади. Эҳтимол, бунинг сабаби унинг Евроосиё давлати эканига бориб тақалар. У бутунлай Европага оид ҳам бўлолмайди, айти пайтда Осиёга оид бепоён майдони билан ҳисоблашмай ҳам кетолмайди, айти дамда Европадан ташқаридаги салмоқли муносабатлари ва манфаатларидан воз ҳам кечолмайди. Хуллас, у ўзининг бепоён майдонини чегаралаш билан овора. Сочилиб кетган бу давлат фақат Европа томонгагина таяна олмайди.

Шундай қилиб, Америка, Британия, Франция ва Россия каби йирик давлатларнинг халқлари билан, йирик давлатлигига қайтиш, Хилофати Рошидани қуриш арафасидаги Ислом уммати билан, йирик давлатлигига қайтиши қутилаётган немис халқи билан танишиб чиқдик. Буюк иқтисодий таъсир кучига эга бўлган япон халқи ҳақида ҳам сўз юритдик.

Бу халқларнинг халқаро сиёсатга таъсир кўрсатиши ва ундан таъсирланиши жаҳоннинг буюк муаммоларига дуч келган пайтларида намоён бўлади.

1. Европа масаласи

Европа муаммоси узоқ асрлардан буён жаҳоннинг бирламчи муаммоси бўлиб келяпти. У йирик давлатларга ҳам, улар ўртасидаги мувозанатга ҳам, умумжаҳон мустамлакачилик ҳукмронлигига ҳам, унинг ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ва сақофий кўламига ҳам тааллуқлидир. Бу қадим муаммо жаҳон тинчлигига энг кўп хавф солади.

Авалло, унинг қадимийлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, халқаро қонуннинг келиб чиқишига сабаб бўлган халқаро оила ёки халқаро ҳамжамиятни дунёга келтирган айнан шу муаммодир. Европа Исломга қарши бўлгани туфайли халқаро оила унинг насроний давлатларидан тузилган. Наполеонга зарба бериш ва Франциянинг кенгайишига йўл қўймаслик учун «муқаддас иттифоқ» пайдо бўлган. Германияни Яқин шарқ нефтини олишдан қайтариш, кучини кесиш мақсадида Биринчи жаҳон уруши юзага

келган. Германияга қарши туриб, унинг Европадаги кучлар мезонини издан чиқаришига йўл қўймаслик учун тўрт йирик давлат - Англия, Франция, Қўшма штатлар ва Совет иттифоқи уни тор-мор қилиб, қайтадан йирик давлатга айланишига имкон бермасликка, Европани бирлаштирмасликка, унинг Германияни қўллаб-қувватлашига тўсқинлик қилишга иттифоқ туздилар. Европа иттифоқининг тузилишига тўсқинлик қилувчи сиёсий найранглар йиллаб давом этди. Германиянинг бирлашишига ўн йиллаб қаршилиқ қилинди. Шу мақсадда ҳар икки гигант келишувдан олдин ҳам, кейин ҳам кўп ишлар қилишди. Дастлаб бу ишда Франциянинг ўз роли бор эди. Кейинроқ у ўзини четга тортиб, четлатилгач, Европани Германия билан кучайтиришга ҳаракат қила бошлади. Сиртдан қараганда Европани бирлаштиришга ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, уни бирлаштирмасликда Британиянинг ҳам роли бор эди. Шунга кўра, Европа муаммоси энг қадимий муаммолардан ҳисобланади.

Энди бу муаммонинг хавфлиликка тўхталагани бўлсак, бу нарса Франция, Англия, Германия, Совет иттифоқи ва Американинг келишувдан олдинги тутмишларида, бу икки гигантнинг эса келишувдан кейинги тутмишларида, шунингдек, Совет иттифоқи қулаб, Шарқий лагер барҳам топиб, Варшава шартномаси бекор қилиниб, келишув муддати тугагандан кейинги ишларда ўз аксини топган. Гигантлар келишувидан олдин Франция, Англия ва Америка тимсолида Ғарбий лагер турар эди. Европанинг муаммоси Иккинчи жаҳон урушини бир ёқли қилиш, икки лагер ўртасида Ғарбий Европа ва Германия келажagini муҳокама қилишда ўз ифодасини топган. Ғарбий лагер Совет иттифоқига қарши қўйиш учун Европани бирлаштирмоқчи бўларди. Америка Германия ҳарбий кучини қўзғатишга, Совет иттифоқига қарши туриши учун кучли немис армиясини пайдо қилишга, Германия, Франция ва Англия ўртасидаги янгича мувозанатни юзага келтиришга алоҳида эътибор берарди. Шарқий лагернинг тимсоли бўлган Совет иттифоқи эса ўзига хавфни Европадан, айниқса Германиядан кутар эди. Шунинг учун Германиянинг бирлашишига ҳам, Европанинг бирлашишига ҳам, Европа қўшинига ҳам, Германиянинг қайта қуролланишига ҳам қарши туриб, совуқ уруш, сиёсий ишлар ва дипломатик фаолият орқали муваффақият қозона олди. Европанинг ўн йиллаб ўз муаммосида бир қадам ҳам олдинга силжишига йўл қўймади.

Хрущёв билан Кеннеди иттифоқ тузиб, икки гигант юзага келгач, ҳолат ўзгарди. Германия масаласида ҳам, Европа

масаласида ҳам Америка билан Совет иттифоқининг фикри бир жойдан чиқди. Бу нарса учрашув чоғидаёқ кўзга ташланганди. АҚШ президенти Жон Кеннеди ўша пайтда шундай баёнот берганди: «Совет иттифоқининг Европа ҳарбий юриш қилиб қолишидан хавфсирашга асоси бор. Негаки Россия тарихда Европадан икки марта зарба еди: биринчиси - Наполеон давридаги Франция зарбаси бўлса, иккинчиси - Гитлер давридаги Германия зарбаси. Шунинг учун Совет иттифоқига Европа томонидан хавф йўқлигини кафолатловчи, масалан, Марказий Европа қуролсизлантирилиши каби бирон бир иш қилиниши шарт». Бу баёнот Европа масаласида ҳам, хусусан Германия масаласида ҳам Совет иттифоқи билан Американинг фикри бир жойдан чиққанини шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада кўрсатиб турибди. Келишув тугаганидан кейин ҳам Американинг Европа ҳақидаги фикри ўзгаргани йўқ. У ҳамон Европани мустақилликка интилишдан, халқаро сиёсатни шакллантиришда қатнашишдан, минтақалардаги собиқ нуфузини қайта тиклашдан қайтариш, Жануби-Шарқий Осиё ва Кўрфаз минтақасидан унинг нуфузини олиб ташлаш, уни Атлантика иттифоқидаги Америка паноҳи остида олиб қолиш, Европанинг ўз хусусий ҳарбий кучини барпо қилиш учун ҳар қандай уринишига қарши туриш фикрида эди. Гап шундаки, Европа келишувдан кейин уруш васвасалари узоқлашганини ҳис қилгач, тинчлиги қайтиб, иқтисоди кучайгач, халқаро сиёсатни шакллантиришда икки гигант билан шерик бўлишга, ўзининг Америка билан сиёсатини қарамлик эмас, тенглик ва шерикчилик асосига қуришга интила бошлади. Айниқса Британия ва Франция қадимги мустамлакаларига қайтишга ҳаракат қила бошладилар. Буни кўрган Америка Европа ҳаракатларини диққат билан кузата бошлади. Шунингдек, у Шарқий лагер қулаб, Варшава шартномаси бекор қилингандан кейин Шарқий Европа давлатларида юзага келган бўшлиқни ишғол қилишга ошиқиб, улар билан алоқани йўлга қўйди. Бундан мақсад Европа иттифоқи, айниқса Германиянинг Шарқ сари кенгайиши йўлини тўсиш эди. Шу билан бирга Америка Атлантика иттифоқини ўз кучида қолдириб, НАТОдан айри ҳолдаги Европа ҳарбий кучининг юзага келишига қаршилик қилди ва ҳамон қаршилик қилиб келмоқда. Совет иттифоқи меросхўри Россия ҳам Европа иттифоқининг Шарқ сари кенгайишидан хавфсирашини яширмасдан, кафолатларни қўлга киритишга ҳаракат қилди. Бироқ, у Совет иттифоқи ва Шарқий лагер қулашидан келиб чиққан халқаро вазият ҳамда ўзининг АҚШ

қаршисидаги ожизлигини ҳис қилгани боис Шарқий Европа масаласи борасида келишувга эришиш учун Европа иттифоқи давлатлари билан келишишдан бошқа чора тополмади. Айни пайтда у жаҳон сиёсатида таъсир кучига эга бўлиш учун Европа иттифоқининг айрим давлатлари билан келишишга ҳаракат қилмоқда. Бу нарса уни Европа иттифоқи ва унинг давлатларига нисбатан Иккинчи жаҳон урушидан сал кейинги, келишув давридаги ва ундан бироз кейинги пайтлардагидан кўра юмшоқроқ позицияни эгаллашга ундади.

Де Голл ҳокимиятга келиб, Қўшма штатларга ташриф буюриб, 1969 йилнинг мартада Никсон билан учрашгунига қадар Франция Европани бирлаштиришга, уни икки лагер ўртасидаги учинчи кучга айлантиришга ҳаракат қиларди. Шунга кўра, Германияни Францияга хавф туғдирмайдиган даражада кучайтиришга, Европа давлатлари ўртасида конфедерал иттифоқ тузишга, айни пайтда бошчилик Францияники бўлишини кафолатлашга уринарди. Англияни имкон қадар Европадан узоқлаштиришга тиришарди. Негаки унинг анъанавий сиёсатини тарих тонги отганидан буён Европанинг бирлашишига тиш-тирноғи билан қарши сиёсат деб ишонарди. 1969 йилда Де Голл истеъфо берди. Унинг вафотидан бир йил ўтиб, Франция президенти Помпиду Британия бош вазири Эдвард Хес билан 1971 йилда учрашиб, узундан-уzun музокаралар олиб борди. Оқибатда Помпиду Британиянинг аъзо бўлишига рози бўлди.

Хусусан, Франция билан Германия ҳамон Европанинг муштарак ташқи сиёсатини ривожлантиришга ҳаракат қиляпти. Айниқса Германия немис кучи сифатида майдонга чиққудек бўлса, қанчалар қаршиликка учрашини билади. Шунинг учун Франция билан келишиб, Европа иттифоқи ичидаги бир куч сифатида майдонга чиқишга ҳаракат қиляпти. Бу билан иттифоқнинг Шарқ томон кенгайиши каби кўпгина хусусий мақсадларини амалга оширяпти. Бу икки давлат 2003 йилги Ироққа қарши уруш вақтида урушга қарши бирлашган позиция сифатида майдонга чиқа олдилар. Бу нарса Франция билан Германиянинг муштарак Европа ташқи сиёсатига меҳвар бўлиши учун замин ҳозирлади. Бу икки давлатнинг янгича Европа дустури лойиҳасини НАТОдан айри ҳолдаги муштарак Европа ҳарбий штаб бошқармаларини тузиш учун қилаётган ҳаракатларидан мақсад Европани халқаро сиёсатда ўз таъсир кучига эга бўлган умумжаҳон кучга айлантиришдан бошқа нарса эмас.

Англия келишув даврида Германия билан алоқасини мустақкамлашга, Америка билан Совет иттифоқи ўртасидаги Германиянинг ривожланиши ва кучайишига қарши тузилган анжуманлардан хабардор бўлишга интиларди. Кейинчалик 1971 йилдаги Помпиду билан Эдвард Хес ўртасидаги узундан-узун учрашувлар оқибатида Европа умумий бозорига қўшилишга қарор қилди. Бу иш Британияда қаттиқ ички қаршиликка учради. Британия Совет иттифоқи қуламасидан аввал ҳам, қулаганидан кейин ҳам икки гигантга қарши туриш учун Европадан куч олишга ҳаракат қиларди. Бироқ, у Америкага нисбатан очиқ душманлик позициясида турмади. Бунинг илдизи босқичма-босқичлик заруратига бориб тақалади. Негаки Европа умумжаҳон кучга айланиш йўлидаги илк қадамини босганди. Бу йўл хавф-хатарга тўла эди. Муваффақият қозонмаслик ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Айниқса халқаро ўйиндаги кучли тараф бўлган Америка Франция билан Германиянинг мақсадларидан сергак тортиб, мудом уларнинг режаларини пучга чиқаришга ҳаракат қиларди. Фурсат келиши билан бу ишнинг уддасидан ҳам чиқишига қодир эди. Хуллас, Британиянинг бугунги сиёсати бир оёқни Европага, иккинчисини эса Америкага қўйиш асосига қурилган. У топган жойидан удалаганича манфаат овлайди.

Европа давлатлари, хусусан йирик давлатлари ўртасидаги бу турлича миллий воқе Европанинг биргаликда халқаро сиёсатга таъсир кўрсата оладиган даражада кучли бирликка айланиши йўлидаги ғов бўлиб турибди. Шу китобни тайёрлаш асносида бизга етиб келган 25 давлатдан тузилган Европа иттифоқининг 2004 йил 18 июнда Дублиндаги йиғилишида иттифоққа президент сайлашга келишолмагани ва бу ишни келгуси учрашувга қолдиргани ҳақидаги хабар шуни таъкидлаб турибди. Миллатчилик ва ўзлари қабул қилган капиталистик манфаатдорлик - шу икки омил ҳақиқий Европа бирлигининг дунёга келишига тўсқинлик қиляпти. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Европа иттифоқи Американинг иқтисодий қуввати билан рақобатлашувчи улкан иқтисодий қувватни ташкил қила бошлади. Евро халқаро муносабатлар борасида доллар билан рақобатлаша бошлади. Халқаро сиёсатга таъсир ўтказишда ҳам, гарчи манфаатлар қарама-қарши бўлса-да, гарчи Америка иттифоқининг айрим давлатлари, хусусан 2004 йилнинг 1 майида янги қўшилган Шарқий давлатлари билан мустақкам алоқалар ўрнатиш орқали ичига кириб бораётган бўлса-да, барибир иттифоқ Американинг иқтисодий режаларига амалда тазйиқ ўтказяпти.

Хуллас, шуни айтишимиз мумкинки, агар Европа иттифоқи жипслашганида иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам ва қайсидир даражада ҳарбий жиҳатдан ҳам Америка билан рақобатлаша олган бўларди. Бироқ у қалқиб турибди. Шу туфайли кучи заиф. Ҳар қандай иттифоқнинг табиати - мана шу. Ҳар қандай иттифоқ бирлик чоғида пайдо бўлувчи қувватга муҳтож.

Европа иттифоқи иқтисодий гигантдир. Америка ундан чўчиб, уни парчалаш учун бор имкониятини ишга солади. Зеро, иттифоқ иқтисод майдонида Американинг ҳақиқий рақобатчисидир. «International Financial Bulletin»нинг 2003 йил 19 апрел сониди шундай дейилган: «Қўшма штатлар Вашингтондаги махсус тадқиқотлар маркази Халқаро иқтисод институти ректори Фред Бергстеннинг изоҳига кўра, 2000 йилги ҳисоботларда 500 миллиард доллардан ортиқ камомадни қоплаш учун Европа иттифоқининг инвестицияларига кўпроқ таянади». 2003 йилнинг 16 апрелида Афинада 10 давлат Европа иттифоқининг ўн беш давлатига бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб, 2004 йил май ойининг бошида қўшилишга имзо чекди. Бу нарса Европани жаҳондаги 450 миллион нафар одами бор энг катта савдо минтақасига айлантирди.

Сиёсий ва ҳарбий майдонда Европа иттифоқи Америкага нисбатан анча заиф. Америка устунлигининг омиллари қуйидагилар:

а) Атлантика иттифоқи (НАТО)ни сақлаб қолиши. Аслида у парчаланиб кетган Совет иттифоқи етакчилигидаги Варшава шартномаси тугаши билан ўз ниҳоясига етиши керак эди. Бироқ, Америка керак бўлиб қолганда Россия ва бошқалардан Европа давлатларини ҳимоя қилиш баҳонаси билан уни давом эттиришга қаттиқ туриб олди. Шу билан Американинг Европа устидан ҳарбий назорати ўз кучида қолди. Еврокомиссия раиси Романо Проди «IFB»нинг 2003 йил 19 апрел сониди шундай дейди: «Европа иттифоқи Атлантика иттифоқида ўзига қулоқ солинишига эришмоғи лозим. Ана шу пайтдагина бизда ҳам Европага, ҳам Америкага таянган иттифоқ пайдо бўлади». У қўшимча қилиб: «Мана шу биз одатланиб қолган ва фақат Қўшма штатларгагина қулоқ соладиган иттифоқ эмас, балки ҳақиқий Атлантика иттифоқи бўлади», деди. У яна: «Биз харажатлар масъулиятини Европага юклаб, хавфсизликни таъминлаш вазифасини эса Америкага қолдириб қўйолмаймиз», деди.

б) Британия Европа иттифоқининг ичида сингиб кетиб, Люксембург каби давлат бўлиб қолишни истамайди. Шунинг учун

бир оёғини Европа иттифоқига, иккинчисини Америкага қўяди. Унинг манфаатлари Европа иттифоқини заифлаштириш деган нуқтада Америка манфаатларига мос келади. Британия мақсади Европага ўз нуфузини ўтказиш бўлса, Америка мақсади Европа битта кучга айланиб, у билан рақобатлашмаслигидир.

в) 2004 йил майда Европа иттифоқига қўшилишга 2003 йил 16 апрелда имзо чеккан ўн давлатнинг аксарияти Америка нуфузи остидаги минтақага қарашлидир. Проди тили билан айтганда, «Европа иттифоқининг айрим янги давлатлари хавфсизлик масалаларига алоқадор соҳаларда Қўшма штатлар билан мустақкам алоқаларга эгадирлар». Проди бу гапини 2003 йил 19 апрелда айтган.

г) Американинг нефт конлари устидан назоратни кучайтириши унга нефтга муҳтож Европа иттифоқи давлатлари устидан назоратни кучайтириш имкониятини беради. Шунингдек, учинчи олам ҳокимлари устидан назоратни кучайтириши фойдали савдо битимларини ёлғиз ўзи эгаллаши, бу олам бойликларини талаши Европа давлатларининг бундай даромадлардан маҳрум қилиш демакдир.

Шунга асосан Европадаги кучлар мезони барқарор эмас. Битта Европа кучи деярли йўқ, Европада кучли давлатлар бор, холос. Уларнинг бошида Франция туриб, Европа давлатларидан уюшма ясаб, Европа кучини пайдо қилмоқчи бўляпти. Британияга эса кучли Европа блоки дунёга келишининг қизиғи йўқ. У фақат Европага ўз нуфузини ўтказишга қизиқади, холос.

Шундай қилиб, Европа муаммоси, ундаги халқаро муносабатлар, унинг Америка билан муносабати, бошқа долзарб муаммолар билан муносабати, реакциялари ундаги бошқа давлатларни қайсидир даражада халқаро эътиборга эга бўлишга ундаяпти. Ундаги мувозанатлар хилма-хиллиги, манфаатлари муносабатлар тўқнашуви уни жаҳон хавфсизлиги учун барқарорлаштириш жиҳатидан бўладими ёки аксинчани, хатарли муаммога айлантиряпти. Шунинг учун Европа муаммосининг бошқа беш муаммога таъсири ва улар билан реакцияга киришиши назаримиздан четда қолмаслиги керак. Шунга биноан, Европа муаммосига унинг ўзаро талашиб-тортишувчи давлатлар бўлган замонидан бошлаб, аввалига муштарак иқтисодий бозорига, кейинчалик эса жаҳондаги ўз вазнига эга бўлмоқчи бўлган Европа иттифоқига айлангунига қадар воқеи ва муҳимлигига тўғри келадиган назар билан қарамоқ лозим. Бу нарса бошқа муаммолар

ва уларга нисбатан Европанинг муносабати билан танишиш асносида янада ойдинлашади.

2. Яқин Шарқ масаласи

Бу муаммо Исломга ва унинг Фарб учун хатарлилигига, стратегик нуқта ва унинг Европа, Африка ва Осиё алоқаларидаги ҳукмронлигига, яҳудий вужуди ва унинг Фарб манфаатлари учун илк мудофаа чизиғи эканига, мустамлакачилик ва унинг моддий манфаатларига, хусусан нефтга тааллуқлидир. Исломга, стратегик нуқтага, яҳудий давлатига, мустамлакачиликка, нефтга алоқадор бўлган муаммонинг нафақат минтақа аҳолисию мусулмонлар учун, балки бутун жаҳон учун гоятда муҳим экани шак-шубҳасиздир.

Ислом ҳамон Америка ва Фарб учун буюк хатар бўлиб келяпти. Яқин шарқ минтақаси эса исломий даъватнинг дунёга таралиш манбаидир. Социализм қулаганидан кейин Американинг ўзига Исломни асосий ва ягона душман деб билиши, бу минтақадаги Ислом ва мусулмонларга қарши ҳужумини ниқоблаш мақсадида терроризм, диний экстремизм, фундаментализм шиорларини қўллаши бежиз эмас. У исломий-сиёсий ҳаракатларни ҳокимиятдан узоқлатиш учун қўлидан нима келса, ҳаммасини қияпти. Малай ҳукуматлар хизматидан фойдаланиб, эзиш, янчиш, қириш, зўрлаш каби услубларнинг биронтасини ҳам қолдирмаяпти. Буш очиқдан-очиқ мусулмонларга қарши янги салиб урушини эълон қилди. Америка адлия вазири Жон Эшкрофт ошкора шундай деди: «Терроризм - айрим Исломни қабул қилган шахслардагина эмас, Исломнинг ўзида яширин». Унинг даъвосича, Оллоҳ Қуръонда терроризмга ундаган экан.

Энди эса Яқин шарқнинг стратегик мавқеи (жойлашуви) ва бу мавқенинг алоқаларга ҳукм ўтказишига тўхталамиз. Яқин шарқ қадимдан уч қитъа, яъни Африка, Европа ва Осиёнинг кесишган нуқтасида жойлашгани билан, Гибралтар бугози, Босфор, Адан, Хурмуз, Сувайш канали, Ўрта ер денгизи, Қора денгиз, Қизил денгиз ва Кўрфаздаги ҳукмронлиги билан, бундан ташқари уч қитъа ўртасидаги хом-ашё ва товарлар йўлининг чорраҳасидалиги билан аҳамиятга моликдир. Келишувдан аввал унинг стратегик аҳамияти Фарб лагери билан Совет иттифоқи ўртасидаги огриқли нуқтани ташкил қиларди. Негаки Яқин шарқ собиқ Совет иттифоқига қарши қаратилган ҳарбий майдонда Фарб белбоғини ташкил қиларди. Бу белбоғ Фарбнинг Яқин шарқ ва Африкани ҳимоялаб, Совет иттифоқига қарши туришдаги илк мудофаа чизиғи эди. Шунинг учун Яқин шарқда ҳарбий, жумладан ядровий база қурилди. Унинг давлатларини бир неча марта ҳарбий

битимларга жалб қилиш учун бир неча уринишлар бўлди. Кўпгина аэропортлар, автострадалар қурилди. Уларнинг стратегик аҳамияти бор эди. 1961 йилги икки гигант иттифоқидан кейин унинг ҳарбий соҳадаги аҳамияти йўқолди, ҳарбий битимларга ҳеч ким эътибор бермай қўйди. Ядровий базалар йўқ қилинди. Икки гигант инглиз базаларини йўқ қилишга қадам қўйиб, Адан, Ливия, Шарқий Сувайш базаларини йўқотишга муваффақ бўлишди. Кипрдаги базаларни йўқотишга ҳам уринишди. Хуллас, ўша пайтда Яқин шарқ стратегик аҳамиятини йўқотди. Совуқ уруш тугаб, Совет иттифоқи қулагач, Яқин шарқнинг стратегик аҳамияти қайтадан тикланди. Айниқса у Россия ва Европага қарши Америка учун муҳим эди. Шунинг учун Америка Кўрфазда қайтадан ҳарбий базалар қура бошлади. Афғонистон билан Ироқни босиб олди. Баҳрайндан кейин Покистон билан Қувайтни стратегик иттифоқдош деб эълон қилди.

Кейинроқ уни Қўшма штатлар хавфсизлигини мудофаа қилишнинг олд чизиги деб эътибор қилиб, «Катта Яқин шарқ лойиҳаси» номли лойиҳа тайёрлади. Сўнг уни «Яқин шарқ ва Шимолий Африка лойиҳаси»га ўзгартириб, 2004 йилнинг июнида Си-Айленд минтақасида бўлиб ўтган саноати ривожланган 8 давлатнинг олий даражадаги йиғилишига тақдим қилди.

Нима бўлганда ҳам шунини айтиш мумкинки, Яқин шарқ мавқеининг муҳимлиги ғарбда Марокашдан Атлантика океанигача, шарқда Эрону Кўрфазгача, шимолда Туркиядан, жанубда Африкадаги Саҳрои кабиргача чўзилиб кетган. Яъни, у барча араб давлатлари билан бирга Туркия ва Эронни ҳам ўз ичига олади. Мана шу муҳим мавқе уни мустамлакачиларнинг қибласига, тамаъгирларнинг зиёратгоҳига айлантирди. Негаки у транспорт қатнови ва бошқа алоқаларда салибчилар урушидан ҳозирга қадар муҳим аҳамиятга эга.

Энди Фаластинга экилган яҳудий вужуди ҳақида тўхталамиз. Бу вужуд Яқин шарқ муаммосининг меҳварига, Яқин шарқдагигина эмас, бутун оламдаги беқарорликнинг сабабчисига айланди. Ғарбликларнинг ўзлари эътироф қилишларича, Ғарбни безовта қилаётган Ислом оламидаги муаммоларнинг 90%и Фаластинда, яъни Ислом оламининг қалбида яҳудий давлатининг бўлиши муаммосига бориб тақалар экан.

Энди унинг мустамлакачиликка оид аҳамиятига тўхталамиз. Худди шу сабабли унинг бошига балолар ёғилди. Йирик давлатлигидан қулаб, Ғарбнинг мустамлакасига айланди. Ғарб давлатлари, уни мустамлака қилиш ва унга нуфузини ўтказиш

устида бир-бирлари билан рақобатлашдилар. Ундаги мавжуд нефт жаҳон нефтининг ярмидан кўпроғини, Иордания, Ироқ, Сурия, Туркия, Эрон ва бошқа ерларидаги хом-ашёлар эса Европа билан Америка бойлигидан ўн чандон кўпроқ бойликни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам уни давлатлар мустамлака қилиш учун бир-бирлари билан курашадилар, мусобақалашадилар. Американинг ўз ҳукмини ўтказиш учун Кўрфазда олиб бораётган урушлари кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди.

Бир муаммода шу тўрт меҳвар, яъни Ислон, нефт, стратегик мавқе ва (Исроил) бу муаммонинг энг муҳим, энг чигал муаммога айланиши учун етарли омилдир. У тугунлар тугунига, муаммолар муаммосига айланди. Уни ҳатто йирик давлатлар ҳам еча олмаяптилар, еча олмайдилар ҳам. Уни фақат исломий давлат - Халифаликнинг барпо бўлишигина ҳал қилади.

Яқин шарқ XVIII асрнинг ўрталарига қадар Ислон ва исломий давлатнинг ҳокимияти ва нуфузи остида бўлган. Берлин анжуманидан, яъни XVIII асрнинг охирларидан бошлаб, Европанинг йирик давлатлари унга ҳужум қила бошлаганлар. У Франциянинг ҳам, Италиянинг ҳам, Англиянинг ҳам ҳужумига дучор бўлди. Ҳужумлар устма-уст бўлавериб, Усманий Давлат - Ислоний давлат қулади. Халифалик йўқ қилинди. Натижада Яқин шарқ Англиянинг ҳукмронлиги ва нуфузи остига кириб, унинг мустамлакасига айланди. Бу нуфуз Туркия ва Афғонистон каби мустамлака қилинмаган давлатларгача ёйилди. Франциянинг улуши оз эди. Шимолда Шом - Сурия билан чекланганди. Унинг ичида Жануби-Фарбий соҳили - Ливан ҳам бор эди. Иккинчи жаҳон уруши тугагунига қадар ҳолат шундай давом этди. Сўнг Франция ундан қувиб чиқарилди. Инглиз мустамлакачилиги янгича услуб қўллай бошлади. Уни қисмларга ажратиб, ҳар бир қисмга давлат номини берди. Хуллас, Иккинчи жаҳон уруши тугаган пайтда бутун Яқин шарқ Фарбнинг, тўғрироғи инглизларнинг мустамлакаси ҳисобланарди. Шунга кўра, у дунёнинг қайноқ нуқтаси, деб эътибор қилинган. У Фарбий лагернинг бир қисми бўлган. Шарқий лагер унга қадам боса олмаган. Яқин шарқни ёлғиз Англия мустамлака қилишининг икки омили бор. Биринчидан, Франция сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, халқаролик жиҳатидан ҳам заиф бўлиб, Яқин шарқни мустамлака қилиш борасида Англия билан рақобатлаша олмади. Иккинчидан, Биринчи жаҳон урушидан кейин Америка узлат сиёсатига қаттиқ риоя қилди. Шунинг учун бутун XVIII аср давомида, ҳатто XX асрнинг ўртасигача Яқин

шарқ ёлғиз Англиянинг мустамлакаси бўлди. Сўнгра Англия билан Америка ўртасидаги мустамлакачилик кураши юз берди. Ундан урушлар, инқилоблар, найранглар, тил бириктирувлар туғилган. Кураш гоҳ қизиб, гоҳ совиб бораверди. Охири Яқин шарқ хусусидаги ташаббус тизгинини Америка эгаллади. Британия шу қадар заифлашдики, Америкага очиқчасига қарши бориш имкони ҳам қолмади. Бироқ, у қўлидан келганича мустамлакаларни сақлаб қолиш борасидаги ҳаракатида давом этди. Минтақада қисман бўлса ҳам бор бўлиб туришга интилди. Бу нарса Американинг лойиҳаларида, масалан, Ироқни босиб олишида уни шерик қилишида ўз аксини топади.

Шунга биноан айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Яқин шарқ устидаги кураш асосан Америка билан Британия ўртасида бўлиб, қўйидаги тарзда кечди:

Америка-Британиянинг Яқин шарқ масаласида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсатлари шерикчилик йўли бўлди. Улар ўртасида учрашувлар, музокаралар бўлиб ўтди, ўзаро лойиҳалар, услублар тузишди. Британия Американинг айрим манфаатларини, хусусан Арабистон ярим ороли нефтига оид луқмаларни тановул қилишига илтифот кўрсатди. Айрим пайтларда баҳамжиҳат иш кўрса-да, ўз манфаатига зарарли деб топган соҳаларда унга қарши чиқди.

Фаластинда яҳудий масаласи юзага келди. Америка яҳудий давлатини барпо қилиш фикрида эди. Мақсади минтақани мустамлака қилишда ундан қурол сифатида фойдаланиш бўлди. Британия эса бу иш хусусида узил-кесил бир қарорга келмаганди. Фаластиннинг яҳудийлар ҳукмронлик қиладиган вужуд бўлиши ёки яҳудий давлати бўлиши ўртасида иккиланарди. Бу ишни бошқа араб диёрларини ҳам мустамлака қилиши билан мутаносиблаштирмоқчи бўларди. Шунинг учун аниқ бир гап айтмай, ишни БМТга ўтказди. БМТ Америкадан таъсирланиб, яҳудий давлатини пайдо қилиш ҳақида қарор чиқаргач, ҳеч нарса деёлмай, ишни вақт ҳукмига ҳавола қилди. Хўш, мусулмонлар ўртасида яҳудий давлатининг вужудга келишини минтақа ҳазм қила оладими ёки тупуриб ташлайдими? Шу билан унинг яҳудий давлати хусусидаги сиёсати вақт нимани кўрсатишини кутиш асосига қурилди.

Америка эса (Исроил)ни мустаҳкамлаш, шу йўлдаги эътирозларни бартараф этиш учун отини қамчилади. Британия бу борада унга қарши чиқди, бироқ яширин иш олиб борди.

Натижада яҳудий давлатининг бўлиш-бўлмаслиги хусусида Британия билан Америка ўртасида кескин кураш пайдо бўлди.

Устига-устак Америка нефт қувурларини Иордания, Сурия, Ливан бўйлаб Ўрта ер денгизига олиб ўтишни режалаштирди. Англия унинг йўлига ғов бўлди. У минтақада илдиз отган эди. Ундаги ҳокимларга таъсирини ўтказиш оларди. Негаки улар унинг малайлари эди. Америка минтақадаги вазиятни ўзгартиришнинг ягона йўли - Жанубий Америкада татбиқ қилинган сиёсатни қўллаш, деб билди. У йўл ҳарбий ҳокимлар тайёрлаб, инқилоб ясашдан иборат эди. Дастлабки ҳарбий инқилобни Сурияда Ҳусний Заим қилди ва Америкага нефт қувурларини ўтказиш имтиёзини берди. Қувурлар ўтказилиб, бу муаммо ҳал бўлди, лекин Англия Американинг минтақани мустамлака қилиб, ундан олиб қўймоқчи бўлаётганини сезиб қолиб, Америкага қаттиқ қарши тура бошлади. Фақат бу ишини сиёсий услублар, манёврлар, минтақа аҳолиси орқали амалга оширди.

Ҳусний Заимнинг инқилобидан, Англиянинг барча Америка лойиҳаларига қарши туриши кучайганидан, икки давлат ўртасидаги яширин кураш ярим ошкор курашга айланганидан кейин Американинг Яқин шарқдаги дипломатик вакиллари минтақада унинг ҳарбий ва иқтисодий манфаатларига таҳдид туғилди, деган фикрга келишди. Уларнинг қарашича, Америка сиёсатининг Британия сиёсати билан ёнма-ён қолиши худди Иккинчи жаҳон урушидан олдинги пайтдагидек, Американинг Англия қўлидаги қуролга айланиши, Англия унга бир тишлам луқмани бериб қўйиб, уни ўзига торпеда қилиб ишлатиши, минтақа ёлғиз Англия ҳукмронлигига ўтиб, Американинг ундаги барча бойликлардан маҳрум бўлиши маъносини англатарди. Шунга кўра, Вашингтон сиёсати йўналишига асосий ўзгартиришлар киритиш, уни қайта кўриб чиқиш, хатоларини тuzатиш лозимлигига аниқ ишонч ҳосил қилдилар. Минтақа аҳолиси билан ҳамкорликни шу сиёсатни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун асос қилиб олдилар. Бироқ ўзларига қарасалар, айти пайтда бир тўда муаммоларга дуч келиб қолибдилар. Ҳали олдинда (Исроил)ни барпо қилиш масаласи ҳам турибди. Бу ишнинг мусулмонларда қанчалар ғазаб ва нафратни қўзғатиши эса ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун жиддий ўйлаб кўриш ва минтақани инглиз базасидан Америка базасига айлантира бошлашдан олдин шу муаммоларни ҳал қилиб олмоқчи бўлишди. Мавзунини ўрганиб чиқиш учун анжуман чақирди. Биринчи анжуман 1950 йилнинг ноябрида Истанбулда бўлиб ўтди.

Анжуманга Америка давлат департаментидаги Яқин шарқ ва Шимолий Африка ишлари вакили жаноб Жорж Маги бошчилик қилди. У кетма-кет беш кун давом этди. Бу махфий анжуманда минтақанинг энг кўзга кўринган сиёсий стратегик ва иқтисодий вазиятлари кўриб чиқилди. Пировардида агар амалда Яқин шарқни Америка базасига айлантирмоқчи ва бу иш учун минтақа аҳолиси билан ҳамкорликни услуб қилиб олмақчи бўлса, Америка сиёсатининг Британия сиёсати билан боғлиқ ҳолда қолишига ҳеч қандай йўл қолмади, деган қарорга келишди. Сурия жумҳурияти президенти Шукрий Қутлийнинг нефт қувурлари учун имтиёз беришдан бош тортгани, кейин бу имтиёз Ҳусний Заим уюштирган инқилоб орқали олинганини фикрларининг тўғрилигига асосли далил қилдилар. Айниқса ўша йилнинг ўзиде - 1949 йилда инглизлар Ҳановий бошчилигида қайтадан инқилоб уюштиришиб, Ҳусний Заимни қулатишди. Сурия яна инглизлар қўлига ўтди. Бу ҳам уларнинг қарашларини қувватловчи омил бўлди. Бу анжуман араб майдонидаги Америка дипломатиясига йўлланма берувчи энг муҳим воситалардан ҳисобланади. Унда Оқ уйга ҳам, ички ишлар вазирлигига ҳам, мудофаа вазирлигига ҳам, денгиз флоти вазирлигига ҳам тавсиялар берилди. Бу тавсияларга қўйидаги қисқача муҳим баён тақдим қилинди:

Охири икки уруш тажрибалари шуни исботладикки, Яқин шарқ минтақаси Совет иттифоқига қарши уруш очиш учун зарур бўлган барча элементларни ўзида мужассам этган асосий базадир. Россиянинг Кавказдаги нефт конларига ҳужум қилиш, уни энг бой нефт конларидан - уруш қуролидан маҳрум этиш учун Туркия билан ҳарбий ҳамкорлик қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки бунинг учун Сурия, Ливан ва Фаластинда ҳарбий ҳаво базаларини яратиш шарт. Токи Ироқ ва Миср Совет иттифоқининг Боку ва Кавказдаги нефт конларини қамал қилиш ва ишдан чиқариш учун тузилган ҳар қандай ҳужумкор лойиҳани одам, қурол ва бошқа анжомлар билан таъминловчи улкан омборга айлансин.

Шунингдек, 1941 йилдан 1944 йилга қадар Юнонистон, Сицилия ва Италияга қилинган ҳарбий ҳужумлар иттифоқдош кучларга қарши урушиш ва душман қўшинини Европа қалъасига қамал қилиш учун ғалабани кафолатловчи кескин ҳарбий операцияларини таъминлаш ва қўллашда Яқин шарқнинг нечоғли аҳамиятли эканини баҳсу мунозарага ўрин қолдирмайдиган даражада изоҳлаб турибди.

Қисқача баён қарорлар қабул қилиш билан якун топди. Барча анжуман қатнашчилари тўртта тавсияга келишдилар:

1. Ўзи билан араб оламига алоқадор барча масалаларда Британия сиёсатидан ажралиб чиқиш;

2. Арабларнинг миллий талабларини қўллаб-қувватлашни Яқин шарқдаги Америка сиёсатига асос қилиб олиш;

3. Мисрни Британияга қўяётган талаблари хусусида қўллаб-қувватлаш. Ироқда ҳам худди шундай ҳаракатни кучайтириш;

4. (Исроил) учун дипломатик ва иқтисодий ғалабаларда давом этаверишини бас қилиб, БМТни Фаластинни икки - араб ва яҳудий давлатларига ажратиш хусусидаги режани амалга оширишга ундаш ҳамда Хавфсизлик кенгашининг араб қочоқлари масаласини уларни ўз диёрларига қайтариш, қайтишни истамаганларга эса товон тўлаш асосида ҳал қилишга тааллуқли қарорларини бажариш.

Хусусан Мисрга оид тавсия беришди, деган гап ҳам бор. У Американинг Мисрни Британиядан тортиб олиши, Британияни ундан чиқариб юбориши ва унда бутун минтақа етакчилигини бошқарадиган кучли ҳокимиятни ўрнатиш заруратидир. Зеро, тарихдан маълумки, Миср Яқин шарқ минтақасининг дарвозаси бўлган.

Бу қарорлар АҚШ ҳукумати аппаратига олиб чиқилди. У пайтда Америкадаги ҳокимиятни демократлар партияси бошқарди. Бу партия одатда инглизлар билан яхши муомала қилишга мойил эди. Президент Трумэн икки омил кўмагида ҳокимият тепасига келганди. Биринчиси - яҳудий нуфузи бўлса, иккинчиси - Американинг айрим доираларидаги Британия нуфузи эди. Трумэн Британия манфаати учун ҳам, яҳудийлар манфаати учун ҳам бир неча мажбуриятларни ўз зиммасига олганди. Шунинг учун бу қарорларга дипломатлар кутганидек эътибор берилмади. Эйзенхауэр даврига келиб улар аҳамият касб этди.

Нима бўлганда ҳам, Америка сиёсати мазкур дипломатлар анжуманидан кейин Яқин шарқда фаолият олиб борди. Америка араб давлатлари билан (Исроил) ўртасида сулҳ тузиш ҳамда Англияни Иордания ва Ироқдан чиқариб юбориш учун дадил қадамлар ташлади. Америка дипломатияси подшоҳ Абдуллоҳ билан алоқа ўрнатиб, бир битим хусусида музокара олиб борди. Битимнинг қисқача мазмуни подшоҳ Абдуллоҳнинг Англияни тарк этиб, Америка билан ҳамкорлик қилишидан иборат эди. (Исроил) билан сулҳ тузиши эвазига Ироқ ва Ҳижозни ўзига қўшиб олиб, бу уч бой давлатдан битта давлат тузиш, кейин унга Сурия ва Ливанни ҳам қўшиши учун Америка ёрдам қўлини чўзади. Яна Америка мана шу янгича иқтисодли давлатни тиклаши учун унга

керакли қарзлар ва ёрдамлар беради. Подшоҳ Абдуллоҳ бунга рози бўлиб, уни амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлади. Ироққа бориб, Абдул Илоҳ ва Нури Саидлар билан учрашди. Улар билан шу мавзуда гаплашиб, шу ишга қўшилишларини сўради. Улар эса дарҳол Бағдоддаги Британия элчиси билан боғланиб, Абдуллоҳнинг режаларидан уни огоҳ этишди. Инглизлар унга қўшилишни тақиқлашди. Шунинг учун унинг гапини қабул ҳам қилмай, рад ҳам қилмай, аросатда қолдирдилар. Подшоҳ Иорданияга қайтиб, Риёзус Сулҳга элчи юборди. Ундан ўзига қўшилишини сўради. Риёзус Сулҳ бу таклифни қабул қилди. У кўпроқ Америка тарафдори эди. Инглизлар дарҳол Риёзус Сулҳни Аммонда Байрутга қайтиш учун аэропортга кетаётганида ўлдириб юборишди. Бир ҳафтадан кейин подшоҳ Абдуллоҳ ҳам Қудса Масжидул Ақсода ўлдирилди. Бу иш Каллуб уюштирган фитнанинг натижаси эди. Америка элчиси уни ўлимидан бир кун олдин мажлислардан ва сафардан огоҳлантирганди. Шу билан режа ҳам ўлди. Шу йилнинг ўзиде - 1952 йилда Америкада президент сайловлари бўлиб ўтди. Республикачилар партияси муваффақият қозониб, Эйзенхауэр президент бўлди. 1953 йилнинг бошида ҳокимиятни эгаллади. Шу билан Англия ва Америка ўртасидаги кураш авж олиб кетди. Чунки Эйзенхауэр яҳудлар ва Британия босимига қарши Американинг олий манфаатларини ҳарбий жиҳатдан ҳам, халқаро жиҳатдан ҳам олдинга қўйиш билан танилган эди. Шунинг учун Англия билан Америка ўртасидаги низо кескин тус олди. Унинг энг эътиборли кўринишларидан бири Американинг Британиядан Мисрни тортиб олиши ва уни Мисрдан ҳайдаши бўлди. Ундан олдин Америка Сурияда инқилоб ясаб, ўзининг малайи Адиб Шишкалийни ҳокимиятга олиб келганди. Шу билан Миср ва Сурия Америка тарафига ўтганди. Ўша замондан бошлаб араб диёрлари Англия-Америка курашининг кенг майдонига айланди. Бўлиб ўтган ишлар футбол ўйинига ўхшарди. Копток ҳали Америка, ҳали Англия томонида бўларди. Миср, Сурия, Иордания, Ироқ, Саудия ва Ямандаги ишлар шундай кўринишда кетаверди. Уларнинг кўпчилиги Сурияда содир бўлди. Негаки у тугун маркази эди, ҳамма араб диёрларига умумий тарзда таъсир ўтказарди. Шунинг учун у ерда бир неча сиёсий ишлар амалга оширилди. Уларнинг энг кўзга кўринганлари инқилоблар кўплиги бўлди. Инглизларнинг ғазабига учраган Ҳусни Заим ўлдирилиши билан Англия Суриядаги ҳокимиятни демократик асосда марказлаштиришга, уни аста-секин Ироққа қўйиш билан

«Маҳсулдор тўлин ой» номли режани амалга оширишга ҳаракат қила бошлади. Ҳақиқатан ҳам, Сурияда сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакат учун дустур тузилди. Халқ партияси билан Миллий партия ҳокимиятни эгаллади ва ўз программаларида Ироқ билан бирлашишни эълон қилишди. Америка Англиянинг уринишларига тўсқинлик қилмоқчи бўлди. Бироқ, у Адиб Шишкалий ҳокимият тепасига келгунига қадар қулай фурсат топа олмади. Аввалига унга парда ортидан ҳукмронлик қилган бўлса, кейинчалик ошқора ҳукмронлик қилди. Ва ўзини жумҳурият президенти деб белгилади. Шу билан Сурия Америка қўлига ўтди. Уни 1954 йилнинг февралига қадар ушлаб турди. Шу йили инглиз агентлари Ироқ ёрдами билан Шишкалийни ағдаришди. Сурия яна инглизлар қўлига ўтди. Парламент бошқаруви қайта тикланди. Шу вақтда Англия «Бағдод пакти» номли блокни пайдо қилишга ҳаракат қила бошлади. 1955 йил кириши билан Англия-Америка кураши кескин тус олиб, минтақа ўта оғир босқичга кирди. Америка Миср орқали озодлик, бирлик, социализм ўйинларини ўйнай бошлади. Абдун Носир Америка тарафида Англияга қарши даҳшатли курашга кирди. Американинг маслаҳати билан коммунистик лагердан катта миқдорда қурол сотиб олди. Халқига бу қуролни (Исроил)га қарши урушиб, уни йўқ қилиш учун олиб келдим деб уқтирди. Бу иш араб халқида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ўзи араб миллатчилиги йўлини тутиб, Мисрни араб давлати, деб эълон қилди. Буни Миср давлат конституциясига ҳам ёздирди. Ҳаммани ижтимоий адолат ва бирликка чорлади. Натижада араб халқи унинг атрофига тўпланиб, араб диёрларидаги қутбларидан бирига айланди. Бу ишга Америка Англияга зарба бериш ва аҳоли ўртасида беқарорликни юзага келтириш учун қўллаган услуб ҳам ёрдам берди. Ўша пайтда Америка билан Совет иттифоқи ўртасида кучли душманлик бўлишига қарамасдан, у Совет иттифоқини гиж-гижлаш ҳамда уни минтақадаги ва Англияга қарши халқаро омилга айлантириш учун воситалар қўллади. Америка коммунизмга қарши курашаётган бўлса-да, Миср ҳокими Жамол Абдун Носирни социализмга ва унга даъват этишга ишонтирди. Мисрнинг коммунистик лагердан қуроллар сотиб олиши Совет иттифоқининг минтақага кириб келишига омил бўлди. Абдун Носирнинг миллатчиликка даъват этиши ўлиб бўлган ёки ўлай деб қолган араб миллатчилигини тирилтиришдаги асосий омилга айланди. Ижтимоий адолатдан келиб чиқувчи социализмни қабул қилиши эса сўлликнинг кенг қулоч ёзиб, минтақадаги раъий оммни эгаллаб олишига таъсир

кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилди. Мисрнинг ажнабий иттифоқларга, хусусан, Бағдод иттифоқига қарши ҳужуми Абдун Носирнинг Американинг агенти экани ҳақидаги шубҳани йўқотишда катта таъсир кўрсатди. Зеро, у Америка мустамлакачилигига ҳам ҳужум қиларди. Шунинг учун бутун араб халқида Жамол Абдун Носирнинг Оллоҳ миллатни мустамлакачиликдан қутқариш учун юборган буюк халоскор эканига мутлақо шубҳа қолмади. Шунинг учун битта гуруҳдан бошқа ҳамма одамлар унинг этагидан тутишди. Биргина гуруҳ уни фош қилишга ҳаракат қилди. Бироқ, ҳеч қандай таъсир кўрсата олмади. Раъйи оммни батамом эгаллади. Натижада Иордания ва Ироқдаги ҳоким сифатидаги инглиз агентлари қалқий бошладилар. Сурия ва Ливан халқлари ичидагилари эса ёмон аҳволда қолдилар. Америкага инглизларни бартараф этиши учун қулай вазият яратилди. Аҳоли унинг қилаётган ишлари минтақага Британия ўрнига Америка нуфузини олиб кириш учун бўлаётганини сезмай ҳам қолди. Аслида, у мустамлакачиларнинг бирини иккинчиси билан алмаштириш эмас, ҳар иккисини ҳам йўқ қилиш учун ҳаракат қилиши лозим эди.

Мана шу пайтда Сурияда ички ривожланишлар рўй берди. Абдун Носирнинг атрофига халқни йиғиши уларга халақит қилди. Негаки уйғониш партияси социалистик араб партияси билан бирлашиб, қўшин сафида ўзига хос жой эгаллаганди. Ҳар икки партия бирлик, озодлик, социализм шиорлари билан чиқиб, ҳокимиятга таъсир кўрсатардилар. Абдун Носир ва унинг даъвати уларнинг халқни ўз атрофларига йиғишларига, бирлик ва социализм сари олға қадам ташлашларига имконият яратиб берди. Шу билан Сурия уйғониш партияси бошқаруви остидаги ҳукуматларнинг маҳкумасига айланди. Чунки у партиянинг ёмонлигидан, одамлар ўртасида оммавийлашиб кетишидан қўрқарди. Шунга кўра, аслида, Сурия инглизларники бўлгани билан унга бирлик ва социализм мафкуралари ҳукмронлик қиларди. Бу мафкуралар раъйи оммга ўз таъсирини ўтказарди. Кейин Абдун Носир Сувайш каналини умумхалқ мулкига айлантирди. Натижада Мисрга қарши учлик агрессияси юз берди. Абдун Носирнинг оммавийлашуви самога ўрлади. Инглизларнинг агентлари нафаслари ичига тушиб, майдонга чиқишга ботинолмай қолдилар.

1957 йилнинг августида бир неча зобитлар йиғилишиб, Суриядаги ҳокимиятнинг Фарб томондалиги ва унга Фарб нуфузининг аралашаётганини муҳокама қилдилар-да, ҳокимиятни

эгаллаш, яъни президентни ҳам, вазирларни ҳам ўзларига бўйсундириш ва ишларни ўзлари бошқаришга қарор қилдилар. Ҳақиқатан ҳам Сурияни Ғарб мустамлакачилигидан ажратдилар. Бундан олдин Сурия аслида англизлар томонида бўлгани билан, зоҳирда кўпроқ Америкага боғланган, деб ҳисобланар эди. Негаки ундаги ҳукмрон мафкуралар Абдун Носир чорлаётган озодлик, социализм, бирлик мафкуралари эди. Раъйи оммдаги ҳал қилувчи гап эгаси - Уйғониш партияси эса бамисоли Абдун Носирнинг дўсти ёки иттифоқдоши эди. Шунинг учун уни Ғарбдан ажратиш гарчи англизларга қарши иш бўлса-да, Америкага қарши йўналтирилган ҳаракат ҳисобланарди. Инглизлар уни жимгина қабул қилишди, пинакларини ҳам бузишмади. Американинг эса жиннилиги тутди. Зобитларга зарба бериш, Сурияни Ғарб оғилхонасига қайта тиқиш учун асабий тарзда иш олиб борди. Натижада бир неча уринишларига қарамасдан, ҳаммаси муваффақиятсизликка учради. Америка муаммони ҳал қилолмай, уни Абдун Носирга тақдим этди. Абдун Носир Маҳмуд Риёзни юборди. У Миср билан Сурия ўртасида иттифоқ тузишга ҳаракат қила бошлади. Иттифоққа кўра, Миср Суриядаги ҳокимият тизгинини эгаллаши керак эди. Шу йўл билан Америка жиловни қўлга олди. Британияни Ироқ ва Ливандан ҳайдай бошлади. 1958 йил келиши билан Ливан қўзғолони, орқасидан Ироқ қўзғолони бўлди. Оқибатда Сурия, Ироқ, Ливан ва Миср Америка қўлига ўтди. Инглизларга фақат Иордания қолди. Абдун Носир Иорданияда ҳам уларни таъқиб қилди. Бутун минтақадан қувиб чиқаришига оз қолганди, бироқ Англия ҳам умидсизликка тушмади. Иорданиядаги базасидан туриб ишга киришди. 1961 йилга келиб Сурияда ўз кучига эга бўлди. Барча сиёсий кучлар, Халқ партияси, Миллий партия, Уйғониш партияси ёки «Уйғониш ва социалистик араб партиялари» - ҳаммаси Абдун Носирга ва бирликка қарши бирлашди. Сурия Мисрдан ажралди. Инглиз агентлари яна ҳокимиятни идора қила бошлади. Америка Ироқдаги Абдулкарим Қосимни унга ишладан бош тортиб, коммунистлар тарафига ўтгани учун ўзгартирди. Натижада Ироқда уйғониш партияси бошчилигидаги Америка ҳокимияти пайдо бўлиб, Сурия ва Иорданиядаги вазиятларни ўзгартиришга, уларни Ироққа қўшиб олишга ҳаракат қила бошлади. Англия бундан чўчиб, Дамашқдаги агентлари орқали ясама инқилоб уюштирди. Улар Уйғониш партиясини ҳокимият учун ниқоб қилдилар. 1971 йилда Ҳофиз Асад Мисрга бориб, тўртлик иттифоқига кирди. Мисрдан Сурияга бошқача ҳолатда қайтди.

Чунки Мисрда унинг нусайрий-алавийлар мазҳабидан бўлишига қарамасдан, Сурия араб жумҳуриятининг президенти бўлиш имконияти борлигига ишontiришди. Ана шунда бу ишнинг ортида Америка борлиги, модомики Америка томонида экан, уни қўллаб-қувватлаши, шунингдек, Миср ҳам уни қўллаши, Миср ва унинг ортидаги Америка алавий бўлгани учун жумҳурият президенти этиб сайланиши олдидаги ғовни олиб ташлашлари аён бўлди. Ваҳоланки, Суриядаги одамлар президентлари нусайрий бўлишини қабул қилмасдилар. Мусулмон бўлишини хоҳлардилар. Шундай қилиб, Америка унинг ўз тарафига ўтишига розилигини билгач, унга ҳамма нарсани тайёрлаб, мушкулларини ҳал қилиб берди. Иш бошланди. Ҳофиз жумҳурият президенти бўлиши учун даражама-даража ҳаракат қила бошлади. Шимолга ташриф буюрди. Халқ билан учрашувлар уюштирди. Халқнинг ҳоким томонида эканини, рақобатлашиш имкони йўқлигини кўргач, амалий ишга ўтди. Сурия араб жумҳурияти президентлигига Ҳофиз Асаднинг номзоди қўйилди. 1971 йилнинг 12 марти референдум куни қилиб белгиланди. Кейин Ҳофиз Асад Сурия жумҳуриятининг президенти бўлди. Шу билан Сурия қайтадан Америка чангалига тушди. Ҳозирги кунга қадар ўша чангалда ётибди.

Суриядаги Англия-Америка курашининг намуналари, кўзга кўринган жиҳатлари мана шулар. Энди бошқа араб давлатлари хусусида тўхталамиз. Иордания инглизлар ҳукмронлиги остида қолди. Негаки халқнинг 2/3 қисми фаластинликлар бўлиб, кўпчилиги БМТнинг озиқ-овқат карточкаси ва хорижда ишловчи фарзандларининг маоши билан ҳаёт кечирадилар. 1/3 эса Шарқий Иордания бадавийлари бўлиб, аксарияти қўшиндаги фарзандларининг ойлиги билан кун кўради. Америка Иордания халқида Суриядагидек маҳсулдор ерни топмади. Шунга кўра унда халқаро курашни ўзида намоён этувчи ҳеч қандай сиёсий иш содир этилмади. Фақатгина Бағдод иттифоқиға қарши бўлган намойишлар ва 1957 йилги қирол Ҳусайн Абдун Носир малайларини юртдан ҳайдаш мақсадида уюштирган ясама инқилобий ҳаракати бундан мустасно. Шунга биноан, Иорданияда курашга алоқадор муҳим сиёсий ишлар содир этилган деб бўлмайди. Ҳолбуки, у Америка билан Англия ўртасида кетаётган курашнинг энг йирик майдонларидан бири. Негаки у даҳшатли даражадаги ер ости ва сув ости бойликларига эга.

Ироқда эса баасчилар ўрнига ҳокимият тепасига келган Абдуссалом Ориф, гарчи Абдун Носир этагини тутган бўлса-да,

биноқ инглизлар малайлари бўлган сиёсатчилар ва армия зобитлари ҳаракат қилиш учун қулай фурсат туғилганини кўриб, озгина ҳаракат билан армия ва иқтисодий фаолиятлар устидан назорат ўрнатдилар. Ва Ироқ яна инглизлар қўлига ўтди. Гарчи Америка Абдуллаҳмон Ориф даврида Ироқни яна қўлга киритган бўлса-да, бироқ инглизлар малайлари баасчилар ва бошқалар 1968 йилда ҳокимиятни эгаллашди. Ироқда инглиз нуфузи 2003 йилнинг 9 апрелигача, яъни Бағдод ҳам, Садам Ҳусайн режими ҳам, «Баас» ҳокимияти ҳам қулаб, мамлакат Америка босқинчилиги чангалига тушгунига қадар давом этди.

Миср Абдун Носир ҳокимият тепасига келганидан бошлаб Американинг йирик базасига айланди. Ҳозирга қадар шундай давом этиб келмоқда. Абдун Носир вафотидан бироз ўтиб рўй берган ҳодисаларни айтмаганда, унда курашга алоқадор ҳеч қандай сиёсий ишлар содир этилмади. Ўшанда Мисрни Британияга қайтариш мумкин бўлган уч элементнинг ҳаммаси жам бўлган эди:

1. Мамлакатдаги ҳокимият Абдун Носир қолдириб кетган бўшлиқни тўлдириш у ёқда турсин, ҳатто ўзини ҳимоялашга ҳам қодир бўлмайдиган даражада заиф эди;

2. Мисрда қўшин ва халқ орасида урушга, русларни (коммунистларни) ҳайдашга, тўла озодликка чорловчи ҳаракатлар пайдо бўлганди;

3. Инглизлар билан Миср ўртасида алоқалар тикланганди. Улар Англиянинг ташқи ишлар вазири Дуглас Хоумнинг Мисрда Абдун Носирнинг жанозасида қатнашиш баҳонасида қилган ташрифи билан бошланди. Бир неча инглизлар Ливия орқали кетма-кет ташриф буюришди. Кейинчалик бу иш Муҳаммад Ҳасанайн Ҳайкалнинг ташрифигина эмас, расмий меморандумлар орқали очиқдан-очиқ Миср билан Англия ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни талаб қилиш билан расмий тус олди. Садат ўз ҳокимиятининг илк даврида қалқиб турганига қараганда, Мисрнинг Англия қўлига қайтиши ҳаракат масаласи эмас, замон масаласи бўлиб қолган эди. Бироқ Америка шунга қарамай уни ҳокимиятда мустаҳкамлай олди. 1973 йилда сохта уруш уюштирди. Бундан мақсад, (Исроил) билан тинч-тотув бўлишга замин ҳозирлаш эди. Садатдан қахрамон ясади. Унга тизгинни ушлаш имконини берди. Шу билан халқаро кураш Мисрнинг ичидаёқ махфий қолиб кетди. Ва Миср ҳозирга қадар Американинг йирик ва муҳим базаси бўлишда давом этапти.

Энди Шимолий Африка давлатларига тўхталамиз. Марокаш мустақил бўлган пайтда - Муҳаммад V-чи замонида Америка ҳукмронлиги остига кирди. Жазоир Аҳмад ибн Баллонинг «марҳамати» билан америкалашди. Бироқ, бу ҳол узоқ давом этмади. Муҳаммад V-чи вафот этгач, ҳокимиятни ўғли Ҳасан эгаллаб, инглизлар томонига ўтди. Ибн Баллога қарши инглизлар подшоҳ Ҳасан ва Муҳаммад Хайзар орқали инқилоб уюштиришди. Уларга Тоҳир Зубайрий ва Абу Мидяни ҳам жалб қилишди. Натижада бу иккиси қўзғолон кўтариб, Аҳмад ибн Баллонини қулатишди. Жазоирдан Америка чиқариб юборилиб, унинг ўрнига инглиз нуфузи киритилди. Америка Ливияга ҳам, Тунисга ҳам кира олмади. Биронта сиёсий иш ҳам содир эта олмади. Уларда инглиз нуфузи барқарор қолди. Шунга кўра, бу икки давлат Англия-Америка курашида қатнашмади. Яман ва Кўрфаз давлатларининг Саудиядан бошқа ҳаммаси инглиз нуфузига бўйсунди. Улар орасида фақат Ямандагина таниш маънодаги кураш мавжуд. Ундаги инглиз нуфузи Америка тазйиқларига, тортишувларига учраб туради. Саудиядаги қирол хонадонининг айрим аъзоларини Америка ўзига жалб қила олди. Қирол хонадонидан инглизларнинг ҳам ўз одамлари бор. Бу ерда Америка-Англия кураши оила аъзолари орқали кечади. Масалан, Фаҳд ибн Абдул-Азизнинг ҳукумат тепасига келиши билан Саудия Америка сиёсатига қараб юра бошлади. Ҳолат ўзгариб, инглиз одамларидан биронтаси, масалан, ҳозирги валиаҳд Абдуллоҳ ҳукумат тепасига келса, Ҳижоз билан Нажд Британия нуфузига қайтади. Америка 2001 йилги 11 сентябр воқеаларидан кейин оила аъзоларининг иккиланишидан қўрқмасдан, Саудиядаги нуфузини амалдаги ҳокимият шаклига ўзгартириш киритиш билан мустаҳкамлашга уриняпти. Хабарларга кўра, бу иш Вашингтондаги сиёсатдонлар томонидан ўрганиляпти.

Араб диёрларидаги Америка-Англия кураши ўтган асрнинг 50-60-йилларида авжига чиқди. Фаластин муаммоси бу курашнинг мазмун-моҳияти эди. Британияликлар **1964** йилда минтақанинг келгинди ажнабий давлатни ҳазм қилолмаслигига, Фаластинда яҳудий давлатини тиклаш муваффақиятсиз чиқишига, Ливан давлати қолипидаги илмоний давлат барпо қилиш афзалроқлигига ишонч ҳосил қилишди. **1939** йилда чиқарган Оқ китоб лойиҳасини қайта жонлантириб муаммони ҳал қилишга асос қилиб олди. Яҳудий раҳбарлари музокаралар олиб бориб, шу фикрга қаноат ҳосил қилдилар. Тунис ҳокими Ҳабиб Бурқиб Миср, Иордания, Ливан, Қувайт ва Саудияга ташриф буюриб,

мазкур Британия лойиҳасини араб раҳбарларига ва айрим фаластинликларга таклиф қилди. Ҳаммининг розилиги олингач, Британия уни ижро қилишга урина бошлади. Бироқ, Америка ўзининг агенти Абдун Носир орқали кескин қаршилик кўрсатиб, лойиҳани муваффақиятсизликка учрата олди.

Шулардан кўриниб турибдики, Яқин шарқ масаласи халқаролик жиҳатдан минтақа аҳолиси билан мустамлакачи давлатлар ўртасидаги кураш масаласига айланиб кетиш эҳтимоли бор. Америка ҳам мустамлакачиликни қувиб, Қўшма штатларни барпо қилганида шундай бўлганди. Хитой Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон мустамлакачилиги ва ажнабий нуфузни қувиб чиқариб, дунёда ўз мавқеига эга бўлган коммунистик давлатни барпо қилганида ҳам шундай ҳолат юз берганди. Халқаро ва маҳаллий имкониятлар туғилиб, ажнабий нуфуздан озод бўлишга, ўзининг халқаро вазнга эга бўлган давлатини қуришга чоғланган ҳар қандай мустамлака диёрда шундай ҳолат юз бериши табиий. Бироқ минг афсуски, Яқин шарқ масаласида бундай ҳолат юз бермади. Унинг халқаролик масаласи Америка билан Британия ўртасида минтақани мустамлака ва қул қилиш учун кечаётган кескин кураш бўлиб қолди, холос. Натижада шундай мустаҳкам, янги ғовлар пайдо бўлдики, минтақа аҳолиси озодлик ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам ботинолмай қолди. Америка билан Британия ўртасидаги кураш ўтган асрнинг 70-80-йилларига нисбатан юмшоқроқ тарзда давом этаверди.

Ўтган асрнинг 90-йиллар бошида Совет иттифоқи қулаб, Америка Ироқни босиб олишга, Қувайт ва Кўрфаз минтақасига ҳукмини ўтказишга муваффақ бўлгач, жаҳондаги куч мувозанатлари ўзгарди. Америка минтақанинг янги харитасини чиза бошлади. Унда британияликлар иккинчи даражали ўйинчига айландилар. Қайтадан Америка билан рақобатлашишга кучлари етмади. Обрў-эътиборлари тушиб кетди, заиф ҳийлалар ва айғоқчилик билан иш юритишга мажбур бўлдилар. Аслида бир пулга қиммат бўлган режаларини ўтказиш учун Европа иттифоқига таянишдан бошқа чора тополмадилар. Масалан, Осло аккорди (битими)ни олайлик: шу орқали улар Америкага ўралиб олмоқчи бўлдилар. Бироқ Америка уларни ўз ғоясига хизмат қилувчи йўналишларга буриб юбора олди. Устига-устак Британия илмоний давлат хусусидаги лойиҳасининг муваффақиятсизлигини тан олиб, тугаганини эълон қилди. Ва яҳудий давлати ёнида Фаластин араб давлатини барпо қилиш ҳақидаги америкача лойиҳани қабул қилди. 1988 йилда Жазоирда бўлиб ўтган

Фаластин миллий анжуманида Фаластин озодлик ташкилотининг раиси Арафот илмоний давлат мафкурасидан бош тортди. Ва шу санадан бошлаб барча халқаро анжуманларда икки давлатлик мафкурасини қабул қилишни расман эълон қилди. Подшоҳ Ҳусайн ҳам, Али Мазаз ҳам Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи билан Шарқий қирғоғини қонуний ва идорий ажратишни эълон қилишга мажбур бўлишди. Фаластин давлати барпо бўлишининг зарурлигини эътироф қилишди.

Шундай қилиб, илмоний давлат режаси амалда ҳам, расман ҳам барбод бўлди. (Исроил) ёнида Фаластин давлатини қуришдан иборат бўлган Америка лойиҳасидан бошқа лойиҳа қолмади. Бу лойиҳа БМТ ҳам, Европа иттифоқи ҳам, Россия ҳам, Америка ҳам қабул қилган халқаро талабга айланди. Бушнинг «Йўл харитаси» номли қарашини таклиф қилиш орқали (Исроил) ёнига Фаластин давлатини барпо қилиш фикрини қўллаш учун халқаро тўртлик ташкил қилинди. Ҳозирги Америка «Йўл харитаси»ни татбиқ қилиш масаласига жиддий қараётгани йўқ. Негаки 2004 йил у учун сайловлар йили. Харитадан мақсад, минтақани чалғитиш, холос. Америка ўзи то манфаатларини рўёбга чиқарувчи қулай фурсат келгунига қадар режа кетидан режа тузиб, минтақани чалғитишга одатланиб қолган. Қулай фурсат келгач, яҳудийлар Америкага бўйсундилар. Талаб қилса, режаларини амалга ошириб берадилар. Америка уларга бир ишни жиддий буюрса, ундан бош тортолмайдилар. Зеро, улар Американинг ўз манфаатларини кўзлаш билан бирга яҳудий давлатининг манфаатини ҳамойи қилишини ҳам яхши биладилар.

Британия Фаластин давлати масаласида Америкага ён босишга қандай мажбур бўлса, Ироқни босиб олиш ва ўз агенти Саддам Ҳусайнни қулатиш масаласида ҳам унга ён босишга шундай мажбур бўлди. Негаки у Америка нафаси билан бўлса-да, ўзининг йирик давлатлигини ушлаб қолувчи айрим ютуқларни сақлаб қолиш илинжида эди.

Шунингдек, Америка Кўрфаз давлатларининг барчасидаги, Яман ва Иорданиядаги Британия нуфузининг ёнига ўзининг қуюққина нуфузини ҳам киритиб олди. Айни пайтда Шимолий Африка ва Туркиядаги Британия ва Франция нуфузлари билан рақобатлашишнинг уддасидан чиқди. Шу билан Америка 24 давлатдан кўпроқ Яқин шарқ минтақаси давлатлари устидан ҳақиқий назоратчига айланди. Британия эса айрим ушоқларга эришиш учун Американинг кетидан югуришга, парда ортидан унга қарши иш қилишга мажбур бўлди. Худди илгариги

пайтлардагидек, Америка режалари билан рақобатлашувчи ўз режаларини очиқчасига таклиф қилишга журъат қилолмай қолди. Шунга кўра айтиш мумкинки, бу икки давлат ўртасидаги ошкора кураш ўтган асрнинг охирларида ниҳоясига етиб, шерикчилик, битимчилик услубига ўтилди. Америка минтақадаги олий қўмондон сифатида битимнинг улуғ хожаси бўлса, Британия унинг шуъласида қолиш учун оқсоч вазифасини ўтарди. Британиянигина эмас, бутун Европа иттифоқининг қудрати минтақа учун ҳал қилувчи режалар тузишга ожизлик қилади. Шунинг учун Британия ҳам, Европа иттифоқи давлатлари ҳам Америка лойиҳаларини лаққа ютмоқдалар. Британия ҳам, Европа иттифоқи ҳам Америкасиз ҳеч нарса қилолмаяпти. Шунга қарамасдан, минтақадаги Британиянинг роли тугади деб бўлмайди. Британиянинг ўзини буюк, йирик давлат деб ҳис қилиши ҳамон мавжуд. Сиёсий маккорлиги йўқ бўлиб кетмади. Қолган-қутган агентлари ҳамон нафас олмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, Британиянинг қуввати яширин тарзда вақти-вақти билан ҳаракат қилишда давом этапти.

Франция Марокаш ва Мавританиядаги нуфуздан батамом айрилганидан кейин Жазоир, Тунис ва Ливанда француз сақофати билан сақофатланган бир неча зиёлиларнинг мавжудлигини рўкач қилиб, бу давлатларда ўз нуфузига эга бўлиш учун мудом курашиб келяпти.

(Исроил) айниқса кичик Буш идорасидаги янги ҳомийлар даврида ўз сиёсатларини Америка манфаатлари билан чамбарчас боғлаб, уларни қизгин мудофаа қилувчи тўлқинни яратди. Ўз навбатида Америка ҳам унинг минтақадаги иқлимий йирик давлатлик мақомини ҳимоя қилди. (Исроил)ни мудофаа қилишни ўзини мудофаа қилиш деб билди. Шу билан (Исроил) отасининг кучоғидаги эркатой гўдакка айланди.

Араб диёрларининг ҳокимлари Америкага хизмат қилишда қуллик чегарасигача бордилар. Шу билан ўз халқларининг ҳам ишончини қозонолмадилар, хожаларининг кўнглини ҳам ололмадилар. Ён босавериб ён босавериб хорлик гирдобига ғарқ бўлдилар. Худди, Саддам каби душман қўлидаги алмаштириш осон бўлган қуролларга айландилар. Саддамнинг бошига тушган иш уларнинг ҳам бошига тушиши эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, улар ўз халқларига таяна олмасдан, анави хожаларнинг марҳаматига қараб қолишди, аввалгидан ҳам бадтарроқ аҳволга тушишди. Негаки улар икки ўт орасида қолишди: халқлар ўти, хожалар ўти. Халқлар болғасию хожалар сандони ўртасида

қолишди. Алқисса, Яқин шарқ минтақаси ҳар лаҳзада портлаши мумкин бўлган минтақа ҳисобланади. Унда ҳақиқий Исломий давлат туғилиши ҳақиқатга яқинроқ. Бу иш учун унда етарли иқтидор мавжуд. Аломатлари ҳам ёрқин суратда намоён бўлиб турибди.

3. Узоқ Шарқ масаласи

Узоқ Шарқдаги ҳолат Яқин шарқ масаласидан фарқ қилади. Тўғри, у ҳам стратегик масала, мустамлакачилик масаласи. Бироқ, ундаги вазият тамоман бошқа. Агар ҳозирги замонда Ҳиндистон ярим оролининг ўзи бир масалани ташкил қилиши мумкин, деб эътибор қиладиган бўлсак, Узоқ Шарқда бешта халқ қолади. Улар: Хитой, Япония, Корея, Ҳинди-Хитой ва Индонезия халқлари. Ҳар бир халқнинг ўз муаммоси бор. Яқин шарқ муаммоларининг тафсилотига киришишдан аввал унга умумий таъриф берамиз. Бу масала стратегик жиҳатидан АҚШ ва Россия учун муҳим ҳисобланади. Тинч океани жиҳатидан АҚШ ҳудудида, деб эътибор қилинади. Унда Америкага хавф солиши мумкин бўлган икки буюк куч мавжуд. Улар - Хитой ва Япониядир. Бу икки куч Россияга ҳам хавф туғдириши мумкин. Шу жиҳатдан Узоқ Шарқ масаласи стратегик масала ҳисобланади. Шунинг учун Америка то Иккинчи жаҳон урушида Перл Харбор портида Япония томонидан зарбага учрагунига қадар Узоқ Шарқдан жой олишга, ўз кучига эга бўлишга ҳарис бўлиб келган. Шу зарбадан кейин эса Узоқ Шарқ унинг учун стратегик жиҳатдан муҳим минтақага айланди. Шунинг учун Американинг ҳарбий кемалари ва самолётлари бу минтақада эртаю кеч тинмай изғийдиган бўлди. Филиппин Иккинчи жаҳон урушидан олдинроқдан ҳозирга қадар Америка базаси ҳисобланади. Ўзини ундаги яширин хавфдан ҳимоялаш учун бу минтақага жуда катта эътибор беради. Россияни эса қўшни бўлгани учун АҚШга ўхшаб бу минтақадан океанлар ажратиб турмайди. У гарчи Хитой билан бўлган чегараларини мустаҳкамлаган бўлса-да, минтақага қарши ҳарбий эҳтиёт чораларини кўрмайди. Ҳар доим Япония билан дўстона муносабатда бўлишга уринади.

Мустамлакачилик жиҳати қадимда Англия, Франция, Голландия ва Португалия билан чекланган. Негаки Америка XIX асрдаги мустамлакачилик тўлқини кўтарилган пайтда гарчи Филиппинни эгаллаб, мустамлака ёки ярим мустамлака қилган бўлса-да, Янги оламдан ташқаридаги мустамлакачиликда иштирок этмади. Шунга кўра айтиш мумкинки, Узоқ Шарқни биринчи бўлиб мустамлака қилган давлатлар Англия, Франция ва

Голландия бўлиб, Португалия ҳам кичик бир қисмига шерикчилик қилган. Англия жануби-шарқий Хитой соҳилидаги Гонконг оролини, Малайяни, Сингапурни, Борнео оролининг шимолий қисмини, Бирмани, Ҳиндистон билан бирга Цейлонни мустамлака қилди. Унинг барча сиёсати шу мустамлакаларни сақлаб қолиш асосига қурилган. Икки гигант иттифоқидан олдин ғарбий лагер битта бирлик бўлган пайтда Узоқ Шарқ ҳақидаги Британия сиёсати Америка сиёсатидан фарқ қиларди. Ҳолбуки, у Америкага, мустамлакаларини сақлаб қолиш учун унинг ёрдамига муҳтож эди. Британия Хитойга ўз савдоси учун бозор, деб қарарди. Шунга кўра унинг Шарқий лагер томондалигини ўзининг Узоқ Шарқдаги вужуди учун хавфли деб билмасди. Шундан кўриниб турибдики, у Хитойга ҳужум қилиш, минтақада у билан тўқнашиш учун асос тополмади. Минтақанинг тинч, барқарор туришига ҳаракат қилди. Чунки унда содир бўладиган ҳар қандай ҳаракат унинг мустамлакалари изтиробга тушишига сабаб бўлар эди.

Шунинг учун Англия Индонезиянинг Голландияни ҳайдаб чиқаришга бўлган курашига қарши турди. Коммунистик Хитой билан эса муносабатини яхшилаб, уни эътироф этиб, савдо алоқаларини ўрнатди. Узоқ Шарқ сиёсатида Америкага қарши турди. Буларнинг ҳаммаси мустамлакаларини сақлаб қолиш йўлида қилаётган ишлар эди. Негаки бу мустамлакалар унинг учун товарларини сотиш бозорларигина эмас, балки Британиянинг бир ўзи фойдаланадиган хом-ашёларга бой ўлкалар эди. Қадимдан Британия у ерларда ўрнашиб қолганди, уларни эксплуатация қиларди. Шунинг учун унинг Узоқ Шарқдаги позицияси қандай қилиб бўлмасин, минтақадаги нуфузи ва мустамлакачилигини сақлаб қолишга қаратилганди.

Франция Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ҳинди-Хитойни, яъни Вьетнам, Лаос ва Камбожани қайтариб олди. Улар Франциянинг энг катта ва бой мустамлакаси эди. Хом-ашёга бой бўлганлари туфайли Франциянинг даромад майдони ҳисобланишарди. Бироқ Франция мустамлакасини сақлаб қололмади. Уни бир томондан Хитой, иккинчи томондан Америка эгаллаб олди. Франция чиқиб кетишга мажбур бўлди. Хитой Вьетнамдаги собиқ озодлик ҳаракатини вужудга келтирди ва қўллаб-қувватлади. У «Вьетнам халқи озодлик ҳаракати» эди. Бу қўзғолон Францияни мағлуб эта олди. Ҳарбий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам синиб, мустамлакадан батамом чиқиб кетишга мажбур бўлди. Америка Ҳинди-Хитой мустамлакасини

Франциядан тортиб олмоқчи бўларди. Зоҳирда Францияга ёрдам бергандек бўлиб кўринса-да, пинҳона унга қарши қўзғолонга ундарди. Вазиятни шундай ҳолга келтирдикки, Франция Ғарб лагерининг, хусусан Американинг марҳамати ила қолишга умид боғлаш билан қўзғолонни бостиришдан умидни узиш орасида қолди. Ва ниҳоят, Женева анжумани чақирилиб, Ҳинди-Хитой масаласи кўриб чиқилди. Натижада Франция ундан чиқиб кетди. Унинг Лаос, Жанубий Вьетнам ва Камбожадаги ўрнига Америка, Шимолий Вьетнамдаги ўрнига эса Хитой кириб келди. Бошқачароқ қилиб айтганда, Шимолий Вьетнам давлати ортидан мамлакат мустақиллашди. Кейинчалик Жанубий Вьетнамни ҳам қўшиб олди. Шу билан Франция бу минтақадан узил-кесил ҳайдаб чиқарилди.

Америка индонезияликларни Голландияга қарши қўзғолон кўтаришга ундади. Улар даҳшатли қўзғолон кўтаришди. Совет иттифоқи билан Америка бир-бирларига қарама-қарши бўлишларига қарамасдан, ҳар иккаласи ҳам қўзғолонни қўллаб-қувватлади. Англия индонезияликларга қарши Голландия томонида турди. Пировардида индонезияликлар Голландия устидан ҳарбий жиҳатдан ғалаба қозонишди. Масала БМТга кўтарилди. Америка ҳам уни қувватлади. БМТ Индонезия мустақил бўлди, деб қарор чиқарди. Шу билан Голландия Индонезиядан чиқиб кетди. Унинг Ғарбий Ирианадан бошқа ҳеч нарса қолмади. Индонезия Американинг қўллови билан уни таъқиб қилаверди. Охири Ирианадан ҳам чиқариб юборди. Шу билан Голландия бутун минтақадан чиқиб кетди, унинг ҳеч қандай мустамлакачилиги қолмади.

Португалия Ҳиндистондаги Гоани мустамлака қилганди. Ҳиндистон Голландиянинг минтақадан чиқариб юборилганини кўргач, Португалияни чиқаришга бел боғлади. Англия ва Американинг ундови билан Гоани босиб олиб, Португалияни ундан ҳайдади. Гоа Ҳиндистоннинг бир бўлагига айланди.

Шундай қилиб, минтақада Англия ва Америкадан бошқа мустамлакачи давлат қолмади. Икки гигант (АҚШ ва собиқ Совет иттифоқи) келишувидан олдин Англия ўзининг минтақада қолишидан кўнгли тўқ эди. Келишувдан кейин эса халқаро вазият ўзгариб, Англия мустамлакаларини ўйлаб безовта бўла бошлади. Улар учун хавф туғилганди. Негаки Америка мустамлакачиликнинг янгича услубини қўллаб, Англияни минтақадан чиқариш, унинг ўрнини ўзи эгаллаш пайида бўлди. Янги услуб мустамлакачиликни тугатиш, халқларга мустақиллик

бериш шиори остида ўтарди. Уни БМТ қабул қилганди. Хуллас, халқларга мустақиллигини бериш учун Англияга босим ўткази бошлади. Англия бунга қарши найранг ишлатиб, Шимолий Борнео ороли, Сирван, Сабоҳ билан Малайя ва Сингапур ўртасида иттифоқ барпо қилди. Натижада Малайзия номли иттифоқ давлат дунёга келди. Шу билан мустамлакачилик шаклини ўзгартириб, диёрларни мустамлака қилишда давом этаверди. Ҳеч қанча ўтмай Америка унга қарши Индонезияни қўзгади. Индонезия Шимолий Борнео оролини талаб қилиб, Борнео, Малайя ва Сингапурга қўзғолончилар орқали ҳужум уюштирди. Аҳолини Англияга қарши қўзғолонга ундади. Индонезия билан Малайзия ўртасида урушга ўхшаш ҳолат юзага келди. Унга қарши туриш сиёсати деган ном берилди. Бир неча йиллар ҳолат шундай давом этди. Икки гигант иттифоқ тузишганида, жаҳондаги ҳарбий базаларни йўқ қилиш, Англияни Узоқ Шарқдан четлатиш ҳам битимда бор эди. Узоқ Шарқда Англияга қарши босим кучайди. Англия Сингапур базасини ташлаб чиқишга қарор қилди. Шарқий Сувайсдан ҳам, Узоқ Шарқдан ҳам ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетди. Индонезияда агентлари орқали қарши туриш сиёсатининг етакчиси Сукарнога қарши фаолият олиб борди. Ана шунда Америка Индонезия майдонини Сукарнодан бўшатишга ва қўшинга Сухарто бошчилигидаги бошқа малайларини олиб келишга рози бўлди. Англия Сингапур базасидан чиқиб кетганидан кейин, Сингапур Малайзиядан ажралиб чиқди. Натижада Малайзия Шимолий Борнео, Сирван, Сабоҳ ва Малайядан иборат бўлиб қолди.

Мана шу жараёнлардан кейин минтақа биров тинчиди. Барча ишлар Хитойга зарба бериш учун қаратилди. Британияни минтақадан изини ҳам қолдирмасдан чиқариб юбориш икки гигантнинг Узоқ Шарқ ҳақидаги режасига киритилган бўлса керак. Уларнинг Хитой делоси ёпилганидан кейин инглиз вужудига барҳам бериш учун ҳаракат қилишлари кутилаётганди. Бироқ, ҳодисаларнинг тезлашуви, Американинг Вьетнам уруши тугагани заҳоти Совет иттифоқи билан эскалацияга (муносабатларни чигаллаштиришга) қайтиши, Хитойнинг гигантлар талабларига бўйсуниси, Американинг Малайзияга иқтисодий лойиҳалар ва иқлимий ташкилотлар киритиш билан Англиянинг Малайзиядаги ўрнини эгаллаб олиши мумкин деб ўйлаши бу ишнинг олдини олди. Шунга биноан Британия ҳамон Узоқ Шарқдаги нуфузидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Миср, Иордания, Ироқ ва бошқаларни Англия билан боғлаган мустамлакачилик шартномаларига ўхшаш шартномалар Америка билан Филиппинни боғлаб турарди. Филиппин гарчи назарий жиҳатдан Америка мустамлакаси бўлмаса-да, амалий жиҳатдан мустамлака эди. Америка Голландияни Индонезиядан чиқариб юборишга муваффақ бўлгач, унинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қилди. Бироқ, индонезияликлар узоқ йиллар унга қарши туришди. Биринчи мустамлакачиликни чиқариб юбориб, иккинчисини киргизишни хоҳлашмади. Натижада Америка Индонезияга қарши ғовлар қўя бошлади. Унга қарши қўзғолонлар уюштирди. Англиянинг агентлар орқали бу юртга сизиб киришига эътироз билдирмади. Хитойликларни Индонезияга кўчишга ундади. Шунингдек, унга коммунизмни ҳам киритишга чорлади. Шу таъйиқлар оқибатида Индонезия ҳокимлари босимга бўйсуниб, Американинг қарзларини ва ҳарбий ёрдамларини қабул қилишди. Шу билан Индонезия Америка нуфузи остига кирди. Сукарно замонидан бошлаб Америкага қарам давлатлардан ҳисоблана бошлади. Икки гигант (АҚШ ва собиқ Совет иттифоқи)дан кейин Американинг Индонезиядаги ўрни мустаҳкамланди. Мамлакатнинг ўзига ҳам, қўшинга ҳам, иқтисодий ишларга ҳам ҳукмронлик қила бошлади. Бугунга қадар шундай давом этиб келмоқда. Америка Индонезия билан бирга Ҳинди-Хитойнинг ҳам катта қисмини, Корея урушидан кейин Жанубий Кореяни ҳам эгаллаб олди. У ҳамон Британияни Узоқ Шарқдаги мустамлакаларидан чиқариб юбориб, уларни ўзи эгаллашга ҳаракат қиляпти. Шу ишнинг уддасидан чиқса, Узоқ Шарқ масаласи халқаролигини йўқотиб, Америкага қарашли экинзорга айланади.

Умуман олганда Узоқ Шарқдаги вазият мана шу. Энди унинг халқлари ҳақида тўхталамиз. Бу халқлар Яқин шарқ халқларидан фикрий савия жиҳатидан анча паст. Бироқ, Иккинчи жаҳон урушидан олдинроқ ва уруш асносида жаҳонда кенг тарқалган мустамлакачиликдан озод бўлиш фикри шу минтақанинг халқларига Яқин шарқ халқларига нисбатан кўпроқ таъсир ўтказди. Негаки бу фикрни коммунистлар олиб келишди. У коммунизмнинг капитализмга қарши элементларидан бири. Шунинг учун бу фикр Совет иттифоқидан Хитой орқали Узоқ Шарқ халқларига кучли тарзда сизиб кириб, уларни қўзғатди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва кейин Ҳинди-Хитой халқининг Францияга қарши қўзғалиши, Индонезия халқининг Голландияга қарши қўзғалиши мана шундан. Коммунистик мафкурани қабул қилган Корея халқининг ҳам бу ишда ўз таъсири бўлди. Ҳатто

Малайя, Шимолий Борнео, Сингапур халқлари инглизларга қарши кўтарилишди. Бу қўзғолонлар натижасида Индонезия мустақилликка эришиб, Голландияни қувиб чиқарди. Шимолий Вьетнам кучли давлат деган ном олди. Англия Малайзия иттифоқини тузишга мажбур бўлди. Буларнинг ҳаммаси минтақага зўравонлик қилувчи мустамлакачиликдан озод бўлиш фикрининг самараларидир.

Америка ҳам, Британия ҳам бунга яхши билишарди. Шунинг учун ҳар иккиси минтақадаги нуфузини қадимги мустамлакачилик суратида эмас, иқтисодий, сиёсий, сақофий муносабатлар, шунингдек, битимлар шаклида намоён этишга ҳаракат қилди. Токи у зоҳирда мустамлакачилик топшириқлари эмас, халқаро муносабатлар бўлиб кўринсин.

Узоқ Шарқ масаласи ҳақида яна икки мулоҳаза қолди:

1. АҚШнинг Шимолий Корея атрофида иш қўзғаб, уни ядровий қуролсизлантиришга уриниши;

2. Минтақада, хусусан Индонезия ва Малайзияда Ислоннинг кенг тарқалаётгани.

Шимолий Корея мавзусини Америка Хитой ҳудудида кескин муаммони пайдо қилиш учун қўзғади. Американинг минтақада олиб бораётган мустаҳкам сиёсати Хитойни кучли давлатлар ёки кескин муаммолар билан ўраб қўйишдир. Токи у ўзи билан ўзи овора бўлиб, ташқарига интилмасин. Америка манфаатларига қарши нуфуз ва таъсир устида рақобатлашмасин. Агар Америка Хитой атрофида кучли давлатларни пайдо қилиш учун худди Вьетнамдек Кореяни қайтадан бирлаштира олиш имконини топа олганида, Ҳиндистонни Хитойга қарши қўйгани каби дарҳол ишга киришган бўларди.

Шунинг учун Американинг бу масалани ҳеч тинчитмаслик учун ҳаракат қилишда давом этавериши кутилмоқда. Фақат бир шарт билан: Муаммо фақат Америкагагина тегишли бўлмай, Хитойни ҳам банд этсин. Шунга кўра, Корея муаммосига минтақа давлатларини шерик қилишга ҳарис бўлди. Олтилик шаклидаги учрашувлар тузди. Улар: Америка, Шимолий Корея, Хитой, Россия, Япония ва Жанубий Кореялардир.

Хитойнинг ичкараси ёки ҳудудида кескин муаммоларни келтириб чиқариш Америка сиёсатининг барқарор йўналишидир. Бу иш учун қулай фурсат пойлайди. Гоҳида Ҳиндистон орқали, гоҳида ичкарида инсон ҳуқуқлари баҳонаси билан, гоҳида ҳудуддаги Корея билан об-ҳавони булутлатиш воситасида иш кўради. Хуллас, ҳар бир қулай фурсатни ўтказиб юбормай, ундан

фойдаланади. Ҳозирда Америка учун вақтни чўзиш фурсати келди. Негаки у Афғонистондан бўшаганидан кейин Ироққа ҳужум қилиб, унга ўз нуфузини ўтказишни режалаштириб турибди. Ироққа қарши баҳонаси икки мусулмон диёр - Ироқ ва Эроннинг оммавий қирғин қуролига эгаликда айбланаётганларидир. Америка оммавий қирғин қуроли мусулмонлар қўлида бўлсагина унга қарши чиқиб, бошқалар қўлида бўлса, индамай кетаверадигандек кўриниб қолмаслик учун Буш Шимолий Корея қуроли мавзусини қўзғашни қулай имконият деб топди-да, уни ҳам Эрон ва Ироқ билан бирга ёвузлик меҳвари қаторига қўйди. 2002 йилнинг январиди шу ҳақда баёнот берди. Бундан кўзланган мақсад Ироққа мусулмон диёр бўла туриб, қирғин қуролига эга бўлгани учун ҳужум қилипти, деган айбни ўзидан олиб ташлаш эди. Америка ҳатто коммунистик давлатларни Эрон ва Ироқ билан бирга ёвузлик меҳварига қўяди. Мақсади эса фақат Ироққа ҳужум қилиш. Бушнинг ёвузлик меҳвари ҳақида айтган гапидан икки ҳафта ўтиб Колин Пауэлл конгрессга Эрон ва Шимолий Корея ҳақида шундай деганди: «Бу давлатларга қарши уруш бошлаш учун ҳеч қандай режа йўқ... Бизда Шимолий Кореяга қарши урушиш ёки Эрон билан низолашиш учун ҳеч қандай режа йўқ».

Шунга кўра, Американинг Шимолий Кореядаги оммавий қирғин қуроли мавзусини ҳал қилиш учун қуроли ҳаракатларгача бориб етиши кутилаётгани йўқ.

Ислоннинг кенг қулоч ёяётгани йирик давлатларни, хусусан Американи ва бутун Фарбни хавотирга соляпти. Улар Ислонда ислоний уйғониш ўз ифодасини топган хавфни ҳис қилмоқдалар. Зеро, бу минтақада 250 миллиондан ортиқ мусулмон яшайди. Масалан, аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда Хитой, Ҳиндистон ва Америкадан кейин тўртинчи ўринда турувчи Индонезия энг йирик ислоний диёрдир.

Индонезия билан Малайзия минтақада бошқа йирик кучлардан қолишмайдиган зарба бера олувчи кучни ташкил қила оладилар. Агар улар Ислонни мабда ва ҳаёт низоми сифатида қабул қилсалар, шундай бўлиши табиий. Айни пайтда уларнинг Ислон оламининг қолган жойлари билан алоқа боғлаш имкониятлари ҳам бор. Негаки уларда алоқа технологияси борасида илмий тараққиёт мавжуд.

Бу ҳам Узоқ Шарқнинг халқаро муаммолигини таъкидловчи сабаблардан биридир.

4. Ўрта Осиё масаласи

Ўрта Осиё масаласи Узоқ ва Яқин шарқ масаласидан фарқ қилади. Гарчи бу минтақа географик жиҳатдан Яқин шарқ билан туташган бўлса-да, уни Узоқ Шарқдан ажратиш мумкин бўлмаса-да, мустамлакачилик ва нуфуз нави инчунин, кураш ва унинг ғоялари нави эътибори билан фарқланади. Шунингдек, Ўрта Осиё Совет иттифоқи қулагунига қадар унинг бир бўлаги бўлган. Ўрта Осиё ва Кавказ устидаги кураш иттифоқ қулаганидан кейин бошланган. Шунинг учун ҳам бу кураш Ўрта ва Узоқ Шарқдагидан фарқ қилади. Энди курашдан кўзланган ғоялардаги фарққа тўхталадиган бўлсак, Американинг мақсади Россияни Россия нуфузи остидаги минтақалардан чиқариб юбориб, унинг ҳаётий манфаатлари майдонини қисқартириб юборишдир. Бу иш уни Кавказ ва Ўрта Осиё давлатларидан чиқариб юбориш билан амалга ошади.

Шунга биноан бу масала Совет иттифоқи тарқаб кетганидан кейин - 1991 йилда юзага келди. Иттифоқ қулагач, янги ўн беш жумҳурият ташкил бўлди. Улардан бештаси Ўрта Осиёда жойлашган бўлиб, аҳолисининг аксарияти мусулмонлардан иборат. Улар - Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистонлардир. Уларнинг энг катта ва эътиборлиси - Ўзбекистон. Олдинги тўрттаси туркчага яқин тилларда гаплашишади. Бешинчиси - Тожикистон - форс тилида гаплашади.

Бу беш жумҳурият географик жиҳатдан ҳам, одамлари жиҳатидан ҳам ўзаро боғлиқликни ташкил қилади. Хитой билан туташган исломий қисми Туркистон дейилади (Шарқий Туркистон - Хитойнинг бир бўлаги, Фарбий Туркистон - Ўрта Осиёнинг бир бўлаги). Бу беш жумҳурият Каспий денгизининг шимоли-шарқида жойлашган. Шарқи Хитой билан, шимоли Россия билан, гарби Каспий денгизи билан, жануби Афғонистон ва Эрон билан чегарадош. Шарқий Туркистоннинг бир қисмини Хитой эгаллаган.

Кураш тафсилотларига киришишдан аввал Ўрта Осиё ва Кавказнинг стратегик аҳамиятига бир назар ташлайлик. Стратегик жиҳатдан минтақа Россиянинг Осиё ичидаги, ҳатто Яқин шарқдаги давоми ҳисобланади. Уни Россиядан ҳеч қандай табиий ҳудуд - на денгизлар ва на океанлар ажратади. Хитойга нисбатан ҳам шундай. У Хитойнинг орқа дарвозаси ҳисобланади. Минтақа аҳолисининг аксари мусулмон эканлигига эътибор қаратиладиган бўлса, Хитой уларнинг Хитой ичидаги, яъни Шарқий Туркистондаги мусулмонларга таъсир кўрсатишидан хавфсиради.

Мана шундай стратегик аҳамиятга эгаллиги туфайли Американинг режалари Совет иттифоқи қулаганидан буён минтақага кириб бориш, бир томондан Россиянинг, иккинчи томондан Хитойнинг нуфузини унга йўлатмасликка қаратилди.

Америка айрим мақсадларини амалга оширишга муваффақ бўлди. Каримов унга хорларча бўйин эггач, Ўзбекистонда ҳарбий базалар қурди. «Терроризмга қарши кураш» номи остида Тожикистон билан ҳарбий механизм барпо қилди. Қирғизистон билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу ишларини Қозоғистонгача давом эттиришга уриняпти. Минтақадаги қолган давлатларни ҳам Россиядан тортиб олиш учун тинимсиз ҳаракат қиляпти. Кавказда Шеварднадзени қулатиб, Тбилисига ўзига ён босувчи ҳукуматни олиб келди. Бу нарса Россияга таҳдид солувчи кучли зарба бўлди. Бундан мақсад Грузияда ўзига ён босувчи ҳукуматни юзага келтириш орқали Туркиядаги Атлантика иттифоқи базалари билан Россия ҳудуди ўртасидаги тўсиқни олиб ташлаш эди.

Энди мустамлакачилик жиҳатига тўхталадиган бўлсак, Ўрта Осиё, хусусан Каспий денгизи минтақаси нефтга бой. Минтақанинг ўзи олтин каби қимматбаҳо маъданларга тўла. У Яқин шарқ каби жаҳондаги табиий конларга бой минтақа ҳисобланади. Уни кўриб америкалик капиталистларнинг сўлаги оқади-да, минтақага инвестиция олиб кириш баҳонаси билан йирик-йирик ширкатларни киритишга бор кучларини сарфлайдилар. Яқин шарққа нисбатан қандай иш тутсалар, унга нисбатан ҳам ўшандай иш тутадилар. Хуллас, мустамлакачилик жиҳати Ўрта Осиё бошига ёғилаётган балоларнинг, унинг устида олиб борилаётган курашнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Ўрта Осиё ва Кавказни мустамлака қилиш XVIII аср - Европа империясининг энг чиркин даврдан бошланган. Россия Ўрта Осиё ва Кавказнинг бепоён майдонларини Усманий ва Сафавий давлатдан ажратиб олиб, мажбурлаб чор Россиясига қўшган. Болшевиклар қўзғолонидан кейин Россия Ўрта Осиё ва Кавказни темир панжара ортида ушлашда давом этган. Бошқа давлатларнинг дахл қилишига ҳеч қандай имкон қолдирмаган. Совет иттифоқи қулаб, Россия заифлашгач, Америка минтақага киришгагина эмас, ундан рус нуфузини чиқариб юбориш учун кетма-кет уринишлар қиляпти. Чунки у ўзини Совет иттифоқи қулаганидан кейин жаҳоннинг ягона меросхўри, деб билияпти. Аввал ҳам - Совет иттифоқи бор пайтида, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўзини Фарб мустамлакачилигининг меросхўри

ҳисоблаганди. Америка кибр ва манманлик ботқоғига ботди. Жаҳонга фақат мен ҳақлиман, деган фикрда кетди. Шунинг учун жаҳоннинг барча давлатларини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қиляпти. Йирик давлатларни, жумладан Россияни мустамлакаларидан, нуфузи ўтадиган жойлардан қувяпти.

Россия Совет иттифоқининг Ўрта Осиё ва Кавказдаги меросхўри бўлишга ҳаракат қилди. Иттифоқ қулагач, ундаги жумҳуриятларнинг структурасини қайтадан тиклашга шошилди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)ни барпо қилди. Совет иттифоқининг собиқ давлатларини бирлаштирди. Россиянинг иттифоққа оид шаклини сақлаб қолди. Мақсади Чеченистон, Ингушетия, Доғистон каби Кавказнинг бепоён ерларини ўз ҳукми остида олиб қолиш эди.

Американинг Ўзбекистон ва Грузиядаги ҳаракатлари, Ўрта Осиёга ён қўшни бўлган Афғонистонни босиб олиши муваффақиятли чиққанига, Осиёда стратегик иттифоқдошлар стратегиясини эълон қилганига, Покистоннинг ҳам стратегик иттифоқдош, деб эълон қилинганига, Ироқни босиб олганидан кейин Ўрта Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун тайёргарлик қилиб қўйганига, Ўрта Осиё ва Кавказдаги нефт ва бошқа конларни қазиб олишни Америка ширкатларининг узун қўллари эгаллаганига қарамасдан, нуфуз устида бораётган сиёсий кураш ҳали бошланғич даврида деб, унинг Америка фойдасига ҳал бўлишига анча-мунча вақт бор, деб эътибор қилинади. Негаки минтақа гарчи Америка учун жуда муҳим бўлса-да, Россиянинг нафас оладиган ўпкаси, жаҳоннинг бошқа минтақаларига ўтадиган дарвозаси ҳамдир. Шунга кўра, ундан чиқиб кетиши осон кечмайди. Хуллас, Россиянинг бутун минтақани бўшатиб бериши яқин атрофда кутилаётган иш эмас.

Американинг Ўрта Осиёдаги стратегиясини англаш учун Америка масъулларининг, минтақа ва ён атрофдаги малайларининг баёнотларига бироз назар ташлаш лозим.

2004 йилнинг бошида Первез Мушарраф мамлакатини уч иқлим: Ўрта Осиё, Жанубий Осиё (Ҳиндистон), Фарбий Осиё (Яқин шарқ) ўртасидаги савдо йўллари ва энергия қувурлари учун ўтиш жойига айлантириш таклифи билан чиқди. Покистоннинг ўртада жойлашганидан фойдаланиб шундай қилди. Исломбод Араб денгизида Афғон ҳудудигача чўзилган Америка моделидаги замонавий йўл тармоғига боғланган улкан портлар силсиласини қурди.

Пауэлл 2004 йилнинг 27 мартда Америка ноиблар кенгашига қарашли ҳарбий ҳаракатлар бўйича комиссияга берган баёнотида мана шу лойиҳалардан иқтибос келтириб, шундай дейди: «Кавказ, Ўрта Осиё, Ғарбий Осиё ва Жанубий Осиё минтақаси савдо ва алоқа тармоғига уланса, улкан имкониятларни тақдим қилади. Бироқ, бу иш тинчлик ва хавфсизликка эриша олсаккина амалга ошади... Покистон бу ҳақда ўйлаб, ўз структураси ва портларини (...) қайта тиклади. Саудиялик ва япониялик шерикларимиз билан Афғонистондаги йўл тармоқларини қуришда давом этаверамиз».

Америка дипломатиясининг ҳаракатлари минтақани ҳарбий, сиёсий ёки иқтисодий иттифоқлар тузишга ишонтиришга қаратилган. Покистон - Афғонистон ҳудудидан бошланиб, Техрон ва Кобулни ҳам оралаб ўтади. Бу билан ўз марказида стратегик иттифоқлар харитасини қайта тузишга йўл очяпти. Исломободдаги сиёсий ишлар Вашингтон билан Исломобод ҳарбий муассасаларининг терроризмга қарши курашдан ташқари янги бир иттифоққа киришларининг эҳтимоли борлигини башорат қиляпти. Америка, Европа «НАТО»си орқали бошқарадиган Осиё «НАТО»сини тузиш ҳақида ҳам гап юрибди. У Вашингтоннинг минтақадаги анъанавий иттифоқдошларидан ташқари Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Озарбайжондаги янги иттифоқдошларини ҳам ўз ичига олади. Бундан мақсад энергия олиб ўтиш қувурлари тармоғини хавфсизлик ва ҳарбий жиҳатдан ҳимояловчи, айти дамда ҳар қандай Хитой ёки рус назорати бош кўтаришининг олдини олувчи иқлимий низомни барпо қилишдир.

Шунингдек, Вашингтон билан Москванинг собиқ иттифоқ жумҳуриятларига тааллуқли муоммолар борасидаги позициялари ўртасида тўқнашув юзага келди. Америка давлат котиби Колин Пауэллнинг 2004 йил 26 январда Москвага ташрифи чоғида шу иш ойдинлашди. Американинг Москвадаги элчиси ташрифдан сал олдинроқ Пауэллнинг нияти рус томони билан собиқ иттифоқ жумҳуриятларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишдир деб, ташрифнинг асосий мақсадларидан бири рус ва Америка тарафларининг собиқ иттифоқ фазосида «учрашиш нуқтаси»ни излашдан иборатлигига ишора қилиб ўтди. Элчи бу минтақа борасида икки тараф ўртасидаги муносабатларни барқарор этишга тўсқинлик қилувчи «муайян муаммолар» борлигини эътироф этди. Айти пайтда Москва икки тараф ўртасида минтақадаги нуфузни тақсимлаб олиш «битими»нинг мавжудлигини инкор қилди. Америка манбалари икки давлатнинг шу борадаги муносабатларига тўсқинлик қилувчи «муоммолар»га ишора қилиб

ўтди. Шу ҳақдаги мунозаранинг авж нуқтаси Фарб оммавий ахборот воситаларининг Россия билан Америка собиқ иттифоқ минтақасидаги нуфузни тақсимлаб олишга қаратилган битим тузишди, деган маълумотларни тарқатган пайтга тўғри келди. Рус шарҳловчилари Москвадаги Америка элчисининг гапини икки тараф ўртасидаги иттифоққа ишора, деб ҳисоблашди.

Маълумки, Москва МДХдаги Америка нуфузининг ортиб бурганидан безовталигини билдирганди. Айниқса Ўрта Осиё ва Грузия жумҳуриятларидаги Америка ҳарбий вужудига алоқадор жиҳат уни кўпроқ ташвишлантиради. Устига-устак Америка Грузия каби давлатларнинг ички вазиятларини бартараф этишга бевосита дахл қилмоқда.

Пауэлл ташрифи чоғида рус сиёсатчилари Америка вазири билан шу ҳақида мунозара қилишни ишташди. Россия парламентидаги ташқи ишлар комитети раиси Константин Косачев минтақадаги Америка ҳарбий вужуди масаласини ташриф ишлари жадвалига киритишга даъват этди. Шулардан кўриниб турибдики, Америка ҳамон Ўрта Осиё ва Кавказ борасида йўлнинг бошида турибди. Американинг режалари ҳали бир қадам ҳам босганича йўқ. Бунинг илдизи минтақанинг яқин кунга қадар Совет иттифоқининг монополияси ҳисобланганига бориб тақалади. Минтақа устидаги курашнинг Россиянинг зарур манфаатларига ва Хитойнинг иқлимига оид жиҳатларига таҳдид солиши унинг Америка учун стратегик аҳамиятига эгалигидандир. Негаки у шу кураш орқали Россиянинг нуфузини яксон қилиб, Хитойни чеклаш орқали жаҳондаги буюк ва ягона қувватини сақлаб қолиш ҳақидаги режасини амалга оширади. Хулоса қилиб айтганда, бу масала халқаро муҳим масалалардандирки, унинг устидаги кураш иқлимий ҳудудни хатлаб ўтади.

Бу минтақани иқлим жиҳатидан ҳам, халқаролик жиҳатидан ҳам таъсир кучига эга бўлган давлатларнинг диққат марказига олиб чиққан ва халқаро масалага айлантирган яна бир омил ҳам бор. У минтақанинг Исломига қайтаётганидир. Коммунизм даврида 70 йил атрофида дин мутлақо тақиқланганди. Шунинг учун бўлса керак, одамлар Исломга эътиборни жалб қиладиган даражада ошиқдилар. Ибодатлар билангина чекланмасдан, даҳшатли даражада Ислом ҳокимиятига - Халифалик низомига интила бошладилар. **«Ҳизбут Таҳрир» ХАЛИФАЛИК**ка даъват этар экан, бир неча йиллар ичида улардан минг-минглаб эркак ва аёлларни ўз ичига олди. Уларнинг иймони ажойиб. Ҳар қандай

қийинчиликни енгиб ўтптилар. Оллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаяптилар.

Бироқ, эски давр ҳокимлари умматнинг ўз аслига бу қадар шиддатли қайтишидан хурсанд бўлмадилар. Ислom сиёсатининг ҳокимят тепасига келишига тўсқинлик қилиш учун руслардан, америкаликлардан, британияликлардан, ҳатто яҳудийлардан мадад олиб, ўз халқларига зуғум ўтказдилар. Маҳаллий разведка аппарати билан Россия, Америка ва Британия разведка аппаратлари бу диёрлардаги Ислomий тараққиётни тўхтатиш учун биргаликда иш олиб бориб, зулму зўравонлик, чалғитишу йўлдан уриш, илмонийликни чиройли кўрсатишу буқаламунлик услубларини қўлладилар. Бироқ, халқ қалбидан жой олган Ислom кундан кунга кучайиб бормоқда. Бундай шайтоний услублар одамларни иймон-эътиқодларидан ҳеч қачон қайтара олмайди. Қалблардаги Ислomнинг дилларда аланга олаётганини Фарб англади. Учинчи олам бўйича америкалик мутахассис Роберт Д. Каплан шундай дейди: «Осиёнинг ўрталарида.. Дунёнинг мана шу бўлагида яқин кунда Ислom мазлумлару хўрланганларни мутлақо қўллаб-қувватлаётгани боис энг жозибадор жиҳатга айланади. Бутун оламга кенг қулоч ёяётган бу дин рақобатлашишга тайёр турган ягона диндир».

Минтақа Ислomнинг муҳим қалъаларидан бирига айланди. У Жануби-Шарқий осийдаги Индонезия ва Малайзиядан тортиб, Яқин шарқ минтақасигача тортилган Ислom камонининг бир учини ташкил қилади. Минтақанинг географик жиҳатдан Покистон ва Эрон билан алоқа боғлаш имкониятига эгаллиги руслар ва америкаликларга бу бепоён минтақада буюк ва ядро қуролига эга Ислom давлати барпо бўлиб қолиш хавфини туғдирмоқда. Афғонистоннинг Америка томонидан босиб олиниши сабабларидан бири минтақа устидан назоратни кучайтириш эди. Айниқса ундаги ножинс ҳокимлар заволга юз тутиб турган пайтда шундай қилишдан бошқа илож қолмаганди.

Бу диёрлардаги Ислomий ўсишдан келиб чиқаётган хавф туфайли Россия ҳам, Хитой ҳам уни ўзларидан даф қилиш учун даврий анжуманлар тузишди. Уларнинг энг эътиборлиси Шанхай ҳамколик ташкилоти бўлиб, ундаги бош масала Ислomий фундаментализмнинг, Ислomий ҳаракатларнинг хавфи бўлди.

Хуллас, минтақадаги мўл бойликлар, уларнинг Россия ва Хитой учун, Американинг иштаҳаси учун стратегик аҳамиятга эгаллиги, устига-устак жадал суръатда ривожланаётган Ислomий уйғониш Ўрта Осиёни муҳим халқаро муаммога айлантирмоқда.

5. Ҳиндистон ярим ороли масаласи

Ҳиндистон ярим ороли масаласи қадим масаладир. Фақат у ҳеч қачон бугунгидек кўзга ташланарли бўлмаган, жаҳоннинг асосий муаммоларидан ҳисобланмаган. Уни шу ҳолатга келтирган уч омил бор: Кашмир муаммосидан қайнаб чиққан Исломиёй уйғониш; минтақада Хитой кучининг ортиб кетаётгани; Ҳиндистон билан Покистоннинг ядровий давлатлар қаторига қўшилиши.

Исломиёй уйғонишнинг олдини олиш осон иш бўлмай қолди. Афғонистоннинг Америка томонидан босиб олиниши сабабларидан бири Кашмир мусулмонларини қўллаб-қувватловчи Исломиёй ҳаракатларга зарба бериш учун янги салиб юришини бошлаш эди. Айниқса 1999 йилда мусулмонларнинг кучи ўзини кўрсатганди. Исломиёй лашкарлар Покистон-Ҳиндистон ҳудудида Кашмир доволарида жойлашган Каргилга ҳужум қилиб, ҳиндлар қўшинини мағлуб этиб, Кашмирни озод қилишларига бир баҳя қолганди. Бироқ, Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф ва ўша вақтдаги штаб бошлиғи Первез Мушарраф хиёнат қилиб, Американинг буйруғи билан ҳужумдаги қўшинни олиб чиқиб кетишганди.

Мана шу ҳодисанинг ўзиёқ америкаликларга хавф бонгини чалганди. Натижада улар минтақадаги мусулмонлар кучининг зўрлиғи билан яхшилаб ҳисоблашадиган бўлиб қолишганди. Шунинг учун ўз агентлари - Покистоннинг ҳозирги президенти Первез Мушаррафга мамлакатдаги Исломиёй лагерларни йўқ қиласан, деб босим ўтказишди. Кашмирда Ҳиндистонга қарши курашган жангчилар ўша ерлардан чиққан, улар террористлар, деган баҳонани рўкач қилишди.

Шунингдек, Америка Первез Мушаррафга иккинчи марта босим ўтказиб, уни Исломиёй Кашмирни сиёсий қўллашдан бош тортишга мажбур қилди. Малай бу сафар ҳам қуллуқ қилиб, ўзининг Кашмир халқи ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги ҳуқуқлардан воз кечганини эълон қилди. Кашмир муаммосини икки ёқлама асосда ҳал қилиш учун Исломободда Ҳиндистон давлати билан Покистон давлати ўртасида музокаралар бошланди. Бундан мақсад Покистон ҳукуматида Кашмирда ҳиндларнинг ҳаққи борлигини тан олдириш эди. Музокаралар Кашмирдан ҳинд босқинчилигини қувиб чиқариш эмас, айнан шу ишни қонунийлаштириш учун олиб борилди.

Американинг Первез Мушаррафга Кашмир масаласида босим ўтказишдан мақсади Покистонда улканлашиб бораётган Исломиёй қувватга зарба беришгина эмас, минтақада мувозанатни юзага келтириш ҳам эди. Токи Ҳиндистон Покистон уруши билан овора

бўлиб, Хитой минтақадаги ягона кучга айланмасин. Токи Ҳиндистон Покистон тарафидаги ғарбий ҳудудидан хотиржам бўлиб, Хитойга бас келиб турсин. Шунинг учун Жанубий Осиё давлатларининг «SARC» уюшмасига Ҳиндистон билан Покистон қўшилди ва Хитойга қарши тура олувчи катта куч юзага келди. Агар Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги кураш давом этаверганида, айниқса Хитойнинг жуда катта иқтисодий кучга, жаҳондаги энг йирик демографик қувватга эгаллигини, Хавфсизлик кенгашида доимий ўрни борлигини, ўзининг қадимдан ядровий давлатлигини эътиборга оладиган бўлсак, Ҳиндистон унга бас кела олмасди. Хитой ҳар қанақасига буюк куч ҳисобланади. У Россияга ўхшаб хатога йўл қўйгани йўқ. Ички жипсликни сақлаб қолди. Мао Цзе Дун Хитойини замонавийлаштирган кучли раҳбар Ден Сяопин шундай дейди: «Горбачев йўл қўйган энг катта хато Россиянинг иқтисодни янгиламай туриб, сиёсий эркинликка рухсат бериб юборганлигидир».

Шундай қилиб, Америка Хитой қуввати билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди. Минтақада унга бас кела оладиган бир қувватни пайдо қилиб, уни ўша билан овора қилиб қўймоқчи бўлди. Бинобарин, Ҳиндистон-Покистон уруши барҳам топиб, Хитойга юзланишини истади. Покистоннинг ҳам, Ҳиндистоннинг ҳам ядровий қуролларга эга бўлишларига жимгина қараб туриши, унинг ўзида етишмаётган қурол технологиясини қўлга киритишига қулайлик туғдириб бериши ана шундан. Бунга далил шуки, Америка (Исроил)га ривожланган замонавий радарли «Фалкон» самолётларини Хитойга сотишини тақиқлади, Ҳиндистонга сотишига эса рухсат берди. Бундан ташқари, Американинг ўзи Ҳиндистон билан стратегик шерикчилик битимларини тузди. Бошқачароқ қилиб айтганда, Ҳиндистон билан - гарчи у ҳарбий ва англо-саксон давлат бўлмаса-да, худди (Исроил) каби муомала қила бошлади.

Бу масаладаги энг кўзга кўринган жиҳатлар мана шулар: Исломга оид, Хитойга оид ва ядрога оид ривожланиш. Шунинг учун Америка минтақадаги стратегиясини Исломга ва Хитойга оид ривожланишни чеклаш ҳамда унда тинчлик ўрнатиш билан Хитой қувватига бас кела олувчи катта кучни барпо қилиб, мувозанатни юзага келтириш асосига қурди.

6. Африка масаласи

Африка масаласи янги масала. У халқаро майдонда 1960 йилдан кейин юзага келди. Бу масала мустамлакачиликдан бошқа нарса эмас. Негаки Африка фикрий қолоқ, айни пайтда катта миқдордаги хом-ашёларга, зироат ва ҳайвонот бойлиқларига эга

қитъа. Мустамлакачи давлатлар XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида мустамлакачиликка ташланганларида Африка қитъаси ҳам улар босиб олган жойлар жумласидан бўлди. Ҳар бир давлат қитъадан кучи етганча жойни мустамлака қилиб олаверди. Уни мустамлака қилиш устида давлатлараро тўқнашувлар юзага келмади. Шунинг учун мустамлакачи давлатларнинг аксарияти ўша ердан қўним топди. Бутун қитъа Европанинг мустамлакасига айланди. У ерда Англия, Франция, Испания, Голландия, Германия, Италия, Португалия, Белгияларнинг мустамлакалари бор. Англия арслон улушига эга. Кейингиси Франция, кейин Белгия, кейин Португалия. Бу саккиз мустамлакачи давлатлар Иккинчи жаҳон урушининг охирига қадар Африкадаги мустамлакаларга ҳукмронлик қилиб келдилар. БМТ устави тузилгач, унга Африкадаги мустамлакачиликни тугатишга доир бандлар киритилди. Фақат улар шу тарзда тузилдики, натижада бу иш тадрижий суратда амалга ошириладиган бўлди. Шунинг учун йирик давлатлар Африкадаги мустамлакачиликни бартараф этиш ҳақидаги баҳс-мунозараларга 1960 йилдан кейингина киришдилар. Ундан олдин эса айрим мустамлакалар, масалан Италия мустамлакаси мустамлакачиликни тугатишнинг муқаддимаси сифатида васийлик остига қўйилди. Шу мақсаддаги сиёсий ишлар ҳам пайдо бўлди. Улардан энг эътиборлиси ижобий нейтралитет (бетарафлик) мафкураси ва бу нейтралитет ва қўшилмаслик сиёсатига оид қатор анжуманлар ўтказилди. Ижобий нейтралитет мафкураси аслида инглизларники бўлиб, уни Британия бош вазири Черчилл ўзининг агенти Неруга берган ва уни Ҳиндистоннинг сиёсати деб эълон қилишини ҳамда Осиё давлатлари ўртасида унга амал қилинишини талаб этган. Инглизларнинг бу мафкурасини Неруга беришларидаги сир шундан иборатки, улар ўзларининг Узоқ Шарқ ва бутун Осиёдаги мустамлакаларига Америка ва Совет иттифоқи томонидан хавф туғилаётганини кўрганлар. Совет иттифоқи мамлакат аҳолисини мустамлакачиликдан озод бўлишга тарғиб қилса, айниқса Индонезияда юз берган ҳодиса бунинг яққол мисоли, Америка Англияга мустамлакаларингга мустақиллигини берасан, деб босим ўтказди. Кейин уни бу ишга қарзлар бериш ва мутахассислар юбориш орқали судради. Мустақиллик мафкурасини Англия қадимдан мустамлакачилик услубини алмаштиришда қўллаб келади. Шунга кўра, айрим мустамлакаларига мустақиллик бериб, уларни давлатларга айлантирди ва улардан Британия ҳамдўстлигини ташкил қилди. Шу боис мустақиллик мафкурасига

у қадар катта аҳамият бермади. Уни маъқуллаб, изидан бораверди. Негаки у орқали мустамлакачиликни қандай мустақкамлашни яхши биларди. Лекин у Американинг мустақил давлатларга қарзлар, ёрдамлар, мутахассислар орқали ҳукмрон бўлиб олишидан қўрқарди. Шунга кўра Америка ва Совет иттифоқига қарши туриш учун ижобий нейтралитет мафкурасини ўйлаб топиб, уни Неруга берди. Неру ижобий нейтралитетни амалда қўллаб, эътиборни тортадиган даражада фаолият олиб борди. Совет иттифоқи бу мафкуранинг мағзини чақди. Шунинг учун уни маъқуллади, ундан фойдаланишга ҳаракат қилди. Зеро, қайси бир мустақил давлатнинг бетараф туриши уни Фарбдан ажратиб олишга умид туғилди, деган маънони англатади. Америка сиёсатчилари бу борада турлича фикрда бўлдилар. Айримлари бетараф давлатларга қарзлар, совгалар бериш имкони бўлиши эътибори билан уни маъқулласалар, яна баъзилари коммунизмнинг бу давлатларга кириб келишига имконият яратиб беради деган фикрга бориб, унга қарши чиқардилар. Нима бўлганда ҳам Неру ижобий нейтралитетга даъват қила бошлади. Уни моддий ишларда гавдалантириш учун Хитой билан боғланиб, уни бетараф давлатлар анжуманини тузишга даъват этди. Хитой бунга дарҳол рози бўлди. Анжуманни тайёрлаш комиссияси тузилди. Комиссия мустамлакачиликдан қутулиб, мустақил бўлган айрим давлатлар билан боғланиб, уларни ижобий нейтралитетга даъват этди. Комиссиянинг ичида Индонезия ҳам бор эди. Ўша вақтда ҳали Америкага қўшилмаганди. Бу иш коммунизм тарафига ўтиш ҳисобланмасмикин, деган хавотири ҳам йўқ эмасди. Американинг фикри билан танишмоқчи бўлганди, қараса, ҳукумат тепасидаги Эйзенхауэр бетарафлик мафкурасини маъқуллаб турибди. Шундан сўнг у ҳам бу ишга берилиб кетиб, анжуманни Индонезияда - Бандунгда ўтказиш таклифи билан чиқди. Комиссия бу таклифга рози бўлди. Анжуман 1954 йилда Бандунгда бўлиб ўтди. Совет иттифоқи ҳам, Хитой ҳам, Англия ҳам, Америка ҳам ундан фойдаланиб қолиш пайида бўлишди. Анжуман озодликка чорловчи қарорлар чиқариб Совет иттифоқи, Хитой ва Американи ҳушнуд қилган бўлса, Англияни хафа қилди. Негаки, у фақат ижобий нейтралитетнинг ўзинигина муҳокама қилишни ёки ижобий нейтралитет масаласи озодлик масаласини босиб кетишини истаганди. Устига-устак Америка анжумандан жуда унумли фойдаланди. Тито ҳам, Сукарно ҳам, Абдун Носир ҳам анжуманни ва мафкурани қизғин қабул қилиб, мафкуранинг ҳақиқий муаллифи Британия агенти Неруга ёпишиб олишди-да, бу

ишни мустамлакачиликдан озод бўлишга даъват этиш ва мустамлакачи давлатларга ҳамла қилиш учун восита сифатида қўллашди. Бор кучларини биринчи даражада Африкага сафарбар қилишди. 1960 йил келиши билан мафкура Африкада ўз ролини ўйнай бошлади. Американинг у ерда ўз агентлари бор эди. Ана шу кундан бошлаб кураш Африкага кўчди. Америка мустамлакачи давлатларни Африкадан чиқариб юбориб, уларнинг ўрнини ўзи эгаллаши учун жиддий ҳаракат олиб борди. Мустамлакачи давлатларга мустамлакаларига мустақилликни беришлари учун босим ўтказди. Ундан олдин, 1954 йилнинг ўзида Жазоирда қўзғолон оловини ёқмоқчи бўлди. У ерда ҳам агентлар топилиб, Миср ва араб диёрлари қўзғолонни қўллашди. Бу қўзғолоннинг мустамлакачи давлатлар ўз мустамлакаларидан воз кечишида жуда катта таъсири бўлди. Бироқ, Англия мустақиллик бериш деган гапнинг маъносидан хабардор эди. Шунинг учун бир неча мустамлакаларига қисқа муддатли истиқлол берди. Натижада Занзибар, Танганьика, Нигерия, Уганда, Шимолий Родезия, Жанубий Родезия, Нисланд ва бошқа давлатлар пайдо бўлди. Франция бироз иккиланди. Жаҳондаги вазият тез суратда ўзгараётганини кўрган де Голл Англиянинг изидан бориб, бир неча давлатларга истиқлол берди. Шу билан Марокаш, Тунис, Жазоир, Сенегал, Габон ва бошқа давлатлар дунёга келди. Белгия Конгони мустамлака қиларди. Конго Африканинг хазинаси эди. Унда ядровий бомбалар ясашда ишлатиладиган уран моддаси кўп миқдорда бор эди. Шунинг учун Конгога мустақиллигини бериш осон кечмади. Айниқса Конгонинг вилоятларидан бири Катангадаги шахталардан фойдаланувчи ширкатлар Англияга бўй сунарди. Хуллас, Конгога мустақиллигини бериш катта муаммони келтириб чиқарарди. Бироқ, Америка Белгияга қаттиқ босим ўтказди ва у Конгога мустақиллигини беришга мажбур бўлди. Шу билан у ҳам мустақил давлатга айланди. Ана шунда Англиянинг жини қўзиди. Агенти Моис Чомбига буюриб, Катанганинг мустақиллигини эълон қилдирди. Америка бу масалани БМТга оширди. Натижада Катангани қайтариш учун халқаро куч юборилди. Ўша пайтдаги бош котиб Гомер Шульц ишдан кетди. Англия фитна уюштириб уни ўлдириб юборди. Шу билан Америка-Англия ўртасидаги кураш кескин тус олди ва бир неча йиллар, то Америка диёрларни қўлга олиб ўзига тобе давлатни барпо қилиб, Чомбини ҳайдаб чиқаргунга қадар давом этди. Шу билан Конго масаласи бироз муддатга бўлса-да тинчиди. Шу орада Англия Шимолий Родезия, Жанубий Родезия ва Нисланддан

хавотирга тушиб қолди-да, иттифоқни парчалаб, Нисландга мустақиллигини берди ва у Малави деб аталди. Шимолий Родезияга ҳам мустақиллигини берди ва у Замбия номини олди. Жанубий Родезияни эса мустамлакачиликнинг қолишини таъминлайдиган вазиятда ушлаб туришга ҳаракат қилди. Америка ҳадеб таъқиб этавергач, кейинроқ унинг ҳам мустақиллигини берди ва у Зимбабве деб номланди.

Америка Африканинг буюк кўллар бўйидаги давлатларини: Уганда, Руанда ва Бурундида Франциядан тортиб олишга муваффақ бўлди. Бироқ, тўқсонинчи йилларнинг охирида Чадни тортиб олишда муваффақиятсизликка учради. Франция агенти Идрис Даби кучлари Ҳусайн Хибрий кучларидан голиб бўлганди. Ҳусайн Хибрий ким тарафига ўтиш хусусида беқарор эди. Аввал Франция тарафида бўлса, кейин уни Америка ўзига оғдириб олганди. Натижада Франция ўз агенти Идрис Дабини кўллаб, ҳукуматни олишига имконият яратиб берганди.

Полковник Идрис Даби Хибрийнинг одамларидан бўлиб, унинг кучли иттифоқдоши эди. 1989 йилнинг апрелига қадар Чад қуроли кучлари бош қўмондони лавозимини эгаллаб келган. 1983 йилги Фяларгу жангарида Хибрийнинг кучларига қўмондонлик қилиб, Ливия қўшинини Чаддан қувиб чиқарган одам мана шу полковник эди. 1989 йилнинг апрелида лавозимидан олиб ташлангач, қабилачилик ихтилофлари Дабини иттифоқдоши Ҳасан Жомуснинг муваффақиятсиз чиққан инқилобий ҳаракатига қўшилишига олиб борганди. Ўшандан кейин Суданга қочиб халоскор миллий ҳаракатни ташкил қилди. Президент Хибрийга қарши бўлган икки қабила - Загова ва Ҳижоралар билан иттифоқ тузди. Бу қабилалар Чад - Судан ҳудудидаги минтақаларда жойлашганди. Полковник Даби Франция билан кучли алоқада бўлган. У Франция ҳарбий муассасасининг фарзанди. 1958 йилда Париждаги ҳарбий мактабда таҳсил олган. Шунга кўра, Дабининг Хибрий устидан ғалабаси агар шу билан Франция Американинг чегара билмас нуфузи йўлини тўсиб, ташаббус тизгинини қайтадан ўз қўлига оладиган бўлса Америка нуфузининг синиши-ю, Франция нуфузининг кучайиши ҳисобланади.

АҚШда ҳокимиятга янги раҳбарлар келиб, Африка қитъасини босиб олиш учун янгича услубларни қўллаб бошладилар. Маҳаллий урушлар чиқариш, муаммолар пайдо қилиш, исён ҳаракатларини қувватлаш, шу орқали Европа давлатларининг агентларини маҳв этиб, Америка агентларини ҳукумат тепасига олиб келиш билангина қаноатланмай, Африканинг мудофаа ва

ташқи ишлар бошқаруви сиёсатидаги ҳолатга бевосита ҳарбий дахл қилишга ўтдилар.

Зудлик билан терроризмга қарши кураш номи остида бир неча Шимолий, Ғарбий ва Ўрта Африка давлатлари билан муносабатларни йўлга қўйишга, битимлар тузишга киришдилар. Бу нарса Американинг бевосита ҳарбий дахл қилиши келгусида Африка устидаги курашда асосий ролни ўйнайди, деган маънони англатади. Шунга биноан айтиш мумкинки, Африкани суронли келажак кутмоқда. Америка исён ҳаракатларини қўллаш учун Африканинг шимолида ҳам, ғарбида ҳам, ўртасида ҳам ҳарбий базаларни қурди ва қурмоқда. Бундан кўзланган мақсад маҳаллий ҳукуматларга босим ўтказиш орқали Европа давлатларини, хусусан Англияни минтақадан чиқариб юборишдир. Бироқ, Африкада Европа манфаатлари қоришиб кетгани боис навбатдаги босқич қонли ва қақшатқич кечади. Айниқса бу минтақада моддий манфаатдан, табиий бойликларни талашдан бошқа ҳеч нарсанинг эътибори йўқ. Хуллас, Африкадаги кураш мустамлакачи давлатлар ўртасидаги курашдир. Шунга кўра унинг масаласи халқаро масаладир. У ҳамон халқаро масала бўлиб қоляпти.

Шундай қилиб, йирик давлатлар ўртасида Африка қитъаси устидаги кураш XX асрнинг олтинчи йилларидан бошлаб авж олди. Мустамлакачи Европа давлатлари билан бирга Америка ва Совет иттифоқининг ҳам нуфузи юзага келди. Совет иттифоқи заифлиги ва қадимдан қолган мустамлакачилик меросига эга бўлмагани туфайли қитъадан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Анголадан чиқиб кетди. Шунингдек, бошқа кичик Европа давлатлари ҳам чиқиб кетишди. Британия ва Франциядан бошқа давлат қолмади. Бу икки давлат Британия ҳамдўстлиги ва Франция франкофонияси соясида ўз нуфузларини сақлаб қолишди. Америка Африкани олиш учун улар билан қизғин курашга кирди. Бу нарса Британия билан Францияни ўзаро позицияларини мутаносиблаштиришга, ташқи ишлар вазирлари учун Африка қитъасининг турли давлатларига муштарак ташрифлар уюштиришга чорлади.

Африкада бу уч давлат ўртасидаги кураш ҳамон давом этапти. У йигирмадан ортиқ фуқаролар урушида ўз аксини топган. Энг кўзга кўринганлари Сьерра-Леоне, Либерия, Фил суяги соҳили (Кот д'Ивуар), Сомали, Уганда, Конго, Руанда, Брунди ва Суданда бўлди.

Бу бахтиқаро қитъа мустамлакачилик курашлари касофатидан қонли, қуролли тўқнашувларга гирифтор бўлди. Уларнинг охириги

йиллардаги сони 26тага етди. Уларда ўттиздан ортиқ давлатлар қатнашди. Уюштирилган урушлар қитъанинг қарзи 370 миллиарддан ҳам ортиб кетишига ўз улушини қўшди. Бу эса қитъадаги умумий миллий даромаднинг 65%ни ташкил қилади. Ўн саккиз давлатда 30 миллиондан кўпроқ мина кўмилди. Бу миқдор бутун жаҳондаги ерга кўмилган миналарнинг чорагидан ҳам кўп.

Шуни ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, Африка устида бораётган Ғарб мустамлакачи давлатлари ўртасидаги бу кураш гоҳида битимлар, шартномалардагина ўз ифодасини топади. Масалан, Судан жанубини шимолидан ажратишга Америка билан Британия келишишган. Фил суяги соҳили борасида эса Америка Франция билан битим тузган. Лекин барибир иқтисодий ва сиёсий рақобат бу давлатлар ўртасидаги асосий белги бўлиб қолади.

Шундай қилиб, мустамлакалар устидаги кураш Африкага кўчди ва унинг масаласи халқаро масалага айланди. У ҳамон халқаролигича қолиб келяпти. Зеро, гарчи Англия, Америка ва Франция аввалига «Африка анжумани», кейинроқ эса «Африка иттифоқи» номи остида бутун қитъани бирлаштиришга келишиб олишган бўлишсада, бу анжуман ва иттифоқ ичидаги кураш, айниқса Америка билан Англия ўртасида тўхтагани йўқ. Жаҳоннинг шарқий ва ғарбий лагерларга бўлиниши ҳам Американинг Европа давлатларини, хусусан Англияни ўз мустамлакаларидан чиқариб юбориши ҳам ниҳоясига етгач, Қўшма штатлар Африка давлатларига терроризмга қарши кураш номи остида сизиб кира бошлади. Бундан мақсад маҳаллий қўшин билан алоқа боғлаш, қитъанинг шимолида ҳам, ғарбида ҳам, ўртасида ҳам ҳарбий базалар қуриш ва шу орқали исён ҳаракатларини қўллаб, барча Европа давлатларини, хусусан Англияни чиқариб юбориш учун маҳаллий ҳукуматларга босим ўтказиш эди. Африкада Европа манфаатлари қоришиб кетганлиги боис келгуси босқич, аввалгисидан фарқли ўлароқ, қонли ва шафқатсиз кечади. Негаки Африкада моддий манфаат ва табиий бойликлардан бошқа нарсанинг ҳеч қандай эътибори йўқ.

Хуллас, Африка масаласи - халқаро масаладир.

Сиёсий ишларни ўзида мужассам этган йирик масалалар - мана шулар. Фақат бундан сиёсий ишлар мана шу масалалардагина мужассам экан, деган маъно чиқмайди. Давлатлар ўртасидаги курашнинг энг кўзга кўринган жиҳатлари мана шу масалалардир, демоқчимиз холос.

Тинчлик ҳолатларидаги давлатлараро кураш сиёсий ишлар орқали бўлади. Ҳарбий ишлар уларга қўшилиши ҳам, қўшилмас-

лиги ҳам мумкин. Масалан, Вьетнамда, яқинда Яқин шарқда, Қувайт, Ироқ ва Афғонистонда ҳарбий ишлар аралашган бўлса-да, ўтмишда Африкада, Родезияда, Жанубий Африкада, ҳозирда эса Тунис ва Ливияда аралашмаган. Бу курашнинг муаммолар туфайли юз бериши ва мазкур олти муаммонинг давлатлараро тўқнашувларни келтириб чиқарувчи энг муҳим масалалардан ҳисобланишидан келиб чиқиб, уларни сиёсий ишларга мисол тарзида келтирдик. Аслида сиёсий ишлар бу муаммоларсиз ҳам, бу курашсиз ҳам бўлаверади. Модомики, бир-бири билан рақобатлашувчи, бир-бирига найранг ишлатувчи йирик далаатлар мавжуд экан, уларнинг бир-бирига қарши сиёсий ишларни амалга оширмай иложи йўқ. Улардан кўзланадиган мақсадлар бошқа давлатларни илантириш учун қўйилган тузоқ бўлиши ҳам, бошқа давлатларни заифлаштириш бўлиши ҳам, ўзини-ўзи кучайтириши ҳам ва бошқа нарса учун ҳам бўлиши мумкин. Бунга мисоллар ҳаддан зиёд кўп. Масалан, қуролсизланиш ғоясини олайлик. Бу фикр Миллатлар лигасига киритилганида, уни Англия Францияни заифлаштириш учун восита сифатида қўллади. Шу ғояларни ижро этасан деб, унга босим ўтказа бошлади. Ўзини қуролларини камайтиргандек қилиб кўрсатди. Франция ишониб, дарҳол амалда қуролларини камайтирди. Қуролланиш фаолиятини чеклади. Бу Англиянинг Францияни ўзига нисбатан ҳам, Германияга нисбатан ҳам ўйлаб топган найранги эди. Шунинг учун Иккинчи жаҳон урушида Германияга дош бера олмади. Тез ва шармандаларча таслим бўлди. Бу ишда қуролланишнинг камайтириш ғоясини қабул қилгани ўз таъсирини кўрсатди.

Яна бир мисол. Иккинчи жаҳон уруши кетаётган пайтда Совет иттифоқи Хитойда фаолият олиб бориб, мустаҳкам коммунистик партияни пайдо қилди ва Хитойдаги ҳокимиятни олиш учун уни қўллаб-қувватлади. Америка мавжуд ҳокимиятни қўлларди. Кейин Чан Кай Шини қўллай бошлади. Уни дастлаб коммунистларга шерик қилди. Ҳатто уларнинг бир кучига айланди. Шу билан улар ҳам ўз вазнига эга бўлдилар. Кейин ундан ажралиб, унга қарши уруша бошладилар. Америка Чан Кай Шини зоҳирда қўллаб, унга маълум миқдорда мол ва қуролдан мадад бериб турса-да, яширин тарзда коммунистик партияни қўллаб-қувватлаб, Чан Кай Ши фаолиятини чекларди. Бу махфий ҳамда айни пайтда марказлаштирилган одимлар коммунистларнинг ғалабасига, Хитойдаги ҳокимиятни эгаллашларига олиб келди. Улар Чан Кай Шини Формоза (ҳозирги Тайван) оролига бадарға қилишди. Чан Кай Ши бу ишни мулоҳаза қилиб ажабланарди. Американинг Хитойни коммунистик

давлатга айлантириш учун ишлагани тасаввурга сифмасди. У Американинг нодонлиги, вазиятни идрок қилолмаганлиги деб ҳисобланди. Бироқ, бироз вақт ўтиб, Американинг Хитойни коммунистик давлатга айлантириш учун режа тузгани аён бўлди. Бундан қўзланган мақсад, уни Совет иттифоқига қарши қўйиш ва коммунистик лагерни парчалаб ташлаш эди. Американинг режаси йигирма йилдан кейин бўлса-да муваффақият қозонди. Мана шу Америка амалга оширган сиёсий ишдир. У халқаро аҳамиятга эга бўлган буюк тузоқлардан ҳисобланади. Яна бир мисол. Иккинчи жаҳон урушидан Европа Совет иттифоқининг таҳдидига учраб, хонавайрон, қашшоқ бўлиб чиқди. Ва ўзини Америка қучоғига отди. Менга ёрдам бер деб ялинди. Америка дарҳол унга ёрдам қўлини чўзди. Маршалл режасини тузди. Қарабсизки, Американинг ёрдамлари Европага оқиб кела бошлади. Улар иқтисодга оид ашёлар, қуруллар ва мутахассислардан иборат эди. Улар орқали ширкатларга шериклар ҳам кириб келди. Зиёлилар Америкага ҳижрат қилишга тарғиб этилди. Европанинг иқтисоди Американинг иқтисоди билан чамбарчас боғланди. Бир неча ўн йил ўтмасдан Европа Америкага қарам бўлди қолди. Унинг қаноти остига кирди. Европа иқтисодиёти Америка ширкатларининг мулкига айланди. Демак, Американинг Европага ёрдам бериши, уни ўзига илинтириш учун, зиёлиларини тортиб олиш, иқтисодиётига шерик бўлиш учун қўйилган тузоқ бўлган.

Яна бир мисол. Германия Иккинчи жаҳон урушидан жароҳатланиб, саноатлари вайрон бўлиб чиқди. Америка дарҳол унга ёрдам қўлини чўзди. У давлатларда саноатларни юзага келтиришдаги муҳим нуқтани яхши биларди. Ҳар қандай давлат то ҳарбий саноатни ўз саноатига асос қилиб олмагунича халқаро маънодаги саноатлашган давлат бўлолмайди. Германия шу асосдаги саноатга қайтиб қолса, тезда яна йирик давлатга айланиши муқаррар эди. Шунинг учун Америка Германиядан кўра чаққонлик қилиб, унинг саноати учун бир программа қабул қилди. Унга кўра, Германия саноати ҳарбий эмас, иқтисодий асосга, ҳарбий саноат асосига эмас, ривожланиш асосига қурилди. Шу туйғайли Америка ширкатлари Германияга киритилди. Саноат Американинг пуллари билан барпо бўлди. Шу билан Германия ҳарбий давлат сифатида зарбага учради. Унда улкан корхоналар қад кўтарди. Иқтисодий жиҳатдан Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ҳолатидан ҳам бойиб кетди. Жаҳонга ўз саноатини жуда тез тиклаб олган бўлиб кўринди.

Аслида эса у бу саноат билан ўз оёғига ўзи болта урганди. Модомики, у ўз саноатини қайта кўриб чиқиб, таг-томири билан текислаб, қайтадан ҳарбий саноат асосига қурмас экан, ҳеч қачон оёққа туролмайди. Модомики, Америка ширкатлари, Америка маблағлари мамлакатдан чиқариб юборилмас экан, ҳеч қачон иқтисоди ривожланмайди. Демак, Американинг Германияга кўрсатган бу ёрдами сиёсий иш бўлиб, халқаро аҳамиятга эга бўлган тузоқлардан ҳисобланади. Ҳа, у Германиянинг қўлидан тутиб қолиш ўрнига уни чоғга итарди.

Яна бир мисол. Куба раҳбари Кастро коммунистик лагер билан боғланиб, Совет иттифоқидан ёрдам сўради, ҳолбуки Монро доктринаси барча давлатларга Америкага ҳужум қилиш ҳақида ўйлашни ҳам тақиқларди. Совет иттифоқи Кастрога қуролдан ёрдам бера бошлаганида Америка индамади. Ҳолбуки, бу иш халқаро урфда Америкага бевосита қурол билан дахл қилишдир. Американинг сукути кўрққанидан ёки Кубанинг бир неча қадамгина наридалигини билмаганидан эмас, Совет иттифоқини Янги олам сари судраш, унинг майдонини ўзи ҳимоя қила олмайдиган даражада кенгайтириш ва шу орқали унинг позициясини заифлаштириш, Американинг ўлжасига айлантириш учун ўйлаб топилган найрангдан иборат эди. Шунинг учун кўпгина сиёсатдонлар, ҳатто айрим рус сиёсатчилари ҳам Совет иттифоқининг Кубадаги ишини аҳмоқона иш деб билишди. Агар икки гигант ўртасидаги Вена иттифоқи бўлмаганида, Совет иттифоқининг Америкада қулоч ёйиши ўз бошига бало бўларди.

Америка безовталанди. Агар руслар ақлини йиғиштириб олиб, Кубага жойлаштирган ядровий ракеталарини олиб чиқиб кетишмаганида, уруш бошланиб кетишига бир баҳя қолганди, дейиш ноўрин. Негаки Кеннедининг Кубадаги ракеталар туфайли Россияга таҳдид қилиши ва Хрущёвнинг уларни олиб чиқиб кетиши икки тараф келишиб олиб қилинган ясама операция эди. Зеро, Туркиядаги Америка ядровий базасини ва Кубадаги ядровий базани йўқ қилиш Хрущёв билан Кеннеди ўртасидаги иттифоқлар жумласидандир. Америка Туркиядаги базасини бемалол йўқ қила оларди. Туркия бундан таъсирланмасди. Бу иш Туркия билан Америка ўртасида тушунмовчиликни юзага келтирмасди. Кубадаги ядровий базани Россиянинг хоҳиши билан йўқ қилиш эса Кубани мудофаа қилишдан бош тортиш дегани эди. Бу нарса барча коммунистик давлатларни, хусусан Кубани безовта қиларди. Россия билан Куба ўртасида тушунмовчиликни юзага келтирарди.

Базани Совет иттифоқининг бошқа коммунистик давлатлар билан муносабатларига таъсир ўтказмайдиган тарзда олиб ташлаш учун бир услуб керак бўлди. Шунга кўра, Америка халқаро кескинликни сунъий равишда юзага келтириш орқали уни йўқ қилишга келишиб олишди. Кеннеди бу услуб учун ўзининг манфаатига қулай вақтни белгилади. У Англиянинг Миср қўшинига қарши Яманга кириш учун Адан ва Байхонда кучларни тўплаётгани ва амалда Миср қўшини билан тўқнашаётганини, унга Байхондан туриб ҳужум қилишга уринаётганини кўргач, Кубадаги ядровий ракеталар масаласини қўзгади. Халқаро кескинликни юзага келтирди. Ҳатто Англия ва Франция ҳам жаҳон уруши бўлиб кетишидан қўрқиб қолишди. Ана шунда Англия Яманга аралашайдан чекинди. Хрушчёв агар Америка базасини Туркиядан олиб чиқиб кетса, у ҳам базасини олиб чиқиб кетишга тайёр эканини изҳор қилиб, ўзини чекинаётгандек кўрсатди. Кеннеди ҳам ўзини бу масалани кўриб чиқадигандек тутди. Туркиядан ядровий база олиб ташланди. Масаланинг воқеи - мана шу. У - Совет иттифоқининг ўз базасини Кубадан йўқ қилишини оқлаш учун ва Англияни қўрқитувчи восита сифатида қўллаш учун ўйлаб топилган иш.

Американинг Совет иттифоқи Кубада ҳарбий база қурганига индамагани бир найранг ва халқаро тузоқ эканига далил Иккинчи жаҳон урушидан кейин Юнонистонда коммунистлар қўзғолон кўтарган пайтда бўлган ҳодисадир. Тито Сталинга Юнонистонга қарши Югославияга киришини ва Юнонистонда коммунистик давлат қуриб, уни коммунистик лагерга қўшиб олишни таклиф қилди. Бироқ Сталин бу таклифдаги хавфни идрок қилиб, Титога очикдан-очик шундай деди: «Сен бизнинг Ўрта ер денгизида жаҳондаги энг кучли ва энг бой давлатга қарши база қуришимизни истайсанми?! Биз бу базани ҳимоя қила олармидик? Бор қўлимиздан келган нарса Америкага биров ташвиш орттириш бўлади, холос. Юнонистонни Америкадан тортиб олиш учун эса бизга йўл йўқ. Биз ҳеч қачон бундай ишлар хусусида фикр юритмаймиз».

Яна бир мисол. Иккинчи жаҳон урушида Гитлер Туркиянинг урушига Англия, яъни иттифоқчилар томонида туриб киришдан қўрқди. У Туркиядаги ҳукмрон «Халқ партияси» номли Мустафо Камол гуруҳи инглизларга ён босадиган, унинг фазлини эътироф этадиган гуруҳ эканини, инглизлар уларни ўз тарафида туриб урушга киритишлари осон кечишини биларди. Шунинг учун Туркиянинг Германияга қарши урушга киришидан қўрқиб, уни бетараф қолдирмоқчи бўлди. Зеро, Туркиянинг унга қарши урушга

кириши уч жиҳатдан зарарли эди: Биринчидан, Туркия халқи шижоатли халқ. У - инглизлардан ҳам, французлардан ҳам, руслардан ҳам довуракроқ. Иттифоқчилар томонида туриб урушга кириши улар учун ўз вазнига эга бўлган кучни юзага келтиради. Иккинчидан, турк халқи мусулмон бўлиб, унинг урушга кириши араб бўлсин, бошқа бўлсин, барча мусулмонларнинг туйғуларини Германияга қарши қўзғайди. Бу иш умумжаҳон ташвиқотга таъсир кўрсатади. Учинчидан, Туркия мумтоз стратегик жойда турибди. Агар у бетараф қолса, шимоли-ғарбий фронтга қўрғон бўлиб, иттифоқдошларнинг Европага киришини тўсади. Орқа ҳужумдан ҳимояловчи ишончли қалқон бўлади. Шунинг учун Гитлер Туркияни бетараф қолдиришга ҳарис бўлди. Энг маккор одамлардан Франц фон Папенни Германиянинг Туркиядаги элчиси қилиб юборди. Токи у Туркияни бетараф қолдириш, иттифоқдошлар тарафида туриб урушга киришишга йўл қўймаслик ҳақидаги топшириқни бажарсин. Негаки унинг иттифоқчиларга қарши урушга киришидан умид йўқ. Гитлери Туркиянинг иттифоқчилар томонида туриб, Германияга қарши урушга кирмаслиги кафолати ўйлантларди. Бу вазифани адо этиш учун энг устамон кишилардан бирини юборди. Бироқ, у мақсадини яшириш учун фон Папенга Туркияни Германия томонига жалб қилиш, Германия томонида туриб, иттифоқчиларга қарши урушга киришга қаноатлантириш ҳақида топшириқ берди. Шу сабабли, ўз навбатида иттифоқчилар Туркиянинг бетараф қолишига ҳарис бўлишди. Уларнинг элчилари бу иш билан жиддий шуғуллана бошладилар. Фон Папен ўзини Туркияни Германия томонига оғдираётгандек қилиб кўрсатди. Натижада иттифоқчилар Туркиянинг бетараф қолишига ёпишиб олдилар. Мана шу сиёсий ўйин ва фон Папеннинг устамонлиги туфайли Гитлер бутун уруш давомида Туркиянинг бетараф қолишига муваффақ бўлди. Ҳолбуки, иттифоқчиларга Туркияни ўз томонларига оғдириб, у орқали Германияга қарши ҳужум қилишлари осон эди. Лекин улар шу фронтнинг ҳам очилиб кетишидан қўрқиб, бундай қилмадилар. Бундай сиёсий иш уруш ҳолатида ўз таъсир кучига эга бўлган ишлар сирасига киради.

Халқаро кураш ва халқаро ҳаётда давлатлар бир-бирларига қарши тузоқ, ўзгаларнинг кучини кесиш, сиёсий найранглар сифатида қўллайдиган халқаро сиёсий ишларга мисоллар - мана шулар. Бу ишлар, умуман, халқаро ҳаётда учраганидек, мазкур олти масалада мужассам курашда ҳам мавжуд. Улар одатда икки давлат ўртасидаги, рақобатчи давлатлар ўртасидаги битта нуқта

билан чекланадилар. Агар умумий тарзда юзага келса, халқаро таъсири яна ҳам ортади. Шунга кўра, сиёсатчи муҳим масалалар ва улардаги сиёсий ишлар билангина чекланмасдан, атрофлича назар ташлаб, ҳар бир йирик давлат тарафидан содир бўлаётган ҳар бир сиёсий ишни кузатиб бориши лозим. Эътиборни шунга қаратмоқ керакки, сиёсатчи сиёсий ишларни кўриб чиқаётганида умумийлик ва мавҳумликдан сақлансин. Ҳар бир ишни ўз шарт-шароитлари билан боғласин. Улардан айри ҳолда кўриб чиқмасин. Мавзуни умумийлаштирмасин. Конкрет бир ишни бошқа ишларга солиштирмасин. Ишларни мантиқий тартиблаштириб, мантиқий хулосалар чиқармасин. Сиёсатчи учун мантиқ ва қиёсдан хатарлироқ нарсая йўқ. Шунинг учун сиёсатчи улардан сақланиши лозим. Чунки ҳаёт ишлари турли-туман, бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бир ишнинг ўз шарт-шароитлари бор. Шунинг учун у ишни унга тааллуқли сиёсий маълумотлар билан боғлаши лозим. Уни ўз шарт-шароитларида кўриб чиқиши даркор. Ана шундагина уни тўғрироқ фахмлай олади. Бунга мисоллар жуда кўп. Халқаро ҳаётда йирик давлатларнинг сиёсий ишларида юз бераётган кундалик ҳодисалар ҳар бир ишнинг давлат сиёсатига, халқаро вазиятга ёки давлатлар вазиятларига боғлиқлигини, ҳар бир ишнинг ўзигагина хос шарт-шароити борлигини кўрсатувчи мисолларга тўла. 1969 йил апрелда Шимолий Корея Узоқ Шарқда Американинг разведка самолётини уриб туширди. Америка бир қалқиб, Миллий хавфсизлик кенгашини йиғди. Президент Никсон АҚШнинг самолёт учун ўч олиш нияти йўқлигини билдирди. Бор гап шуки, жосуслик самолётлари ҳам, жосуслик кемалари ҳам ўзини ташқи ҳужумдан ҳимоя қиладиган анжомлар билан сақланадиган бўлди. Ваҳоланки, Шимолий Корея 1968 йилда жосуслик кемасини асир олганди. Америка бир титраб Миллий хавфсизлик кенгашини йиққан эди. Президент Жонсон Тинч океанидаги еттинчи флотни Корея сари ҳаракатлантиришини айтиб, таҳдид солганди. Америка таҳдид ва асаб бузарликлар таъсир қилмаётганини кўргач, музокара ва мулоимлик йўлига ўтгач, кема экипажи озод қилинди. Бу икки ҳодиса бир турдаги ҳодисадир. Ҳар иккаласида ҳам Кореядек кичик давлат АҚШдек катта давлатнинг самолётини уриб тушириб, самолёт экипажини ўлдириб, кема экипажини ҳам асир олиб, унга қаршилиқ қилди. Ҳўш, нега бу икки ҳодисага нисбатан тутилган позициялар турлича бўлди? Шахслар туфайлими? Бўлиши мумкин. Таҳдидлар самара бермагани учунми? Бўлиши мумкин. Аниқроғи, кема воқеаси пайтидаги шароити оддий ёки ярим оддий бўлган. Хитой

сақофий инқилоб билан машғул бўлган. Шунинг учун таҳдиднинг хатарга олиб бориш эҳтимоли бўлмаган. Самолёт воқеаси пайтидаги шароит эса ғайриоддий бўлган. Чунки Совет иттифоқи улкан ҳаво ва қуруқлик кучларини Европанинг ўртасида, денгиз кучларини эса Ўрта ер денгизида йиғаетганди. Хитой сақофий инқилобдан чиқиб, жаҳонга ўзини кўрсатишга интилаётганди, шу туфайли Совет иттифоқи билан тўқнашаётганди. Агар Никсон Кореяга таҳдид қилганида, Хитойнинг унга раддия билдириши эҳтимоли бор эди. Бу нарса кескинликнинг ортиши ва тўқнашувга олиб борарди. Уни Англия шарқ лагерига қарши ташвиқот олиб бориш учун восита сифатида қўллаши мумкин бўларди. Шунга кўра, Американинг таҳдид ва асабузарлик қилмагани тўғрироқ эди. Никсон жимлигининг сабаби мана шунда.

Бу икки ишнинг шароитлари ҳар хил бўлгач, улардаги ижро ҳам ҳар хил бўлиши лозим.

Масалан, Никсон президентлик лавозимини эгаллаши билан дарҳол Европага ташриф буюрди. У иттифоқчиларига қайтиб, Совет иттифоқи билан Яқин шарқ масаласи юзасидан боғланишдан олдин уларнинг фикрини билмоқчилигини даъво қилди. Агар сабаб бўлишга лойиқроқ бошқа шароитлар бўлмаганида, унинг гапига ишониш мумкин эди. Чуқурроқ назар ташланса шу нарса маълум бўладики, Англия Еврпа давлатларини Яқин шарқ масаласида ўз атрофига йиғиш учун улар билан алоқа ўрнатиб, уларни мабодо шарқий лагерга қарши жаҳон уруши бўлиб қолса, Россияга қарши ўз тарафида туришга қаноатлантирмоқчи бўлди. Бу - ўта хатарли вазият. Айнан шунинг учун Никсон президентлик лавозимини эгаллаган заҳоти Европа давлатларига ташриф буюрди. Бундан кўзланган мақсад уларни Англиядан ажратиб юбориш эди.

Яна бир мисол. Совет иттифоқи 1968 йилнинг охирларида Чехословакияга ҳужум қилди. Руминиядан бошқа барча Варшава иттифоқчилари унда иштирок этдилар. Иттифоқ қўшини коммунизмни, коммунистик давлатни, коммунистик партияни эҳтимоли бор Ғарб тажовузидан ҳимоя қилиш баҳонасида Чехословакияга кириб борди. Эҳтимол, шундай бўлгандир. Бироқ, ҳодиса рўй берган вазиятлар коммунистик партиядан ҳам, коммунизмни муҳофаза қилишдан ҳам муҳимроқ эди. Айниқса бу ишда коммунистик партия раҳбарларининг коммунизмни талқин қилишдаги ижтиҳодларидан бошқа ҳеч нарса бўлмаганлиги ҳисобга олинса, вазият ундан кўра хатарлироқ эди. Шароитлар чуқур кузатилса, шу нарса маълум бўладики, Миср соҳилларидаги

Россия (иттифоқ) флоти Англия томонидан таҳдидга учрай бошлаганди. Негаки Англия ўз кучларини Ўрта ер денгизиде тўплаётган эди. (Исроил) Мисрга ҳужум қилиб қолиши ҳам мумкин эди. Натижада Совет иттифоқи коммунизмни ҳимоя қилиш баҳонаси билан аралашигга мажбур бўларди. Ана шунда Англия Совет иттифоқига зарба бериш учун қўлга қурол олиш имкониятига эга бўларди. Шунга кўра, уруш учун ҳозирлик кўриш, ёрдамчи кучларни тайёрлаш керак эди.

Уруш ҳолатида Совет иттифоқидан ёрдамчи кучларни Гибралтар орқали олиб келиш, йўл узоқлигидан ташқари, имконсиз иш ҳам эди. Шунинг учун Ўрта ер денгизининг Мисрга яқин жойида дарча очиш керак бўлди. Шу мақсадда Совет иттифоқи 2 миллион аскар, 3 минг самолёт ва ядровий қуролларни Марказий Европага йиғди. Варшава иттифоқчиларини урушда иштирок этишга ҳозирлади. Иттифоқ Англияга хавф солиш учун катта миқдордаги куч билан Европанинг ўртасида жойлашган Чехословакияга очикдан-очик кириб борди. Бундан мақсад, агар Совет иттифоқи билан Англия ўртасида уруш чиққудай бўлса, Югославия билан Албанияни ёриб ўтиб, Ўрта ер денгизига чиқиш эди. Чехословакияга кириш коммунистик давлатни муҳофаза қилиш баҳонаси билан бўлса, ундан мақсад Англияга таҳдид солиш, урушга ҳозирлик кўриш, Варшава иттифоқини жангга шайлаш бўлган.

Сиёсий ишлар мана шу тарзда ўзаги билан боғланади, ўз шарт-шароитлари тарозисига қўйилади, ўтиб кетган эмас, айна рўй берган куннинг ўзидан келиб чиқиб тушинилади. Бир кун, ҳатто бир соатдаги ўзгаришлар, ривожланишлар ҳисобга олинади. Киши бир соат ҳам, бир неча дақиқа ҳам замондан орқада қолмасин, замон билан ёнма-ён юрсин. Ишларга охириги лаҳзадан келиб чиқиб баҳо берсин.

Жаҳоннинг йирик масалалари мана шулар. Халқаро сиёсатга таъсир кўрсатувчи йирик давлатлар - ана ўшалар. Сиёсий ишларни ўзаги билан боғлаш, ўз шарт-шароити тарозисига қўйиш, тез ўзгарувчи, ҳаракатланувчи ҳодисаларга рўй берган кундан, ҳатто соатдан келиб чиқиб баҳо беришнинг шаклу шамоили - мана шулар.



ОЛАМ БАХТСИЗЛИГИНИНГ САБАБЛАРИ

Йирик давлатлар оламга ҳукмронлик қила бошлагандан буён уларнинг дастидан дунёнинг бахтсизликка юз тутаётгани шубҳасиз. Олам улар пайдо қилган «халқаро оила», «халқаро ҳамжамият» дастидан бахтсиз. Капиталистик мабда дунёга келганидан бери мустамлакачилик дастидан бахтсиз. Модомики «халқаро ҳамжамият», «халқаро оила» хурофоти мавжуд экан, модомики йирик давлатлар дунёни, унга ҳукмронликни таллашиб тортишаверар эканлар, модомики шаклу шамоил ҳар қанча ўзгармасин, мустамлакачилик мавжуд бўлар экан, олам бахтсизлигича қолаверади. Уни ўнглаш учун шу уч муаммони ҳал қилиш, аниқроғи, шу уч омилни бартараф этиш шарт: Халқаро оила хурофотини, йирик давлатлар ҳукмронлигини, мустамлакачилик ва монополияни.

Халқаро оила аслида ноҳақ асосга қурилаган. У Фарбий Европадаги насроний давлатлар оиласи асосида барпо бўлган. Мақсади Ислом давлатига қарши турувчи лагерни ташкил қилиш эди. Кейин унга Шарқий Европадаги насроний давлатлар қўшилди. Шу билан у Европадаги насроний давлатлар оиласига айланди. XVI асрдан, яъни Ислом давлати Европани супуриб юборадиган кучга эга бўлган пайтдан бошлаб XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар, яъни Ислом давлати заифлашиб, «касал одам»га айланган пайтига - 1856 йилга қадар шундай бўлиб келди. Сўнг Ислом давлатининг мулкини тақсимлаб олиш устида тил бириктирув бошланди. Шу уч асрга яқин муддат мобайнида халқаро оила «насроний оила» ва «Исломий давлатга адоват», дегани эди.

У насроний давлатнинггина оиласи бўлишига, Европадаги насроний давлатларгагина хосланишига, насроний бўлмаган давлатларни ўзига қўшмаслигига қарамасдан ўзини-ўзи «халқаро оила», «халқаро ҳамжамият», деб номларди. Халқаролик сифатини ёлғиз ўзи эгалларди. Халқаро ишлар муҳокамасини ёлғиз ўзи олиб борарди, бошқаларни аралаштирмасди. Ҳеч бўлмаса, ўзларини «насроний оила» деб номлаб, Исломга қарши жамоа деганларида бироз чидаса бўларди. Лекин улар ўзларига-ўзлари халқаролик сифатини бердилар, уни абадийлаштиришга ҳаракат қилдилар. Халқаро оила тушунчаси насроний давлатлар асосида белгиланди.

Шу оила қайси нарсани халқаро иш ва халқаро масала деб билса, ўша нарса халқаро иш ва халқаро масала, деб ҳисобланадиган бўлди. Уни тартибга солиш ва абадийлаштириш учун анъанавий қоидалар ишлаб чиқилди. Кейинчалик улар

халқаро қонун деб аталди. Улар насроний давлатлари ўртасида тузилган битимларга, насроний жамоадаги расм-русумларга таяндилар ва улардан қоидалар ясаб, уларни халқаро қоидалар, кейинчалик эса халқаро қонунга айлантirdилар.

Демак, халқаро оила аслида Европа насроний халқаро оиласи асосига қурилган. Халқаро қонун аслида насроний давлатлараро тузилган битимлар ва Европа насроний жамоаларидаги расм-русумлардир. Европа насроний давлатларининг ўзигагина халқаро оила номини бериш сохтакорлик ва кўзбўямачилиқдир. Негаки олам Европа халқаро оиласининг ўзидангина иборат эмас. Насроний давлатларидаги расм-русумлар ва битимларнинг ўзига халқаро қонун номини бериш алдов ва қалбакиликдир. Негаки халқаро қонун бўлишига яроқли фикрлар насроний давлатларининг расм-русумларию битимларигина эмас, балки бутун жаҳондаги барча жамоалар расм-русумлари ва улар ўртасида тузилган шартномалару битимлар мажмуасидир. Шунинг учун халқаро оила тушунчаси ҳам, халқаро қонун тушунчаси ҳам илдизидан хато. Агар бу давлатлар жаҳоннинг бошқа давлатларини эътироф этганларида, ишни бир ёқли қилса бўларди. Лекин воқе шуни кўрсатадики, улар ўзларидан бошқа ҳеч кимни тан олмасдилар, насронийдан бошқасини ўзларига қўшмасдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб айрим насроний бўлмаган давлатларни ҳам халқаро оилага қабул қила бошладилар. Шунда ҳам ўзларининг Европа насроний давлатлари эканликларидан келиб чиқиб тузган анъанавий қоидаларидан бошқасини қабул қилмадилар. Шунинг учун Усмоний давлатга халқаро ишларингда Исломни ҳакам қилиб олмайсан, деб шарт қўйдилар. Шу шартни қабул қилиб, Европа насроний давлатларнинг анъанавий қоидаларига бўйсунгандагина уни оилага киритишга рози бўлишди. Демак, бу оила айрим давлатларнинг унга киришига рози бўлса-да, халқаро муносабатларда ўз расм-русумлари ва қоидаларидан бошқасининг бўлишига мутлақо йўл қўймади. Биринчи жаҳон уруши тугагунча, Ислом давлати қулагунига қадар ҳолат шундай давом этди. Модомики халқаро оиланинг ва халқаро қоидаларнинг юзага келишига сабаб бўлган душман қулаган экан, энди уни тузатиш ҳам мумкин эди. Бироқ, иш аксига юрди. Бу давлатлар халқаро оила, халқаро қоидалар асосини маҳкам тутдилар. Халқаро оилани гавдалантирувчи халқаро ташкилот тузишга келишдилар. У, умуман, ҳамма давлатларники эмас, муайян давлатларники бўлиши керак эди. Унга айрим насроний бўлмаган ва Европадан ташқарида жойлашган давлатлар ҳам қабул қилинди. Лекин барибир Европа

насроний давлатларининг анъанавий қоидаларидан бошқаси қабул қилинмади. Бошқа давлатлардаги расм-русумлар ва фикрлар эътиборга олинмади. Бундан ташқари, халқаро оиланинг маъноси «Европа насроний давлатлари» дегани бўлиб, Миллатлар лигасига кирган давлатлар халқаро насроний оилага қабул қилинганди. Кейин БМТ тузилди. Дастлаб унга Германияга қарши урушга кирган насроний давлатлар ва уларнинг тобелари аъзо қилинди. Лекин Америка ўз нуфузини жаҳонга ўтказиш, бутун дунёни ўз қаноти остига олиш мақсадида БМТга аъзоликни кенгайтириб, ҳамма давлатларга унга кириш имконини берди. Шунда ҳам Америка ва бошқа насроний давлатлар халқаро қонунга ва БМТ низомига биронта ҳам қонуннинг сизиб киришига йўл қўйишмади. Насроний давлатларнинг қоидалари халқаро қонуннинг асоси бўлиб қолаверди. Халқаро қонун БМТ низомининг айнан ўзидир. Ҳатто Россия бошчилигидаги шарқий лагер ҳам капиталистик низом ва насроний давлатларнинг қоидаларига зид бўлган коммунистик эътиқодни қабул қилганига қарамасдан, халқаро низомнинг бирон жойини ўзгартиролмади, биронта ҳам фикрини унга кирита олмади. Шунинг учун бутун дунёдаги жамоаларга насроний давлатлар ёки капиталистик давлатларнинг анъанавий қоидаларигина ҳукмрон бўлиб қолди. Бошқа давлатлардаги расм-русумлар ва фикрлар девор ортида қолди. Айни пайтда халқаро оиланинг маъноси, гарчи унга кўпгина давлатлар қабул қилинган бўлса-да, воқеан насроний давлатлар, бошқачароқ қилиб айтганда, капиталистик давлатлар оиласига айланди. Бас, шундай экан, халқаро оила тушунчасини ҳам, халқаро қонун маъносини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим.

«Ўлганнинг устига тепган» нарсаси шу бўлдики, кейинчалик, халқаро қонунга айланган ўша анъанада бўлганидек, маънавий омилга қўйиб беришмади. Аксинча, уларни қабул қилган-қилмаган барча давлатларга қурол кучи билан ижро этдирдилар. Йирик давлатлар қадимда ўзларини халқаро ҳамжамиятдаги хавфсизлик ва тартибни сақловчи ташкилот ҳисоблаб, тичликка раҳна солувчи ёки тартибни бузувчи шарпа кўрингудек бўлса, бошқа давлатларнинг ишларига ҳам аралашавардилар. Бу йирик давлатларни бошқа давлат ишига аралашайдан фақат ўша давлатнинг куч-қудратигина ва йирик давлатларнинг бу куч-қудратга бас кела олмасликларигина тийиб қўя оларди, холос. Бу аралашувни, тўғрироғи, улар қабул қилган анъанавий қоидалар ижросини қайтариш ўша давлатнинг кучли ёки кучсизлигига қараб бўларди. Биринчи жаҳон урушидан олдин Европа насроний давлатлари ҳаммаси биргаликда ёки якка-якка ўзларини-ўзлари халқаро низомни ижро этувчи жаҳоннинг

халқаро полицияси ҳисобларди. Миллатлар лигаси тузилганидан кейин ҳам ҳолат шундай давом этаверди. БМТ ташкил қилинган, капиталистик давлатлар ўзларини жаҳоннинг қонун ва низомини ижро этувчи халқаро полицияси қилиб белгиладилар. Америка ва Британиянинг 1958 йилдаги Яқин шарққа аралашувлари Америка қўшинининг Ливанга, Британия қўшинининг Иорданияга жойлаштирилиши, уларнинг 2003 йилдаги Ироққа қилган босқини шунга бир мисолдан бошқа нарса эмас. Бу иш нақадар қабиҳ. Олам Европа тушунчасидаги халқаро оила дастидан, халқаро қонун дастидан не қўйларга тушмаяпти. Бас, шундай экан, дунёни бахтсизликдан халос этиш учун бу масалани ҳал қилмоқ лозим.

Энди бу масалани ҳал қилишга тўхталадиган бўлсак, халқаро жамиятда халқаро жамоани вужудга келтириш шарт бўлиб қолса, халқаро жамиятнинг оддий жамиятга таққосламаслик лозим бўлади. Оддий жамият шикоятларни қабул қиладиган, даъволарни кўриб чиқадиган, келишмовчиликларни бартараф этадиган вужудга эга бўлиши шарт. Шунинг учун ҳар бир жамиятнинг давлати, султони, қонуни, мажбурий ижроси бўлмоғи даркор. Халқаро жамият эса шахслардан эмас, ўзаро муносабатга киришувчи мажмуалардан иборатдир. Ҳар бир мажмуа мустақиллик ва мутлақ танлаш ҳуқуқига эга. Унга нисбатан ҳар қандай ташқи мажбурлаш ундан мустақилликни тортиб олиш деганидир. Бу айни қулликнинг ўзидир-ки, мустамлакачиликда, зўравонликда ўз ифодасини топади. Бу мажмуа ёки бу давлатга ўз қарорини ижро этишни ман этиш, уни кишанлаш, ишдан чиқариш, яроқсиз аҳволга келтириш деганидир. Шунинг учун мажмуалар устидан битта куч мажмуанинг салтанатидек, салтанат бўлиб вужудга келиши мумкин эмас. Бошқачароқ қилиб айтганда, халқаро жамият ишларни бошқариш ваколатига эга бўлган ҳокимият остидаги бир мажмуага айланиши тўғри бўлмайди. Яъни, бир неча давлатларга ҳукмронлик қилувчи оламшумул давлатнинг юзага келиши мумкин эмас. Бир неча мажмуалар устидан бошқарув ҳуқуқига эга бўлган оламшумул давлатнинг бўлиши ҳам жоиз эмас. Балки мажмуалар ўз вужуди, бошқариш ва танлаш ҳуқуқига эга бўлган мажмуалар бўлиб қолмоғи лозим. Борди-ю, бу мажмуалардан халқаро жамоа тузиш шарт бўлиб қолса, у оламшумул давлат бўлмаслиги керак. Бу жамоа ўз ихтиёри билан хоҳловчилар томонидан таъсис этилиши даркор. Уни муайян тушунчаларга эга бўлган ёки бошқалардан устун турувчи қувватга эга бўлган бир муайян давлат тузмаслиги керак. Балки уни барча хоҳловчилар ихтиёрий тарзда таъсис этадилар. Бу ишда уларнинг тушунчалари, куч-қувватлари ва

нуфузларига қаралмайди. Таъсис этишда иштирок қилмаган ҳар қандай давлатга хоҳлаган пайтида халқаро жамоада иштирок этиш эркинлиги берилади ва у таъсисчилар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлса, ўшандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Айни пайтда барчага хоҳлаган вақтида халқаро жамоани тарқ қилиш эркинлиги берилади. Ҳеч кимга қарор мажбурлаб ижро этилмайди. Ана шунда кўзбўямачилик билан халқаро оила номини олган сохта ташкилот эмас, қалбакилик билан БМТ номини олган оламшумул давлат эмас, ҳақиқий халқаро жамоа дунёга келади.

Оила ҳақидаги гаплар - мана шу. Энди қонун жиҳатига тўхталадиган бўлсак, халқаро жамоа учун ҳам, жаҳон давлатлари учун ҳам халқаро қонун бўлиши мумкин эмас. Халқаро жамоанинг идорий ишларини тартибга солиб турувчи, иш юритиш услубини кўрсатувчи ижройи қонунгина бўлиши мумкин. У ҳам кўпчиликнинг фикри билан шартли равишда қабул қилиниши, воқеалар ва воқеалар тақозоси билан кўпчилик унга ўзгартиришлар киритиши жоиз.

Халқаро қонун деган нарсанинг бўлиши ҳам, тузилиши ҳам жоиз эмас. Негаки қонун султоннинг фармонидир. Жаҳон давлати ҳам, жаҳон султони ҳам бўлмайди. Чунки бундай бўлиши амри маҳол. Унинг бўлиши урушлар ва қонли тўқнашувлар деганидир. Шунинг учун жаҳон давлати ёки жаҳон салтанатининг бўлиши дуруст эмас. Демак, халқаро қонун бўлмайди, тузилмайди. Бунинг уч сабаби бор: Биринчидан, қонун султоннинг фармонидир. Жаҳондаги барча давлатларнинг ҳам, халқаро ҳамжамятнинг ҳам султони йўқ. Шундай экан, халқаро қонун деган нарсанинг ўзи аслида бўлмағур нарсадир. Иккинчидан, қонунни ижро этиш - вожиб. Бунинг учун салтанат керак. Жаҳондаги барча давлатларга ўз фармонларини куч билан ижро эттирадиган оламшумул салтанатнинг эса бўлиши мумкин эмас. Негаки, у урушларга ва қонли тўқнашувларга олиб боради. Учинчидан, қонун муносабатларни тартибга солади. Халқаро муносабатлар мажмуалар орасида ихтиёрий тарзда юзага келади. Ҳар икки ёки ундан ортиқ давлат ўзаро муносабатларини манфаатларидан келиб чиқиб ва ўз ихтиёрлари билан тартиблаштиради. Бу муносабатлар бошқа бир, икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги муносабатлардан фарқ қилади. Муносабатларни тартибга солувчи омил қонун эмас, битимлардир. Амалдаги муносабатлар фақат битимлар билангина тартибга тушади. Демак, барча давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи халқаро қонун бўлмайди. Бундай қонуннинг бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ҳатто Фарбдаги аксар одамлар умумий халқаро қонун бўлишини, давлатларнинг унга бўйсунини ва мажбуран ижро этишини инкор қиладилар. Халқаро қонун фикри туғилганидан бошлаб, Фарб қонуншунослари ўртасида унинг моҳияти хусусида ихтилоф ўрмалаб қолди. Кўпчилик унинг мажбурловчи кучига шубҳа билан қаради. Масалан, Германиядаги Кант ва Гегел, Англиядаги Гоббс ва Остин ҳамда бу икковининг издошлари умумий халқаро қонуннинг бўлишини рад қилдилар. Фарб қонуншуносларининг аксарияти шу фикрга борди. Ҳатто унинг бўлиши тарафдорлари ҳам ижро этилиши вожиб бўлган қонун сифатида эмас, унга амал қилмаган одам ҳеч қандай қонуний жавобгарликка тортилмайдиган ахлоқий норма сифатида бўлишини айтадилар. Ҳатто халқаро қонуннинг қонунийлик мазмунини изоҳлаш учун важ-корсон кўрсатаётганларнинг изоҳлари ҳам халқаро қонуннинг бўлмаслигига, нари борса халқаро урф бўлишига далолат қилади. Шунга кўра, Фарб мутафаккирлари орасида умумий халқаро қонун бўлиши тарафдорлари озчиликни ташкил қилади. Халқаро урфдан бошқасининг эса бўлишини исботлаш амри маҳол.

Мажмуалар ўртасида ўзаро келишиб олинган урфлар - бор нарса. Қадимдан барча мажмуалар ўртасида мавжуд бўлган умумий урф ана шулар жумласидандир. Давлатлараро элчини ўлдирмаслик, консулларни эҳтиёт қилиш каби. Муайян мажмуалар ўртасидаги хусусий урф ҳам ана шулар жумласидандир. Масалан, арабларда ҳеч кимни Байтул Ҳаромни зиёрат қилишдан тўсмаслик одат бўлган. Бу урфларнинг мавжудлигида шубҳа йўқ. Лекин улар қонун эмас. Бор-йўғи ҳамма ёки айрим мажмуалар томонидан тақрорланиб турадиган муайян ҳодисалар туфайли шартли равишда келишиб олинган нормалар, холос. Шунга биноан халқаро урф - бор нарса, умумий халқаро қонун эса таги йўқ нарсасидир. Энди халқаро қонунни одамларга куч билан мажбурлаб ижро этиш масаласи қолди. Бунинг иложи йўқ. Чунки ижро этиш учун жаҳон салтанати, жаҳон давлати керак бўлади. Бу эса амри маҳол иш. Жаҳон давлати таги йўқ нарса. Агар икки ёки ундан ортиқ йирик давлатлар мажмуаси томонидан бўлса, у қонунни ижро этиш эмас, тажовузкорлик ҳисобланади. Негаки икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг бири қонунни бузса, қолганлари уни мажбурлаб ижро эттиролмайдилар. Чунки бундай қилиш уруш деганидир. Агар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг иккаласи ёки ҳаммаси қонуни бузишса, уларга ким уни ижро эттиртиради? Табиийки, ҳеч ким. Хуллас, кучли давлатларнинг қонунни кичик ёки кучсиз давлатларга ижро қилдириши халқаро қонунни ижро этиш эмас,

тажовузкорлик ҳисобланади. Мана шулардан очиқ кўриниб турибдики, умумий халқаро қонунни ҳамма давлатларга ижро эттириш - таги йўқ нарсa. Халқаро қонунни куч билан ижро этиш фикрини хаёлга ҳам келтирмаслик керак. Негаки у тажовузкорликдан ўзга нарсa эмас.

Мана шулардан кўриниб турибдики, халқаро қонуннинг бўлиши моҳиятан мумкин эмас. Давлатлар ўртасида битимлар, шу битимларга доир мажмуалар ўртасидаги уруш ва тинчлик муносабатларига доир урфлар бўлади, холос. Шунга биноан, агар халқаро жамоани юзага келтириш шарт бўлиб қолса, унинг фақат идорий қонунигина бўлади. Унинг иши халқаро урфларга ва уларга амал қилиниш-қилинмаслик жараёнига кўз-қулоқ бўлиб туришдан иборат бўлади. Халқаро битимлар, уларнинг тузилиши, ижро этилиши, таҳлил қилиниши кабилар ҳам шулар жумласига киради. Токи барча халқаро урфлар, халқаро жамоани ташкил қилувчи халқаро ҳамжамиятда пайдо бўлган урфларгина олинсин. Бу урфлар давлатлар чиқарган қарорлар билан пайдо бўлмайди. Бундай қилиш хато ва ўта зарарли. Улар давлатларнинг уларга рия қилишлари туфайли юзага келадилар. Яъни, улар узоқ муддат қабул қилиниб, ўрнашиб қолган урфлардир. Давлатлар ички туртки билан уларга амал қилиш вожиб, деб ишонадилар. Давлатларнинг уларга эргашиши урфга кирган норма, тамойил ёки тушунчанинг такрорланавериши маҳсулидир. Негаки одамларнинг шартли тарзда бир ишни тутишлари билангина у урфга айланавермайди. Умумий урфга айланиш учун такрорланиш шарт. Халқаро жамоа уни ташкил қилувчи давлатлар томонидан содир қиладиган халқаро тўқнашувлар ва зиддиятларни назорат қилганида мана шу умумий урфга эътибор бериши керак. Демак, халқаро тўқнашувлар бартараф этилаётганда ҳақиқий маънодаги халқаро урфга эътибор қаратилади. Бу халқаро урф куч орқали эмас, раъйи омм орқали, маънавий омил орқали ижро этилади. Чунки халқаро жамоада иштирок этувчи давлатлар фалон норма ёки фалон тамойил то уларнинг ўзи урфга айлангунига қадар - халқаро урф, деб қарор чиқармайдилар. Қарор чиқарилгач эса мазкур давлатлар бу урфга бўйсуниб, деб эътиқод қиладилар. Шунинг учун уни куч билан ижро этишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, урфга рия қилмаган давлатга қарши раъйи оммнинг кучи давлатларни моддий, ташқаридан мажбурлашдан кўра кўпроқ тарзда ичкаридан, ўз-ўзидан мажбурлайди. Мажмуанинг умумий урфга рия қилмагани туфайли танқидга учрашдан қўрқиши зўрлаб ижро эттирилишидан ҳавфсирашидан кўра таъсирлироқ бўлади. Шунинг учун жамоа

қарорларини ижро этиш назорати раъйи оммга, маънавий омилга қўйиб берилади ва мана шу уни ижро этиш йўли бўлади.

Энди оламнинг йирик давлатлар дастидан тортаётган машшаққатига келсак, бу офат давлатнинг йирик давлат бўлишидан эмас, ана шу йирик давлатнинг манфаатларни бўлиб олиш устида уюшишдан келиб чиқяпти. Балонинг боши мана шу уюшиш бўляпти. Шунга кўра, уни бартараф этиш учун эътиборни давлатнинг йирик давлатлигига эмас, йирик давлатларнинг уюшаётганига қаратмоқ лозим. Йирик давлатларнинг илк уюшмаси «Муқаддас иттифоқ» бўлганди. У манфаатларни ўзаро тақсимлаш, иттифоқчи шоҳларнинг тахтини мудофаа қилиш, бу шоҳлар ёки улар келишиб олган ишларга қарши чиқувчи ҳар қандай исён ҳаракатини бостириш, жаҳондаги хоҳлаган давлатга тинчликка ёки низомга рахна соляпсан, деган баҳона билан дахл қила олиш мақсадида тузилганди. Шунинг учун бу уюшма жаҳон учун ҳам, Европанинг ўзи учун ҳам бир фалокат бўлди. Тўғри, Европа халқлари унинг таъсир кучини синдира олиб, қўзғолонлар кўтардилар, қарорларини бекор қилдирдилар. Бироқ, манфаатларни тақсимлаб олиш учун йирик давлатларнинг уюшиш фикри ҳозирга қадар жаҳонда ҳукмронлик қилиб келяпти. Франция қўзғолон кўтариб, қиролликни ағдарди ва жумҳурият бўлганини эълон қилди. Белгия қўзғалиб, Голландиядан ажралиб чиқди ва мустақил бўлди. Немис халқи майда давлатчаларга бўлиниб ётарди. Уларга барҳам бериб, Германия бирлигини барпо қилди. Буларнинг ҳаммаси беш подшоҳ уюшмасига қарши қилинган ишлар эди. Кейинчалик бу йирик давлатларнинг ўзлари низомларини ўзгартириб, халқаро блок фикрини маҳкам ушлай бошладилар. Биринчи жаҳон урушига, Иккинчи жаҳон урушига ҳам олиб борган омил мана шу блок бўлди.

Тўғри, Америка ва Совет иттифоқи биргаликда иттифоқ тузиб, икки лагерни, яъни капиталистик ва коммунистик лагерларни йўқ қилиб, учинчи жаҳон уруши хавфини бартараф қилдилар. Хрушчёв билан Кеннеди 1961 йил Венада шу ҳақда битим тузишди. Бироқ, улар бу ишни янги уюшма орқали амалга оширишди. Шунинг учун улар йирик давлатлардаги уюшиш фикрини ҳал қилган ҳисобланмайдилар. Аксинча, улар бу уюшмани янги бир уюшиш орқали ўз манфаатлари томон буриб, янги бир хавфни пайдо қилдилар. У жаҳоннинг икки гигант давлат ўртасида тақсимланишидан иборатдир. Хуллас, улар халқаро уюшишни ҳал қилиш ўрнига бадтар чигаллаштириб юборишди, мустаҳкам уюшмага айлантиришди. Майда давлатларнинг ўз масалаларини

ҳал этишда шу икки давлат ўртасидаги иттифоқдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилишди. Бу икки гигантнинг уюшиши оқибатида халқаро сиёсат учун улкан хавф туғилди.

Шундай қилиб, қаерда уюшиш бўлса, ўша ерда тинчликка ва кичик ёки катта бўлишидан қатий назар, бошқа давлатларга хавф туғилади. Уюшма анъанавий суратида бўладими, ҳозирги суратида бўладими, фарқи йўқ. Анъанавий уюшма давлатлари ўлжаларни ўзаро тенгма-тенг тақсимлаганлар. Ҳозирги уюшмада эса биринчи йирик давлат (АҚШ) уюшмадаги бошқа давлатларни биринчи навбатда ўзининг манфаатларини амалга оширишларига бўйсундиради. Ўлжаларнинг ҳаммасини ёки кўпрогини ўзи олади. Уюшманинг бошқа аъзоларига ушоқлар қолади, холос. Иккинчи Кўрфаз урушидаги халқаро иттифоқда шундай бўлганди. Ўтган асрнинг 90-йиллар бошида Ироқ Қувайтни босиб олди. Кейин Америка унга қарши ваҳшиёна ҳужум бошлади. Ўттизга яқин давлатни ўз атрофида уюштирди. 2003 йилнинг бошларидаги Ироққа қарши ҳужумида ҳам шундай бўлди. Турли хил иттифоқлар номи остида Америка ўзи билан бирга Ироққа ўттизга яқин давлатни олиб кирди.

Қандай суратда бўлмасин, барча уюшмалар халқаро майдонга ёвузликни, зўравонликни олиб кирадилар. Шунга биноан халқаро уюшма тушунчасини тез ҳал қилиш лозим. У фақат йирик давлатлардан тузиладими, майда ва йирик давлатлардан тузиладими, фарқи йўқ.

Хўш бу иш қандай ҳал қилинади? Бунинг учун тушунчани таг-томири билан ўзгартиришдан бошқа йўл йўқ. Негаки инсоннинг ҳаётдаги ишлари ўзининг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига қараб шаклланади. Шундай экан, аввало халқаро уюшиш фикридаги йирик давлатлар халқларининг тушунчасини ўзгартириш лозим. Шундан кейин халқаро уюшмаларни йўқ қилишга ўтилса бўлади. Модомики шу тушунча ўзгартирилмас экан, жаҳоннинг йирик давлатлар дастидан машаққат чекиши давом этаверади. Давом этаверадигина эмас, бадтарлашади ҳам. Тушунчани ўзгартириш йўли эса уюшмаларга қарши халқаро раъйи оммни юзага келтиришдир. Ҳал қилишнинг ягона йўли - мана шу. Бунга далил шуки, XIX асрда каттаю кичик барча Европа давлатлари кучсиз давлатларни мустамлака қилиш билан фахрланардилар. Шу ишда жинниларча ким ўзар ўйнардилар. Британия, Голландия, Германия, Белгия, Франция, Испания - ҳамма-ҳаммаси мустамлакачиликка муккаларидан кетишганди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Россияда коммунистик давлат барпо бўлгач, мустамлакачиликка

қарши курашиш фикрини қабул қилди. Шиддат билан унга қарши ҳужум бошлади. Дунё халқларини мустамлакачиларга қарши ундади. Иккинчи жаҳон уруши билан бирга жаҳонда мустамлакачиликка қарши кескин раъйи омм юзага келди. Шунинг учун БМТ уставига жаҳонда мустамлакачиликни тугатишга тааллуқли бандлар киритилди. Озодлик фикри кенг ёйилди. Мустамлакачи давлатлар мустамлакачиликдан чекинишди. Умумжаҳон раъйи омм босими остида мустамлака халқларга озодлиги ва мустақиллигини беришга мажбур бўлишди. Тўғри, айрим давлатлар бу билан мустамлакачилик шаклини ўзгартирдилар, холос. Нима бўлганда ҳам раъйи омм мустамлакачилик ҳақидаги нуқтаи назарни ўзгартира олди. Йирик давлатлар, тўғрироғи йирик давлатлар уюшмасига нисбатан ҳам шундай ҳол юз берди. Шунинг учун йирик давлатлар уюшмасидан машаққат чекаётган, балоларга йўлиқаётган халқлар йирик давлатлар блоки тушунчасига қарши то уни йўқ қилгунларига қадар тиш-тирноқлари билан курашишлари лозим. Лекин бу тушунчани батамом йўқ қилиш учун шундай мафкурадаги кучли давлат керак. Модомики ҳозирги йирик давлатлар ўз манфаатларига хизмат қилдириш учун шу фикрни турли томондан қувватлаб туришар экан, унинг дастидан эзилаётган халқлар кучли давлатни барпо қилмагунларича уни йўқ қила олмайдилар. Башариятни бу балодан халос этувчи ёлғиз халоскор Исломиёв давлат бўлса ажаб эмас.

Энди халқларнинг бойликларини тортиб олиш, ўзларини хор қилиш масаласига ўтамиз. Гарчи дунё унга қарши сезиларли қадам ташлаган бўлса-да, у заиф халқларни қийновчи маҳаллий ва умумжаҳон барқарорлигига раҳна солувчи ишларнинг олдинги сафида тургани аниқ. Йиллаб давом этган ҳозирга қадар мустамлакачилик минтақаси бўлиб келаётган Конго муаммоси, ҳозирги Яқин шарқ танглиги мустамлакачиликнинг барқарорликка тугдираётган хавфи намуналаридан бошқа нарса эмас. Шунинг учун мустамлакачилик муаммосини ҳал қилиш жуда зарур.

Мустамлакачилик капиталистик мабданинг таркибий қисмидир, яна ҳам тўғрироғи, капитализм мафкурасининг ижро этиш йўлидир. Шунга кўра уни узил-кесил ҳал қилиш учун капиталистик мабдага қарши курашиб, уни қулатмоқ даркор. Шунинг учун барча ҳаракатлар капиталистик мабдани тугатишга сафарбар қилиниши керак. Коммунизм капиталистик мабдага қарши курашиш ва мустамлакачиликни ҳал қилиш учун маълум масофани босиб ўтди. Бироқ, унинг мафкураси хато, ҳаракатлари пала-партиш эди. Динни

давлатдан ажратиш эътиқодига қарши моддий ривожланиш ақидаси билан чиқди. Бу ақиданинг ўзи хато, инсон табиатига тўғри келмайди. Шунинг учун капиталистик жамиятлар уни қабул қилишмади. Капитализм мафқурасидаги шахсларнинг ҳаёт йўлларига таъсир қилмади. Негаки моддий ривожланиш эътиқодидаги кишига динни давлатдан ажратиш мафқураси татбиқ қилинишининг зиёни йўқ. Зеро, динни давлатдан ажратиш эътиқодини Худонинг борлигини тан олувчи ҳам, инкор қилувчи ҳам қабул қилаверади. Чунки у иймонни ҳам, иймонсизликни ҳам англамайди. Давлат ишларига динни аралаштирмасликни билдиради, холос. Бу нарса моддий ривожланиш эътиқодидаги одамнинг ҳаёт йўлига таъсир қилмайди. Шу туфайли коммунистик эътиқод капиталистик жамиятларга таъсир ўтказолмади. Уларда ҳеч қандай ўзгариш ясолмади. Коммунизмнинг капитализмга қарши туриши Карл Маркс ва ундан кейинги коммунист файласуфлар фикрлари билан бошланган. Шахслар, жамоалар бу фикрларни қабул қилишган, бироқ ўқиб ўрганишнинг ўзи билан бутун бошли халқ уни қабул қилиб олавермаган. Бунинг устига унинг коммунистик давлат сифатида шаклланиш йўли хато, ҳаёлий йўл бўлган. У давлат курашини давлатсизликка олиб борувчи йўл, деб билгани учун хатодир. Умумжаҳон инқилобини ясамоқчи бўлгани учун ҳаёлийдир. Саноати ривожланган халқлардан бошлаб, бутун оламга омалаштирмоқчи бўлди. Шунинг учун Ленин уни изоҳлаш баҳонаси билан унга амал қилмасликка мажбур бўлиб, коммунистик давлатни Россияда қурди. Ўша пайтда Россия саноат жиҳатидан Европадан қолақ эди. Орадан 30 йилдан ошиқроқ вақт ўтиб, Лениннинг издошлари энг йирик мустамлакачи давлат Америка билан, яъни мустамлакачилик билан иттифоқ тузишди. Оқибатда коммунизм батамом қулади. Асосий коммунистик давлат йўқ бўлди. Кўзлаган ғоялари пучга чиқди. Шунга кўра, капитализмга қарши курашиш ва мустамлакачиликни тугатиш учун бошқа йўл қидириш керак. Бу ишга ёлғиз Ислом қодир. Мустамлакачиликни йўқ қилиш, капитализмни қулатишнинг ягона чораси фақат удир. Бунинг учун коинот, инсон ва ҳаёт хусусидаги умумий фикрни умумжаҳон музокара майдонига олиб чиқиш ва халқаро урфни ихтиёрий тарзда ижро этиш асосига қурилган халқаро жамоа уставига киритиш лозим. Коинот, инсон ва ҳаёт хусусидаги умумий фикрнинг умумжаҳон миқёсда муҳокама этилиши тушунчаларни ўзгартиради. Хатоларни тузатиб, халқаро урфни ўнглайди. Мустамлакачилик ҳаёт ҳақидаги муайян нуқтаи назардир. Модомики шу нуқтаи назар ўзгармас экан, у ҳеч қачон

бархам топмайди. Тўғри, мустамлакачиликка қарши жаҳонда юзага келган халқаро раъйи омм унга таъсир қилди. Бироқ, уни тугатолмади, заифлаштиролмади ҳам. Унинг услуби ўзгарди холос. Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги давлатлар, гарчи шаклан мустақил бўлсалар-да, ҳамон мустамлакалардир. Бу мустамлакалар инқилоблар, маҳаллий ва халқаро урушлар билангина озодликка эришадилар. Модомики жаҳондаги йирик давлатлар мустамлакачиликни мафкура сифатида қабул қилар эканлар, бу мафкурани - ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарни уларнинг дилларидан суғуриб олмай туриб, мустамлакачиликни йўқотиб бўлмайди. Тўғри, мустамлакачиликка моддий қаршилик кўрсатиш, раъйи оммнинг унга доим қарши туриши, шу йўлда тинимсиз куч сарфланиши лозим. Бироқ, шунинг ўзи масалани ҳал қилмайди. Масала ҳал бўлиши учун Ислом коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий фикр сифатида умумжаҳон миқёсда муҳокама майдонига олиб чиқилиши, барча миллат ва элатлар уни олиши, барча давлатлар ўртасида, хусусан халқаро жамоада татбиқ этилиши лозим. Мустамлакачиликни йўқ қилишнинг ягона чораси мана шу. Уни амалда татбиқ этиш халқаро майдонда кучли Исломий давлат қад кўтариши билангина амалга ошади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, оламни бахтсиз қилаётган, унинг бахтга элтувчи йўлини тўсаётган бало мана шу уч нарсадир ва уларни бартараф этиш кайфияти мана шудир. Бироқ, шу масалани ҳал этишнинг ўзи билан урушлару изтироблар, халқаро тузоқлару сиёсий найранглар, ифлос ўйинлар тўхтаб қолмайди. Бор-йўғи уйғониш оғир кечаётган жамойй босинқираш бархам топади холос. Давлатлар ўртасидаги кураш табиийдир. Давлатларнинг урушлар чиқариши табиийдир. Уларнинг манёврлар ва ҳийла-найранглар қилиши ҳам табиийдир. Бироқ, улар айрим-айрим, ўз доирасидаги ишлар бўлади. Ўтган икки жаҳон урушидек, бутун дунёни урушга тортмайди. Худди ҳозиргидек давлатларнинг фикру ҳаёли ўзгалар қонини сўриш билан банд бўмайди. Ҳидоят ва залолат, эзулик ва ёвузлик, гўзаллик ва қабоҳат каби инсон табиатидаги нарсаларнинг униси ҳам, буниси ҳам бўлади. Йирик давлатлар уюшмаси, халқаро оила ва мустамлакачилик мафкуралари дастидан юз берганидек, ҳамма ёқни ёвузлик қоплаб олмайди. Шунинг учун асрлар оша оламга зуғум қилиб келаётган бу ёвузликка чек қўймоқ лозим. Бу ишга қодир давлатни - Исломий Халифалик давлатини барпо қилмоқ даркор.



ДУНЁ СИЁСАТИГА ТАЪСИР ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ

Шахсларнинг дунё сиёсатиغا, ҳатто партияларнинг давлатлар йўналишига таъсир кўрсатишига йўл бўлсин, ахир бу йўналиш бир неча аср давом этиб, томир отиб келди-ку, дейилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, шахслар ёки партиялар сиёсий ишларни кузатиб, халқаро сиёсатни тушуниб борар эканлар, бундан ақлий фойдаю фикрий хилма-хилликни, ўрганишу маълумот кўпайтиришни эмас, дунёни бошқаришни, унга таъсир ўтказишни кўзласинлар. Бир сўз билан айтганда, сиёсатчи бўлишни мақсад қилсинлар. Сиёсатчи ақллиларнинг ақллироғи бўлганда ҳам ақлий фойдани кўзламасин, мутафаккирларнинг мутафаккири бўлганда ҳам фикрий хилма-хилликка мойил бўлмасин. У ақлли ёки мутафаккир бўлгани учун эмас, сиёсатчи эканидан келиб чиқиб сиёсатни ўргансин, халқаро позиция ва халқаро вазиятни тушунсин, халқаро сиёсатни кузатиб борсин. Дунёни бошқариш учун, бошқачароқ қилиб айтганда, халқаро сиёсатга таъсир ўтказиш учун ҳаракат қилсин. Бу бир томондан. Иккинчи томондан у ҳаракат қилар экан, ўзини ёлғиз эмас, умматнинг бир бўлаги деб, давлат ичидаги жон, деб тасаввур қилади. Гарчи у давлат сиёсатини маъқуллайдиган ёки ижро этадиган кишилар жумласидан бўлмаса ҳам, лекин маъқуллашга ёки ижро этишга интиладиган кишилардан бўлади ёки маъқуллаётган ва ижро қилаётганларни муҳосаба қилади. Шу билан ҳатто маъқуллаш ёки ижро этиш салоҳиятларига эга бўлмаган якка шахс бўлса ҳам халқаро миқёсда таъсир ўтказа олади. Негаки ўзига ўхшаганлардан таркиб топувчи давлат ўшалар орқали таъсир кўрсатади. Тўғрироғи, у ва у кабилар ўз давлатини халқаро сиёсатга ва халқаро позицияга таъсир ўтказадиган мақомга олиб чиқиш учун ҳаракат қиладилар. Сиёсий тушунчалар самараларидан нима мақсад кўзланишини мана шундан билиб олса бўлади. Кўзланган мақсад эса, дунёда юз бераётган сиёсий ишларни идрок қилувчи сиёсий онгли шахсларни етиштириб чиқариш орқали давлатни халқаро сиёсатга ва халқаро аҳволга таъсир ўтказа олиш мақомига олиб чиқишдир. Шунга кўра, халқаро сиёсат ва халқаро позицияга таъсир ўтказишнинг илк қадами сиёсий тушунчаларни сайқаллашдир. Бу иморатнинг илк гишти шахсларни сиёсий ишларни кузатиб боришга, халқаро сиёсатни тушунишга ундашдир. Лўнда қилиб айтганда, дунё сиёсатидаги сиёсатчиларни етиштириб чиқаришдир. Шундай қилинса, давлатнинг халқаро сиёсати ва халқаро позицияга таъсир

Ўтказиши ўз-ўзидан, табиий равишда пайдо бўлади. Сиёсий тушунчаларнинг қанчалар зарурлиги, қанчалар муҳимлиги мана шундан кўриниб турибди. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, халқаро муносабатсиз ҳеч бир давлат халқаролик мақомига чиқмайди. Жамиятдаги шахс бошқалар билан муносабатга киришмагунча ўз ўрнини тополмайди. Унинг жамиятдаги ўрни айнан мана шу муносабатларга ва одамлар ўртасидаги алоқаларга таъсир ўтказа олиш кучига қараб белгиланади. Худди шу каби давлат ҳам бошқа давлатлар билан бўладиган муносабатларга қараб ўз ўрнини топади. Унинг обрўси шу муносабатлар ва халқаро муносабатларга таъсир ўтказа олиш кучига қараб белгиланади. Ислон давлати мабдаий давлатдир. Унинг асл вазифаси Ислоний даъватни жаҳонга олиб чиқишдан иборатдир. Шундай экан, унинг халқаро мақомга эга бўлиши ва халқаро муносабатларга таъсир ўтказиши шарт, яна ҳам тўғрироғи, шундай бўлиши унинг таркибий қисмидир. Шунинг учун мусулмон сиёсатчиларнинг сиёсий тушунчалари маҳаллий ёки иқлимий эмас, халқаро сиёсатга оид бўлсин. Бошқачароқ қилиб айтганда мусулмон сиёсатчи сиёсатга маҳаллий ёки иқлимий жиҳатдан эмас, халқаро жиҳатдан ёндашсин ва уни шундан келиб чиқиб тушунсин. Хуллас, давлат Ислоний давлат бўлиши учун улар мукамал сиёсий онгга эга бўлишлари шарт. Ўзларининг ислонийликлари, унинг асл ва асосий вазифаси ислоний даъватни жаҳонга олиб чиқиш эканлиги уларнинг сиёсий онгга эга бўлишларини ва бу сиёсий онгнинг мукамал бўлишини тақозо қилади.



СИЁСИЙ ОНГ

Сиёсий вазиятларни, сиёсий ҳодисаларни, халқаро позицияни англаш, халқаро сиёсат ва сиёсий ишларни кузатиб бориш - гарчи сиёсий онгни такомиллаштирувчи омиллардан бўлса-да, сиёсий онгнинг ўзи эмас. Сиёсий онг оламга маълум бир нуқтаи назардан қарашдир. Бизнинг нуқтаи назаримиз Исломиий ақида нуқтаи назаридир,

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ»

«Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Муҳаммад Оллоҳнинг пайгамбаридир»
нуқтаи назаридир.

«أَمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ، فَإِذَا

قَالُوهَا عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا»

«То одамлар Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг пайгамбари, дегунларича улар билан жанг қилишга буюрилдим. Шуни айтсалар, жонлари ва молларини мендан сақлаб қоладилар. Ҳақли тарзда бўладиган ҳолатлар бундан мустасно». Сиёсий онг мана шу. Жаҳонга маълум бир нуқтаи назардан қарамаслик сиёсий онг йўқлиги эмас, юзакиликдир. Маҳаллий ёки иқлимий майдонга назар ташлаш билангина чекланиш сиёсий онг эмас, саёзликдир. Хуллас, сиёсий онг бўлиши учун икки унсур зарур: Биринчидан, бутун жаҳонга, иккинчидан, маълум нуқтаи назардан назар ташлаш. Нуқтаи назар қандай бўлишининг фарқи йўқ. У муайян бир мабда бўлиши ҳам, маълум бир мафкура бўлиши ҳам, бошқаси бўлиши ҳам мумкин. Сиёсий онг воқеи мана шудир. Мусулмоннинг нуқтаи назари исломий ақида экани табиий. Сиёсий онг мана шу. Модомики унинг воқеи мана шу экан, сиёсатчининг гарданига қаерда бўлишидан қатъий назар инсоннинг инсон сифатидаги ҳаёт ҳақидаги тушунчасини шакллантириш йўлидаги кураш мажбуриятини юклаши табиий. Шу тушунчани шакллантириш сиёсий онгли шахснинг бирламчи вазифасидирки, уни бажариш машаққатсиз, осон кечмайди.

Сиёсий онгли одам ўз йўналишига зид бўлган барча йўналишларга, ўз тушунчаларига зид бўлган барча тушунчаларга қарши тинимсиз жанг қилиши, айти пайтда тушунчаларни марказлаштириш ва йўналишини мустаҳкамлаш учун курашиши

лозим. У бир вақтнинг ўзида икки йўналишда иш олиб боради. Улар бир-биридан қилча ҳам ажралмайдилар. Негаки улар битта нарсадир. У бир вақтнинг ўзида ҳам бузади, ҳам тузади. Зулматни ҳайдайди, нурни чорлайди. «У бир оловки фасодни куйдиради, у бир нурки, ҳидоят йўлини ёритади». Тушунчаларни марказлаштириш, йўналишларни мустаҳкамлаш, ҳодисаларга фикр билдириш, мавҳумлик ва мантиқдан қочиш билан бирга йўналишларга қарши жангга киради. Ҳаёт ҳақидаги тушунчасига ҳужум қилувчи зарбаларга қарши, тубан асрларнинг тубан тушунчаларига қарши, душманларнинг фикрлару нарсалар борасида чалгитувчи игволарига қарши ва узоқни кўзловчи буюк гоёларнинг оний, жузъий мақсадлар қолипига тиқилишига қарши кураш олиб боради. У икки фронт - ички ва ташқи фронтларда жанг қилади. Икки йўналиш - бузиш ва тузиш йўналишларида курашади. Икки соҳа - сиёсат ва фикр соҳаларида иш олиб боради. Хуллас, у ҳаётнинг энг олий, энг юқори майдонларида жанг қилади. Шунинг учун воқе, одамлар ва ҳаёт қийинчиликлари билан тўқнашилганда онглиларнинг муаммоларга дуч келиши табиий. Ички-маҳаллий соҳада бўладими, халқаро-умумжаҳон соҳада бўладими, фарқи йўқ. Мана шу дуч келишда унинг ўзи кўтариб чиққан рисолатни ва ўз тушунчасидан келиб чиқиб, оламга назар ташлаётган нуқтаи назарни асос қилиб, ҳакам қилиб, гоё қилиб, мақсад қилиб олишга қодирлиги намоён бўлади. Шунга ҳам эътибор бериш керакки, онгли шахс табиий ёки мабдаий бўлишидан қатъий назар, аниқ бир нуқтаи назардан қараши, муайян диди ва маълум майли борлиги туфайли ўзига маҳкам бўлмаса, ҳақиқатларга ҳавойи нафсига қараб ранг бериши, фикрларини хоҳишига қараб таъвил қилиши, хабарларни ўзи истаётган натижага мослаб тушуниши хавфи бор. Шунинг учун майлларининг фикрлару хабарларга ҳукмрон бўлиб олишидан эҳтиёт бўлиши керак. Одам ўзига, ҳизбига ёки мабдаига бўлган рағбати туфайли ёлгонни рост деб, ростни ёлгон деб ўйлаши ва таъвил қилиши мумкин. Шунинг учун онгли одам гапириляётган гапни, қилинаётган ишни аниқлаб олиши лозим. Масалан, воқеларни - нарсалар бўлсин, ҳодисалар бўлсин, қандай бўлса ўшандай - ўзи хоҳлагандай эмас, сезги орқали идрок қилсин, мантиқий жиҳатдан ҳам ҳис қилсин. Фикрларни ҳам қандай бўлса, ўшандай тушунсин. Миясидаги фикрни ташқарига олиб чиқиб, уни ифодалаётган воқени қалб кўзи билан кўрсин. Кейин истагига мослаштириб эмас, қандай кўрган бўлса, ўшандай англсин. Тўғри, ибора мажоз, истиора, киноя бўлиши ҳам

мумкин. Гоҳида шундай жумла бўлиши ҳам мумкинки, жумлалигича, керакли маънони беради. Уни ҳосил қилувчи лафзлар айри-айри ҳолда бутунлай бошқа маънони англатади. Бироқ, бу нарса уни ташқарига чиқишдан, худди луғатдагидек, луғатшунослар талқинидагидек далолат қилаётган воқени кўришдан қайтармайди. Хуллас, сиёсий онгли одам ҳақиқат тарафдори бўлиши, айни пайтда ўзи қатъий ишонч ҳосил қилган нуқтаи назарга қараб иш тутиши лозим. У ҳақиқатларни қандай бўлса ўшандай кўриши, айни дамда ўзининг ҳиссий ёки фикрий қарашига асосланиши даркор. Шу билан онг камол топади. Ундаги тадаббур воситалари тўла бўлади. Шуни ҳам назардан қочирмаслик лозимки, ундаги қараш, идрок, ҳис ва тушунишлар асосини ҳар доим оламга маълум нуқтаи назардан қараш ташкил қилиб бориши керак.

Шу ерда бир савол туғилиши мумкин. Сиёсий онгли шахснинг ҳақиқат тарафдори бўлиши, ҳақиқатларни қандай бўлса ўшандай кўриши билан жаҳонга маълум бир нуқтаи назардан қараши бир-бирига қандай тўғри келади? Бундай савол ишларга юзаки қарашдан туғилади. Агар чуқур қаралса, бундай саволга ҳожат қолмайди. Негаки нарсаларнинг воқеи билан улар устидан ҳукм чиқариш ўртасида фарқ бор. Нарсалар воқеини ҳамма бир хил тушунади. Одамлар ўртасида бу хусусида ҳеч қандай зиддият йўқ. Масалан, кўз билан кўриладиган нарсани ҳамма кўзи бор одам бир хил кўради, фақат чалғитилса, гипноз қилинса бошқачароқ кўриши мумкин. Ҳисга алоқадор нарсаларни - аччиқ-чучук каби таъмга алоқадор бўладими, юмшоқ-дағал каби ушлашга алоқадор бўладими, овозлар каби эшитишга алоқадор бўладими, бўйлар каби ҳидлашга алоқадор бўладими, ҳамма одам бир хил сезади. Бироқ улар устидан ҳукм чиқариш борасида одамлар ҳар хил. Оламга маълум нуқтаи назардан қараш нарсалар ва ишлар устидан ҳукм чиқаришга алоқадордир. Ҳақиқатларни қандай бўлса, ўшандай кўриш эса ҳис ва идрок қилишга тааллуқлидир. Шунинг учун ҳақиқатларни қандай бўлса ўшандай кўриш, ҳақиқат тарафини олиш ва айни пайтда жаҳонга, ундаги ҳодисалару нарсаларга муайян нуқтаи назардан қараш лозим.

Хўш бу нарса дунё сиёсатига қандай тўғри келади? Айрим мисоллар келтириш сиёсий ҳодисаларга муайян нуқтаи назардан қараш қандай бўлишини кўрсатиб беради. Шунинг учун Пайғамбар ﷺ сиёсатларидан, ўрта асрлар сиёсатидан ва ҳозирги сиёсатдан айрим мисоллар келтирайлик. Пайғамбар ﷺнинг оламга назар ташлайдиган муайян нуқтаи назарлари даъватни ёйиш

бўлган. Жазирадаги энг йирик давлат ҳисобланган Қурайш шу даъватга қарши турувчи қуфрбоши эди. Пайғамбар ﷺ сиёсий ва ҳарбий ишларни кўз ўнгиларига келтириб, Қурайшни пойлаш, тижорати йўлини тўсиш ва у билан жанг қилиш учун айғоқчиларни юбордилар. Бошқа давлатларнинг - қабилаларнинг эса томошабин бўлиб, яъни бетараф туришлари билан кифояланардилар. У кишининг сиёсий ва ҳарбий ишлари оламга муайян нуқтаи назардан қарашларидан келиб чиқарди. Ҳайбарнинг Қурайш билан Мадинага бостириб бориб, Муҳаммад ﷺни қулатиб, Исломни йўқ қилиш учун ўзаро битим тузиш ҳақида музокара олиб бораётганларидан хабар топгач, ишнинг тамал тоши сифатида Қурайш билан сулҳ тузиб, Ҳайбарни йўқ қилиш учун қўлларини бўшатдилар. Модомики ўз ғояларини амалга ошириш йўлидан борар эканлар, мана шу муайян нуқтаи назар билан келгуси ишларига тинчлик сиёсатини асос қилиб олдилар. Шу даврдаги барча ишлар: умрага боришлари, Қурайшнинг қарши чиқишига рози бўлишлари, унинг саркашликларига мулоимлик билан жавоб қайтаришлари, саҳобаларига қарши чиқишлари ва бошқалар мана шу тинчлик сиёсатига асосан қилган ишлари эди. Душман билан олиб бораётган сиёсий ишларга қарашлари махсус нуқтаи назар ва унинг тақозосидан келиб чиқарди.

Пайғамбар ﷺнинг ишларидан олинган бу икки мисолнинг бири умумий, иккинчиси эса хусусийдир. Умумийси махсус нуқтаи назарга биноан душманбоши ҳисобланувчи йирик давлатга қарши марказлашиш бўлса, хусусийси муайян мақсадга марказлашиб, уни махсус нуқтаи назарга айлантиришдир. Сиёсий ва ҳарбий ишларга мана шу нуқтаи назардан қарай бошладилар. Сиёсий ҳодисаларга махсус нуқтаи назардан қараш қандай қилиб ишларни бошқариши ва у бўлмаганида ишлар ўз мазмунини йўқотиши мана шундан кўриниб турибди.

Йирик давлатларнинг ҳаммаси Берлин анжуманидан кейин Усманий давлатини йўқ қилишни эмас, унинг, яъни Ислом давлатининг бойликларини талашни ўзларига нуқтаи назар қилиб олдилар. Ҳолбуки, улар икки ишни бирданга ўрганиб, иккисини қилишга қарор қилгандилар. Лекин уни нуқтаи назар қилиб олмагандилар. Шунинг учун уларнинг ҳамма ишлари мана шу нуқтаи назарга мослашди. Бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида бир-бирлари билан сиёсий жангга кирдилар. Гарчи жанг Ислом давлатининг қулаши билан ниҳояланган бўлса-да, бироқ бу иш уларнинг ҳодисалар ва сиёсий ишларга баҳо берадиган тамал тоши эмасди. Улар ўз сиёсатларига ва сиёсий ишлар ҳақидаги

қарашларига ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб баҳо берардилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка «Дунё бир ширкатдир, бу ширкатдаги акцияларнинг энг кўп қисми Американикидир, шунинг учун уни бошқариш Америка қўлида бўлиши шарт», деди. Шу гапни ўзининг нуқтаи назари қилиб олди. Барча ишлари шу нуқтаи назарга қараб шакллана бошлади. Оламда рўй бераётган сиёсий ишларга мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳо беришга ўтди. Ҳудди шу нуқтаи назарга асосан Совет иттифоқи билан ўзаро битим тузди. Британияни ҳам, Францияни ҳам инкор қилди. Совет иттифоқи қулагандан кейин қараши ўзгарди. Британия билан Франциянигина эмас, бутун дунё давлатларини инкор қилишга ўтди. Шу қадар ўзидан кетдики, бутун олам давлатлари бир бўлиб тузган халқаро битимларни тан олмайдиган бўлиб қолди. Киото битимидан чиқди. Миналарни олиб ташлаш, халқаро жиноятларни кўриб чиқувчи судни ташкил қилиш ва бошқа битимларга қўшилишдан бош тортди. Унинг нуқтаи назари тинчлик асосида мен билан битим тузадиган қолмаган, мен ягонаман деган фикр бўлиб, бошқа йирик давлатларга нисбатан ўзини улуғроқ ва назоратчидек тута бошлади.

Жаҳонда рўй бераётган сиёсий ҳодисаларга муайян нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳо бериш тарзи мана шу. Бу нуқтаи назар даъватни ёйишни ташқи сиёсатга асос қилиб олиш каби умумий бўладими, устидан ғолиб чиқсак оламга чиқишимизга йўл очиладиган бир муайян давлатгагина душманлик қилиш каби хусусий бўладими, ўзининг кимлигини бошқа давлатларга намуна қилиб кўрсатиш учун муайян сиёсий жангга кириш каби ўта хусусий бўладими, фарқи йўқ. Хуллас, сиёсий ишлар ва ҳодисаларга муайян нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳо бериш осон иш. Бунинг учун сиёсат билан амалда шуғулланиш керак, холос. Ҳатто сиёсий ҳодисаларни чуқур тушунишнинг ўзи кифоя. Мана шулардан кўриниб турибдики, сиёсатни кузатиб бориш, сиёсий тушунчаларни идрок қилиш сиёсий онгнинг юзага келишига олиб бориши лозим. Сиёсий иш учун ҳам, сиёсий ҳодисаларга таъсир кўрсатиш учун ҳам сиёсий онг бўлиши шарт.

Йирик давлатларда сиёсий онг табиий нарсага, сиёсатчиларнинг нонига айланган. Шундай экан, Ислом умматининг - бўлажак Ислом давлатининг ўғлонлари аввало ўзларида сиёсий онгни шакллантириш, уни сиёсий ишларига асос қилиб олишлари, одамлар ўртасида кенг ёйишлари, жамиятдаги

табий нарсага, сиёсатчиларнинг кундалик нонига айлантиришлари лозим. Зеро, улар зиммасига юклатилган буюк топшириқ ва асл вазифа Исломий даъватни оламга олиб чиқиш, одамларга ҳидоятни етказишдир. Сиёсатчи бўлмасдан туриб, оламга муайян нуқтаи назардан қарамасдан туриб, мукамал сиёсий онгга эга бўлмасдан туриб бу ишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди.

Сиёсий онг уларга оғирлик қилиб қолмаслиги, уни заковатлилару зиёлиларгина ўзлаштира оладиган катта нарса деб ўйлаб қолмасликлари учун сиёсий онг уларга ўта содда қилиб ҳамма, ҳатто авом ҳам уни эгаллаши мумкин қилиб тушунтирилмоғи лозим. Зеро, сиёсий онг Исломнинг ҳаммасини ёки дунёга қараш учун керак бўладиган хос нуқтаи назарнинг ҳаммасини билиш, дегани эмас. У бор-йўғи билимнинг - оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар, оламга бир назар ташлаш ва шу назар ташлашнинг муайян бир нуқтаи назардан келиб чиқмоғидир. Демак, биргина сиёсий иш бўлса-да, оламга маълум нуқтаи назардан қаралса, шунинг ўзи сиёсий онгга, сиёсий онгни ифодалашга етарлидир.

Тўғри, сиёсий онг олам ҳақидаги, сиёсий ҳодисалар ҳақидаги, муайян нуқтаи назар ҳақидаги билимларга қараб кучли ва кучсиз бўлади. Бироқ, уларнинг ҳаммаси сиёсий онгдир, ҳаммаси натижа беради, ҳаммаси сиёсий юзакиликни бартараф қилади. Шунга биноан, сиёсий онг сиёсатчилар ёки мутафаккирларгагина хос эмас, уларгагина хос бўлиши мумкин ҳам эмас. У - ҳамманики. Ҳамманики бўлиши шарт ҳам. Уни олиму уламолар қандай ўзлаштира, авом ҳам ўшандай ўзлаштира олади. Яна ҳам тўғрироғи, бутун уммат уни ўзлаштириши шарт. Негаки уммат ҳақиқий эркакларни етиштириб чиқарувчи заминдир. Бу замин сиёсий онгни етиштириб чиқарадиган замин бўлиши шарт. Токи унда ҳақиқий эркаклар униб ўссин, токи ҳокимлар ҳисобга тортилсин, токи ҳақиқий эркакларнинг қадрига етилсин, токи ташқи хавф-хатарга онгли тарзда қарши турилсин!

Сиёсий онгни шахсларда ва умуман умматда пайдо қилиш йўли сиёсий маънодаги сиёсий сақофатлаштиришдир. Бу иш исломий фикрлару ҳукмларни ўргатиш орқали амалга ошадими, сиёсий ҳодисаларни кузатиш орқали амалга ошадими, фарқи йўқ. Исломий фикрлар ва ҳукмлар фақат назарий жиҳатдан эмас, воқеларга солиб ўргатилади. Сиёсий ҳодисалар журналист ва тадқиқотчи каби хабару маълумот йиғиш учун эмас, муайян нуқтаи назардан қаралиб, унинг устидан ҳукм чиқариш учун ёки

уни бошқа ҳодисалару фикрларга ё олдиндаги сиёсий ишларга боғлаш учун кузатилади. Мабда ва сиёсат билан сиёсий сақофатлаштириш - мана шу. Уммат ва шахсларда сиёсий онгни вужудга келтириш йўли ҳам - шу. Исломиё умматни даъватни оламга олиб чиқиш, одамларга ҳидоятни етказишдан иборат бўлган асл вазифасига ундовчи омил ҳам - шу. Шунинг учун сиёсий онгни уммат ва шахсларда вужудга келтиришнинг йўли сиёсий сақофатлаштириш бўлади. Шундан кўриниб турибдики, Ислом умматини кенг кўламда сиёсий сақофатлаштирамоқ лозим. Зеро, умматда сиёсий онгни пайдо қиладиган, уни кўп сонли моҳир сиёсатчиларни етиштириб чиқарувчи заминга айлантирадиган омил - мана шу.

**жумодус-соний 1425 ҳижрий
август 2004 милодий**

